

59
Суюн Қораев

ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМЛАРИ



Суюн Қораев

ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМЛАРИ

Тошкент шаҳри
Андижон вилояти
Бухоро вилояти
Жиззах вилояти
Навобий вилояти
Наманган вилояти
Самарқанд вилояти
Сирдарё вилояти
Сурхондарё вилояти
Тошкент вилояти
Фарғона вилояти
Хоразм вилояти
Қашқадарё вилояти
Қорақалпоғистон
Республикаси



“O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”

Давлат илмий нашриёти

Тошкент

К59 Кораев, Суюн.
Ўзбекистон вилоятлари топонимлари
 /С.Кораев; Масъул муҳаррир
 А.Муҳаммаджонов.–Т.: Ўзбекистон
 миллий энциклопедияси, 2005. –240 б.

ББК 81. 2(5y)–3

Масъул муҳаррир
Академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов

Мамлакатлар ўртасида ва мамлакат ичида иқтисодий, тижорий, таълимий ва туристик алоқалар авж олган сари хариталарга, географик объектларнинг сифатларини сир сақлаган топонимларга, уларнинг таркибидаги термин – сўзлар маъносига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Лекин, Республикамиз айрим вилоятларининг топонимлари шаклан ва мантиқан маълум даражада бошқаларникидан фарқ қилади. шуни эътиборга олган ҳолда ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон топонимлари айрим-айрим тартибда изоҳланди.

Китоб ўқитувчи ва талабаларга, турист ва мамлакат “ер тиллари”–топонимлари билан қизиқадиган барча китобхонларга мўлжалланган.

Ў 4602000000-493
 358-2005

ISBN 5–89890–105–1

© “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”
 Давлат илмий нашриёти, 2005

Сўзбоши

Географик номлар – ер-сув номлари, яъни топонимларни, уларнинг маъно-мазмуни, келиб чиқиши ва тарихини ўрганишга тобора кўп аҳамият берилмоқда. Ҳар бир топонимда қандайдир маъно – тарихий, лисоний маълумот яширинган. Чунки ҳар қандай географик ном қандайдир маънони англатади, афсуски, кўпгина ҳолларда топонимлар ҳозирги аҳоли учун тушунарсиз бўлиб қолган. Аслида маъносиз ном бўлмайди.

Жой номлари чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Жамият тарихида бўлиб ўтган хилма-хил воқеа-ҳодисалар жой номларида муҳрланиб қолган. Кўпгина географик номлар жойларнинг табиий шароити (рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёлари), аҳолининг хўжалик фаолияти (машғулотлари)дан ахборот беради.

Ҳозирги жамиятни, замонавий цивилизацияни, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай алоқаларни географик номларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маданият ва фаннинг ривожланиши, тобора авж олаётган халқаро алоқалар тилимизда географик номларни борган сари кўпроқ ишлатишни тақозо қилади. Бу топонимларнинг фақат бир жиҳати – адреслик функциясидир.

Ер куррамизда ҳар қандай географик объектнинг ўз адреси бор. Ҳар бир киши учун бу адрес туғилиб ўсган жойидан бошланади.

Топонимларнинг аҳамияти шундангина иборат эмас. Бундай деб тушуниш географик номлар мазмунининг қирраларини ва хилма-хил ахборотлар манбаи эканлигини кўрсата олмайди. Географик номлар – топонимия асрлар оша халқ ижодининг бебаҳо мевасидир.

Географик номлар хилма-хил тарихий шароитлар ва тиллар такомилининг маҳсулидир. Шунинг учун ҳам тарихчилар, археологлар ва этнографлар топонимикага тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Географик номлар ўтмиш даврларда аҳолининг силжиши ва кўчиши, ўзаро мулоқотлари, эл-элатлар яшаб ўтган худудлари тўғрисида тасаввур бериши мумкин.

Дунёда қанча географик ном борлигини ҳеч ким билмайди. Майдон деярли Ўзбекистон худудига тенг бўлган Швецияда 12 миллиондан ортиқ топоним аниқланган. Катта-кичик барча географик объектларнинг номлари синчиклаб ҳисобга олинса, Республикамизда ҳам жой номлари ундан кам эмас. Фақатгина

К59 Қораев, Суюн.
Ўзбекистон вилоятлари топонимлари
 /С.Қораев; Масъул муҳаррир
 А.Муҳаммаджонов.–Т.: Ўзбекистон
 миллий энциклопедияси, 2005. –240 б.

ББК 81. 2(5y)–3

Масъул муҳаррир
Академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов

Мамлакатлар ўртасида ва мамлакат ичида иқтисодий, тижорий, таълимий ва туристик алоқалар авж олган сари хариталарга, географик объектларнинг сифатларини сир сақлаган топонимларга, уларнинг таркибидаги термин – сўзлар маъносига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Лекин, Республикамиз айрим вилоятларининг топонимлари шаклан ва мантиқан маълум даражада бошқаларникидан фарқ қилади. шуни эътиборга олган ҳолда ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон топонимлари айрим-айрим тартибда изоҳланди.

Китоб ўқитувчи ва талабаларга, турист ва мамлакат “ер тиллари” –топонимлари билан қизиқадиган барча китобхонларга мўлжалланган.

Ў 4602000000-493
 358-2005

ISBN 5–89890–105–1

© “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”
 Давлат илмий нашриёти, 2005

Сўзбоши

Географик номлар – ер-сув номлари, яъни топонимларни, уларнинг маъно-мазмуни, келиб чиқиши ва тарихини ўрганишга тобора кўп аҳамият берилмоқда. Ҳар бир топонимда қандайдир маъно – тарихий, лисоний маълумот яширинган. Чунки ҳар қандай географик ном қандайдир маънони англатади, афсуски, кўпгина ҳолларда топонимлар ҳозирги аҳоли учун тушунарсиз бўлиб қолган. Аслида маъносиз ном бўлмайди.

Жой номлари чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Жамият тарихида бўлиб ўтган хилма-хил воқеа-ҳодисалар жой номларида муҳрланиб қолган. Кўпгина географик номлар жойларнинг табиий шароити (рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёлари), аҳолининг хўжалик фаолияти (машғулотлари)дан ахборот беради.

Ҳозирги жамиятни, замонавий цивилизацияни, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай алоқаларни географик номларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маданият ва фаннинг ривожланиши, тобора авж олаётган халқаро алоқалар тилимизда географик номларни борган сари кўпроқ ишлатишни тақозо қилади. Бу топонимларнинг фақат бир жиҳати – адреслик функциясидир.

Ер куррамизда ҳар қандай географик объектнинг ўз адреси бор. Ҳар бир киши учун бу адрес туғилиб ўсган жойидан бошланади.

Топонимларнинг аҳамияти шундангина иборат эмас. Бундай деб тушуниш географик номлар мазмунининг қирраларини ва хилма-хил ахборотлар манбаи эканлигини кўрсата олмайди. Географик номлар – топонимия асрлар оша халқ ижодининг бебаҳо мевасидир.

Географик номлар хилма-хил тарихий шароитлар ва тиллар такомиленинг маҳсулидир. Шунинг учун ҳам тарихчилар, археологлар ва этнографлар топонимикага тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Географик номлар ўтмиш даврларда аҳолининг силжиши ва кўчиши, ўзаро мулоқотлари, эл-элатлар яшаб ўтган ҳудудлари тўғрисида тасаввур бериши мумкин.

Дунёда қанча географик ном борлигини ҳеч ким билмайди. Майдони деярли Ўзбекистон ҳудудига тенг бўлган Швецияда 12 миллиондан ортиқ топоним аниқланган. Катта-кичик барча географик объектларнинг номлари синчиклаб ҳисобга олинса, Республикамизда ҳам жой номлари ундан кам эмас. Фақатгина

шаҳар-қишлоқларнинг номлари 13 мингдан ошади. 1:200 000 масштабли географик хариталардаги рельеф шакллари – оронимлар б-н сув объектлари номлари (гидронимлар) сони 10 мингга боради. Биргина пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 3 мингдан ортиқ катта-кичик кўча мавжуд.

Географик номлар қадим замонлардан пайдо бўла бошлаган. Вақт ўтиши б-н топонимнинг шакл-шамойили, талаффуз қилиниши маълум даражада ўзгариб ҳам кетган. Географик номларнинг умри ҳар хил бўлади. **Хоразм, Самарқанд** каби топонимларнинг ёзма ёдгорликларда қайд қилина бошланганига 2 минг йилдан ошди, бошқа бир номлар, айниқса кичик объектларнинг номлари бир неча ўн йилдаёқ йўқолиб кетса-да, лекин кишилар хотирасида, ҳужжатларда сақланиб қолиши ҳам мумкин.

Тасодикий ва мазмунсиз ном бўлмайди, шунинг учун ҳам турли соҳа олимлари топонимларни ўрганишга катта умид боғлайдилар.

Рус олими Н.И.Надеждин 1837 йилдаёқ бундай деган эди: “Топонимика – бу Ернинг тили, Ер эса, шундай китобки, инсоният тарихи бу китобга географик номларда рақам қилинади”.

Топонимиканинг қадрига етган баъзи тарихчилар этногенез муаммоларини ҳал қилишда жой номлари ўнларча шаҳар харобалари ва кўҳна қабристонларга қараганда ёки қадимги муаллифларнинг узук-юлук матнларига нисбатан ишончлироқ эканини тан оладилар, бошқа бир олимлар “Ер тили” халқнинг ўз тарихи ҳақида тўқиб-чатиб ҳикоя қилганларидан кўра кўпроқ маълумот бера олади, дейдилар.

Топонимик материаллардан маълум бўлишича, муайян ҳудуднинг топонимияси бошқаларининг топонимларидан ҳам лексик, ҳам фонетик жиҳатидан озми-кўпми фарқ қилади. Бундай ҳолларда Республикамиз ҳудудини топонимик жиҳатдан районлаштириш зарурияти туғилади. Бирок Республикамизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши бу соҳада бизнинг мушкулумизни осонлаштиради, чунки Республикамиз субъектлари – ҳар бир вилоят, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси табиий шароити, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, этнографияси, географик терминлари, бинобарин топонимияси жиҳатидан бошқалардан бир қадар ажралиб туради. Ана шуларни ҳисобга олиб, ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси топонимларини алоҳида изоҳлашни маъқул кўрдик. Ўзбекистоннинг ҳудудий топонимияси изоҳини пойтахтимиз Тошкентнинг шаҳар ичи топонимик номларидан бошлашни лозим топдик.

Суюн Қораяев.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТОПОНИМЛАРИ



Шаҳарни давлат ичидаги давлат дейишади. Ҳар бир шаҳар ўзи бир дунё. Шунинг учун бўлса керак, шаҳар сўзи санскритчада “подшоҳнинг қароргоҳи” маъносини англатади. Шаҳар ҳам одамга ўхшайди. Ҳар бир шаҳарнинг ўз киёфаси, ўз тарихи ва қисмати бор. Маълум ва машҳур шаҳарлар билан бир қаторда кичик шаҳарлар ҳам мавжудки, уларни кўпчилик билмаслиги ҳам мумкин. Ҳар қандай шаҳарнинг шон-шухрати, авваламбор, унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тутган ўрни билан белгиланади.

Тошкент мамлакатимиз ҳаётида катта ўрин тутади – авваламбор у Ватанимиз пойтахти, улкан иқтисодий, сиёсий, маданий ва дипломатик маркази. Пойтахтимизни турлича улуғлайдилар: “Тошкент – нонхона шаҳар”, “Тошкент – тинчлик шаҳри”, “Тошкент – боғ-роғлар шаҳри”, “Тошкент – дўстлик шаҳри”, “Тошкент – жасорат шаҳри” ва ҳоказо.

Тошкент ҳақида қанча-қанча китоблар, рисолалар, мақолалар ёзилган. Лекин, яна бир “буюк китоб” бор. Бу жой номлари – *географик номлар*: кўча-кўйлар, маҳаллалар, бозорлар, майдонлар, боғлар, ариқ-ҳовузлар, қабристонлар, жарликлар ва бошқа объектлар номларидир.

Пойтахтимиз кўча-кўйлар сони жиҳатидан республикамиз шаҳарлари орасида биринчи ўринда туради – 3000 га яқин катта-кичик кўчаси бор.

Қуйида Тошкент сўзи, шаҳар объектларининг номлари (урбонимлар) ҳамда уларнинг келиб чиқиши тўғрисида сўз боради.

Тошкент топонимини “Тош шаҳар” деб изоҳлайдилар. Шу сўзда маълум маънода шаҳар тарихи ҳам ўз аксини топган. Унинг қачон пайдо бўлганлиги аниқ эмас. Лекин, Тошкентнинг жуда қадимий шаҳар эканлиги аниқ. Шаҳар ҳудудида тош асрига оид буюмлар учратилган. Тошкентдаги қабристонлардан бирида топилган ҳафтжўш (бронза) кўзулар, турли мамлакатларнинг тангалари шаҳар тарихи 2000 йилдан ортиқ эканлигидан дарак беради.

Тошкент ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милоднинг дастлабки асрларига тўғри келади. Чунончи, шаҳарнинг географик ўрнига оид маълумотлар юнон олими Клавдий Птолемейнинг “Географиядан қўлланма” асарида учрайди. Птолемей бу асарида Ер шарининг обод қисмини, яъни ойкуменани 26 харитада тасвирлаган. Шу хариталардан бирида Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги ўлкалар кўрсатилган. Ана шу харитада Хитойга борадиган савдо йўли устида, Яксарт (яъни, Сирдарё) ҳавзасининг шарқида **Терри Лапидея** деган жой кўрсатилган. Олимлар ана шу юнонча номни “Тош кўрғон” деб таржима қилиб, Тошкентга нисбат берганлар.

Тошкент шаҳрининг номи ёзма манбаларда **Чоч**, **Чочистон**, **Шош**, **Шошкент** шаклларида учрайди. *Чоч* сўзи ҳам суғд тилида “тош” демакдир. Шош эса Чоч номининг арабча шаклидир. Чоч ёки Шош деганда Тошкент ҳамда унинг атрофлари тушунилган.

10-асрда номаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзиб қолдирилган “Худуд ул-олам” (“Олам чегаралари”) асарида бундай дейилади: “Чоч катта вилоят, халқи жанговар, бой ва сахийдир. У ерда ўқ-ёй тайёрланади. Бинкат – Чочнинг пойтахти. Бу катта шаҳар, айна вақтда подшонинг қароргоҳидир”.

Арабинавис олимлардан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий ва бошқалар (9–10-асрлар) Шош вилояти ҳақида ёзганда унинг маркази Бинкат шаҳри деб кўрсатганлар. **Бинкат** ҳозирги Эскижўва ва Чорсу оралиғида бўлган. Бинкат номи форсча бўлиб, “кўримли шаҳар” демакдир (*бин* – кўриниш, *кўзга* ташланиш, *кат* – суғдча “шаҳар, қишлоқ, манзилгоҳ” деган маънони билдирган).

Буюк олим Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қонуни Масъудий” асарида “Бинкат – бу Шошнинг пойтахти, туркий тилда “Тошканд”, юнончадан арабчага таржима қилсанг – “Бурж ал-ҳижора” (“Тош минора”) деб ёзган. Берунийнинг сўзларини бошқа олимлар ҳам тасдиқлаган. Масалан, буюк тилшунос Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида “Таркан – Шошнинг номи, унинг асл номи Тошканд – тошдан қурилган шаҳар демакдир”, деб ёзган. Демак, пойтахтимиз номининг “Тошкент” шакли биринчи бор Беруний асарларида учрайди ва шаҳар бошқа номлар билан ҳам аталган, ниҳоят ҳозирги номи голиб чиққан. Тошкент ҳақида озми-кўпми маълумотлар 14–19-асрларда Ўрта Осиёнинг сиёсий, ҳарбий ва маданий ҳаётидан баҳс этувчи асарларда қайд этилган.

Тошкентнинг 19-аср тарихи, топографияси (географияси), жумладан унинг топонимлари ҳақида маълумотлар тошкентлик муаррих Муҳаммад Солихнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) асарида учрайди. Кўлэзма форс тилида битилган бўлиб, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади.

Асар асли Тошкент вилояти тарихи бўлиб, муаллиф шаҳар тарихини бутун ўлкада кечган воқеалар билан биргаликда ёритган.

Тошкент шаҳрининг тарихи ва топонимиясига оид анча мукамал маълумотларни Ўрта Осиёни Россия босиб олгандан кейинги даврдаги рус муаллифларидан Е.Т.Смирнов (Древности в окрестностях Ташкента, 1895), А.Маев (Азиатский Ташкент, 1876), А.И.Добросмыслов (Ташкент в прошлом и настоящем, 1912), Н.Ликошин (Полжизни в Туркестане, 1922), А.Шишов (Сарты, 1911) кабилар асарларидан топиш мумкин.

Пойтахтимизнинг жой номлари, хусусан, маҳалла ва мавзеларининг номлари 1920-йиллардан олимларнинг эътиборини жалб қила бошлади. Н.Г.Маллицкийнинг “Ташкентские махалля и мауза” – (“В.В.Бартольд” тўпламида, Т., 1927), В.Шишкиннинг “О названиях ташкентских махалля” (Бюллетени Ташкентского новгородского исполкома), М.Е.Массоннинг “Прошлое Ташкента” (1954) китобида, Ф.Азадаевнинг “Ташкент во второй половине XIX века” (1959), Ю.А.Соколовнинг “Ташкент, ташкентцы и Россия” китобида (1965), Ю.Ф.Буряковнинг “Историческая топография Ташкентского оазиса” (1975), Ўзбекистон ФА Археология институти томонидан тайёрланган “У истоков древней культуры Ташкента” (1982) каби асарларда, шунингдек, “Тошкент” энциклопедиясида (1992) Тошкент ва унинг ён-веридаги хилма-хил объектларнинг номлари, уларнинг келиб чиқишига доир қизиқарли маълумотлар бор.

Тошкент ичидаги табиий ва маданий объектлар ниҳоятда хилма-хил, улар шаҳар таркиб топган даврдан тортиб ҳозирги кунгача пайдо бўлган, бир қанчалари эса йўқолиб кетган. Тошкент шаҳар деворлари, ташқи истехкомлари, хандақлари, дарвозалари, қабристонлари, масжид-мадрасалари, ариқ-зовурлари, булоқ ва ҳовузлари, майдонлари, маҳалла-мавзелари, бозор-расталари, боғу-хиёбонлари билан машҳур бўлган. Масалан, 19-асрнинг 30–40-йилларида Тошкентда 12 дарвоза, 40 га яқин қабристон, 150 масжид, 26 мадраса, 5 мингга яқин дўкон, 200 дан зиёд маҳалла, 500 чамаси

ҳовуз, 1500 бозор-раста, икки юзга яқин мавзе (шаҳар четларидаги боғ-ҳовлили маҳаллалар) бўлган.

Кўл қуриса ҳам номи қолади. Ана шу объектларнинг аксари қисми йўқолиб кетган бўлса ҳам халқ хотирасида, кўлэзмаларда ва бошқа ёдномаларда уларнинг номлари сақланиб қолган.

Ҳозир пойтахтимизда катта-кичик кўчаларнинг номлари бир ярим мингдан ортади (кўча-кўй шохобчалари сони эса 3 мингдан ошади, чунки, кўча ҳам, торкўча ҳам, берккўча ҳам бир ном билан аталган ҳоллар кўп, масалан, бир кўча, бир торкўча, бир берккўча Абдулла Қаҳҳор номи билан аталган; бундан ташқари торкўча, берккўчаларнинг бир қанчалари 1-, 2-, 3- каби номерлар билан аталган ҳоллар ҳам кам эмас, масалан, Т.Содиқов 1-, 2-, 3-кўчалари.

Маълумки, Тошкент 20-асрнинг бошларигача тўрт даҳадан (маъмурий ҳудудий бирликдан) иборат бўлган: **Бешоғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур** даҳалари. Даҳалар маҳаллаларга бўлинган; 1865 йилда шаҳарда 140 маҳалла бўлган, 20-аср бошларига келганда маҳаллалар сони 200 дан ортиқ эди; шаҳар четларида ҳар бир даҳага қарашли далабоғ маҳаллалари – мавзелар бўлган. Масалан, Ҳасанбой, Оққўрғон, Юнусобод, Миробод, Чилонзор ва б. мавзелар.

Тарихий топонимлар ўтмиш гувоҳларидир. Тошкентнинг эски маҳаллалари номлари эса шаҳар тарихининг ажралмас қисмидир. Тошкент шаҳрининг 20-аср бошларидаги маҳалла ва мавзеларининг профессор Н.Г. Маялицкий томонидан тузилган рўйхатини (1927) келтирамиз.

Шайхонтоҳур даҳаси маҳаллалари

Оқмасжид (Оқмачит)	Падаркуш
Олмазор	Пастак
Отинликмасжид	Пуштибоғ (Пуштуак)
Орқакўча	Раискўча
Баландмасжид	Сўғалмасжид
Бодак	Тожик
Ганчтепа (Ганчлитепа)	Тарлок
Говкуш	Тарновбоши
Дархон	Турк
Девонбеги(Дўмбеги)	Турктепа
Девонабурх	Турсун Султон
Дегрез (Дероз)	Ўқчи

Жангоҳ (Жангоб)
Катта Жаноб
Жаркўча
Жартегирмон
Занжирлик
Эгарчи
Иламаҳалла
Эскиянгибозор
Қозикўча
Калтатой
Қорёғди
Қатортерак
Қашқар
Қишлоқтепа
Қиёт
Қиёткаттакўча (Қоҳота кўча)
Қиётторкўча
Қиёттепа
Қудукбоши
Қўрғоноркаси
Қўрғонтеги
Лўликўча
Мараимхалфа
Мерганчи (Мерганча)
Мўғулкўча

Ўқчи-Мерганчи
Ўркўча
Хадра
Ховузбоғ
Ховузлик
Хўжакўча
Хўжарўшнойи
Ғиштмасжид
Чалмоқ (Чармоқ)
Чуқурқишлоқ
Шатак
Шайхонтоҳур
Шўртепа
Янгишаҳар
Ганчтепа
Янгишаҳар-Дарвоза
Янгишаҳар-Ертешкан
Янгишаҳар-Қиёт
Янгишаҳар-Лабзак
Янгишаҳар-Минор
Янгишаҳар-Сирлимасжид
Янгишаҳар-Турк
Янгишаҳар-Шоҳидонттепа
Ёпуғликмозор

Шайхонтоҳур даҳаси мавзелари

Авайхон (Аблайхон)
Оқкўрғон
Бўзарик
Дамарик
Дархонарик
Жангалтепа
Инжиқобод
Ертешкан
Қозитарнов
Қалмоққамаган
Қорамурт
Кўшчи
Мингўрик
Миробод

Мирзаюсуф
Посира
Пихна (Пахина)
Сарикўл
Тошарик
Туркарик
Ўртатўқай
Шоюнусхалфа
Шивли (русча - Чаули)
Шўртепа
Яланғоч
Янгитарнов
Ёпуғликмозор

ҳовуз, 1500 бозор-раста, икки юзга яқин мавзе (шаҳар четларидаги боғ-ҳовлили маҳаллалар) бўлган.

Кўл қуриса ҳам номи қолади. Ана шу объектларнинг аксари қисми йўқолиб кетган бўлса ҳам халқ хотирасида, кўлёмаларда ва бошқа ёдномаларда уларнинг номлари сақланиб қолган.

Ҳозир пойтахтимизда катта-кичик кўчаларнинг номлари бир ярим мингдан ортади (кўча-кўй шохобчалари сони эса 3 мингдан ошади, чунки, кўча ҳам, торкўча ҳам, берккўча ҳам бир ном билан аталган ҳоллар кўп, масалан, бир кўча, бир торкўча, бир берккўча Абдулла Қаҳҳор номи билан аталган; бундан ташқари торкўча, берккўчаларнинг бир қанчалари 1-, 2-, 3- каби номерлар билан аталган ҳоллар ҳам кам эмас, масалан, Т.Содиқов 1-, 2-, 3-кўчалари.

Маълумки, Тошкент 20-асрнинг бошларигача тўрт даҳадан (маъмурий ҳудудий бирликдан) иборат бўлган: **Бешоғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур** даҳалари. Даҳалар маҳаллаларга бўлинган; 1865 йилда шаҳарда 140 маҳалла бўлган, 20-аср бошларига келганда маҳаллалар сони 200 дан ортиқ эди; шаҳар четларида ҳар бир даҳага қарашли дала-боғ маҳаллалари – мавзелар бўлган. Масалан, Ҳасанбой, Окқўрғон, Юнусобод, Миробод, Чилонзор ва б. мавзелар.

Тарихий топонимлар ўтмиш гувоҳларидир. Тошкентнинг эски маҳаллалари номлари эса шаҳар тарихининг ажралмас қисмидир. Тошкент шаҳрининг 20-аср бошларидаги маҳалла ва мавзеларининг профессор Н.Г. Маллицкий томонидан тузилган рўйхатини (1927) келтирамыз.

Шайхонтоҳур даҳаси маҳаллалари

Оқмасжид (Оқмачит)	Падаркуш
Олмазор	Пастак
Отинликмасжид	Пуштибоғ (Пуштуак)
Орқакўча	Раискўча
Баландмасжид	Сўгалмасжид
Бодак	Тожик
Ганчтепа (Ганчлитепа)	Тарлок
Говкуш	Тарновбоши
Дархон	Турк
Девонбеги(Дўмбеги)	Турктепа
Девонабурх	Турсун Султоён
Дегрез (Дероз)	Ўқчи

Жангоҳ (Жангоб)
Катта Жаноб
Жаркўча
Жартегирмон
Занжирлик
Эгарчи
Иламаҳалла
Эскиянгибозор
Қозикўча
Калтатой
Қорёғди
Қатортерак
Қашқар
Қишлоқтепа
Қиёт
Қиёткаттакўча (Қоҳота кўча)
Қиётторкўча
Қиёттепа
Қудукбоши
Қўрғонорқаси
Қўрғонтеги
Лўликўча
Мараимхалфа
Мерганчи (Мерганча)
Мўғулкўча

Ўқчи-Мерганчи
Ўркўча
Хадра
Ҳовузбоғ
Ҳовузлик
Хўжакўча
Хўжарўшнойи
Ғиштмасжид
Чалмоқ(Чармоқ)
Чуқурқишлоқ
Шатак
Шайхонтоҳур
Шўртепа
Янгишаҳар
Ганчтепа
Янгишаҳар-Дарвоза
Янгишаҳар-Ертешкан
Янгишаҳар-Қиёт
Янгишаҳар-Лабзак
Янгишаҳар-Минор
Янгишаҳар-Сирлимасжид
Янгишаҳар-Турк
Янгишаҳар-Шоҳидонттепа
Ёпуғликмозор

Шайхонтоҳур даҳаси мавзелари

Авайхон (Аблайхон)
Оққўрғон
Бўзариқ
Дамариқ
Дархонариқ
Жангалтепа
Инжиқобод
Ертешкан
Қозитарнов
Қалмоққамаган
Қорамурт
Қўшчи
Мингўриқ
Миробод

Мирзаюсуф
Посира
Пихна (Пахина)
Сариқўл
Тошариқ
Турқариқ
Ўртатўқай
Шоюнусхалфа
Шивли (русча – Чаули)
Шўртепа
Яланғоч
Янгитарнов
Ёпуғликмозор

Себзор даҳаси маҳаллалари

Аъламшоҳид	Работак
Атторлик	Регистон
Охунгузар	Сандиқбозор
Базозлик	Сарихумдон
Бандакбозор	Себзор
Ботир	Сўкпуруш
Бедабозор	Табибкўча
Бешоғайни	Тақачи
Булғорбозор	Тарновбоши
Жангоҳ	Тахтапул
Жинкўча	Тешиққопқа
Заргарлик	Тинчоб
Эгарбозор	Тузбозор
Эски Жўва	Тўппибозор
Эски Мисгарлик	Тўпқайрағоч
Кодубод ёки Кодувот (Кадоват)	Учкўча
Қозоқбозор	Ҳасанбой
Қозикўча	Ҳастиимом
Қангликўча	Хотинмасжид
Қорасарой	Ҳовузбўйи
Қоратут	Хўжагон
Қассоббозор	Хўжакўча
Ковушфурушлик	Хўжатарошкан
Коҳота	Фишткўприк
Кахта (Катта) кўча	Чақар
Қошиқчилик	Чолворбозор
Кулиҳбозор	Чопонбозор
Кумлоқ	Чархиқўча
Кунжак	Чигитбоши
Кўрпабозор	Читбозор
Лабзак	Чувалачи
Лайлакуя	Чувилдоқ
Мозорхон	Шохунгузар
Маҳмама	Юганбозор
Маҳсидўз	Яккатут
Парчабоф	Янгишаҳар
Поякилик	Ёв (балки Ёву – Ёбу)
Пуштиҳаммом	

Себзор даҳаси мавзелари

Айрилиш	Қизилқўрғон
Окота	Лабзакарик
Оқтепа	Магазинобод
Алвастикўприк	Мозорарик
Алматқўшчи	Мойқўрғон
Омонбаққол	Мироқижон
Отчопар	Мўғол
Боғқўча	Сандикқўрғон
Бойқўрғон	Совурарик
Бақачтепа	Савсарарик
Болтамозор	Тахтақўприк
Бешўчок	Тахтапул
Гурунчарик	Тешиққопқа
Дарвозакент	Тиканлибозор
Дархон	Тўйчиобод
Довултепа	Туябўғиз
Жангал	Ўнқўрғон
Жумамасжид	Хончорбоғ
Закотхона	Ҳасанбой
Ивиш	Фиштқўприк
Калковуз (Кайковуз)	Чангалзор
Қорасарой	Чордара
Кориз	Чархчи
Коҳота	Чилтўғон
Кенгирак	Чимбой
Кичикқўрик	Чимзор
Кулолтепа	Чувалачи
Кўмирхона	Йўларик
Кўрхўжаота	Юнусобод
Кўтарма	Яккатут
Куюкхўжа	Янгиарик
Қизилқўприк	Ёву (Ёви)

Кўкча даҳаси маҳаллалари

Обиназир	Совунбозор
Айрилиш	Сағбон
Оқилон (ёки Аллон)	Сақишмон (Сақичмон)
Оқтепа	Сарихумдон
Гузарбоши	Торқўча (Толқўча)

Дўмоқ (Дўмбоқбоши)
Ишкават
Қозоқбозор
Қозикўча
Каллахона
Қорақийёқ
Қассоббозор
Қатортерак
Кесакқўрғон
Кетмонбозор
Килбелбоғ
Кўштут
Кўкча
Кунжак
Кўнчилик
Ковушфурушлик
Лангар
Малҳарам
Маҳкама
Мискарлик
Наматбозор
Подахона
Пичоқчилик

Тева
Тўхлижаллоб
Ўзгант
Ўрикзор
Ходабозор
Ҳалимқул
Хонақо
Хотинмасжид
Ҳофиз Куяки(Кўҳакий)
Хўжакўча
Хўжамалик
Хўжапарихон
Хиёбон
Чиғатойтепа
Чиғатойчақар
Чиғатой-Янгишахар
Чақар
Чархчи (Чархчилик)
Чукурқишлоқ
Шаршинтепа
Шайх Зайниддинбобо
Янгишахар

Кўкча даҳаси мавзелари

Оқлон (Оқилон, Аллон)
Оқтепа
Ачавот (Ачаобод)
Бекобод (Беговат)
Бекларбеги
Бешқайрағоч
Белтепа
Жарарик
Жаркечик
Жарқулоқ
Ингичкакўрик
Эрон
Эшонкўприк
Кампирдувол
Қорасув
Кўктўнлиота

Нодирхон қулоғи
Нишабарик (Нишабқулоқ)
Сағбон-Оқтепа
Сағбон-Қорасув
Тахтақўприк
Тошлиқтепа (Чоштепа)
Туятортар
Узунтепа
Хотинкўприк
Хиёбон
Чиғатой-Белтепа
Чиғатой-Қорақамиш
Чиғатой-Нодирхонқулоғи
Чиғатой-Селкечар
Чилламосор
Чимбой

Кулоқликтепа
Кулкўча
Курвакавот (Курукравот)
Қирғизкўприк
Меҳтармалик

Чимирота
Шопайзикулоқ
Шоликулоқ (Шолиарик)
Юмалоқ
Янгикўнчилик

Бешоғоч даҳаси маҳаллалари

Андижон
Арпапоя
Бадалбой
Бойкўча
Болтабой
Баландкўприк
Баландмасжид
Бордонбозор
Бўйрабозор
Қозигузар
Ганчхона
Гурунчбозор
Ғўзабозор
Гулбозор
Дархон
Жомимасжид
Заебак
Зангиота
Зиёрат
Эски Намозгоҳ
Эски Ўрда
Этикбозор (Чорсу)
Эшонгузар
Эшонмаҳалла
Қози Низомиддин
Калавабозор
Камолон
Қандолатбозор
Каппонбозор
Қоратош
Қассоблик
Қаттамаҳалла
Қувурарик

Мошбозор
Мирзағозиота
Мирлар
Мурод (Эшонмаҳалла)
Мўрканкўча (Чақар)
Нонвойгузар
Нонгоргузар
Носвойбозор
Пахтабозор
Поякилик
Сарпароз
Саричопон (Саричўпон)
Сирлимасжид
Сузукота
Сабзибозор
Тамакибозор
Темирчилик
Тепа
Тешабой
Тиканликмозор
Ўзбак
Ўқчидарвоза
Унбозор
Ўроқчилик
Хабсота
Хонақо
Хўжамаҳалла
Ғишткўприк
Чақар
Чорсу
Чиннибозор
Чуқуркўприк
Чуқуркўча

Кугирмоч
Кўкмасжид
Лайлакхона
Майизбозор
Маҳкама

Чўпонота
Яланкар
Янги Қаландархона
Янгимаҳалла
Янгихонақоҳ

Бешоғоч даҳаси маҳаллалари

Асилбобо
Аскиягузар
Бўржар
Зах
Зангиота
Қозиравог
Қонқус
Қатортол
Қорхона
Қўшқўрғон
Қўғайтепа
Кулолтупрок
Кугиргансой
Қушбеги
Моховгузар
Новза
Нўғайтоштепа (Чоштепа)
Полвонарик

Ракат
Сарикўл
Саричопон
Тахтақўприк
Терсарик
Тешиқликтепа
Тўқай
Ўрикзор
Хирмонсўхта
Чала
Чангаларик
Чопонтиқти
Чарх
Чилонзор
Чўпонота
Шоимқўприк
Шўрхона
Ёпуғликқозор

Маллицкий рўйхатида келтирилган маҳалла-мавзелар ана шулар. Ўз-ўзидан маълумки, рўйхат рус тилида тузилган; биз унй ўзбекчалаштирдик. Номлар кўпчиликка тушунарли. Бу топонимлар шаҳарнинг табиати, иқтисодий, маданий ҳаёти, аҳолисининг ижтимоий-қабилавий таркиби ҳақида озми-кўпми тасаввур беради.

Тошкент паст-баланд ҳудудда жойлашган. Шунинг учун ҳам пойтахтимиз “Етти ўр, етти кирдан иборат” дейилган. Шунга кўра, шаҳар топонимиясида *тепа*, *жар*, *кўприк* сўзларидан таркиб топган номлар кўп учрайди. Русларда ҳам “Етти тепаликка қурилган шаҳар” деган ибора, италянларда ҳам худди шунга ўхшаш матай бор. Демак, шаҳар кўпинча стратегик мақсадларда паст-баланд жойларга қурилган. Белтепа, Ганчтепа, Кулолтепа, Олгинтепа, Узунтепа, Учтепа,

Шўртепа каби номлар муайян маънони англатган. Оқтепа бундай топонимлар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Тошкентда саккизта **Оқтепа** бўлган (Кўкча Оқтепаси, Чилонзор Оқтепаси, Юнусобод Оқтепаси ва бошқалар). Оқтепа деган жойларда катта ер эгаларининг (ўрта асрларда уларни деҳқонлар деб аташган) кўпинча атрофи ўралган кўрғонлари бўлган. Уларнинг баъзилари харобалари тепалик кўринишида ҳозиргача сақланган (масалан, Юнусобод Оқтепаси).

Пойтахтимизда **Шоштепа** тепалиги алоҳида ўрин тутади. Бу тепалик **Тошлиқтепа** деб ҳам аталган. Н.Г.Маллицкий Тошкентнинг қадимий номи шу тепалик номида сақланиб қолган бўлса ажаб эмас деган эди. Профессор М.Е.Массон фикрича, шош (чоч, шиш) термини деярли бутун Ўрта Осиё худудида, Афғонистонда ва ҳатто Ҳиндистонда учрайди ва сунъий, ясама, уйма тепаликни билдиради.

Тошкентда қадимий туркий сўз – *арик* терминидан тузилган сув номлари (гидронимлар) ҳам кам эмас: **Бўзариқ**, **Гурунчариқ**, **Дамариқ**, **Дархонариқ**, **Йўлариқ**, **Лабзакариқ**, **Мозорариқ**, **Нишабарик**, **Савсарариқ**, **Суварик**, **Терсарик**, **Тошариқ**, **Туркариқ**, **Чангалариқ**, **Қувурариқ** ва бошқалар. Бешоғоч даҳасида ариқ ва маҳалла **Қувурариқ** деб аталган.

Бу бирон қисмига қувур ётқизилган ариқ бўлиши мумкин; шу билан бирга, лаҳим (туннель) билан бирлаштирилган қатор қудуқлар, яъни кориз “қувурариқ” деб аталган бўлса ажаб эмас. Каттароқ ариқдан чиқарилган, қулоқ очилган жой *қулоқ* дейилади. *Жарқулоқ*, *Шофайзқулоқ*, *Шолиқулоқ* ана шундай кичик ариқлардир.

Тошкент рельефида ўр-қир, ариқ-каналлар сероб бўлганидан кўприк кўп қурилган: **Баландкўприк**, **Гишткўприк**, **Чуқуркўприк**, **Хотинкўприк**.

Бурунги хариталардаги **Чақар** ариғининг иккинчи номи **Тошариқ** бўлган, бу гидроним “Тошлоқ ариқ” маъносида бўлиши мумкин. Чақар сўзини Бобур: “тош кўрғон” деб изоҳлаган. Демак, Тошариқ “шаҳар ташқарисидаги ариқ” деган маънода бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чақар деган уруғ ҳам бўлган. Бундан ташқари, илк ўрта аср мулкдорлари кўрғонини кўриқловчи ҳарбий посбон чокар дейилган. Шаҳарларда эса, шаҳар дарвозаларини кўриқлаш учун махсус истехком – чокардиза барпо этилган. Чокарлар жойлашган ерлардаги суғориш тармоқлари “чокар ариқ” деб юритилган.

Кўкча маҳалласидаги мавзе ва ариқ **Туятортар** деб аталган. Бундай гидронимлар Ўзбекистонда бир неча жойда қайд қилинган. Булар кўтарма ариқлардир. Ариққа сув наҳрдан чиғир орқали чиқарилган. Чиғир эса туя кучи билан айлантирилган.

Шаҳарлар топонимиясида касб-хунар лексикаси катта ўрин олган. Бундай номларга қараб шаҳарда хунармандчилик, косибчилик турларидан қайсилари ривожланганини билиб олиш мумкин. Бундай топонимларни санаб ўтамыз: **Атторлик, Баззозлик, Дегрез, Заргарлик, Ковушфурушлик, Кўнчилик, Махсидўз, Мисгарлик, Нонвойгузар, Парчабоф, Поякилик, Сўкпуруш, Табибкўча, Тақачи, Темирчи, Тўхлижаллоб, Ўроқчилик, Чархчи, Эгарчи, Ўкчи, Қассобгузар, Қошиқчилик** ва бошқалар.

Шаҳарда расмий бозор ва расталардан ташқари, турли касб эгалари яшайдиган маҳалла, кўча-гузарларда ҳам олди-сотди авжида бўлган. Кўпинча расталар билан хунармандчилик устахоналарини фарқ қилиб бўлмаган. Кўча юзида хунарманд ҳамманинг кўз ўнгида турли маҳсулот тайёрлар экан, олди-сотди билан ҳам шуғулланган, устахонанинг орқа томонида унинг ҳовлиси жойлашган.

Бозорлар олди-сотди, савдо-сотик қилинадиган жой бўлиши билан бирга шу ҳудуд иқтисодиётининг кўзгуси ҳамдир.

Тошкентда бозор кўп бўлган. Эскижўва ёни **Регистон** деб аталган. “Тарихи жадидаий Тошканд” китобида Муҳаммад Солиҳ ҳам шаҳарнинг асосий савдо маркази сифатида Регистондан бошланувчи бозорни кўрсатган: “Бозорнинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади”. У “бозори шаб” деб юритилган.

19-аср охирида шаҳардаги бозор ва расталар сони 1500 тага етган, булардан ташқари карвонсаройларда ҳам расталар бўлган. Ўша вақтдаги Тошкент бозор ва бозорчаларининг қисқача рўйхати: **Атторлик, Баззозлик** (газлама бозори), **Бандакбозор** (бандак – паранжи енги), **Бедабозор, Болтабозор, Булғорбозор** (булғори тери бозори), **Бўйрабозор, Гулбозор, Гурунчбозор, Дўппибозор, Ипакбозор, Калавабозор, Каппонбозор, Кетмонбозор, Ковушбозор, Кўмирбозор,**

Кўрпабозор, Майнзбозор, Мошбозор, Наматбозор, Носвойбозор, Пахтабозор, Пичоқбозор, Сабзибозор, Сандиқбозор, Сахҳоббозор (муқова бозори), Сомонбозор, Сўкфуруш, Тамакибозор, Товоқбозор, Тузбозор, Унбозор, Ходабозор, Чиннибозор, Читбозор, Чолворбозор, Чопонбозор, Шомбозор, Эгарбозор, Эскибозор, Эскияккабозор, Этикбозор, Юганбозор, Қандбозор (Қандолатбозор), Қассоббозор, Қозоқбозор, Кулфбозор, Кўйбозор, Ғўзабозор, Жухудраста, Узунраста, Қаймоқбозор.

Тошкентда 150 га яқин масжид бўлган. Шаҳарнинг маҳалла-мавзеларидан бир нечаси масжидлар номлари билан аталган эди: **Баландмасжид** (Боломасжид), **Жомемасжид**, **Жумамасжид**, **Кўкмасжид**, **Отинликмасжид**, **Сирлимасжид**, **Сўғалмасжид**, **Хотинмасжид**.

Шаҳар ичи номлари орасида анчагина этноурбонимлар – уруғ-аймоқлар, турли қабила ва элатлар шаънига аталган кўча-кўйлар ва маҳалла-мавзелар ҳам кам эмас эди: **Ёву** (Ёбу қабиласи), **Калтатой** (этник гуруҳ), **Лўли**, **Мўғулкўча** (Мўғол), **Нўғайтепа**, **Тожик**, **Турк**, **Турқариқ**, **Чимбой**, **Чигатойтепа**, **Чигатойчақар**, **Чувалачи**, **Чувилдок**, **Қалмоққамалган**, **Қангли**, **Қашқар**, **Қиёт** ва бошқалар.

Тошкентнинг Себзор даҳасида **Қорасарой** деган маҳалла бўлган; ҳозир **Қорасарой** кўчаси бор. Аслида *қора сарой* – сарой қабиласининг катта қисми ёки Қорасарой – катта сарой маъносини ҳам англатган (кўк сарой, оқ сарой). Қора сўзининг бир неча маъноси бўлган: “катта” (масалан, қорамол); топонимлар ва этнонимлар таркибида “шимол”.

Себзор даҳасининг бир мавзеси **Болтамозор** деб аталган. Ўзбек ва қозоқларнинг бир неча қабиласи таркибида *болта*, *болтали* деган уруғ бўлган (чорва молларига босадиган тамгаси шаклан болтага ўхшаган). Аслида болта, болтали, болтачи уруғлари кўпгина туркий халқлар (ўзбеклар, қозоқлардан ташқари): татар, бошқирд, қорақалпоқ, озарбайжон, туркманлар таркибида ҳам бўлган. Демак, Болтамозор “болта уруғининг хилхонаси” маъносидадир.

Худди шунингдек, **Шайхонтохур** даҳасида **Дархон** деган маҳалла ва **Дархонариқ** деган мавзе қайд қилинган. Ҳозир ҳам шаҳарда Дархон деган кўча ва торкўчалар, Дархонариқ ариғи бор. Бу топоним “олиқ-солиқдан озод қилинган

Кўча маҳалласидаги мавзе ва ариқ **Туятортар** деб аталган. Бундай гидронимлар Ўзбекистонда бир неча жойда қайд қилинган. Булар кўтарма ариқлардир. Ариққа сув наҳрдан чигир орқали чиқарилган. Чигир эса туя кучи билан айлантририлган.

Шаҳарлар топонимиясида касб-хунар лексикаси катта ўрин олган. Бундай номларга қараб шаҳарда хунармандчилик, косибчилик турларидан қайсилари ривожланганини билиб олиш мумкин. Бундай топонимларни санаб ўтамиз: **Атторлик, Базозлик, Дегрез, Заргарлик, Ковушфурушлик, Кўнчилик, Махсидўз, Мисгарлик, Нонвойгузар, Парчабоф, Поякилик, Сўкпуруш, Табибкўча, Тақачи, Темирчи, Тўхлижаллоб, Ўроқчилик, Чархчи, Эгарчи, Ўқчи, Қассобгузар, Қошиқчилик** ва бошқалар.

Шаҳарда расмий бозор ва расталардан ташқари, турли касб эгалари яшайдиган маҳалла, кўча-гузарларда ҳам олди-сотди авжида бўлган. Кўпинча расталар билан хунармандчилик устахоналарини фарқ қилиб бўлмаган. Кўча юзида хунарманд ҳамманинг кўз ўнгида турли маҳсулот тайёрлар экан, олди-сотди билан ҳам шуғулланган, устахонанинг орқа томонида унинг ҳовлиси жойлашган.

Бозорлар олди-сотди, савдо-сотик қилинадиган жой бўлиши билан бирга шу ҳудуд иқтисодиётининг кўзгуси ҳамдир.

Тошкентда бозор кўп бўлган. Эскижўва ёни **Регистон** деб аталган. “Тарихи жадидаи Тошканд” китобида Муҳаммад Солиҳ ҳам шаҳарнинг асосий савдо маркази сифатида Регистондан бошланувчи бозорни кўрсатган: “Бозорнинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади”. У “бозори шаб” деб юритилган.

19-аср охирларида шаҳардаги бозор ва расталар сони 1500 тага етган, булардан ташқари карвонсаройларда ҳам расталар бўлган. Ўша вақтдаги Тошкент бозор ва бозорчаларининг қисқача рўйхати: **Атторлик, Базозлик** (газлама бозори), **Бандакбозор** (бандак – паранжи енги), **Бедабозор, Болтабозор, Булғорбозор** (булғори тери бозори), **Бўйрабозор, Гулбозор, Гурунчбозор, Дўппибозор, Ипакбозор, Қалавабозор, Каппонбозор, Кетмонбозор, Ковушбозор, Кўмирбозор,**

Кўрпабозор, Майизбозор, Мошбозор, Наматбозор, Носвойбозор, Пахтабозор, Пичоқбозор, Сабзибозор, Сандиқбозор, Саҳҳоббозор (мукова бозори), Сомонбозор, Сўкфуруш, Тамакибозор, Товокбозор, Тузбозор, Унбозор, Ходебозор, Чиннибозор, Читбозор, Чолворбозор, Чопонбозор, Шомбозор, Эгарбозор, Эскибозор, Эскияккабозор, Этикбозор, Юганбозор, Қандбозор (Қандолатбозор), Қассоббозор, Қозоқбозор, Қулфбозор, Кўйбозор, Ғўзабозор, Жухудраста, Узунраста, Қаймоқбозор.

Тошкентда 150 га яқин масжид бўлган. Шаҳарнинг маҳалла-мавзеларидан бир нечаси масжидлар номлари билан аталган эди: Баландмасжид (Боломасжид), Жомемасжид, Жумамасжид, Кўкмасжид, Отинликмасжид, Сирлимасжид, Сўғалмасжид, Хотинмасжид.

Шаҳар ичи номлари орасида анчагина этноурбонимлар – уруғ-аймоқлар, турли қабил ва элатлар шаънига аталган кўча-кўйлар ва маҳалла-мавзелар ҳам кам эмас эди: Ёву (Ёбу қабиласи), Калтатой (этник гуруҳ), Лўли, Мўғулкўча (Мўғол), Нўғайтепа, Тожик, Турк, Туркарик, Чимбой, Чигатойтепа, Чигатойчақар, Чувалачи, Чувилдоқ, Қалмоққамалган, Қангли, Қашқар, Қиёт ва бошқалар.

Тошкентнинг Себзор даҳасида Қорасарой деган маҳалла бўлган; ҳозир Қорасарой кўчаси бор. Аслида *қора сарой* – сарой қабиласининг катта қисми ёки Қорасарой – катта сарой маъносини ҳам аниқлаган (кўк сарой, оқ сарой). Қора сўзининг бир неча маъноси бўлган: “катта” (масалан, қорамол); топонимлар ва этнонимлар таркибида “шимол”.

Себзор даҳасининг бир мавзеси Болтамозор деб аталган. Ўзбек ва қозоқларнинг бир неча қабиласи таркибида *болта*, *болтали* деган уруғ бўлган (чорва молларига босадиган тамғаси шаклан болтага ўхшаган). Аслида болта, болтали, болтачи уруғлари кўпгина туркий халқлар (ўзбеклар, қозоқлардан ташқари): татар, бошқирд, қорақалпоқ, озарбайжон, туркманлар таркибида ҳам бўлган. Демак, Болтамозор “болта уруғининг хилхонаси” маъносидадир.

Худди шунингдек, Шайхонтоҳур даҳасида Дархон деган маҳалла ва Дархонарик деган мавзе қайд қилинган. Ҳозир ҳам шаҳарда Дархон деган кўча ва торкўчалар, Дархонарик ариғи бор. Бу топоним “олиқ-соликдан озод қилинган



нуфузли амалдор” маъносидаги тархон сўзининг фонетик варианты бўлиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга дархон//дархан//дарқан деган этноним ҳам бўлганини эътибордан қочирмаслик керак. Масалан, қозокларнинг шаншқли қабиласининг *дархан* деган уруғи бўлган (бу уруғ вакиллари Тошкент шаҳри атрофида ҳозир ҳам бор). Яна қирғизларда *дарқан*, ўзбекларда *тархон*, туркманларда *тархан*, бошқирдларда *тархан//дархан* уруғлари бўлганлиги маълум.

Бунинг устига “имтиёзли” маъносидаги *дархон* сўзи тарихий адабиётларда кўпроқ *тархон//тархан* шаклида тилга олинган. Қадимий туркий манбалар бу сўзнинг дастлабки туркий шакли тарқан бўлганлигини кўрсатади (“Қадимги туркий тил” луғати, М., 1969, 538-бет).

Энди *антропоурбонимлар* ҳақида. Ҳозирги вақтда шаҳар объектларида кишилар исми-фамилиялари билан аталган кўча-кўйлар катта ўрин тутаяди (бу ҳақда кейинроқ кенроқ сўз юритилади). Лекин, илгари бундай бўлган эмас. Биринчидан, руслар келмасдан олдин Тошкентнинг кейинчалик Эски шаҳар деб аталган қисмида ҳозирги маънодаги кўчалар бўлган эмас. Уйлар аниқ режа асосида бир текисда қатор-қатор қилиб қурилмаган. Уйлар орасида номсиз қинғир-қийшиқ тор кўчалар бўлган. Тахминан ҳозирги Навоий кўчаси ўрнида кўй ва бошқа чорва подалари ҳайдаб ўтиладиган бир оз кенроқ кўча бўлиб, у *Тупроқкўча* деб аталган. Одамларнинг номлари билан аталган кўчалар тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Лекин, кишиларнинг номлари билан юритилган объектлар бўлган. Ана шундай маҳалла-мавзеларни санаб ўтайлик: **Алматқўшчи**, **Бадалбой**, **Болтабой**, **Марайимхалфа**, **Мироқижон**, **Мирзаюсуф**, **Омонбаққол**, **Тўйчиобод**, **Шайхзайниддинбобо** (шу номли мақбара Шизиддинбобо дейилади), **Шоюнусхалфа**, **Юнусобод**, **Ҳасанбой**.

Шаҳарнинг эски маҳалла-мавзелари ҳақида яна шуни айтиш керакки, бу номларнинг кўплари шаҳар харитасидан ўчиб кетган, баъзиларигина ҳозирги кўча-кўйлар номларида сақланиб қолган.

ШАҲАР ДАРВОЗАЛАРИ

Ҳар қандай катта-кичик шаҳар каби ўтмишда Тошкент ҳам мудофаа девори билан ўралган. Шаҳар дарвозасиз бўлмайди деганларидек, Тошкент дарвозаларини 19-аср охириларида ҳам кўриш мумкин эди. Дарвозалар сони ўзгариб

турган: 18-асрда 8 дарвоза бўлган бўлса, 19-асрда 12 та эди. Муҳаммад Солиҳ қуйидаги дарвозаларни қайд этади: 1) Қиёт дарвозаси; 2) Турклар дарвозаси; 3) Ўзбеклар дарвозаси; 4) Тахтапул дарвозаси; 5) Қорасарой дарвозаси; 6) Чигатой дарвозаси; 7) Суъбониён (Сағбон) дарвозаси; 8) Кўкча дарвозаси; 9) Камондорон (Камондорлар) дарвозаси; 10) Қангли дарвозаси; 11) Бешоғоч дарвозаси; 12) Қатағон (Қўймас-Кенағас) дарвозаси.

Дарвозаларни ҳимоя қилиш ўзбек қабилалари вакилларининг зиммасида бўлган. Кўриқчилар учун дарвоза яқинида бошпана ажратилган. Масалан, Қиёт қабиласи вакиллари Қўймас дарвозасини ҳимоя қилганлар ва Қиёт номли маҳаллада яшаганлар. Бу маҳалла Анҳорнинг ўнг соҳилида, ҳозирги Мустақиллик майдони рўпарасида бўлган.

Кўкча дарвозасини Ёбу қабиласи вакиллари кўриқлаган, шунинг учун шу дарвозанинг шарқ томонидаги маҳалла Ёбуназир деб аталган.

Чигатой дарвозаси Кўшчиота дарвозаси деб ҳам аталган. Бу дарвозани муҳофаза қилиш ўзбек халқи таркибига кирган чигатой қабиласининг зиммасида бўлган, қабила вакиллари шу дарвоза атрофларида яшаганлар, кейинчалик бу ерлар Чигатой маҳалласи номини олган.

Чигатой топоними Чингизхоннинг 13-асрда яшаган иккинчи ўғлининг номидан олинган бўлиши мумкин. Туркий чигатой қабиласи Чингизхондан олдин ҳам мавжуд бўлган. Чигатой тили, чигатой адабиёти атамалари ҳам шу ном билан боғлиқ.

Юқорида айтилганидек, шаҳар дарвозаларидан кўпчилиги этник номлар билан аталган. Муҳаммад Солиҳ Қорасарой, Бешоғоч, Камондорон дарвозалари ҳам уруғ-қабила номлари билан аталган дейди (Камондорон кейинчалик Камолон бўлиб кетган).

19-аср охири – 20-аср бошларида Тошкент дарвозалари қуйидагича номланган: 1) Самарқанд дарвозаси; 2) Кўкча дарвозаси; 3) Чигатой дарвозаси; 4) Сағбон дарвозаси; 5) Қорасарой дарвозаси; 6) Тахтапул дарвозаси; 7) Лабзак дарвозаси; 8) Қашқар дарвозаси; 9) Бешоғоч дарвозаси; 10) Кўкон дарвозаси; 11) Қўймас дарвозаси; 12) Камолон дарвозаси. Кўриниб турибдики, баъзи бир дарвозалар кўча-кўйларнинг йўналишига қараб номланган. Айрим дарвозаларнинг номлари ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Шаҳар дарвозаларини рамзий бўлса ҳам тиклаш, ўша жойларда бирор ёдгорлик лавҳалари ўрнатиб белги қўйиш ҳақида таклифлар билдирилган эди. Кейинги йилларда Самарқанддарвозанинг ўрнига пишган гиштдан чинакам равоқли дарвоза ўрнатилди.

Айрим урбонимлар изоҳи

Топонимлар кўпинча қадимий сўзлардир. Бунинг устига жой номлари узоқ давр давомида истеъмолда бўлганидан грамматик, фонетик жиҳатдан ўзгариб кетиши ҳам мумкин: ўзи учун тушунарсиз бўлган топонимдан маъно қидириб халқ уни “миллийлаштиради”. Масалан, Бешоғочдаги **Арпапоя** номининг ўзбекча *арпа* сўзига, **Қорёғди** урбонимининг эса *қор* сўзига ҳеч алоқаси йўқ урбонимлардир. Қорёғди арабча *қаръя* ва *ди* – “қишлоқ” сўзидан келиб чиққан. Ёки **Қурвақавот** асли *Қуруқравот*, **Юнусобод** эса асли Юнусравот бўлган. Ҳазрати Имомни Ҳастимом, Шайх Зайниддин бобони Шизиддинбува дейишади-ку.

Тошкентда арабча, хусусан, форсий сўзлардан таркиб топган географик сўзлар учраб туради. Масалан, 16-асрга оид вақф ҳужжатларида **Бўзсув** (шаҳар ўртасида) **Жуи шаҳар** деб аталган, кейинчалик **Шаҳарарик** дейиладиган бўлган. Бўзсувнинг шаҳар ҳудудидаги бир қисми араб сўзи билан **Анҳор** деб; Калковус каналининг қуйи қисми ҳам **Анҳор** деб юритилган. Ўзбекча-тожикча “адаш” номлар ҳам бор: **Тахтакўприк** – **Тахтапул**, **Олмазор** – **Себзор**, **Темирчилик** – **Чилангар** ёки **Охунгузар**, **Қумлоқ** – **Регистон**.

Географик номлар – топонимларни Ернинг тили дейишади. Чиндан ҳам оддий халқ томонидан қўйилган эски номларга қараб бирор ҳудуд табиати, иқтисодиёти ва этнографияси тўғрисида кўп нарсани билиб олса бўлади. Тошкентнинг эски маҳалла ва мавзелари номлари ҳам ўтмиш ҳақида талай маълумотларни сўзлаб беради.

Масалан, **Дегрез** маҳалласида (кўпинча **Дероз** деб талаффуз қилишган) чўяндан қозон, омоч тиши, узанги каби асбоб-ускуналар ясалган. **Парчабоп** гузарида атлас-кимхоб тўқилган (*парча* – қимматли мато, кимхобнинг бир тури; тожикча *боф*, бофанда – “тўқимок” феълидан). **Поякичиликда** (ёки **поякиликда**) чилим ускуналари

тайёрлашган. **Заргарлик, Кўнчилик, Маҳсидўз, Мисгарлик, Нонвойгузар, Такачилик, Темирчи(лик), Чархкўча, Эгарчи, Ўроқчи, Қошиқчилик** каби номлардан шу ерларда қайси касб эгалари яшаганлигини билиб олиш мумкин.

Табобатчи, Тўқлижаллоб, Хўжача, Хўжамаҳалла, Хўжагон, Қаландархона, Қозикўча, Қушбеги каби маҳалла-мавзеларнинг қайси ижтимоий табақадан ном олганлиги билиб олинади.

Мерганчи (Мерганча) маҳалласи эса сарбоз ўқчилар номи билан шундай аталганини тарихий манбалардангина билиш мумкин.

Шаҳардаги яна бир гуруҳ топонимлар турли халқ-элатлар номларидир: **Лўликўча, Узбек, Тожик, Қашқар маҳалласи, Қирғизкўприк, Қозоқбозор, Эрон, Жухудраста, Қалмоққамалган** ва бошқалар. Бошқа бир гуруҳ маҳалла – кўйлар ўзбек уруғ-қабилаларининг номлари билан аталган: **Ёбу, Ёвиарик, Калтатой, Қиёт, Мўғол, Мўғулча, Турктепа, Чимбой, Чигатой, Чувалачи, Қангли, Қорамурт** ва бошқалар.

Тошкентнинг ҳозирги кўчалари орасида шаҳарнинг қадимдан “визит карточкаси” бўлиб келган номлар жуда кам қолган.

Энди айрим номларнинг келиб чиқиши ҳақида.

Арпапоя – Бешоғоч даҳасидаги маҳаллалардан бири. Профессор Х.Ҳасанов топонимни бундай изоҳлайди: Ўрда четидаги хандақ аропа, шу хандақнинг этаги эса *аропа пойи* дейилган. Бу бора-бора арпапоя бўлиб кетган. **Арпапоя** – *арбаа* – “тўрт” сўздан келиб чиққан дегувчилар ҳам бор (ёнида эса **Бешоғоч**).

Бандакбозор – Себзор даҳаси маҳаллаларидан бири. *Бандак* – от кишани, боғлама; паранжи енги.

Бешоғоч – Тошкентнинг эски урбонимларидан, даҳа номи *огоч* (ёғоч, ййғоч) етти-саккиз километрга тенг узунлик ўлчови. Асли маъноси “дарахт”. Муҳаммад Солиҳ Бешоғоч қавм “тоифа” номи дейди. Чиндан ҳам ўзбек кўнғиротларининг *бешоғоч* уруғи маълум. Шаҳрисабз туманида **Бешоғоч** қишлоғи бор.

Болтамозор – Себзор даҳаси мавзеларидан бири. *Болта* уруғи вакилларининг мазори. Ўзбек, қозоқ ва қирғизлар таркибида *болта, болтали* уруғи қайд қилинган.

Булғорбозор – Себзор даҳаси маҳаллаларидан бири. *Булғори* тери (кўн) сотиладиган бозор.

Шаҳар дарвозаларини рамзий бўлса ҳам тиклаш, ўша жойларда бирор ёдгорлик лавҳалари ўрнатиб белги қўйиш ҳақида таклифлар билдирилган эди. Кейинги йилларда Самарқанддарвозанинг ўрнига пишган ғиштдан чинакам равоқли дарвоза ўрнатилди.

Айрим урбонимлар изоҳи

Топонимлар кўпинча қадимий сўзлардир. Бунинг устига жой номлари узоқ давр давомида истемолда бўлганидан грамматик, фонетик жиҳатдан ўзгариб кетиши ҳам мумкин: ўзи учун тушунарсиз бўлган топонимдан маъно қидириб халқ уни “миллийлаштиради”. Масалан, Бешоғочдаги Арпапоя номининг ўзбекча *арпа* сўзига, Қорёғди урбонимининг эса *қор* сўзига ҳеч алоқаси йўқ урбонимлардир. Қорёғди арабча *қаръя* ва *ди* – “қишлоқ” сўзидан келиб чиққан. Ёки Қурвақавот асли *Куруқравот*, Юнусобод эса асли Юнусравот бўлган. Ҳазрати Имомни Ҳастимом, Шайх Зайниддин бобони Шизиддинбува дейишади-ку.

Тошкентда арабча, хусусан, форсий сўзлардан таркиб топган географик сўзлар учраб туради. Масалан, 16-асрга оид вақф ҳужжатларида Бўзсув (шаҳар ўртасида) Жуи шаҳар деб аталган, кейинчалик Шаҳарариқ дейиладиган бўлган. Бўзсувнинг шаҳар ҳудудидаги бир қисми араб сўзи билан Анҳор деб; Калковус каналининг куйи қисми ҳам Анҳор деб юритилган. Ўзбекча-тожикча “адаш” номлар ҳам бор: Тахтакўприк – Тахтапул, Олмазор – Себзор, Темирчилик – Чилангар ёки Охунгузар, Қумлоқ – Регистон.

Географик номлар – топонимларни Ернинг тили дейишади. Чиндан ҳам оддий халқ томонидан қўйилган эски номларга қараб бирор ҳудуд табиати, иқтисодиёти ва этнографияси тўғрисида кўп нарсани билиб олса бўлади. Тошкентнинг эски маҳалла ва мавзелари номлари ҳам ўтмиш ҳақида талай маълумотларни сўзлаб беради.

Масалан, Дегрез маҳалласида (кўпинча Дероз деб талаффуз қилишган) чўяндан қозон, омоч тиши, узанги каби асбоб-ускуналар ясалган. Парчабоп гузарида атлас-кимхоб тўқилган (*парча* – қимматли мато, кимхобнинг бир тури; тожикча *боф*, бофанда – “тўқимоқ” феълидан). Поякичиликда (ёки поякиликда) чилим ускуналари

тайёрлашган. **Заргарлик, Кўнчилик, Маҳсидўз, Мисгарлик, Нонвойгузар, Тақачилик, Темирчи(лик), Чархкўча, Эгарчи, Ўроқчи, Қошиқчилик** каби номлардан шу ерларда қайси касб эгалари яшаганлигини билиб олиш мумкин.

Табобатчи, Тўклижаллоб, Хўжача, Хўжамаҳалла, Хўжагон, Қаландархона, Қозикўча, Қушбеги каби маҳалла-мавзеларнинг қайси ижтимоий табақадан ном олганлиги билиб олинади.

Мерганчи (Мерганча) маҳалласи эса сарбоз ўқчилар номи билан шундай аталганини тарихий манбалардангина билиш мумкин.

Шаҳардаги яна бир гуруҳ топонимлар турли халқ-элатлар номларидир: **Лўликўча, Ўзбек, Тожик, Қашқар маҳалласи, Қирғизкўприк, Қозоқбозор, Эрон, Жухудраста, Қалмоққамалган** ва бошқалар. Бошқа бир гуруҳ маҳалла – кўйлар ўзбек уруғ-қабилаларининг номлари билан аталган: **Ёбу, Ёвиарик, Калгатай, Қиёт, Мўғол, Мўғулча, Турктепа, Чимбой, Чигатай, Чувалачи, Қангли, Қорамурт** ва бошқалар.

Тошкентнинг ҳозирги кўчалари орасида шаҳарнинг қадимдан “визит карточкаси” бўлиб келган номлар жуда кам қолган.

Энди айрим номларнинг келиб чиқиши ҳақида.

Арпапоя – Бешоғоч даҳасидаги маҳаллалардан бири. Профессор Х.Ҳасанов топонимни бундай изоҳлайди: Ўрда четидаги хандақ аропа, шу хандақнинг этаги эса *аропа пойи* дейилган. Бу бора-бора арпапоя бўлиб кетган. **Арпапоя** – *арбаа* – “тўрт” сўзидан келиб чиққан дегувчилар ҳам бор (ёнида эса **Бешоғоч**).

Бандакбозор – Себзор даҳаси маҳаллаларидан бири. *Бандак* – от кишани, боғлама; паранжи енги.

Бешоғоч – Тошкентнинг эски урбонимларидан, даҳа номи *огоч* (ёғоч, йиғоч) етти-саккиз километрга тенг узунлик ўлчови. Асли маъноси “дарахт”. Муҳаммад Солиҳ Бешоғоч қавм “тоифа” номи дейди. Чиндан ҳам ўзбек кўнғиротларининг *бешоғоч* уруғи маълум. Шаҳрисабз туманида **Бешоғоч** қишлоғи бор.

Болтамозор – Себзор даҳаси мавзеларидан бири. *Болта* уруғи вакилларининг мозори. Ўзбек, қозоқ ва қирғизлар таркибида *болта, болтали* уруғи қайд қилинган.

Булғорбозор – Себзор даҳаси маҳаллаларидан бири. *Булғори* тери (кўн) сотиладиган бозор.

Бўржар – Бешоғоч даҳаси мавзеларидан бири. Бўзсув каналининг чап тармоғи ҳам Бўржар деб аталади. Бўри жар – “бўри кўп жар” деб ҳам изоҳланган. Илгарилари кўшин юришга отланишдан олдин тўпланган манзил (дислокация) – *булжор* деб аталган. Жарлик кўшиннинг тўпланиши учун қулай бўлганлигидан шундай аталган бўлса ажаб эмас. Жанубий Қозоғистонда ҳам **Бўржар** деган жой бор. Бўржар “бўз жар” деювчилар ҳам бор (ёнида Бўзсув канали).

Дўмбиробод – кўча ва маҳалла номи (Чилонзор тумани). Шу ерлик “билувчилар”нинг гапларига қараганда бу ерда Мирсоат дўмбира деган қассоб ўтган экан. Қорни дўмбирадек катта бўлганидан шундай лақаб олганмиш. Аслида Дамгиррабод – катта йўл устида дам оладиган жой маъносини англатган бўлиши мумкин.

Ёви, Ёву – Себзор даҳасидаги маҳалла ва мавзелардан бири. Ўзбек қабилаларидан бири *ёви* (*ёву* – жобу, ёбу) деб аталган. Қорақалпоқлар, туркманлар таркибида ҳам *ёби* уруғи бўлган.

Жангоҳ, Жангоб – эски маҳаллалардан бири. Айтишларига қараганда, Тошкентнинг тўртта даҳасининг полвонлари шу ерда курашишар, жанг қилишар экан. Шунингдек Тошкент тарихининг чорҳокимлик даврида (17–18-аср 3-чорагига қадар) бу ерда даҳалар ўртасида ғолиблик (гегемонлик) учун тўқнашувлар ҳам бўлиб турар эди. Шундан жой **Жангоҳ** деб аталган.

Захарик – канал. Вақф ҳужжатларида **Зоғ** шаклида тилга олинган. Баъзан **Золарик** ҳам дейишади. Канал Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида тасвирланган Зол подшосининг номи билан аталган деган фикр бор. Тошкентдаги баъзи бир топонимларнинг келиб чиқишини классик форс адабиёти қаҳрамонларининг номлари билан боғлашади (Калковус – Кайковус, Бўзсув – Барзу, Зах – Зол ва бошқалар). Аниқроғи “сернам”, “захкаш” маъносидаги **Зах** сўзи асосида юзага келган бўлиши керак.

Кўкалдош – мадраса (Шайхонтоҳур тумани). Мадраса Бухоро хонининг ноиби Қулбобо Кўкалдош томонидан 16-асрда қурилган. Кўкалдош – кўкракдош: бир энага – онани эмиб катта бўлган кишилар маъносини англатади.

Лабзак – Себзор даҳасидаги маҳалла. Лабзак асли **Лаби Зах** (Зах ариғининг бўйи) демақдир. Шаҳар дарвозаларидан бири ҳам 19-асрда шундай деб аталган.

Посира – Шайхонтоҳур даҳаси мавзеларидан. Ўтган асрларда катта ер эгалари батрақларга вақтинча фойдаланиш учун берган

ер участкаси *посира* дейилган, кейинги вақтларда “томорка”, ширкат хўжалиги аъзоларига теккан шахсий ер майдони.

Салор – Бўзсувдан бошланадиган каналлардан бири. Бу канал ўрта асрлар вақф ҳужжатларида **Рудак** – “дарёча” деб ҳам аталган. Профессор Х.Ҳасанов канал (арик) номи уни *сипоҳи салор* – лашкарбоши қаздирганидан далолат беради дейди. *Салор* деган уруғ ҳам бўлган.

Саричопон – Бешоғоч даҳаси маҳаллаларидан бири. Кўлга ўргатиладиган ов қушларидан бири *сор* ёки *сариксор*, *сорича* деб аталган. Сорича асровчилар соричабон дейилган; бу сўз кейинчалик саричопон бўлиши мумкин. Бошқа бир варианты: сарижўйбон сўзидан, яъни сувни тақсимловчи миробдир.

Сағбон – Кўкча даҳаси маҳаллаларидан бири. Сағбон “итбоқар” сўзидан олинган дейиларди. Кейинги вақтда Сағбон арабча *суқ* – “бозор” ва форсча *бон* – “қаровчи”, “боқувчи”, яъни *суқбон* – “бозор қоровули” деб изоҳланмоқда.

Сергели – Тошкент туманларидан бири. Сергели қозок қабилалар иттифоқи. 19-аср охири – 20-аср бошларида сергелиликларнинг кўпчилиги Жанубий Қозоғистон ҳудудида, қисман Тошкент воҳасида яшаган. *Сирғали* уруғи ўзбеклар таркибида ҳам бўлган.

Тарлоқ – Шайхонтоҳур даҳасидаги маҳаллалардан бири. Қадимги турк тилида *тарлаг* (*тарлақ*) – “экинзор”, “экин майдони”.

Тошкент – ҳаммага тушунарлидек туюладиган бу топонимнинг келиб чиқиши ҳамон узил-кесил ҳал қилинмаган. Тошкент воҳаси (демакки шаҳар) илк бор Чоч (Чочистон) шаклида Эрон шоҳи Шопур I нинг “Зардўшт каабаси”да милод бошларида тилга олинган; хитой манбаларида **Ши**, **Чже-ши**, **Та-ши-хан**, ўрта асрларнинг бошларида **Таркан**, кейинроқ **Бинкат**, араб манбаларида **Мадина аш-Шош** шаклларида қайд қилинган.

Тошкент сўзининг этимологияси ҳақида турли фикрлар баён этилган. Шулардан энг кўп тарқалганлари топонимнинг Тош (арабча – *ҳижара*, юнонча – *петрос*) сўзи билан алоқадорлигидир: “Тошкент – тошқалъа” демакдир. Птолемейнинг “География” китобида у Лививос Пётрос “Бурж ул-ҳижора” (Тош қалъа) деб аталган (Беруний).

Хадра – Шайхонтохур даҳасидаги маҳаллалардан бири, эндиликда “Эски шаҳар”нинг марказий майдонларидан бири тарихчи Я.Ф.Фуломов ва фольклорист Х.Т.Зариповларнинг фикрича, *Ҳадди роҳ* – “йўлнинг чеккаси, чегараси”, яъни шаҳарнинг чеккаси деган маънони билдиради. Тилшунос Ф.А.Абдуллаев эса хадра – “нотекис, паст-баланд, яроқсиз (ер)”, яъни адирлик демакдир дейди (*адранг – адра – хадра*).

Чилонзор – Бешоғоч даҳаси мавзеларидан бири. Н.Г.Маллицкий *Чинорзор* – Чилонзор бўлиб кетган дейди. Баъзилар жой *чилон* (жйда) ўсимлигидан ном олган дейдилар. Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ҳам **Чилонзор** деган қишлоқлар бор.

Чигатой – Тошкент маҳалла ва мавзелари рўйхатида бир неча марта такрорланадиган ном. Чигатой – Чингизхоннинг иккинчи ўғли; Чигатой улуси аҳолиси *чигатойлар* дейилган. Чигатой номини Фарб ва Ўрта Осиёдаги халқлар Чағатай – Жағатай шаклида талаффуз қилиб келадилар. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубидаги катта бир қавм – ўзбеклар ва тожиклар ўзларини *чағатайлармиз* дейишади. Республикамизда Чағатай деган бир неча қишлоқ бор. Демак, бу сўз асли *чағатай* (*чақатай*) шаклида бўлган. Зомин туманидаги қирғизлар тилида чақатой “жанжалкаш” “жангари”, “уришқоқ” дегани. Бу ҳам мазкур сўзнинг ўзбекча шакли ҳақида ўйлаб кўриш кераклигини кўрсатади.

Чувилдоқ – Себзор даҳаси маҳаллаларидан бири. Кўнғирот қабиласининг *чувилдоқ*, *чувуллоқ* деган уруғи бўлган. Тошкентда 92 бовли ўзбек қавмларининг вакиллари бўлган деган маълумотлар бор.

Шайхонтохур – Тошкентнинг тўрт даҳасидан бири. Урбоним Шайх Умар Боғистоний ўғли Шайх Ҳованди Тохур (жаноби пок шайх) исми авлиё номи билан аталган. Унинг мақбараси ҳам шу ерда.

Шивли ёки **Шивлимозор** – Шайхонтохур даҳаси мавзеларидан бири. Бу ерлар ҳозир ҳам **Шивли**, шу ердан ўтадиган ариқ **Човли** дейилади. Шивли билан Човли иккаласи бир ном (бу фикрни Муҳаммад Солиҳ ҳам, Н.Г.Маллицкий ҳам айтган). Дастлаб маҳалла **Шивли**, тўғрироғи **Шибли** деб юритилган. Шибли (асли шайх исми

– мозор номи)ни руслар ўз тилларига мослаб **Човли** (Чаули) деб талаффуз қилганлар. *Шибли* исмли улуғ зотлар – авлиёлар, олимлар кўп ўтган. Шибли сўзи арабча бўлиб, “шербачча” (арслон боласи) демакдир.

Эскижўва – Себзор даҳаси маҳаллаларидан бири. Х.Хасанов бу номни эскирган ҳарбий аслаҳалар (жўва) омбори маъносидадир дейди. Чиндан ҳам жиба (жуба) “совут” дегани. Тўғриси *жўба* (жўва) “бозор, раста” деган сўз. Бухорода *Жўбаи баққолон* – “баққоллар бозори” бўлган. Эронда *Жўбаи жадид* – “янги бозор” деган топоним бор.

Яланғоч – Шайхонтоҳур даҳаси мавзеларидан бири. “Яланғоч” лақабли авлиё номидан. Тўлик айтилиши Яланғочота. Аслида “яланглик” ёки “бўз” ерлар маъносида бўлиши мумкин.

Ўрда – Ўрта Осиё (Кўқон ва Тошкент) хонликларида хоннинг қароргоҳи. Тошкентнинг Қоратош маҳалласида 18-аср 4-чораги ва 19-аср бошларида Юнусхўжанинг ўрдаси бўлган. Ҳозирги Тошкентнинг Навоий кўчаси билан Анҳор канали кесишган жойда 19-аср бошларида Кўқон хони ноиблари Ўрда қурдирганлар.

Қашқар – Шайхонтоҳур туманидаги маҳаллалардан бирининг номи. 19-аср биринчи ярмида Қашқардан келган қашқарликлар – уйғурлар яшаган.

Қорамурт (Қорамуртқопқа) – Шайхонтоҳур даҳаси мавзеларидан бирининг номи. *Қорамурт* ўзбек уруғларидан бири, маъноси “қора мўйловли” демакдир.

Шаҳар кўчалари

Тошкент шаҳридаги табиий ва маданий, меъморий объектлар ниҳоятда хилма-хил. Шаҳар ичи объектларининг номлари *урбонимлар* дейилади. Бундай объектлар шаҳар таркиб топган даврдан бошлаб вужудга келган. Ўтган асрларда Тошкент шаҳрида ҳам Шарқнинг бошқа йирик шаҳарларида бўлгани каби мудофаа деворлари, хандаклар, дарвозалар, масжид-мадрасалар, ариқ-зовурлар, ҳовузлар, маҳалла-мавзелар, бозор-расталар мавжуд эди. Бу объектларнинг ҳар бири ўз номига эга бўлган.

Ана шу объектларнинг аксари қисми йўқолиб кетган бўлса ҳам халқ хотирасида, кўлёмалар ва бошқа ёзма ёдгорликларда уларнинг номлари сақланиб қолган. Уларнинг

ҳар бири шаҳар тарихининг зарраларидир. Юқорида пойтахтимизнинг кўҳна маҳалла-мавзелари номлари ва бошқа тарихий топонимлари ҳақида гапирилди.

Шаҳар ичи топонимларининг энг кўп сонлиси кўча-кўйлар номларидир. Тошкент кўчаларининг сони ва номлари ҳар доим ўзгариб турган. Пойтахт кўчаларининг Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан 1978 йилда босиб чиқарилган маълумотномаси билан орадан чорак аср ўтгандан кейинги рўйхат материалларини солиштирсак, катта тафовутларни кўрамиз. Биринчидан, маълумотнома рус тилида босилган; шунини айтиш керакки, барча расмий ҳужжатлар, жумладан, шаҳар-қишлоқларнинг, кўча-кўйларнинг рўйхатлари ҳам аксари рус тилида чоп этилар эди.

Энг муҳими, 1978 йилги номларнинг кўпчилиги коммунистик мафкура, руслаштириш сиёсати руҳи билан суғорилган эди. Маълумотномада ҳаммаси бўлиб 3253 катта-кичик кўча номлари келтирилган. Лекин мустақил номлар сони 1500 дан ошмайди; бунинг сабаби шундаки, катта кўча ҳам, торкўча ҳам, берккўча ҳам бир ном билан аталган; Масалан, бир кўча, 2 та торкўча, 2 та берккўча **Ашрафий** номи билан аталган; **Ботуми** кўчасининг 1-линия, 2-линия, 3-линия тармоқлари, шунингдек, **Ботуми тор кўчаси**, **Ботуми берк кўчаси** бўлган, демак ҳаммаси бўлиб 6 та кўча Ботуми деб аталган. **Еки 1-Оқсой, 2-Оқсой, 3-Оқсой, 4-Оқсой, 5-Оқсой** кўчалари ва **Оқсой берккўчалари** ва **Оқсой торкўчалари** ҳам бўлган.

Гулистон номи такрорланишда биринчи ўринни эгаллаган – бош Гулистон кўчасининг ёнида 10 та номерли Гулистон кўчаси, бор эди: **1-Гулистон, 2-Гулистон, 3-Гулистон, ..., 10-Гулистон** кўчалари, шунингдек, 4 та Гулистон торкўчаси ва битта Гулистон берккўчаси мавжуд бўлган. Бундай номлар мамлакатнинг жаннатмакон гуллаб-яшнаган ватанга айланганлигининг жонли тимсоли деб ҳисобланар эди.

Қарийб 1500 номнинг учдан бир қисми антропотопонимлар – кишиларнинг исм-фамилиялари, лақаблари, тахаллуслари билан аталган топонимлар эди. Ана шу 500 антропотопонимнинг аксари қисми – 280 га яқини рус фамилиялари эди, улар орасида партия ва давлат арбоблари, коммунистик мафкура ҳамда совет тузуми учун жонларини тиккан фан ва маданият арбоблари, қаҳрамонлар, рус генераллари асосий ўрин тутар эди. Ана шу арбобларнинг

исми фамилиялари, умр саналари, фаолиятлари ҳақида қисқагина маълумотлар берилганда ҳам бир рисола ҳажмида материал бўлар эди. Шунинг учун айримларининг фамилияларинигина келтирамиз: Александров, Бабушкин, Блюхер, Будённый, Верещагин, Вревский, Вишинский, Генерал Петров, Гришин, Дежнев, Дзержинский, Добролюбов, Жданов, Жуковский, Ильич, Кадишев, Калинин, Карбишев, Киров, Коллонтай, Космодемьянская, Котовский, Кропоткин, Кренкель, Крупская, Куйбишев, Кутузов, Лазо, Ленин, Луначарский, Малиновский, Манжара, Менжинский, Пархоменко, Полторацкий, Рилеев, Свердлов, Северцов, Степан Разин, Стаханов, Суворов, Станиславский, Урицкий, Урсатти, Федченко, Фрунзе, Фурманов, Чкалов, Шолохов, Шумилов, Шчорс ва бошқалар. Баъзи ҳолларда кўчага ном беришда шу жойнинг тарихий номи назар писанд қилинмасдан техник инвентаризация бюроси ходимлари исм-шарифлари ҳам ном сифатида расмийлаштирилган.

Тошкентда киши номлари билан аталган 500 кўчадан 280 таси русча антропонимлар бўлса, ўзбекча антропонимлар сони 130 дан ошмайди. Ўзбек тарихи, маданияти ва адабиётининг улкан намояндаларидан анчагина қисмининг номлари пойтахт кўчаларида ўз аксини топган (уларни санаб ўтиш шарт эмас); лекин, ўша вақтдаги ҳукмрон мафкура ва сиёсат нуктаи назаридан ўнлаб буюк намояндаларнинг номлари сояда қолиб кетган ва Тошкент кўчаларидан ўрин олмаган: **Аҳмад Яссавий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Фитрат, Усмон Носир, Чўлпон** ва бошқалар.

500 антропонимнинг қолган 90 таси қўшни қардош халқлар ва жаҳон халқларининг буюк вакиллари номларидан иборат эди: **Абай, Бердак, Самад Вурғун, Жамбул, Мусо Жалил, Жомий, Лохутий, Махтумқули, Низомий, Саъдий, Тагор, Тўқтағул, Умар Ҳайём** ва бошқалар.

Ўзбекистон пойтахти кўчаларидан 250 таси соф русча сўзлар билан аталган эди: **Абрикосовый, Агрошкола, Богарная, Вишневая, Водопадная, Восточная, Голубая, Горная, Грозная, Дальная, Дубовый, Жаркий, Западная, Черешневая, Зеленая, Зимняя, Зольная, Индустриальная, Калиновый, Кишечный, Коллективная, Конармейская, Краснофлотская, Красных партизан, Лакокрасочная, Ласточка, Литературная, Луговая, Молодежная, Молочный,**

Народная, Ниточная, Оборонная, Обувная, Аэропланная, Парашютная, Пограничная, Полюсная, Приморская, Радиальная, Ракетная, Речная, Садовая, Сенная, Степная, Танкистов, Тропическая, Урожайная, Фигурная, Хлопковая, Цветочная, Челночная, Чернильная, Шахтинская, Шелковичная, Двигательная, Моторная ва хоказо.

Ном шу жойнинг бирон хусусиятини акс эттириши керак. Русча номларнинг кўпи эса зўрма-зўраки, рус тилининг хукмрон эканлигини таъкидлаш учун қўйилган дейиш мумкин. Бўлмаса таржима қилганда Баҳорикор (Богарная), Даҳшатли (Грозная), Кулкўча (Зольная), Ичак-човок (Кишечный), Қизилфлот, Қизилпартизан, Мудофаа, Кутб, Денгизбўйи, Дашт, Тропик, Сиёҳ, Шахта каби номларнинг Тошкент шахрига нима дахли бор эди?

Бу каби топонимик бедодликка яхшиямки мустақиллик йилларида чек қўйилди.

Тошкент топонимиясининг яна бир яхлит катта бўлагини собиқ Иттифок географияси ташкил қилган, бошқача айтганда бутун Иттифокдаги, хусусан, Россиядаги шахарлар, вилоятлар, дарёлар, тоғлар ва бошқа географик объектларнинг номлари шахримиз харитасидан ўрин олган эди. “Совет Иттифоқи ҳаммамизнинг ватанимиз” деган баҳонада Алтай, Амур, Ангара, Архангельск, Астрахань, Барнаул, Белград, Брест, Владивосток, Владимир, Волгоград, Волга, Дальний Восток, Днепр, Дон, Енисей, Кама, Камчатка, Кола, Кострома, Кремль, Магнитогорск, Москва, Мурманск, Нева, Новгород, Новороссийск, Пенза, Пермь, Ростов, Рязань, Сибирь, Смоленск, Ставрополь, Томск, Тула, Тюмень, Ульяновск, Урал, Хабаровск, Цимлянск, Чита, Шатура, Ярославль каби 130 га яқин “рус совет” топонимлари Тошкентга “кўчириб” келтирилган эди. Ўзбеклар ўта байналминалчи халқ бўлганидан бунга ҳам эътироз билдирмаган.

Тўғри, топонимлар кўчиб юради. Лекин, Ўзбекистоннинг географик номлари пойтахт харитасидан кам ўрин олган эди. Амударё, Ангрэн, Бекобод, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Жиззах, Зарафшон, Мирзачўл, Наманган, Нукус, Пайарик, Пискент, Самарканд Термиз, Тўрткўл, Хоразм, Чинобод, Чуст, Қарши, Кува, Қўқон каби тарихий номларни ҳисоблаб чиқсангиз, ҳаммаси бўлиб 40 дан ошмайди. Бу эса “Иттифок” географиясидан деярли 3 ярим марта камдир.

Пойтахтимиз кўчаларининг аксари қисми русча, советча номлар билан аталгани ҳақида гапирилди. Мустақиллик

йилларида бундай “қизил” номлардан воз кечилди ва улар тарихий, миллий атамалар билан алмаштирилди.

Чучмал топонимлар

Ном – халқ ижоди, ном қўйиш – санъат. Хоҳ шаҳар-қишлоқ номи бўлсин, хоҳ тоғу тош, сой-у жилға номлари бўлсин, боринги, кўча-кўй номи бўлсин, диққат билан кўздан кечиринг: **Андижон, Бухоро, Бўстонлик, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм.** Тошкент шаҳрининг эски номлари – маҳалла-мавзелари номларига бир эътибор беринг: **Бешоғоч, Ганчтепа, Гиштмасжид, Шайхонтоҳур, Қорамурт, Чопонбозор, Кўмирхона...** бир-биридан чиройли, грамматик жиҳатдан мукамал ҳақиқий тарихий топонимлардир.

Бир хил номларнинг маъноси ҳаммага тушунарли бўлса, бошқаларини мутахассисларгина билишади, баъзилари эса умуман тушунарсиз, демак, улар қадимий, бинобарин қимматли топонимлардир. Жой номларининг айрим товуш-ҳарфларини ўзгартириб тушунарли қилиш, тарихга ҳиёнатдир. Масалан, Бешоғочни Бешёғоч деб ўзгартириш тўғри эмас. Биринчидан, *бешоғоч* уруғ номи, иккинчидан, *ёғоч* сўзининг оғоч “дарахт” маъноси ҳам бор, дарахт форсча, *ағач* (жағач, жиғач, ағач, оғоч, ёғоч) эса туркий сўзdir.

Тошкент кўчаларининг коммунистик режим ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилган пайт – бундан чорак аср олдинги рўйхатини синчиклаб кўздан кечирсак коммунистик мафкураининг, руслаштириш, миллий таҳқирлаш сиёсатининг топонимияда ҳам нақадар чуқур илдиз отганининг гувоҳи бўламиз. Бошқача айтганда совет давридан қолган топонимик мерос илмий-миллий асосга қурилмаган, улоқ-қуроқ, олачалпоқ, муваққат лексик “хўжалик” эди.

Тошкент кўчаларига совет даврида қўйилган ўзбекча номлар ҳам бор эди албатта. Лекин, ўзбекча сўзлардан иборат кўча номларининг сони 200 га етмас эди.

Энди пойтахтнинг илгаритдан мавжуд бўлган тарихий номлари ҳақида эмас, балки, сўнги бир неча ўн йил ичида қўйилган ўша ўзбекча номлар ҳақида сўз юритилади. Бундай қараганда улар тушунарли, шарқона, чиройлидек кўринади, лекин, илмий нуқтаи назардан чуқурроқ назар солсангиз уларнинг жой номлари эмас, яъни атоқли отлар эмас, балки, оддий турдош отлар, ҳар хил чақириқлар, шиорлар, советизмлар, чала, ним топонимлар, чучмал номлар эканлигини пайқаб оласиз.

Топоним оддий сўз билан жой иттифокидир, бошқача айтганда шу жойнинг бирор хусусиятини ёки шу ерда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани ифодалаши шарт. Ростакам топоним камида икки компонентдан – таркибий қисмдан иборат бўлиши керак. Масалан, Тошкентда **Баҳор** деган кўча ҳам бор, **Баҳористон** деган кўча ҳам бор, *Баҳор* топоним эмас, балки йил фаслини билдирадиган термин, уни *кўклам* деса ҳам бўлади; *баҳористон* эса топонимга айланиши мумкин. Чунки бу сўзнинг “ер”, “жой” маъноси бор: **Баҳористон** деганда “яшнаган гўша” тушунилади. **Виждон, Висол, Гўзал, Дадил, Жонон** каби шарқона номлар ҳам аслида атоқли отлар эмас, балки топонимлик “иммунитети” йўқ, зўрма-зўраки, топонимлик “паспорти” берилган географик номлардир. Бундай сўзларни атоқли отларга, жой номларига айлантириш учун уларга топонимик “тўн” кийдириш керак. Масалан, шу кўчада қадимдан диёнатли кишилар яшаб келган бўлса, уни **Виждонликлар** дейиш мумкиндир.

Алоқа, Бахт, Висол, Дадил, Жонон, Иззат, Зайтун (бу дарахт субтропикларда ўсиб мева беради), **Замон, Корхона, Лочин, Маданият, Марварид** (денгизда бўлади), **Мақола, Маҳорат, Мулойим, Мусобақа, Мусаффо** (осмон мусаффо бўлади), **Муҳокама, Нилуфар** (иссиқ ўлкаларда сувда ўсадиган гул), **Одоб** (кўчада одоб нима қилсин?), **Офтоб** (осмонда-ку; **Офтобрўй** деса бўлади), **Пальма** (тропикларда ўсади, Ўзбекистонда иссиқхоналарда ўсиши мумкин), **Парвоз** (кўча парвоз қилмайди), **Табассум, Табрик, Уйланиш(?)**, **Фазо** (бўшлиқ, осмон), **Шамол** (Шамолгоҳ дейиш мумкин), **Яшна** (яшнайвер кўча!), **Ҳурматли** (муҳтарам кўча?) каби чучмал турдош отлар кўчаларга ном сифатида совет даврида танланган.

Бундай мужмал топонимлар мустақиллик йилларида ҳам пайдо бўлди: **Ихлос, Кураш, Мағрур, Маъсума, Савр** (ой номи, юлдузлар туркуми), **Лочиг** (“чайла” маъносида бўлса, *олачиқ* шаклида ёзилади), **Чўлдрахт** (Тошкентда-я?), **Ҳамал** (юлдузлар туркуми).

Шуни айтиш керакки, ҳамма сўздан ҳам жой номи ясалавермайди, бошқача айтганда топоним сўз танлайди. Фалсафадаги *замон* ва *макон* тушунчалари жойларга, жумладан кўчаларга ном қўйишда ҳам принцип бўлмоғи керак. Яна ҳам аниқроқ айтганда шу ердаги реал воқеликдан, кундалик ҳаётдан, мавжуд табиий, иқтисодий, маданий турмушдан келиб чиқиб ном танлаш зарур. Кўча-кўйларга баландпарвоз номлар қўйиш – қўшиб ёзиш, мафкуравий лоф уришнинг ҳаётий сиёсат эмаслигини ачиқ тажриба кўрсатди.

Мустақиллик топонимлари

Илмий пойдевори чуқур бўлмаган ҳар қандай устқурма бир кун бўлмаса бир кун барбод бўлади. Совет давлати парчаланиб кетгандан кейин жой номлари миллий қадрият қатламларидан бири сифатида қаралиб, мустақил топонимик сиёсат юргизила бошланди, халқ тарихи, маданияти, тилига алоқадор бўлмаган шаҳар-қишлоқлар, кўча-кўйлар ва бошқа географик объектларнинг номлари ўзгартирилди, тарихий номлар тикланди ёки қайта номланди.

Топонимлар шаҳар-қишлоқ номлари бўладими, кўча-кўйларнинг номлари бўладими, халқ ижоди маҳсулотлари ўлароқ халқ каби содда, оддий, ҳамма учун тушунарли бўлмаса, реал ҳақиқатни акс эттирмаса, бир кун бўлмаса бир кун барбод бўлажак.

Аслида компартия, совет давлати қайта қуриш йилларидаёқ ич-ичидан зил кета бошлаган эди. 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши географик объектларни номлаш ва қайта номлаш сиёсатида ҳам бурилиш нуқтаси бўлди; топонимларни миллийлаштириш ҳаракати бошланди. 1990 йилда “Москва” меҳмонхонасининг шу жойнинг тарихий номи билан “**Чорсу**” деб, Калинин майдони деб келинган майдоннинг шу ернинг азалий номи билан яна **Эскижўва майдони** деб аталиши Тошкентда тарихий номларни тиклаш борасида қўйилган дастлабки қадам бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Топонимия комиссиясининг тузилиши, унга таниқли олимлар – топонимистлар, тарихчилар, тилшунослар, шунингдек, ёзувчи-шоирлар ва бошқа жонкуяр мутахассисларнинг жалб қилиниши (1992) комиссия ишининг жонланишига имкон берди.

Оқибатда 1989 йилдан 2004 йил октябрь ойигача Тошкентдаги мустақил номларга эга бўлган кўчалардан 1000 га яқин кўча қайта номланди (юқорида айтилгани каби, 1978 йил маълумотларига кўра шаҳардаги 3200 га яқин катта-кичик кўчалардан 1500 таси мустақил номга эга эди; чунки бошкўча ҳам, унинг тармоқлари – торкўчалар ҳам, берккўчалар ҳам бир ном билан аталган ўринлар кўп; бунинг устига номсиз кўчалар ҳам анчагина эди).

Дунёдаги бирон шаҳарда кўча-кўйларни қайта номлаш соҳасида бунчалик катта ўзгариш ҳеч қачон бўлмаган бўлса керак. Республикамизда шаҳар-қишлоқларни, қишлоқ хўжалик

корхоналарини, маданий-маиший муассасаларни қайта номлаш борасида ҳам жиддий тадбирлар амалга оширилди. Лекин, нисбатан кичикроқ ҳудудда, бир аҳоли пункти доирасида шаҳар ичи номларининг тубдан ислоҳот қилиниши диққатга сазовордир.

Шаҳардаги кўча номларини шунчалик ўзгартириш шартмиди, деган савол туғилиши мумкин. Ҳа. Ўзгартирмаслик мумкин эмас эди.

Топонимлар – шаҳар-қишлоқ номлари, кўча-кўй номлари мустақилликнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Пойтахт эса мустақиллик энг кўп акс этадиган жойдир.

Тошкентдаги 1500 топонимнинг 1/3 қисмидан ортиқроғи рус ва бошқа “қизил” арбобларнинг фамилияларидан, 1/5 қисми соф русча турдош отлардан, 1/10 қисми Россия ва бошқа “иттифокдош” республикаларнинг географик номларидан иборат бўлган бўлса, бошқача айтганда шаҳар кўчаларининг қарийб тўртдан уч қисми ўзбек тили, тарихига бутунлай ёт номлар билан аталган бўлса, ўзбекча расмана топонимлар сони 200 дан ошмаган, ва “соф” ўзбекча топонимлар орасида ҳам Колхоз, Коммунизм, Октябрь революцияси, Пионер, Совет, Совхоз каби “рус-совет” байналминал сўзлари учраб турса, Зарбдор, Интизом, Истикбол, Иттифок, Машғал, Мусобақа, Парвоз, Табрик, Тантана, Фаол, Яшна, Ҳаракат, Ҳурматли каби чақириқ-топонимлар, шиор-топонимлар кенг илдиз отган бўлса, шаҳар танасидаги бу “ўсимталар”ни бартараф қилмасдан туриб “даволаб” бўлмас эди, албатта. Шунинг учун ҳам ўтган 14 йил давомида Тошкентдаги 1000 чамаси кўча қайта номланди.

Топоним ҳам сўз, лекин оддий турдош от эмас, балки атоқли от, атоқли от бўлганда ҳам мураккаб таркибли, шу жойнинг хусусиятини ифодаловчи ахборот ташийдиган атоқли отдир, тўғрироғи идеалда шундай бўлмоғи керак. Тошкентнинг номи ўзгартирилган кўчаларидан қарийб учдан бир қисмида маданият ва фан арбоблари – олимлар, ёзувчилар, артистлар, давлат ва жамоат арбоблари: **Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ат-Термизий, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темура, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Темура Малик** каби 50 дан ортиқ буюк шахсларнинг номлари пойтахт топонимиясида абадийлаштирилди. Шу билан бирга **Мухтор Авезов, Бетховен, Махатма Ганди, Лоҳутий, Неру, Фирдавсий, Лев Толстой, Чехов** каби жаҳон классикларининг номлари Тошкент кўчаларини безаб турибди.

Бундан буён Тошкент кўчаларига машҳур кишиларнинг номларини қўйиш принципига катта ўрин берилмаслиги

керак. Тошкентимиз кўчаларида **Афросиёб** (Тошкентда ҳам шундай ном бўлган), **Беларик**, **Бешкўрғон**, **Бойкўрғон**, **Бўзбозор**, **Жарарик**, **Посира**, **Тахтапул**, **Тепамасжид**, **Туркарик**, **Туяторгар**, **Хирмонтена**, **Чилдитурон** (асли **Чилдухтарон** – Тошкентда **Қирққиз** деган топоним ҳам бўлган), **Чукурсой**, **Шоҳидонтена**, **Шўртепа**, **Яккачинор**, **Яланғоч**, **Қичқирик**, **Кўшкўрғон** каби 150 дан ортик тарихий номларнинг тикланиши шаҳар Топонимия комиссиясининг ном кўйиш соҳасидаги катта ютуғидир.

Шаҳар топонимик лексикаси

Топонимлар — географик номлар, жумладан урбанонимлар, яъни шаҳар ичидаги кўча-кўйларнинг ва бошқа объектларнинг номлари атоқли отлар бўлиб, кўпинча турдош отлардан таркиб топган. Ана шундай номларни ҳосил қилган сўзлар топонимик лексика дейилади.

Куйида шаҳарнинг асосий топонимик лексикаси изоҳланади.

Арк (форсча) – пойтахтнинг марказий қисмидаги қаср, хон ёки амир саройининг мустаҳкамланган қисми ва шунингдек саройнинг ўзи, кремль *куҳандиз* (қаранг).

Арка (итальянча *арко* асли латинча *аркус* «ёй» сўзидан олинган) – тепаси яримдоира шаклида солинган дарбоза, эшик, дераза.

Бекат – транспорт воситаларининг тўхташ жойи, станция (французча пикет – жой харитага тушириляётганда ҳарбийлар ерга қоқадиган қозик). Пикет сўзи рус тилига *бекет* шаклида ўтган (руслардаги *Бекетов* фамилияси шундан). Ўзбекистонда дастлаб ўрмон қоровуллари яшайдиган жой, қоровулхона *бекат* дейилган. Темир йўл станциялари ҳам ҳарбийлар томонидан кўриқланган ва дастлаб *бекат* дейилган.

Ҳозир кўпроқ шаҳарлардаги остановақаларни бекат дегани маъқулроқ.

Берккўча – боши берк кўча, туюқ кўча. Расмий маълумотларга кўра Тошкентда 596 берккўча (русчаси – *тупик*) бор.

Бозор (форсча) – халқ савдо-сотиқ қиладиган жой. Ўрта асрларда савдо майдони шаҳар деворларининг ичида эмас, балки ташқарисида, шаҳар дарбозаларининг ёнида бўлган. В.В.Бартольд араблар истилоси даврида ҳаёт шахристондан

– ростакам шаҳардан рабодларга кўчган, бу ерларда савдогарлар ва хунармандлар яшай бошлаганлар. Шунинг учун *бозор* сўзи дастлаб «дарбоза ёнида бажарилаётган иш» деган маънони англатади дейди (қайси тилда эканлигини айтмаган).

19-аср бошларида Тошкентда 1500 га яқин бозор-расталар бўлган.

Вокзал (рус тилига дастлаб 18-асрда *фоксал* шаклида кирган, инглизча Vauxhall – Вокс деган киши номидан ва hall – «зал» сўзидан) – темир йўл станциясида йўловчиларга хизмат қиладиган бино. Бу сўз ўрнига *шоҳбекат* сўзи ишлатилган ҳоллар учрайди (баъзан автостанцияни ҳам *шоҳбекат* дейишади). Шу термин қабул қилинадиган бўлса, *шокоса*, *шосуна* сўзларига ўхшатиб *шобекат* дейилса бўлмасмикин? Ҳар қандай бўлганда ҳам, *вокзал* сўзи тилимиз лексикасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Тошкентда икки вокзал – Шимолий ва Жанубий вокзаллар бор: Уларнинг номларини **Шимол**ия ва **Жануб**ия деб қисқартириш мумкин: *-ия* кўшимчаси топоним ясашда фаол ишлатилади – **Ихлос**ия, **Туркия**, **Русия**; Ўзбекистонни **Ўзбек**ия деб ишлатилган ҳоллар учрайди (Қоҳира шаҳрида **Ўзбек**ия – «ўзбеклар» деган маҳалла бор экан; «Ўзбекияда – ўзбекларда шундай удум бор» деган иборани ҳамон эшитиш мумкин).

Гузар (форсча) – шаҳарнинг гавжум жойи, маҳалланинг марказий қисми, Бухоро ва Самарқандда «маҳалла» (баъзан «кўча»).

Гумбаз, гунбаз (форсча) – кубба шаклидаги том.

Дарвоза (форсча дар–эшик, боз–очилган), шаҳар дарвозалари – шаҳарни ташқи душманлардан мудофаа қилиш учун қурилган катта эшик. Тошкентда дарвозалар 10-асрдан қурила бошлаган ва 19-аср ўрталарида шаҳримизда 12 дарвоза бўлган. Шаҳарнинг кенгайиши ва қайта қурилиши натижасида 19-асрнинг охирида аста-секин вайрон бўлган.

Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳарлари икки ёки тўрт қисмга – Тошкент 4 даҳага, Бухоро 4 рубга (арабча *руб* – чорак), Самарқанд 4 қитъага (арабча қитъа – бўлак, қисм), Шаҳрисабз ва Хўжанд шаҳарлари эса 2 қисмга бўлинган.

Шаҳар дарвозалари сони ҳам маълум миқдорда бўлган, масалан, Тошкентда, юқорида айтилганидек, ўрта

асрларда ҳам, 19-аср охирларида ҳам 12 дарвоза бўлган; Бухорода ҳам шунча дарвоза бўлганлиги маълум.

Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ ўзининг «Тарихи жадидайи Тошканд» асарида айтишича, 19-аср Тошкент дарвозаларини кўриқлаш маълум бир қабила вакилларига топширилганлиги учун қуйидаги дарвозалар шу қабилалар номлари билан аталган:

Киёт дарвозаси – киёт қабиласи номидан;

Турклар дарвозаси – турк қабиласи номидан;

Ўзбек дарвозаси – ўзбек қабиласи номидан;

Қорасарой дарвозаси – қорасарой қабиласи номидан;

Чиғатой дарвозаси – Чингизхон авлодидан бўлган

Чиғатой улуси номидан;

Кўкча дарвозаси – шу қабила номидан;

Камондорон дарвозаси – камондоронлар бузук қабиласининг бир тоифаси;

Қангли дарвозаси – қабила номидан;

Қатағон дарвозаси – қатағон қабиласи номидан.

Кўринадики, Қорасарой, Кўкча, Бешоғоч дарвозалари номларининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар юради, аслида эса улар ҳам этнотопонимлардир, яъни уруғ-аймоқ номлари билан аталган. Камондоронлар эса тоифа номи экан. Камондорон кейинги пайтларда Камолон бўлиб кетган. Чиғатой ҳақида шунини айтиш мумкинки, Чингизхоннинг иккинчи ўғли бутун дунёда Чағатой (Жағатай) номи билан машхур; араб ёзуви бу шахс номининг ўзбекчада **Чиғатой** шаклида ёзилишига сабаб бўлган.

Даҳа (форсча) – 20-аср бошларигача Тошкент 4 даҳага (маъмурий қисмга) бўлинган. Тарихчи Наршахийнинг маълумотларига қараганда, 9–12-асрларда Бухоро шаҳри ҳам 4 қисмдан (арабча руб – чорак) иборат бўлган. Бухоро хонлигининг тоғли қисмларида даҳа деганда кичик маъмурий бирлик тушунилган, бу ҳозирги «қишлоқ фуқаролар йиғини», «қишлоқ кенгаши» тушунчасига тўғри келади. **Даҳа** сўзи «деҳҳо» – «қишлоқлар» маъносида бўлиши мумкин.

Дендропарк (юнонча «дендрон» – дарахт) – илмий мақсадларда турли хил дарахтлар ва буталар экилган боғ.

Дўкон (арабча) – кичик магазин, магазинча.

Завод (русча) – йирик саноат корхонаси; енгил ва озиқ-овқат саноати моллари ишлаб чиқариладиган корхона фабрика дейилади.

Зарбхона (форсча) – танга, чақа, орден ва медаллар ишлаб чиқарадиган корхона. Тошкентда 1992 йилдан зарбхона ишлаб турибди.

Кат, кет (суғдча) – уй, қишлоқ, шаҳар, истеҳком. *Кат* унсури Чоч вилоятида кўплаб шаҳарлар номларини ҳосил қилган: **Бинкат, Банокат, Бискат, Даҳкат, Заранкат, Тункат** ва б. Бундай топонимлар шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида **Заркент, Паркент, Пискент** шаклида ўзгартирилди. Бу сўз яна *кас, кад, кай*, ҳатто *каш* шаклида сўзлар топонимлар ясаган: катхудо (форсчада кадхудо) – оила бошлиғи, қишлоқ оқсоқоли, подшо; *касана* – ўз уйида ишлаб, мол тайёрлаш; *кайвони* (форсча кадбону) – уй бекаси, билагон, дастурхончи; *катак* – уйча, бўлма.

Эроншунослар *кат* билан *кент* сўзлари суғд тили шеваларининг маҳсулидир дейдилар.

Кент (суғдча) – шаҳар, қишлоқ. *Кент, кан, кенд, қанд* шаклларида кўплаб аҳоли пунктлари номлари таркибида учрайди: **Тошкент** (асли Тошканд, оғзаки нутқда – **Тошкан**), **Самарқанд, Хўқанд (Кўқон), Наманган**. Русча *посёлка* сўзи бизда шаҳарча деб қабул қилинган, шу маънода *кент* сўзини ишлатса бўлади, чунки 20-йилларда *посёлка* сўзи ўрнида республикамизда кент сўзи ишлатилган.

Кремль (русча) – шаҳарнинг ички қалъаси, арк, куҳандиз.

Куҳандиз, куҳандиж, кундиз (*кўҳна* – «эски» ва суғдча *диз* – «қалъа», «қўрғон») – шаҳарнинг арки, кремль (қаранг *Арк*).

Кўча (форсча) – шаҳарнинг йўловчилар, транспорт воситалари қатнайдиган йўли. Тошкентда илгарилари ҳозирги маънодаги кенг ва тўғри кўчалар бўлган эмас. Шаҳарнинг энг қадимий кўчаси Каттакўча, Тошкўча ёки Шайхонтоҳур кўчаси деб аталган (ҳозирги Навоий кўчаси). Бу кўчадан кўпинча сотилган ёки сотиладиган кўй подалари ҳайдаб ўтилган. 1883 йилда шаҳар думаси Тошкентнинг 17 кўчасига расмий ном берган. Ҳозир Тошкентда 3473 та катта-кичик кўча бор.

Кўча сўзининг этимологиясига келганда шуни айтиш керакки, илк ўрта асрларда Ўрта Осиё шаҳарларида, жумладан Бухорода маҳалла баъзан *кўча, кў, кўй* дейилган; *кў(й)ча* – «маҳалланинг бир қисми», «маҳаллача»; юқорида айтилганидек, олдинлари шаҳар кўчалари аниқ ва давомли бўлган эмас.

Кўшк (форсча) – ҳашаматли бино, сарой, қаср; атрофи боғ билан ўралган бундай иморатлар кўпинча ташқи шаҳарда бўлган.

Мавзе (арабча) – жой, дала, русча урочишче сўзига тўғри келади. Тарихий асарларда ҳам *мавзе* шу маънода ишлатилган. Жанг қилиш учун махсус жиҳозланган жой ҳам мавзе дейилган. Низомиддин Шомийнинг Амир Темур тарихига бағишланган «Зафарнома» асарида шундай жумлалар бор: «Ғалаба ёр лашкарлар шундай мустаҳкам мавзени андак вақтда фатҳ этдилар», «...бу мавзени муҳофаза қилиш», «Мавзеда бир неча санокли уй бўлиб, қандайдир одамлар яшар эдилар», «Шосмон мавзесида олий бир янги сарой қурдилар».

Тошкентда шаҳар ташқарисидаги боғ-ҳовлилар маҳалласи мавзе дейилган; ҳар бир маҳалланинг ўз мавзеси бўлган.

Мадина (арабча айнан «суд қилинадиган жой») – шаҳарнинг асосий қисми, ички шаҳар, ростакам шаҳар, форсчаси *шаҳристон* (Хоразмда – ичанқала), ташқи шаҳар эса *рабод ёки берун* дейилган (Хоразмда – дишанқала).

Мадраса (арабча *мадарасатун* – «дарс бериладиган жой») – диний, ўрта ва олий мактаб. 1917 йилгача Тошкентда 26 мадраса бўлган. Ҳозир пойтахтимизда Кўкалдош ўрта махсус мадрасаси, Ҳадисаи Кубро хотин-қизлар ўрта мадрасаси, Тошкент Ислом институти – Олий маҳад мадрасаси.

Майдон (арабча) – шаҳар кўчалари кесишган ердаги обод жой, маҳалла ичидаги ёки жамоат бинолари олдидаги кичик сайҳонлик.

Маркет (инглизча *market* – «бозор», «сотиш») – магазин, супермаркет – озиқ-овқат моллари билан бирга саноат моллари ҳам сотиладиган замонавий универсал магазин; минимаркет – кичик магазин, дўкон.

Маҳалла (арабча маҳал – «истиқомат қиладиган жой») – шаҳарнинг бир неча кўчани ўз ичига олган бир бўлаги. 1865 йилда Тошкентда 140 маҳалла бўлган. Эндиликда кўп қаватли уйлар ҳам маҳаллаларга бўлинган. Ҳозир пойтахтимизда 470 га яқин маҳалла бор.

Минок, Минора (арабча) – мезана шаклидаги баланд бино, бурж.

Мозор (арабча *мазарун* – «зиёрат қилинадиган жой») – қабристон. Тошкентда 40 га яқин қабристон бўлган.

Пойтахт (форсча «тахт ўрнашган жой») – давлатнинг ҳукумат ва марказий идоралари жойлашган бош шаҳри.

Тошкент 1930 йилдан пойтахт. Ундан олдин Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқанд шаҳри эди.

Работ, рабаз (форсча) – шаҳарнинг ташқи истехком девори билан ўралган маҳаллалар, мавзелар, далаҳовлилардан иборат ташқи қисми. Баъзи бир шаҳарларда, масалан қадимий Тошкент – Бинкатда работ иккига бўлинган: работи дохил «ички работ», работи хориж – «ташқи работ».

Работ (арабча «от боғланган жой») – истехком, савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил, карвонсарой (карвонсаройлар ҳам қароқчилардан ҳимоя қилинган).

Кейинги асрларда форсча *рабод* (*рабаз*) ва арабча *работ* сўзлари деярли бир хил маъноларда ишлатила бошлаган ва бир хил шаклда талаффуз қилинган.

Регистон (форсча «қумлоқ») – шаҳарнинг қум тўшалган марказий қисми. Тошкентнинг Чорсу бозори ўрни Регистон деб аталган.

Сарой (форсча) – монументал бино, давлат бошлиқларининг истиқоматгоҳи ва қароргоҳи, шу билан бирга *сарой* деганда умум томонидан фойдаланиладиган бинолар, масалан, меҳмонхона («карвонсарой»), дўкон, хўжалик моллари омбори, ҳатто халажой ҳам тушунилган. Мустаҳкамланган қасрнинг бир бўлаги, мадраса ёки масжиднинг айрим бинолари (миёнсарой), беклар ва заминдорлар яшайдиган уйлар ҳам *сарой* дейилган; *бўстонсарой* – данғиллама боғ-ҳовли, *саройбақо* (мажозий маънода) – боқий дунё, у дунё.

Торкўча – кичикроқ кўча, бир кўчани иккинчиси билан боғлаб турадиган калтароқ кўча. Расмий маълумотларга кўра Тошкентда 1244 та торкўча (русчаси *проезд*) бор.

Туман (мўғулча) – дастлаб «сон-саноксиз», «тумонат» маъносида ишлатилган (русча *тьма* – «беҳисоб», «ададсиз» сўзи шундан). Маҳмуд Кошғарий *туман*, *туман-турлук* сўзларини «кўп», «хилма-хил» маъносида ишлатган; *туман минг* деганда «минг туман», «минг марта минг», «бир миллион» сонларини тушунишган.

Туман сўзи мўғуллар империяси даврида «ўн минг» маъносида қатъийлашган, ҳарбий терминологияда «ўн минг кишилиқ лашкар» тушунчасини англатган. Баъзан *туман* солиқ тўлайдиган аҳоли – улус маъносида ҳам ишлатилган. Кейинчалик Туркистонда, Эронда энг кичик маъмурий ҳудуд тушунчасини олган; лекин Фарғонада бу сўз ўрнида *ўрчин* термини ишлатилган.

Туркистон худудида *туман* термини руслар келганидан кейин ҳам XIX асрнинг 80-йилларигача, Бухоро республикасида эса 1920 йилдан кейин ҳам истеъмолда бўлган; шундан сўнг *туман* сўзи ўрнига русча *волость* (*бўлис*) сўзи киритилган.

Мўғуллар истилоси даврида арабча *рустақ* – «район» ўрнига *туман* термини жорий қилинган; *туман рустақдан* кўра анча катта худудни билдирган. Самарқанд вилояти 18-асрда ҳам темурийлар давридаги каби 7 туманга бўлинган, 10000 кишилик кўшин етказиб берадиган ёки шунча кўшинни боқиб таъминлаб турадиган худуд *туман* дейилган экан.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида *район* ўрнига *ноҳия* сўзи ишлатила бошлаган эди. Ноҳия (кўплиги навоҳий) маъмурий худуддан кўра «мамлакат», «теварак-атроф», «дала» маъносини англатар эди. Шундан кейин *район* ўрнига *туман* ишлатиладиган бўлди.

Бироқ *район* сўзи луғат фондимиздан чиқиб кетмаслиги керак. Эргаш Жуманбулбул ўглининг «Районим Нурота тоғлар ораси» шеъридаги *район* сўзини ҳатто дарсликларда ҳам «туманим» деб ўзгартирилган. Иқтисодчилар, географлар *район* сўзини ҳамон ишлатмоқдалар: *районлаштириш*, *иқтисодий район*.

Тупрокқўрғон – тупроқ уйиб кўтарилган ва мудофаа учун хизмат қилган мустаҳкамланган катта сунъий тепалик; қаранг: *Кўргонтепа*.

Хонақоҳ (форсча, асл маъноси «шайхлар, дарвешлар зикру само қиладиган хона») – масжиднинг намоз ўқиладиган хонаси; ғариб ва мискинлар истиқомат қиладиган уй, ғарибхона, дарвешхона. В.В.Бартольд *хонақоҳ* форсча *хона* сўзининг суғдийлар тилида талаффуз қилинишидир дейди.

Чақар (туркий, мўғулча) – шаҳарнинг қалъа деворидан ташқаридаги истехком. Бобур бундай дейди: «Темурбекнинг набираси Жаҳонгир Мирзонинг ўгли Муҳаммад Султон Мирзо Самарқанднинг тош (яъни ташқи) кўрғонида (чақардур) бир мадраса солибтур».

А.Муҳаммаджонов Тошкентдаги Чақар топоними ўрта асрлардаги Самарқанднинг маҳаллаларидан Жакардизага ўхшаш *чокар* «ҳарбий хизматчи» сўзидан таркиб топган дейди; ўша пайтларда бу сўз *чокир* (арабинавис муаллифларда *шокир*) шаклида қайд қилинган ва к (коф) ҳарфи билан ёзилган. Зенкернинг 1862–1867 йилларда Лейпциг шаҳрида

нашр этилган туркий-арабий ва форсий луғати ҳам Бобурнинг фикрини исботлайди: «Чақар шаҳар деворидан ташқаридаги шундай жойки, унда кўрғон атрофи мустаҳкам ўраб олинган».

Чорбоғ (форсча айнан «тўртбоғ»: тоқзор, мевали боғ, истироҳат боғи ва сабзавот-полиэзкинлари) – катта боғ, гўзал боғ; 4 томони боғ билан ўралган кошона ёки кўрғон, 4 томони девор билан ўралган боғ; дала-ҳовли; кўпинча бойларнинг ва ҳокимларнинг ер-сувлари *чорбоғ* дейилган. Суғдча *сарваг* – «сарой». Тарихчи П.П.Иванов *чорбоғ* терминининг маъноси аниқ эмас дейди. Тошкентнинг Қорақамиш мавзесида *Хончорбоғ* деган жой бор. Бу сўз *чарвоқ*, *чорвоқ* шаклларида ҳам талаффуз қилинади.

Чорсу – чорроҳа, шаҳар марказидаги катта кўчалар кесишган жой, гумбазли бозор. Зардуштийлар (оташпарастлар)нинг муқаддас китоби «Авесто»да човрусук (айнан «тўрт томонлама») сўзи бозор маъносида келади. Илк ўрта асрларда Туркистон шаҳарлари кўчаларининг ҳар икки томони бозор-расталардан иборат бўлиб, кўчалар ғарбдан шарққа ва жанубдан шимолгача чўзилган эди; кўчалар кесишган жойдаги гумбазли бозор *чорсу* деб аталган; форсча су «томон», «тараф» маъносини англаган: *чорсу* – «тўрт томонлама», *сесу* – «уч томонлама»; яна суқ элементи ҳам учрайди. Бу эса ўша су сўзининг кичрайтирилган шакли ёки арабча суқ «бозор» демакдир. Бухорода **Суқи тарроҳи** деган бозор бўлган: суқ – «бозор», *тарроҳ* – «тароқ».

Шаҳар – санскритча *хшатра* сўзидан келиб чиққан ва дастлаб «давлат», «ҳокимият», «ҳокими мутлақ», яъни подшо маъноларини англаган. *Шаҳриёр* – «шаҳоншоҳ», «император»; *шоҳ*, *подшо* сўзлари ҳам шаҳар сўзлари билан ўзакдош. *Шаҳристон* «айнан подшоҳ қароргоҳи» - «ички шаҳар», Хоразмда *ичанқала*, арабча *мадина*, бу сўзнинг бир-бирига кўшилиб кетган шаҳарлар, яъни *мегаполис* маъноси ҳам бор; *шаҳрибанд* шаҳарнинг истехком девори.

Туркий *арслон* сўзининг форсча варианты *шер* ҳам шаҳар сўзи билан маънодош; *шер* – «ҳайвонлар подшоиси» (руслар «царь зверей» дейишади).

Ўрда – туркий ва мўғул халқларида ҳарбий-маъмурий манзилгоҳ, давлат бошлиқларининг қароргоҳи, пойтахти. Тошкентда бешта ўрда бўлган экан. Шулардан энг кейингиси ва машҳури Навоий кўчасининг бош томонидаги *Ўрдадир*.

Бу ерда 19-аср бошларида Кўқон хони ноибларининг қароргоҳи бўлган.

Қалъа (арабча) – истехком, мустаҳкамланган шаҳар, қаср, кўрғон. *Қала* шаклида ҳам талаффуз қилинади. Хоразмда *қала* – «шаҳар вайроналари»; *қалачи* – Россия шаҳарларига бориб, савдо-сотик қилган йирик маҳаллий савдогар; *қалаковуш* – «резинка калиш».

Қарши – сарой, қаср, кўрғон, кўшк, хон қароргоҳи. *Қарши* сўзи асли туркий бўлиб, уйғурлардан мўғулларга, мўғуллардан эса Ўрта Осиёдаги туркий халқларга ўтган. Бу сўзнинг маъносини Бобур бутунлай бошқача изоҳлаган: «Қарши – мўғулча сўз, гўрхонани мўғул тили бирла қарши дерлар». Зукко олим Бобурнинг бу сўзлари ҳам ғалат эмас экан. 15–16-асрларда *қарши* сўзи янги маъно касб этган – хон авлоди, катта руҳонийлар ва бошқа мўътабар шахслар қабри учун қурилган дахма, мақбара ҳам *қарши* дейилган, чунки мақбара сарой ичида, яъни қарши ичида бўлган.

Буюк кишиларнинг мазорлари *равза*, яъни «бўстон» деб аталган-ку!

Кўрғон – душман ҳужумидан сақланиш учун мустаҳкамланган жой, қалъа, шаҳар, қишлоқ, девор билан ўралган ҳовли-жой.

Кўрғонча – кичик кўрғон, қалъача, кичик қишлоқ, катта қишлоқдан ажралиб чиққан янги қишлоқ.

Кўрғонтепа – тупроқни уйиб кўтарилган, кўпинча мустаҳкамланган сунъий тепалик (*қўримоқ* сўзидан), *қоровултепа*, *тупроқкўрғон* ҳам дейилган. Бундай тепаликлар душманнинг қаёқдан келаётганлигини билиш ва кўшни кўрғонтепага хабар қилиш, иложи бўлса ёвга панд бериш учун хизмат қилган. Тошкентда ҳам шундай тупроқкўрғонлар бўлган.

Ўрта Осиёда ана шундай қоровултепалар турли жойларда *чош(тепа)*, *шош(тепа)*, *шиш(тепа)*, баъзан қисқартириб *қоратепа* деб ҳам атаган (форсча *чош* – «уюм» ўзгариб, *шош* шаклини ҳам олган). *Шиш* эса «бўртиқ» дегани. Профессор Е.Массон бу сўзларни суғдийча дейди.

Ҳисор (арабча) – истехком қалъа, мудрофаа девори. В.В.Бартольд араб географлари *ҳисор* ўрнига кўпроқ *қаср* сўзини ишлатган дейди.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Андижон вилояти 1941 йилда ташкил этилган. Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган.

Андижон вилояти майдони нисбатан кичик, лекин аҳолиси зич жойлашган вилоятдир. Унинг майдони Республика ҳудудининг 1% ини эгалласа-да, бу ерда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 10% яшайди.

Таркибида 14 қишлоқ тумани (Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалолқудуқ, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳрихон, Кўрғонтепа), 11 шаҳар (Андижон, Асака, Марҳамат, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтуғ, Хонобод, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қорасув, Кўрғонтепа), 5 шаҳарча (Андижон, Бўз, Жанубий Оламушук, Куйганёр, Полвонтош) бор. Маъмурий маркази – Андижон шаҳри. Вилоятнинг ғарбий қисми қирли текислик, шарқи Фарғона ва Олай тизмаларининг адирларидан иборат.

Асосий дарёси – **Қорадарё** (Сирдарё ирмоқларидан бири) вилоятни шарқдан ғарбга томон кесиб ўтади. Унинг ирмоқлари – **Мойлисув, Окбўра, Аравонсой** ва бошқалар. Дарёларнинг суви суғориш учун ишлатилади. Андижон вилояти топонимлари келиб чиқиши, мазмуни, грамматик тузилиши жиҳатидан Ўзбекистон топонимиясининг таркибий қисмидир. Вилоят топонимларини ҳосил қилишда кўпроқ иштирок этган географик терминлардан бир нечтасини ва улар иштирокидаги топонимларни айтиб ўтайлик, *тепа*: **Жартепа** (Балиқчи тумани), **Октепа** (Балиқчи, Олтинкўл туманлари), **Тоштепа** (Асака тумани), **Учтепа** (Булоқбоши тумани), **Қумтепа** (Шаҳрихон тумани), **Қўштепа** (Олтинкўл, Кўрғонтепа, Жалолқудуқ туманлари); *кўргон*: **Оқкўргон** (Балиқчи, Булоқбоши туманлари), **Шеркўргон** (Пахтаобод тумани), **Ўртакўргон** (Балиқчи тумани), **Қирғизкўргон** (Пахтаобод тумани), **Қозикўргон** (Бўз тумани),

Қорақўрғон (Марҳамат, Пахтаобод туманлари), Қўрғонтепа (қишлоқ ва шаҳар – Қўрғонтепа тумани); *қўрғонча*: Эски Қўрғонча, Қўрғонча (Балиқчи, Шаҳрихон туманлари); *жар-ёр*: Жартепа (Балиқчи тумани), Ёрқишлоқ (Жалолқудук тумани), Куйганёр (Андижон тумани); *кўприк*: Кўприкбоши (Бўз, Булоқбоши туманлари), Қизилқўприк (Избоскан тумани), Кўшқўприк (Избоскан тумани); *қайирма* “муқолиш”: Қайирма (Жалолқудук, Олтинкўл туманлари); Лабгардон “сув иншооти – сувайирғич” (Асака тумани), Мойгир “моҳигир – балиқчи” (Избоскан тумани) Давлоқ (девлох) “ёзги яйлов”, “девхона” (Бўз тумани) каби бир икки топонимни истисно қилганда Фарғона водийси, хусусан, Андижон вилояти топонимиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, регионда, айниқса, Андижон вилоятида лексик, семантик жиҳатдан соф форсча номлар жуда кам. Бўстон, Гулистон, Гумбаз, Дехқонобод, Дилқушод, Зарбдор, Мехнатобод, Наврўзобод, Ободон, Оромгоҳ, Сайилгоҳ, Соҳибкор, Хонақоҳ, Чорвадор, Шафтолизор каби номлар генетик жиҳатдан форсча бўла ҳам, ясалиши жиҳатидан соф ўзбекча топонимлардир – бундай номлар ўзбек тилининг лексик фондидан аллақачон жой олиб бўлган лексик бирликлардан ясалгандир. Андижон вилояти учун хос бўлган даракчи термин – индикаторлардан бири чек сўзи “бўлиб берилган хусусий ер майдони” демакдир. 19-асрнинг ўрталарида Кўкон хони Худоёрхон ҳозирги Балиқчи тумани худудида Қорадарёдан ариқ чиқартириб, талай жойларни ўзлаштирган ва бу ерларни ўзининг ўғилларига, яқин кишиларига мансабдорларга чек қилиб бўлиб берган. Асака, Избоскан, Олтинкўл туманларидаги Чек қишлоқлари, Балиқчи туманидаги Халфачек, Шераличек, Олтинрикчек, Маллачек, Мирзабошичек, Ниёзматчек, Эшончек, Олтинкўл туманидаги Офтобачичек, Кўтармачек, Мамасоличек, Мадёрчек, Сарикмирзачек, Жалолқудук туманидаги Тўрачек, Шаҳрихончек, Избоскан туманидаги Даминбойчек қишлоқлари номлари ана шу терминдан таркиб топган. Андижон вилояти топонимлари орасида ўзбек уруғ-аймоқларининг номлари билан бир қаторда бошқа эл-элатларнинг номлари ҳам учрайди. Топонимлар шаклида учрайдиган этнонимлар: Айрончи, Арабқишлоқ, Арғин, Асака, Ахтачи, Балиқчи, Баҳрин, Бешкалтак, Бешбўйноқ, Бешқовок, Бўстон, Бўтақора, Дўрмон, Еттиқашқа, Ёвкесак, Кўктулик, Марқаюз, Найман, Окбўйра, Октумор, Сарой, Сулдуз, Тожиққишлоқ, Тувадок, Тумор

(Думар), Туячи, Унгут, Уйшун, Уймовут, Урганжи, Хидиршо, Қонди, Қорабағиш, Қирғизкўрғон, Қармиш, Қатагон, Қипчок, Чўнбоғиш, Қурама, Қўнғирот, Қорасадок, Қўғай.

Шуни айтиш керакки, Фарғона водийсида, хусусан, Андижон вилояти худудида қирғизлар азалдан ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келган. Буни топонимлардан билса ҳам бўлади. Рус олимларидан Н.Ф.Ситняковский, Я.Р.Винников, С.М.Абрамзон маълумотларига кўра, Фарғона водийсида *бўстўн* “бўз тўнли”, *балиқчи*, *чўнбағиш*, *қармиш*, *қорасадок*, *ёвкесак* (*жуўкесек*), *оқзчки*, *қидирша* (хидиршо), *мундуз* каби қирғиз уруғ-қабилалари номлари бир қанча топонимлар шаклида учрайди. Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби, Андижон вилояти топонимлари ҳам шўро ҳокимияти йилларида мафкуравий буёқларга бўялди; эндиликда эса соф қизил топонимлар барҳам топди. Жалолқудуқ туманидаги бир қишлоқ бошқаларга коммунистик ўрнак “намуна” маъносидаги *ибрат* сўзидан эмас, балки таниқли ўзбек шоири тилшунос, маърифатпарвар Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли *Ибрат* (1862–1937 йиллар) номи билан аталган. Вилоят топонимлари ҳақидаги қисқача маълумот шундан иборат.

Вилоят номларининг қисқача топонимик лугати

Авлиёчек – қишлоқ, Асака тумани. Қўқон хони Худоёрхоннинг Исоавлиё исмли пирига берилган чек ерлар, дастлаб **Чек Исоавлиё** деб аталган, кейинчалик ихчамлашиб, **Авлиёчек** бўлиб кетган.

Алимбекчек – қишлоқ, Балиқчи тумани. Худоёрхоннинг қайнотаси Мусулмонқул 19-асрда Қорадарёнинг чап соҳилидан канал қаздирган (қ. *Мусулмонқуларик*). Сув борган ерлар Мусулмонқулнинг яқин кишиларидан эътиборли шахсларга чек қилиб берилган.

Алимбекчек (Олимбекчек) қишлоғи чек олган ана шу кишилардан бирининг номи билан аталган.

Андижон – шаҳар, Андижон вилояти маркази. 10-асрдан бошлаб араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида ва бошқа манбаларда **Анדיян**, **Андикон**, **Андукон** шаклларида қайд қилинган, Заҳириддин Бобур асарларидан бошлаб **Андижон** деб ёзиб келинади.

Туркларнинг афсонавий подшоиси Афросиёб шаҳар қуриб, уни ўзининг қизи номи билан **Одинажон** деб атаган экан. Бошқа бир ривоятга кўра бир хон бу шаҳарда хотини

қолиб кетганидан “Анда қолди жоним менинг” деганидан шаҳар шундай аталганмиш. Бошқа бировлар Андижон сўзини *олти жон* – “олти киши” дегани деб изоҳлайдилар. Рус олими В.П.Наливкин наманганликларнинг оғзаки ривоятларига асосланиб, шаҳар *анди* деган турк қабиласи номи билан аталган деган эди.

Андижонлик тарихчи С.Жалилов ўзбеклар ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг таркибига кирган қабила-уруғлар орасида *анди* деган туркий қабила учрамайди дейди ва Андижон топоними *ад* деган туркий қабила номидан келиб чиққан: бу этноним форсча кўплик кўшимчасида *адгон* - *адигон* шаклида талаффуз қилина бошлаган ва кейинчалик бунга *н* товуши кириб қолган деб ҳисоблайди. В.В.Радлов *анди* сўзи фонетик ўзгаришлар оқибатидир: “дарё тармоғи, орол” маъносидаги қадимий туркий сўз – *арги* билан боғлиқдир деган эди. А. Турғунов академик В.В.Радловнинг ана шу фикрига асосланиб, Андижон “орол” маъносидаги қадимий туркий қалима – *арги* сўзининг фонетик ўзгариши оқибатидир, *ён* (жон) эса “руҳ”, “ҳаёт” демакдир, яъни “Андижонсой оролида яшаган жонлар (кишилар) жамоаси деган маънони англатади” деб ёзган. Ўзбекистон ва Тожикистонда **Андижон**, **Андигон** деган жой кўп. Ўрта асрларда *анди* деган турк қабиласи бўлганлигини инобатга олиб, этнограф Б.Х. Кармишева ана шу номлар мазкур ҳудудларда *анди* туркларининг излари бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас дейди. А.Муҳаммаджонов фикрича, Андижон топоними “анди” ва “гон, кон ёки жон” сўзлари бирикмасидан юзага келган. Анди – яқин; гон, кон ва жон сўзлари “сув”, “сой” маъноларини англатган. Демак, Андижон топоними “Сойга яқин, “Сойбўйи”, “Сув ёқаси” маъносида. Мўғулчада *анд* сўзининг географик “яқин” маъноси йўқ. Мўғулча *анда* “қон-қардош”, арабча *акраба* сўзи билан маънодош (*қуда-анда*). Ҳар қандай шаҳар-қишлоқ сув ёнида бўлган; *чақар* мўғулча эмас, ундан олдин пайдо бўлган бўлса, *андижон* ҳам мўғуллардан олдин пайдо бўлган.

Ариқмаҳалла – қишлоқ, Асака тумани. “Ариқ бўйидаги маҳалла” маъносида бўлиши мумкин. Шу билан бирга *ариқ* умумтуркий этноним: ўзбекларнинг юз қабиласи, қозоқларнинг арғин, бойули, қангли қабилалари, қирғизларнинг адигине, мунгуш, саяқ қабилалари, туркманларнинг қарқин, теке, эрсари қабилалари таркибида *ариқ* уруғлари бўлган.

Асака – шаҳар, Асака тумани маркази. Жондор туманида **Асака**, Қорақалпоғистон Республикасида **Асакаовдон** деган жойлар бор: *овдон-обдон* “сув омбори”, “кўл”, “ҳовуз” демақдир. Ҳақиқатан ҳам **Асакаовдон** ўрнида геологик ўтмишда – тўртламчи даврда кўл бўлган. Хўш, *асака* ўзи нима? Баъзи насабномаларда ўзбек уруғлари орасида *асака* уруғи тилга олинган; қирғизларнинг саяқ қабиласи таркибида *асаке* уруғи бўлган. хўш, асака уруғ номи бўлса бу сўз қаердан чиққан? Қадим замонда Помирда **Ассакана** деган ўлка бўлган. Македониялик Искандар Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга ана шу **Ассакана** орқали ўтган. Бу ўлка халқи *ассака*(н) лар дейилган. **Ассака** жонли ҳинд тилида “суворийлар”, “отлиқлар”, “чавандозлар” деган маънони англатади. Тарихчи Б.А.Литвинский **Ассакана** (бинобарин, асака) этноними замирида *сак* халқи номи бўлса керак деб ҳисоблайди. Асака уруғи ўша *сак* халқи номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тарихчи А.Муҳаммаджонов **Асака** аслида Асикал шаклида талаффуз этилиб, *ас* – туркий уруғ, *кал* – сув ёки сой демақдир, яъни Аслар сойи деган маънони англатган дейди.

Балиқчи – қишлоқ, Балиқчи тумани маркази. **Балиқчи** деган топонимлар, хусусан ойконим кўп. *Балиқчи* деган умумтуркий этноним бор. Бундай номларни иккига бўлиш мумкин: 1) сув бўйида (Амударё, Сирдарё ва бошқа йирик дарёлар соҳилларида) балиқ овлаш билан шуғулланган кишилар яшайдиган қишлоқлар **Балиқчи**, **Балиқчилар** деб аталгани рост; *балиқчи* уруғи номи билан аталган аҳоли пунктлари: ўзбекларнинг бир уруғи, туркманларнинг эрсари, бошқирдларнинг танил, қозоқларнинг адай, қирғизларнинг саруу қабилалари таркибида *балиқчи* деган уруғлар бўлган. Бу уруғларнинг нима учун *балиқчи* деб аталганини этнограф Р.Г.Кузеев бундай изоҳлайди: таркибида балиқчи этноними бўлган бошқирдлар ҳам, қозоқлар ҳам, қирғизлар ҳам қадимда балиқчилик билан умуман шуғулланмаган. Ана шуларни далил қилиб, олим уруғ номи “шаҳар” маъносидаги қадимги туркий *балиқ* сўзидан келиб чиққан, яъни “шаҳарни атрофдан кўриқлаб турувчилар” деган маънони англатган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас дейди.

Бўтақора – қишлоқ, Избоскан тумани. **Бўтақора** деган уруғ номидан.

Вохим – қишлоқ, Асака тумани. Вохим “васият қилинган, инъом қилинган, бағишланган” маъносидаги арабча *вақф* сўзининг жонли тилда бузилган шаклидир.

Гурунчмозор – қишлоқ, Жалолқудуқ тумани. 12-асрдан буён *Кулижмозор* деб аталиб келган. Кейинги вақтларда *Гурунчмозор* шаклида ўзгарган. Этимологияси номаълум.

Ёмонсарой – қишлоқ, Балиқчи тумани. Ёмонсарой–сарой қабиласининг бир бўлими.

Ёрқишлоқ – қишлоқ, Кўрғонтепа тумани. Бу ерда *ёр* сўзи “жар” маъносидадир. **Ёрбоши**, **Куйганёр** каби топонимлар ҳам шу маънода.

Жиғачи – қишлоқ, Андижон тумани. Жиға – саллага тақиладиган безак. Профессор С.Иброҳимов маълумотларига қараганда, *жиға* бир-бирига ёпиштирилган, икки палла юпка кумушдан иборат бўлган; устига босма нақшлар ишланган, тилла суви юритилган; марварид, феруза ва б. асл тошлар ва шишалар қадалган, устига укки пари қистирилган, ичига мум тўлдирилган. Жиғани аксарият хон ва хонзодалар таққанлар. Жиғачи “жиға ясовчи усталар яшайдиган қишлоқ”.

Зулфиқор – қишлоқ, Балиқчи тумани. Зулфиқор халифа Ҳазрати Алининг афсонавий қиличи. **Зулфиқор** деган исм ҳам бор. Кўкон яқинидаги Зулфиқор қишлоғи Кўкон хони Худоёрхон даврида Зулфиқор исмли кишининг чек ерида пайдо бўлган.

Каламуш – қишлоқ, Бўз тумани. Учкўприк, Ўзбекистон туманларида ҳам **Каламуш** деган қишлоқ бор. *Каламуш* уруғ номи.

Маллачек – қишлоқ, Балиқчи тумани. Кўкон хони Худоёрхоннинг ўғли Маллахоннинг чек ерида пайдо бўлган қишлоқ.

Марҳамат – шаҳар, Марҳамат тумани маркази. 1898 йилдаги Андижон кўзғолонида иштирок этгани учун бузиб ташланган бир неча қишлоқ ўрнига 1899 йилда бошқа жойдан бир оз ер ажратилади, у жойда *Марҳамат* (“инъом”) қишлоғи бунёд этилади.

Мусулмонқуларик – Балиқчи туманида Қорадарёдан чиқарилган арик. Арикни 1842–1852 йилларда Кўкон хони Худоёрхоннинг қайнотаси Мусулмонқул қаздирган.

Оқбўйра – қишлоқ, Асака тумани. Ўзбек қипчоқларнинг бир уруғи *оқбўйра*, қозоқларнинг арғин, найман, суван қабилалари, қирғизларнинг адигине қабиласи таркибида *оқбуура* уруғи бўлган.

Полосон – қишлоқ, Асака, Андижон, Олтиариқ туманлари. Мўғулшунос Ц.Д.Номинханов *полосон* (паласан)

– мўғулча балгас (ун) – “шаҳар” сўзидан келиб чиққан бўлса керак дейди. Фарғона водийсида ғалвирнинг бир турини *полосон* дейдилар.

Понсот – қишлоқ, Марҳамат тумани. *Понсад* – хонликлар давридаги лавозим, асли *понсадбоши*. Қўқон хонлигида – қўмондон, полк (даста) командири; форсча *панжсад* – “бешюз”.

Пучугой – қишлоқ, Балиқчи тумани. *Пучугот* – Фарғона қипчоқларининг бир уруғи.

Савой – қишлоқ, Қўрғонтепа тумани. Проф. С.Иброҳимов ва С.Жалилов маълумотларига қараганда, бу ном **Исавой** деган киши исмидан олинган; шу билан бирга *савой* (исавой) деган уруғ ҳам бўлган.

Сегаза – қишлоқ, Асака туманида қайд қилинган қишлоқ. *Газа* “тоғ тепаси”, “тоғ қирраси” деган сўз. Тоғларда лочин, қарчиғай каби ов қушларини тўрға тушириш учун писиниб ётишга мўлжалланган қапа ҳам *газа* (асли форсча коза) дейилган. “Газа тутиб юрибсанми” деган ибора бор (тоғда санғиб юрган кишиларга нисбатан айтилади).

Сирмоқ – қишлоқ, Балиқчи тумани. Фарғона водийсидаги қипчоқларнинг бир уруғи *сирмоқ* дейилган. Норин, Учқўрғон туманларида ҳам **Сирмоқ** деган қишлоқлар бор.

Сулдуз – қишлоқ, Андижон тумани. Сулдуз 13–14-асрларда Озарбайжон, Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган турклашган мўғул қабиласидир. Сулдуз уруғи 92 бовли ўзбек “қавмлари” таркибида қайд қилинган. Сулдуз мўғулча *сулдес* “байроқдорлар” сўзидан олинган: *сулде* “байроқ”, “с” –кўплик аффикси. **Сувюлдуз** шаклида ёзиш тўғри эмас.

Султонмуродбек – қишлоқ, Балиқчи тумани. 19-асрнинг 60-йилларида Мазгилсой ариғи қазилгач, ариқ бўйида ўзлаштирилган ерлардан бир қисмини Худоёрхон ўз укаси Султонмуродбекка чек қилиб берган; ана шу ерда пайдо бўлган қишлоқ **Султонмуродбек** деб аталган.

Тошкечик – қишлоқ, Избоскан, Хўжаобод туманлари. Дарёнинг шу еридан кечиб ўтилишига ишора.

Тувадоқ – қишлоқ, Асака тумани. Кўчманчи ўзбеклар таркибида *тувадоқ-тўўдақ* уруғи қайд қилинган. *Тувадоқ*, *тувалоқ* (тувдоқ) – уруғнинг муқаддас жонивори (тотем). Бағдод туманида ҳам **Тувадоқ** деган қишлоқ бор.

Тулкиобод – қишлоқ, Балиқчи тумани. Ўзбекларнинг қатағон, кўнғирот қабилалари таркибида *тулкичи* деган уруғ

бўлган; кўпинча *-чи* кўшимчаси тушиб қолади. Қирғизларда *тулки* деган уруғ қайд қилинган.

Тумор – қишлоқ, Балиқчи, Асака туманлари. *Тумор* (думор) – қипчоқларнинг бир уруғи.

Туранғил – Бўз туманидаги мавзе. Тўғриси **Туранғили** бўлиб, дарё бўйларида ўсадиган “майда баргли терак тўранғи кўп жой” демақдир.

Туячи – қишлоқ, Избоскан, Марҳамат, Хўжаобод туманлари. Туя ҳайдаб кун кўрган киши-сарбон *туячи* дейилган. Шу билан бирга лақай қабиласининг бир уруғи, Ўзбекистон туркманларининг ва Дашти қипчоқ ўзбекларининг бир уруғи *туячи* бўлган.

Улюз – қишлоқ, Марҳамат тумани. Асли Улу(ғ) юз бўлса керак. Баъзан этнографлар ўзбеклар ҳам қозоқларга ўхшаш учта катта қисмга – улуғ юз, ўрта юз, кичик юз (кенжа юз) га бўлинган дейишади (асли арабча жуз – “қисм”). Республикамизда **Кенжаюз** деган қишлоқлар бор.

Унгут – қишлоқ, Асака тумани. Ўзбек қавмлари таркибига кирган қабилалардан бири *унгут* (ўнгут-ўнгут) деб аталган.

Хадирша – қишлоқ ва ариқ (Кўрғонтепа тумани). *Қидирша* деган қирғиз уруғи **Хидиршоҳ** деган кишидан тарқалган экан; шунинг учун ҳам бу қабилла *қидирша* ҳам, *хидирша* ҳам дейилади (хидирша гиламлари машҳур бўлган); хидирша Хадирша шаклида топонимга айланган.

Халфақишлоқ – қишлоқ, Балиқчи тумани. Қишлоқ Худоёрхон ҳокимлиги даврида қайнотаси Мусулмонқулнинг ишончли кишиларидан Бердиқул халфанинг чек ерида вужудга келган.

Хонқўриқ – қишлоқ, Асака тумани. Фарғона водийсида Қўқон хонларининг жумладан, Худоёрхоннинг ов қиладиган махсус жойлари – қўриқхоналари бўлган. Бу қишлоқ шу қўриқхоналардан бири яқинида вужудга келган.

Хўтанарик – Андижон вилоятидаги ариқ, Андижонсойдан бошланиб Андижон шаҳри ўртасидан ўтган. 18-аср охирида Шарқий Туркистондаги Хўтан шаҳридан кўчиб келган кишилар олдинги кичик бир ариқни кенгайтириб, шаҳарга сув келтирганлар, ана шу ариқ **Хўтанарик** деб аталган.

Чанғароқчи – қишлоқ, Избоскан тумани. Чанғароқ-ўтов (бўз уйнинг) тепасидаги ёғоч дўнгалак – туйнук. Чанғароқчи – “чанғароқ устаси” демақдир. Фарғона ва

Зарафшон водийларида *чангароқчи* деган қипчоқ уруғи бўлган.

Чарчаман – қишлоқ, Асака тумани. Ўрта асрларда боғдорчилик санъатида бой заминдорларнинг боғлари, яъни чорбоғлари ҳар хил дарахтлар ва гуллар билан безатилган квадратларга бўлинган эди. Ана шу квадратлар *чорчаман* дейилган.

Чилон – қишлоқ, Избоскан, Асака туманлари. Маъноси аниқ маълум эмас. Лекин, *чилон* деган ўсимлик бор (чилонжийда – шу ўсимликка нисбат бериб қўйилган ном бўлса керак). Тошкентдаги **Чилонзор** мавзеси ўша ўсимликдан ном олган. Н.Г.Маллицкий фикрича, Тошкентдаги Чилонзор аслида Чинорзор, яъни “Чинор боғи”дир. Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ҳам *Чилонзор* деган жойлар бор.

Чоғрак – Андижон шаҳри маҳаллаларидан бири. Бобур бундай дейди: “Андижон вилоятининг саҳронишинларидан бири чакрак Кошғар орасидаги тоғлардадир”. Тарихчи С.Губаева Андижон маҳалласи ўша қабила номи билан аталган бўлса керак дейди. Этнограф С.М.Абрамзон фикрича, *чакрок* (чаграк) қабиласи қирғизлар таркибига кирган ва ичкилик қирғизларнинг чоғорок уруғини ҳосил қилган. Бу уруғ *чакрак*, *чоғрак*, *чегерек* деб ҳам аталган.

Чўжа – қишлоқ, Асака тумани. Фарғона водийсида *Чўжа* деган жой кўп ва шевада *жўжа* дейиш ўрнига *чўжа* дейишади. Бироқ бу топонимларнинг *жўжа* сўзига ҳеч алоқаси йўқ. Асака туманидаги **Чўжаарик**, **Чўжаюзия**, **Чўжаараб** топонимлари таркибидаги *чўжа* компоненти этнонимлар, яъни бир аждоддан тарқалган қардош оилалардир. Аслида *чўжа* жўйича – “арикча” маъносида. Чўжаюзи – юз қабиласининг ариғи, *чўжараб* – араблар ариғи маъноларини англатган.

Шердан – қишлоқ, Асака тумани. Ўзбекларнинг кўнғирот қабиласининг бир уруғи *шердан туган* “шердан туғилган, шердан тарқалган” деб аталган уруғ бўлган.

Юзия – қишлоқ, Асака тумани. Баъзан **Юзуя** шаклида ёзадилар ва талаффуз қиладилар. –*ия* арабча кўплик ва жамлик кўшимчаси: *Ўзбекия* – “ўзбеклар”, “ўзбек халқи”, “ўзбекчилик” дегани. **Юзия** – “юз қабиласи вакиллари яшаган қишлоқ”.

Янгикўрпа – қишлоқ, Кўрғонтепа тумани. Ўзбек-туркманларнинг бир уруғи *кўрпа* деб аталган. **Янгикўрпа** – **Кўрпа** қишлоғи ёнида пайдо бўлган янги қишлоқ.

Ўлмас – қишлоқ, Балиқчи, Избоскан туманлари. Қипчоқларнинг *ўлмас* деган уруғи бўлган.

Ўрмонбек – қишлоқ, Балиқчи тумани. Қўқон хони Худоёрхон ўз ўғли Ўрмонбекка берган чек ерда пайдо бўлган қишлоқ дастлаб **Чек Ўрмонбек**, кейин **Ўрмонбек** деб аталган.

Қанди – қишлоқ, Андижон тумани. Қирғизларнинг бағиш, саруу қабилалари ва қирғиз қипчоқларнинг бир уруғи *қанди* (қангли) деб аталган. Қанди – қандиз – истехкомли қишлоқ, кўрғонли маскан маъноларини ҳам англатган.

Қармиш – қишлоқ, Қўрғонтепа тумани. Қирғизларнинг адигине ва дўлўс қабилалари, қирғиз қипчоқлар, бошқирларнинг юрмати ва қипчоқ қабилалари таркибида **қармиш** уруғи бўлган.

Қашқар – қишлоқ, Андижон вилоятидаги бир неча қишлоқ. Дастлаб уйғурлар келиб ўрнашган қишлоқлар **Қашқарқишлоқ** деб аталган. Қашқарда ўртаосиёликларни миллатидан қатъий назар *андижонлик* дейишгани каби, қашқардан кўчиб келганларнинг ҳаммасини Ўзбекистонда *қашқарлик* деб аташган.

Қизилоёқ – қишлоқ, Жалолқудук, Марҳамат, Пахтабод, Қўрғонтепа туманлари. Қирғиз қипчоқларнинг бир уруғи, шунингдек, қирғизларнинг кесек, дўлўс қабилалари, қорақалпоқларнинг қўлдовли қабиласи, туркманларнинг эрсари қабиласи таркибида *қизилоёқ* уруғи қайд қилинган. *Оёқ* сўзининг “идиш-товоқ” маъноси ҳам бор, шеваларда итялоқни *итоёқ* дейишади. Қизил сўзининг бир маъноси “тилла”. Тожикистондаги Қоратегин қирғизлари идиш-товоғигача олтидан бўлган бойларни қизилоёқ дейишган. *Тошкентда* тилласи кўп Абдулла қизил деган бой бўлган.

Қияли – қишлоқ, Балиқчи тумани. И.Магидович *қияли* уруғини тилга олган.

Қовоқтўпи – қишлоқ, Асака тумани. Қозоқларда ва қирғизларда *қабак* (қобок) уруғи бўлган; *кабак оқ қабак* (оқ қобок) ва *қора қабак* (қора қобок) деган бўлимларга бўлинган. *Қовоқтўпи* – уруғнинг кичик бир тармоғи.

Қорасадок – қишлоқ, Хўжабод тумани. Қирғизларнинг қанди, кесек, нўйғут, саяқ қабилалари таркибида *қорасадақ* уруғи қайд қилинган (садок – ёй ўқи солинадиган тўрвача, ўқдон; уруғ тамғаси садок шаклида бўлган).

Қоратегинчи – қишлоқ, Жалолқудук тумани. *Қоратегинчи* – “Қоратегинлик” (“Қоратегиндан кўчиб

келган” маъносида; олойчи – “олайлик”, тоғчи – “тоғлик”, далачи – “даладан келган”).

Кўгай – қишлоқ, Избоскан тумани. Фарғона водийсидаги кипчок уруғларидан бири *қўгай* деб аталган.



БУХОРО ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Бухоро вилояти майдони жиҳатидан мамлакатдаги энг катта вилоятлардан. Ўзбекистоннинг марказий ва жануби-ғарбий қисмларида жойлашган. Таркибида 11 қишлоқ тумани (Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Қоровулбозор, Қоракўл, Ғиждувон), 11 шаҳар (Бухоро, Вобкент, Газли, Галаосиё, Когон, Олот, Ромитан, Шофиркон, Қоракўл, Қоровулбозор, Ғиждувон), 3 шаҳарча (Жондор, Зафаробод, Янгибозор). Маъмурий маркази – Бухоро шаҳри.

Вилоят ҳудудининг рельефи унда-бунда тепаликлар учрайдиган тўлқинсимон пасттекисликдан иборат. Энг баланд жойи Қўлтиқтов тизмаси (922 м). Лекин ҳудудининг 9/10 қисмини Қизилқум эгаллаган, фақат жанубда Зарафшоннинг қуйи қисмида Ғиждувон, Бухоро, Қоракўл атрофларида унча катта бўлмаган суғориладиган воҳалар бор. Сув ресурслари чекланган. Асосий дарёлари – Зарафшон ва Амударё. Амударёдан суғориладиган воҳаларга Аму-Бухоро, Аму-Қоракўл машина каналлари ўтказилган.

Бухоро вилояти ўз табиати, иқтисодиёти, тарихи, аҳолисининг миллий таркибига ва бинобарин топонимларига кўра бошқалардан озми-кўпми фарқ қилади. Вилоят топонимиясининг асосий тафовути шундаки, вилоят географик номлари таркибида *асбоб* (аспоб), *ақор* (оғар), *вахим* (вақф), *де* (дех, дей, ди), *жўй* (жў, жи, же), *жўйбор* (жибар), *заҳқаш*, *загарқаш*, *ком*, *рег*, *руд* (рўд, рут), *рудбор*, *чордара* каби арабча ёки форсча географик терминлар учрайди. Нотуркий этнонимлардан араб (50 дан ортиқ), туркий этнонимлардан чандир (12), ўзбек этнонимларидан

сарой ва урганжи (15–20) каби уруғ-аймоқ номлари ойконимлар таркибида анчагина бор. Вилоятда 1500 га яқин аҳоли пункти мавжуд. Бу номлардан барчасини изоҳлаш мумкин эмас ва бунга ҳожат ҳам йўқ. Биз куйида вилоят маркази – қадимий Бухоро шаҳри номининг келиб чиқиши ҳақидагина тўхталамиз. Қолган топонимлар тўғрисида зарурий маълумотлар “Вилоят географик номларининг қисқача топонимик луғати”да берилган.

Бухоро – Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири, Бухоро номи илк бор юнон астрономи Клавдий Птолемейнинг “География” асарида (2-аср) учрайди; Тожикистондаги Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатларида (8-аср бошларида) эса **Пухар** шаклида тилга олинган.

Ҳозирги Бухоро ўрнида ислом дини тарқалишидан бир неча аср олдин шаҳар бўлган. Шаҳар хитой манбаларида дастлаб 5-асрда **Нюми** шаклида тилга олинган (бу Бухоро номларидан бири *Нумижкат* шаҳрининг хитойча транскрипцияси); шаҳарнинг ҳозирги номи хитойлик сайёҳ, будда роҳиби Сюань Цзян “хотиралар”ида (630 йилларда) **Будо** шаклида қайд қилинган. Кўпчилик олимлар, жумладан, академик В.В.Бартольд, немис олими В.Томашек **Бухоро** номи санскритча *вихара* сўзидан келиб чиққан бўлиб, “Будда ибодатхонаси” демакдир деб ҳисоблаганлар. В.В.Бартольд Балхда ёки Самарқанддаги каби, Бухоронинг ёнгинасида ҳам Будда ибодатхонаси бўлган дейди. Бу олимлар Бухоро ана шу санскритча сўзнинг туркча-мўғулча шакли деб ҳисоблайдилар.

Сўнги вақтларда эроншунослар *вихара* сўзи суғд тилига *пархар* шаклида кирган ва унинг *бухара* тарзида ўзгариб кетиши мумкин эмас демоқда. Шунини айтиш керакки, шаҳарнинг номи кўп бўлган, тарихчи Наршахий (10-аср) Бухоронинг **Нумижкат** (Ўлумижкат), **Бумискат**, **Мадинат ус-суфрия** “Мис шаҳри”, **Мадинат ут-тужжор** “Савдогарлар шаҳри” деган номлари борлигини айтган; тарихчи давом этиб, “Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан машҳурроқдир, Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас. Бир ҳадисда Бухоро номи **Фохира** бўлиб келган, чунки, қиёмат куни Бухоро шаҳри ўзида шаҳидларнинг кўплиги билан фахр қилади” дейилган. Халқ орасида Бухоро боғлари кўплигидан **Боғоро** деган маънони билдиради деган ривоят ҳам бор. Тарихчи Ҳофиз Таниш. (16-аср) ёзишича, “Бухоро” сўзи – “бухор” сўзидан

келиб чиққан бўлиб, оташпарастрлар тилида “илм макони” демакдир. Бу талаффуз уйғур ва хитой бутпарастрларининг тилига яқиндир, чунки, (уларда) сиғиниш жойларини “бухор” деб атайдилар. Бухоро шахрининг номи аслида “Лумижкат” бўлган. Шундай қилиб, Бухоро топонимининг этимологияси аниқ эмас. Шаҳар номи борди-ю санскритча *вихара* “ибодатхона” сўзидан келиб чиққан бўлса, вихар-бехар компонентли номлардан мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 10–12-асрларда Балх шаҳри ёнида **Навбеҳар** деган ибодатхона, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида **Навбеҳар** деган дарвозалар бўлган; *Навбеҳар* “эрта баҳор” эмас, балки “янги ибодатхона” демакдир. Бухоро билан Хиндистоннинг Бихар штатининг этимологияси бир бўлиб чиқади. Бухоро номининг бошқа “адаш”ларидан келтирамиз: Сибирда **Бухара** деган дарё, жанубий Уралда **Бухарча** номли сой, Бухоро яқинида **Дул Бухоро** (Жул Бухоро) деган сой, Қашқадарё вилоятида (Китоб, Фузор туманларида) **Бухортўпор**, **Бухори**, **Хўжабухори** номли маҳалла, жойлар қайд қилинган.

Қадимги туркий руник ёзувда – Култегинга бағишланган ёдгорликда **Буқарақ** деган жой номи учрайди (Буқарақ улус – Бухоро эли). Бу жой номига туркшунос С.Е.Малов *Бухоро* деб изоҳ берган. Академик Б.Я.Владимирцов ўша ёдгорликда Суғд номи ҳам учрашини айтади ва *Буқарақ* чиндан ҳам Бухоро деган сўз бўлса, ўйрат (олтой) қаҳрамонлик эпосларида *Бухарин черик*, яъни “Бухоро қўшинлари” деган ибора қайд қилинган, дейди. Марказий Россияда (Вологда, Тверь вилоятларида) экилмай ётган ёки кам унум ерлар *бухара* деб аталади. Булар Бухоро топонимининг қадимдан маълум ва машхур эканини кўрсатади.

О р о н и м л а р и в а г и д р о н и м л а р и. Бухоро вилояти худуди текисроқ бўлганидан рельеф объектларининг номлари ҳам кўп эмас. Тоғлардан Пешку туманидаги **Дўнғизтов** тоғини, Олот туманидаги **Жиллиқоя** тоғини, Жондор туманидаги **Жусантепа**, Когон туманидаги **Олчин** тоғларини, пастроқ рельеф шаклларида **Сандикли** қумли чўлини, Қоракўл туманидаги **Кемирекқум** (Кампиракқум) чўлини, **Мўлали шўрхогини**, **Жигдақандим** тепалигини айтиб ўтиш мумкин. Булардан бошқа майда тепаликлар, жарликлар, мавзелар ҳам бўлиши мумкин. Лекин, илмий, тарихий, географик, лисоний жиҳатдан барчаси аҳамиятли номлар

бўлса-да, юқорида айтиб ўтилган оронимлардан баъзиларини тушунтириб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Дўнғизтовнинг ўз маъноси ўзида: ёввойи чўчқа – қобон (тўнғиз) кўп бўлганидан шундай аталган.

Жиллиқоя тоғи – “силлиқ қоя” ёки ўта исиб кетадиган “жили қоя” бўлиши мумкин. **Жусантепа тоғи жусан** ўсимлиги кўп бўлганидан шундай ном олган; жусан, эҳтимол, ёвсан ўсимлиги номининг қозоқча талаффузидир.

Олчин ороними этнонимдан ном олган *олчин* кўпгина туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар таркибида учрайдиган қабилалардан бири. Демак, бу тоғда олчинларнинг яйловлари бўлган; **Сандиқли** ҳам этноним – туркманларнинг бир уруғи *сандиқли* (Бухоро вилоятида туркманлар бор). **Кемпирекқум** эса *кампирдевор*, *кампирак* деб аталган қадимий муҳофаза деворларининг қозоқ тилида талаффуз этилиши; **Жигдақандим** бўлса қумли чўлда ўсадиган баланд бўйли қандим бутасининг жийдага ўхшаб кетадиган бир тури. Бухоро вилояти, асосан, чўл зонасида бўлганидан ва сув камлигидан ҳудудда кўплаб қудуқлар қазилган. Қудуқларнинг кўплари тарихан машҳур бўлмаган кишилар номлари билан аталганидан уларни тилга олиш шарт эмас деб ҳисоблаймиз. Бошқа типдаги қудуқлардан бир нечтасини айтиб ўтмоқчимиз. Жондор туманида **Кўркудук** деган қудуқ бор. Ўзбекистонда **Сўкиркудук**, **Кўркудук**, **Сўкирбулоқ**, **Кўрбулоқ** деган гидронимлар учрайди. Серёгин йиллари суви кўп бўлиб, кам ёгин йиллари ёки жазирама ёзда суви қуриб қоладиган қудуқ ёки булоқ шундай деб аталган. Ғиждувон туманида бир қудуқ **Оққудуқ** дейилади. Суви тўлиб баъзан ташқарига оқиб чиқиб ётадиган қудуқ *оқ қудуқ* (оқма қудуқ) дейилади. Қоракўл туманида **Сурхи** қудуғи *сурх* деган туркман уруғи (эрсари қабиласи) номи билан аталган. **Чигирчи** қудуғи ҳақида (Ромитан тумани): *чигир* – қудуқдан сув тортадиган мослама, *чигирчи* – қудуқдан сув тортиб олиб бериб турадиган киши. **Зарқум** қудуғи (Пешку тумани) аслида Зери қум шаклида бўлиб, барханли қум остидан қовланган деган маънони билдиради. Бухоро шаҳрини сув билан таъминлайдиган ариқлардан бири **Шаҳруд**, тўғрироғи **Шаҳарруд** каналидир. Баъзан уни **Шоҳруд** – “подшо ариғи” деб ёзадилар; тўғриси **Руди шаҳри Бухоро** – “Бухоро шаҳрининг ариғи” олдин **Руди Зар** деб аталган. Дастлаб Руди Зар араб географлари асарларида (10-аср) **Наҳри Зар** шаклида тилга олинган.

Яна бир ариқ **Коми Зар** деб аталган. Бухорода *ком* термини “арик” маъносини англаган. Подшо Россиясининг офицери Н.Ф. Ситняковский 20-аср бошида Бухородаги **Коми Зар** ва **Жўи Зар** ариқларини **Катта Зар** ва **Кичик Зар** деб таржима қилганда академик В.В Бартольд бунга жавобан маҳаллий халқ *ком* деганда жўйга нисбатан каттарок ариқни тушунади деб ёзган. Вилоятдаги қадимий **Жилвон** канали, масалан, Шофиркон ерларини суғоради. Бу каналнинг номини шундай изоҳлаймиз. Бухоро хонлигида бир қанча мансаб ва мартабалар орасида *жилвон* деган амал бўлган. Жилвон кишиларни ўғри, қароқчи, йўлтўсар ва бошқалардан ҳимоя қилиб турган. Канални шундай жилбонлардан бири қаздирган бўлса керак. Жилбон-жилвон талаффуз шаклидир. Шофиркон туманида **Жилвон** деган қишлоқ ҳам бор.

Нақиб коллектори – Бухоро хонлигидаги ҳарбий мансабдорлардан бири – *нақиб* томонидан қазилган ариқ ўрнида пайдо бўлган. **Бадок ариғи** (Олот тумани) – каттарок ариқнинг тармоғи *бадоқ*, Бухоро атрофларида кўпроқ *афдоқ* – кичик ариқ деб аталган.

Моҳон кўли (Қорақўл тумани) номи “балиқлар” дегани эмиш (моҳ – балиқ, он – кўплик кўшимчаси). Моҳон номи моҳ – “ой” сўзининг кўплиги бўлиши ҳам мумкин. Масалан, илк ўрта асрларда Бухоро шаҳрида **Моҳ** ибодатхонаси бўлган ва *Ой* маъжусийларнинг худоси ҳисобланган. Қозоқларда Маҳан (Моҳон) деган исм ҳам бор. **Киштувон** артезиан қудуғининг номи ҳам, Ғиждувон топоними ҳам *киштивон* (“кема ҳайдовчиси”, “дарға”) сўзи билан изоҳланади. Аслида Киштувон–Хаштуқон, Ғиждувон – Каждукон шаклларида ҳам талаффуз этилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Афшона – қишлоқ, Пешку тумани, Абу Али ибн Синонинг туғилган жойи. *Афшин* “ҳоким” деган сўз: Суғд ҳокими *ихшид*, Фарғона ҳокими *подшо*, қарлуқ ҳокими *жабеу*, тўққизўғиз ҳокими *хоқон*, турклар подшоси *тархон*, Уструшона (Жиззах билан Ўратепа ўртасидаги тарихий вилоят) ҳокими *афшин* дейилган. Афшона *афшин* сўзининг кўплиги.

Бичоқчи – қишлоқ, Вобкент тумани, Бухоро воҳасининг баъзи жойларида пичоқ *бичоқ* дейилади: Бичоқчи – “пичоқчи”.

Буйрак – кишлок, Когон тумани. Шайбонийлар қўли остидаги тўртта қабиладан бири *буйрак* деб аталган; кушчи, найман, қорлиқ ва буйрак-кўнғиротлар таркибида ҳам *буйрак* деган уруғ бўлган.

Бурқут – кишлок, Вобкент тумани: ўзбек уруғларидан бири *бурқут* деб аталган.

Варахша – Бухородан 30 км ча шимоли-ғарбдаги қадимий шаҳар харобалари. Варахша Бухородан ҳам қадимий шаҳар бўлган. 10-асргача Бухоро ҳокимлари – бухорхудотлар қароргоҳи Варахшада бўлган. Варахша шаҳри Варахша ариғи бўйида эди. Шаҳар номи **Афрахша**, **Барахша**, **Фарахша** шаклларида ҳам учрайди. Этимологияси маълум эмас.

Галаосиё – кишлок, Бухоро тумани. *Гала* сўзи “бир тўп” маъносида топонимлар таркибида учрайди: **Галачуқур**, **Галақудук** ва бошқалар; **Галаосиё** – “Бир тўп тегирмон” демақдир. Баъзан бу номни **Ғаллаосиё** шаклида ҳам ёзадилар. Тегирмонда тортилган ғалла учун олинадиган тегирмон ҳақини маҳаллий аҳоли *галлаи осиё* ёки *ҳаққи осиё* дейди.

Жан; **жон** – “канал”, “сув омбори”, “сув ҳавзаси” маъноларини англатадиган термин. Немис олими М.Маркварт бу сўзни суғдча деса, рус олими А.К.Боровков хоразмча дейди. Зарафшон водийсида **Сомжан**, **Рўйжан**, **Буржан** каби топонимлар маълум.

Жувозқоғоз – Бухоро атрофларида бўлган бир неча кишлок. Қўлда қоғоз тайёрланадиган дастгоҳ *жувоз қоғоз*, яъни қоғоз жувози (қоғоз жувоз) дейилган. Қоғозжувоз сув билан ишлаган, баъзан уни **қоғоз тегирмони** ҳам дейишган.

Жондор – кишлок, шаҳарча, Жондор тумани маркази. Бахмал туманида ҳам **Жондор** деган жой бор (маҳаллий халқ *Жандар* шаклида талаффуз қилади: **Жандарнинг қири**). Жондор Бухорода “жаллод” маъносида бўлган. Ясовул (полиция) бошлиғи ҳам **жондор** дейилган. Жондор сўзининг “жони-жонивор, тирик мавжудот” маъноси ҳам бор. Бухоро амири Ҳайдарнинг (1800–1826) шахсий котиби бўлиб ишлаган Мирзо Содик Мунши Жондорий Содик тахаллуси билан шеърлар ёзган ва ҳозиржавоб, ўткир зеҳли киши бўлган. Жондор қишлоғига сув келмай қолиб, қурғоқчилик бошланганда Содик Жондорий амир номига ариза ёзган: “Нажотпаноҳ! Ҳамма нарса, хусусан Жондор сув билан тирик”. Адабиёт ва заковатни ҳурмат қиладиган Амир Ҳайдарга бу сўз ўйини жуда ёқиб тушган ва Жондор

қишлоғига сув очишга фармон берган. Чунки, Жондорнинг “тирик мавжудот” маъноси ҳам бор-да. Ромитан туманида **Бозоржойжондор, Каттажондор** номли қишлоқлар қайд қилинган.

Жўйбор – Зарафшон водийси, хусусан Бухоро вилоятида учрайдиган топонимлар. Бухоро шаҳридан ғарброкдаги *Жўйбор* айниқса, машхур бўлган (Шаҳруд каналидан сув ичган) Жўйбор машхур Жўйбор шайхлари – Жўйбор хўжаларининг ватанидир. Форсчада жўйбор – “арик” дегани; баъзан *дарё* ҳам жўйбор дейилган; бу сўзнинг “*ариқ бўйи*”, “соҳилгоҳ” маъноси ҳам бор.

Захкаш – Бухоро шаҳри чеккасида бўлган арик. Бухорода партов ва зах суви оқадиган арик, яъни зовур *захкаш* дейилган.

Загоркаш – қишлоқ, Бухоро ва Қоракўл туманлари. *Загоркаш* – оқава сув тушадиган арик. *Зовур, загор* деб аслида селни айтишган. Ўрта асрларда нам тупроқ *загор* дейилган. Кейинги асрларда *загоркаш* ўрнига *захкаш* термини ишлатила бошлади.

Карвозбоп – қишлоқ, Когон тумани. Тўғриси *карбосбоф*, карбос – “(бўз) тўқувчи (уста)”.

Келачи – қишлоқ, Конимех тумани, уруғ номи.

Кемирекқум – қумли чўл (Ромитан ва Жондор туманлари), Қизилқумнинг бир қисми, **Кампирдувол** деган қадимий мудофаа девори *Кампирак* деб аталган. Кампирак қозоқ тилида Кемпирек ва ниҳоят Кемирек бўлиб кетган.

Лабирут – қишлоқ, Ғиждувон тумани. Тўғриси **Лаби рўд** “дарё лаби, “сой ёқаси” дегани (рўд, руд – арик, сой, сув).

Лайлаклар – қишлоқ, Ғиждувон тумани. Лайлак кўп жойлар **Лайлакхона, Лайлакуя** дейилади; *-лар* кўшимчаси эса фақат кишилар жамоаси номидан топоним ясайди (**Бойлар, Дерезлар, Сўфилар** ва бошқалар), *лайлак* лақаб ёки этноним бўлса керак.

Мазангкўча – қишлоқ, Ғиждувон тумани. *Мазанг* сўзининг асл маъноси “тамба”, “лўкидон” демакдир. Баққолчилик, шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган ўтроқ лўлилар *мазанг* дейилган. Мазангкўча – “лўлилар кўчаси”.

Мазрагон – қишлоқ, Ғиждувон тумани. *Мазраа* – асли арабча сўз бўлиб, “экинзор” демакдир; *-гон* – кўплик аффикси ёки “сув”, “арик”, “суғориш тармоғи”.

Малахтеза – қишлоқ, Бухоро тумани. Баъзи вилоятларда шевада чигирткани малах дейишади. *Малах* – тумандай босиб келадиган чигиртка галалари. *Малахтеза* – “чигиртка кўп жой”.

Навкар – қишлоқ, Когон тумани. *Навкар* асли мўғулча нўкар (нўкур) сўзидан олинган бўлиб, “дўст”, “йўлдош” демақдир. Бу сўз турк ва форс тилларига 13-асрда ўтган ва классик адабиёт ва ўзбек адабий тилида *навкар* шаклида учрайди ва “хизматчи”, “оддий аскар”, “жангчи” маъноларини англатади. Қадимги Мўғулистонда уруғ ва қабила бошлиқларига аксари жангчи бўлиб хизмат қилган озод кишилар *нўкар* дейилган. Нўкарлар кўпинча бошқа уруғ бошлиқларига хизмат қилган. Шу билан улар фақат уруш пайтларидагина ҳарбий хизматга чақирилган аскарлардан фарқ қилган. Нўкар ўрдада хон хизматчиси, уруш ёки босқин пайтида жангчи, ов пайтида ёрдамчи – ҳамма вақт қандайдир хизмат бошида бўлган.

Наршах – қишлоқ, Вобкент тумани. Бу жой Муқанна кўзғолони билан машҳур: 8-асрнинг 70-йилларида оқ кийимлилар Муқанна раҳбарлигида қишлоқни мустаҳкам истехкомга айлантириб, арабларга қақшатқич зарба берадилар ва ниҳоят таслим бўладилар. Наршах қишлоғида машҳур тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий туғилган (10-аср). Наршах қишлоғи Наржак деб ҳам аталган.

Нодиркўрчи – Бухоро шаҳри гузарларидан бири. Кўрчи туркий сўз бўлиб, “қуролдор, қуролбардор” демақдир (кўр – қурол). 17-асрда Бухоро амирларининг бошқа мамлакатлардан келтирилган қуллардан иборат шахсий гвардияси *кўрчи* дейилган. Кейинги асрларда Бухоро амирлигида кўрчи – ўқдори омборларини кўриқлаб турган қоровул бўлган.

Обдузд – Бухоро вилоятидаги ариқ. Обдузд – “сув ўғриси” ёки “ўғирланган сув” демақдир. Навбатини кутмасдан ўғирликча сув оладиган киши *обдузд* дейилган. Баъзан бирон ёриққа ёки ўпқонга кириб кетиб, яна ер юзига чиқадиган сув ҳам *обдузд* деб аталган.

Обгир – канал, Жондор тумани. Форсча *обгир* “сув олинадиган жой”, “ҳовуз”. Обгир сўзининг “ботқоқлик” маъноси ҳам бор.

Олот – шаҳар, Олот тумани маркази. Бухоро туманида **Олотхона** деган қишлоқ бор. *Олот* – *арлот* қабила номининг диалектал талаффузидир. Мовароуннаҳрда, асосан, Бухоро воҳасида бир оз арлотлар бўлган.

Пешку – кишлок, Пешку тумани. *Пеш* – “олд”, “олди томон”, *кўй* – “кўча” “гузар” ёки *кўҳ* тоғ.

Позагари – кишлок, Фиждувон тумани. *Поза* – омоч учига кийдириладиган чўян тиш; *позагар* (позарез) – омоч тиши қуовчи уста; *позагари* – омоч тиши қуйиш касби.

Рабах – ўрта асрларда Бухоро шахрида бўлган ариқ ва қаср. Араб географи Истахрий асарида тилга олинган. *Рабах* араб тилида “даромад” деган сўз.

Работималик – Бухоро ва Навоий вилоятларидаги чўл. Амир Шамсулмулк Носир ибн Иброҳим (1068–1080 йиллар) даврида хижрий ҳисоб билан 471 йилда (милодий 1078–79 йилларда) қурилган равот шарафига шундай ном олган (Работималик – Малик, яъни подшо работи). Бу работ Малик чўлида, Карманадан ғарбда бўлган.

Раъдзада – Бухоро гузарларидан бири, маъноси “яшин урган” демакдир. Тарихчи А.М.Беленицкийнинг фикрига қараганда, арабча *раъд* (“яшин”) сўзи “ўқ отувчи қурол” маъносида ҳам ишлатилган.

Регзор – кишлок, Бухоро тумани. *Регзор* – “қумлок”, “қумли ер”.

Регийн – кишлок, Шофиркон тумани. *Рег* – “қум”, *регийн* – “қумлар”, “қумли чўл”, “қумлик”, “қумлок”.

Регистонак – кишлок, Бухоро тумани. *Регистон* – “қумлок”, “қумли чўл”, “қум ётқизилган майдон”, -ак – кичрайтириш аффикси.

Ромитан – шаҳар, Ромитан тумани маркази. Митан қабиласи номидан ёки суғдча *митан* (“кўрғон, қалъа”) терминидан ном олган бўлиши мумкин. Шаҳар Бухоро воҳасидаги *ромети* деган кичкина уруғ номи билан аталган бўлиши ҳам мумкин.

Рўдахўр – кишлок, Қоракўл тумани. Форсча *рўда* – “ичак”, *рўдахўр* “ичак-човоқхўр” (ҳамқишлоқларнинг лақаби).

Рўдбор, рудбор – Зарафшон водийсида кўп учрайдиган географик термин ва топоним; айнан “дарё бўйи, дарё соҳили” демакдир (рўд, руд – дарё, канал). Рўдбор билан жўйбор маънодош. Лекин – *рўд* деганда жўйдан. кўра қатгароқ сув объекти тушунилади.

Рўйибозор – кишлок, Когон тумани. Форсча *рўйи бозор* – “бозор жой”, “бозор саҳни”.

Сайнхидрейли – кишлок, Қоракўл тумани. *Хидрейли* (хидирэли) – туркман уруғи. *Саин* ҳам этноним; саин асли

Ботуйхоннинг лақаби бўлиб, мўғул тилида “ҳомий” деган маънони билдиради. Яна шу туманда **Саинқоровул** деган қишлоқ бор.

Сандикли – Бухоро ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ. Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида **Сандикли** қишлоғи бор. Туркманларнинг бир уруғи *сандикли* деб аталади.

Тороб – қишлоқ, Жондор тумани. Тарихий манбаларда **Тороб** қишлоғи Бухородан ҳам олдин пайдо бўлганлиги қайд қилинган. Қишлоқ дастлаб Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида тилга олинган. Бу қишлоқ 1238 йилда деҳқон ва хунармандларнинг мўғулларга ва маҳаллий мулкдорларга қарши кўтарган кўзғолони (Маҳмуд Торобий кўзғолони) билан машҳурдир; Тороб – “дарё бўйи” демакдир.

Тавоис, Тавовис – Бухоро шаҳридан тахминан 50 км шарқдаги қадимий қишлоқ. Қадимий номи **Арқуд** (ёки Арфуд). Араблар товусни кўрмаган эканлар, бу ерда кўп товусларни кўриб, у қишлоқни “Зот уг-тавоис” – “товуслар эгаси” деб атаганлар. Кейинроқ *зот* сўзи тушиб қолиб, **Тавоис** бўлиб кетган. В.В.Бартольд тарихчи Табарий гапларига асосланиб, қишлоқ 710 йилда (ҳижрий 91 йилда) арабча ном олган дейди. Қадимги Тавоис вайроналаридан 2–3 км нарида *Тавоис* деган қишлоқ ҳозир ҳам бор. Қадимги Тавоис харобалари Бўстон қишлоғи марказидаги Боясдий Хўжабўстони деб юритилади.

Тоқисаррофон – Бухоро шаҳридаги бозор. *Тоқ* сўзи қадимий меъморлик терминларидан бўлиб, “равоқли бино” демакдир. Бухоро хонлигида усти ёпилган бозор *тоқ* дейилган. Масалан, Тоқителпақфурушон – “телпақ сотувчилар бозори”, Тоқисаррофон ҳам ана шундай бозор (раста)лардан биридир (сарроф – “пул майдаловчи”). Ўрта асрларда Бухоронинг Кеш (Шаҳрисабз) дарвозаси яқинидаги бир маҳалла Рас ат-тоқ (арабча “равоқ боши”) деб аталган. Тарихчи О.И.Смирнова бу маҳалла қадимда ана шу ерда бўлган гумбазли бозор номи билан аталган бўлса керак дейди.

Тўқсоба – қишлоқ, Жондор тумани, **Қўштўқсоба** – Ромитан тумани. *Тўқсоба* сўзи икки маънони англатган: 1) Бухоро хонлиги (амирлиги)даги юксак лавозимлардан бири. Тўқсобанинг вазифаси хон (амир) олдига таом кўйишдан ҳамда Харкан туманига ҳокимлик қилишдан иборат бўлган. **Тўқсоба** ҳарбий мансаб ҳисобланган. Луғавий маъноси *туғ* (туқ) – “байроқ” сўзидан олинган бўлиб, “ўз байроғи бор

(кўшин)” демакдир. 2) Даштикипчок, Зарафшон ва қорақалпоқ кипчоқларда жанговар хитоб *тўқсоба* деб аталган. Аслида тўқсоба ўрта асрларда кипчоқ қабилаларидан бирининг номи бўлган. Тўқсоба этноними 14–15-асрлардан бошлаб учрайди. Кейинчалик тўқсоба қабиласи парчаланиб, турли уруғ-қабилалар ва халқлар таркибига кўшилиб кетган. Масалан, қозоқларнинг байбақти уруғи, ўзбекларнинг лақай қабиласи таркибида тўқсоба шохи қайд қилинган. *Тўқсоба* этноними *тўқ* ва *саба* деган икки уруғ номидан олинган бўлиши мумкин. Масалан, Волганинг қуйи оқимидаги татарларда ва қозоқларнинг бойули қабиласи таркибида *саба* деган уруғ бўлган, *тўқ* сўзи эса этнонимлар таркибида учрайди: тўқманғит, тўқсейит, тўқсарой. Шу билан бирга *тўқбой*, *тўқмон*, *тўқмўйин* каби кичик уруғ тармоқлари ҳам *тўқ* компонентидан таркиб топган. Тўқ сўзининг “ранг” маъноси бор; саба эса “меш”, “саноч” демакдир.

Халаж – қишлоқ, Вобкент, Бухоро туманлари; **Халажиён** – Шофиркон тумани. Халаж (халач-қалач) – қадимги қабила номи. Халажлар 10-асрдаёқ ҳамма туркий халқлардан жанубда, ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмида яшаганлар. Халачлар Қабодиёнда (Тожикистон, Кофарниҳон дарёси бўйида) ва Муғон чўли (Озарбайжон)да ҳам ўрнашиб қолганлар ва форс тилида сўзлашадилар. Халажлар асли туркий халқ бўлган; Рашидуддиннинг “Жоме ат-таворих”, Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва бошқа асарларда тилга олинган.

Харашхона – қишлоқ, Фиждувон тумани. Тўғриси *харажхона* (хараж, хирож – ер-сув учун халқдан олинадиган солиқ; харажхона – “солиқ тўланадиган жой”).

Хоркаш – қишлоқ, Вобкент тумани. Хас-чўпдан ўтин териб кун кўрган киши *хоркаш* дейилган.

Хумдонак – қишлоқ, Жондор тумани. Фишт, сопол буюмлар пишириладиган устахона маъносидаги *хумдон* сўзига –*ак* аффикси кўшилиб ясалган топоним. *Хумдонак* – “хумдонли қишлоқ”.

Хўжа Таббанд – Бухоро шаҳри гузарларидан бири, маъноси “безгакни боғловчи” (даволовчи) демакдир. Жонли тилда *Таббат* бўлиб кетган. Гузарда безгакни даволаган Хўжа Таббанднинг мозори бор.

Чашман Айюб – Бухоро шаҳридаги булок, тўғриси қудук. Гўё Айюб пайғамбар бу сувдан даво топгани учун “Айюб пайғамбар булоғи” деб аталган дейишади. Аслида

бу булок *Чашмаи Майиб* деб аталган, чунки унда майиб-мажрухлар даволанган. Чашмаи Майиб фонетик жihatдан ўзгариб *Чашмаи Айюб* бўлиб кетган. Фаргона водийсида Ҳазрати Айюб булогини араб географларидан Муқаддасий тилга олган. Косонсой водийсидаги бу булок ҳозир ҳам ўша ном билан аталади.

Чилтаноб – қишлоқ, Бухоро тумани. Чил таноб – “қирқ таноб (ер)” маъносида. Бир таноб тахминан 0,25 гектарга тенг бўлган.

Читгарон – қишлоқ, Вобкент тумани. *Читгарон* – “читга гул босувчи усталар” демақдир.

Човдур – қишлоқ, Қоракўл тумани. *Чоудур, чаудур (чаудор)* деган туркман уруғи бор (Бухоро вилоятида туркманлар ҳам учрайди).

Чорбакр – Бухоро шаҳри яқинидаги қишлоқ. Маҳаллий аҳоли қишлоқ ёнидаги мазорда Абу Бакр исмли тўрт авлиё – Абу Бакр Исҳоқ Калободий, Абу Бакр Тархон, Абу Бакр Аҳмад Ибн Саъд, Имом Абу Бакр Фазл (вафоти 970 йил) дафн этилгани учун қишлоқ шундай аталган деб ҳисоблайди. Аслида эса мазорга шу авлиёлардан энг каттаси, Жўйбори хўжаларининг аждоди Имом Абу Бакр Фазл дафн этилган, холос.

Чорхарос – Бухоро шаҳри гузарларидан бири, маъноси “тўрт тегирмон” (асли *хариосиё* – эшак, умуман ҳайвонлар кўшилиб айлантирилладиган тегирмон).

Чубутон – Бухоро шаҳри гузарларидан бири. Чувут (чувут) деган ўзбек уруғи номидан (-он кўплик аффикси).

Чўббоз – Бухоро шаҳри гузарларидан бири. *Чўп* – ёғоч, боз – ўйинчи, *чўббоз* – “ёғоч оёқда рақсга тушувчи” (раққос) дегани.

Шақшақи Балхи – Бухоронинг Хонақойи Чўқмоқи гузаридаги мазор. Шақшақи арабча *шақиқа* – “бош оғриғи” сўзининг ўзгарган шакли. Ривоятларга кўра, Балхдан келган бир авлиё бош оғриғини даволаган.

Шаҳруд – тўғриси **Шаҳарруд** – “шаҳар дарёси” ёки шаҳар наҳри – Бухоро шаҳрини сув билан таъминлаб турган дарё. Дастлаб **Руди Зар** бўлган; араб географлари асарларида **Наҳри Зар** шаклида тилга олинган. Шайх Боҳарзи вақф хужжатларида **Руди шаҳри Бухоро** деб аталган. Кейинги вақтларда *Шаҳруд* (Шохруд) бўлиб кетган, Эронда Шохруд деган канал бор.

Шукурчи – қишлоқ, Шофиркон тумани. *Шукур* – катта соябон, *шукурчи* – подшоҳ бошига соябон тутиб юрган киши.

Қорақулончи – қишлоқ, Қорақўл тумани. *Қора қулон* – қулон уруғининг бир тармоғи; *-чи* эса шу уруғ вакили эканлигини кўрсатувчи қўшимча. Шу туманда яна *Ариқбўйиқулончи*, *Харобақулончи*, Жондор туманида *Кулончи* қишлоқлари бор.

Эмари – қишлоқ, Жондор тумани. Арабча *имори* ёки *амори* (айн ҳарфи билан) “кажава”, “тахти равон” дегани. Эмари қишлоғи 1976 йилдан *Пахтаобод* деб аталади.

Эшакчи – қишлоқ, Қорақўл тумани. Қўнғирот қабиласи вахтамағали бўлимининг бир уруғи *эшакчи*, туркманларда *эшекчи* уруғи қайд қилинган.

Юзон – қишлоқ, Бухоро тумани; *-он* – кўплик қўшимчаси; *юзон* “юзлар”, яъни “юз қабила вакиллари яшайдиган қишлоқ”; Республикада **Мингия** деган қишлоқлар бор; бу ҳам олдинги маънода (*-ия* арабча кўплик қўшимчаси).

Ўба – Бухоро вилоятидаги бир неча қишлоқнинг номи. *Ўба* сўзининг маъноси кўп. Бухоро воҳасида “овул”, “қишлоқ” (“уват”, “марза”) деган сўз.

Ўрусон – Бухоро гузарларидан бири. Халқ буни “руслар” деб изоҳлайди. Тарихчи О.А.Сухарева ҳам гузар Бухоро амирлигида асирда бўлган руслар номи билан шундай аталган дейди. Тарихчи Н.А.Кисляков гузар номини **Арусони Бухоро** – “Бухоро келинлари” деб изоҳлайди.

Қалқонруд – Бухоро вилоятида Зарафшондан чиқарилган қадимий канал. Дастлаб Наршахий асарида *Хархонруд* шаклида қайд қилинган. Араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал асарларида **Наҳри Харгонруд** дейилган. *Руд* (рўд) – “дарё”, “канал”, *хар* – “катта”, *кан* – канал, ариқ. Бухоро яқинида яна **Харқонат ул-улвиё** “Юқори Харқон” деган наҳр бўлган. Ҳозир у “Қалқонота ариғи” деб, **Харқонат ус-соние** “Қуйи Харқан ариғи” эса **Харқонруд** деб аталади. Шу ариқ бўйида (Кармана туманида) **Қалқонота** деган қишлоқ ҳам бор. Самарқанд яқинида ва Хуросонда **Харқон** деган қишлоқлар бўлган.

Қамчинбоп – Бухоро тумани. Тўғриси *қамчибоф* – “қамчи устаси”, “қамчи тўқувчи уста”.

Қарағанжийда — қўл, Олот тумани. Сернам қумли ерларда ўсадиган ва русчада облепиха деб аталадиган сертикон доривор бута ўсимлик, ўзбек ботаник илмий тилида *жирғаноқ* дейилади. Лекин бу ном қирғизчадан ўтган. Қарағанжийда шу ўсимликнинг чинақам ўзбекча номи бўлса керак. Бу ўсимликнинг танаси ва меваси қарағанга ҳам, жийдага ҳам ўхшайди.

Қорали – қишлоқ, Жондор тумани. Олхўрини баъзи жойларда *қорали* (қора олу), бошқа жойларда *қора ўрик* дейишади.

Кулонқоқ – қишлоқ, Томди тумани. Кулонқоқ – “қулонлар, яъни ёввойи отлар сувлайдиган қоқ-кўлмақ”.

Ғиждувон – шаҳар, Ғиждувон тумани маркази, Наршахийнинг “Бухоро тарихида” Муқанна (8-аср) воқеаси муносабати билан биринчи марта тилга олинган. Бошқа тарихий манбаларда *Ғиждувон* (Муқаддасий), **Ғуждувон** шаклларида ҳам қайд қилинган. Халқ оғзида Ғиждувон *Ғужу девон* – “бир тўп дев” ёки *Ғужу деҳон* – “Бир тўп қишлоқ” демакдир деган ривоят бор. Этимологияси аниқ эмас; Бухоро воҳасида *дувон, тувон* компонентли топонимлар кўп: **Бузундувон**, **Қоқуштувон** ва бошқалар. Бу топонимни бошқачароқ изоҳлаш мумкин. Ургут туманида ҳам **Ғиждувон** деган қишлоқ бор. Бухоро хонлигидаги қишлоқлар рўйхатида (2002 йил, Тошкент, “Университет” нашриёти), ҳозирги Туркменистондаги Чоржўй (ҳозирги Туркманобод) шаҳри яқинида **Қиштуван** деган қишлоқ, Зарафшон бўйида **Кемачи** деган қишлоқлар (4 та қишлоқ) қайд қилинган; Олот туманида эса **Қиштувон** деган қишлоқ бор. *Қишти* – кема, қайиқ; қиштибон — “кема ҳайдовчи”, “дарға”; *қишти ҳилоли* – “ингичка ой шаклидаги кема” мажозий маънода – “ҳилол шаклидаги қадах”. Бу фикримиз ҳақида академик А.Р.Муҳаммадҷонов “Зарафшон дарёсида кема, жилла қурса қайиқ қатнагани бирон тарихий ҳужжатда қайд қилинмаган, лоақал бу ҳақда қояда суратлар чизилмаган” деган фикрни билдирдилар. Зарафшоннинг қадим замонларда Амударёга қуйилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Баъзан дарё суви ҳозиргига нисбатан бир неча марта кўп бўлган. Суғдчасига **Сомжан** ёки **Борғини фарох** – “ўлкан ҳавза” деб аталган Қорақўлнинг узунлиги 12–13-асрларда 20 фарсах (120–140 км) бўлган. Бундай катта сув ҳавзасида кема қатнамаслиги мумкин эмас; бунинг устига илгарилари кема (кама) ёки қайиқнинг фарқи кам бўлган. **Ғиждувон** ёки **Қиштувон** деган жойлар ҳозирги Зарафшон ўзанидан узоқда бўлиши мумкин, дарё ўзани тез-тез ўзгариб туради.

Ғишти – қишлоқ, Ғиждувон тумани. *Қишти* – кема, қайиқ; *қиштиийи бода* – қайиқ шаклидаги қадах; *қишти ҳилоли* – янги ой шаклидаги кема. Суғд тилида к ёки г товуши ғ шаклида талаффуз қилинган. Масалан, Тожикистон Республикасидаги Ғарм шаҳарчаси (Ғарм райони маркази) номи ҳам *гарм* – “иссиқ булоқ” сўзидан; к. **Ғиждувон**.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Вилоят 1973 йил ташкил этилган. Республиканинг марказий қисмида жойлашган. Таркибида 12 қишлоқ тумани (Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш, Янгиобод, Ғаллаорол); 7 шаҳар (Гагарин, Даштобод, Дўстлик, Жиззах, Маржонбулоқ, Пахтакор, Ғаллаорол); 8 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Уснат, Учқулоқ, Янгиқишлоқ, Қўйтош) бор. Маъмурий маркази – Жиззах шаҳри. Вилоятнинг марказий, шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларини Мирзачўл ва Қизилқум чўли эгаллаган. Жанубий қисмида Туркистон тизмасининг ғарбий тармоқлари (Молгузар ёки Моргузар тизмаси), ғарбида Нурота тизмасининг шарқий тармоқлари жойлашган. Бу икки тоғ тизмасини Сангзор дарёси водийси ажратиб туради. Жиззах вилояти географик ўрнига кўра Республикамиз марказида жойлашган. Топонимлари ва маҳаллий географик терминларига кўра, бу вилоят бошқа ҳудудларга нисбатан оралиқ мавқеини эгаллайди. Вилоятда туркий (аксари ўзбекча, сўнгра қозоқча, шунингдек, қирғизча) географик номлар кўпчилиқни ташкил қилса ҳам ўлка топонимиясида суғдий ва бошқа эроний субстрат (туб) топонимлар билан бир қаторда тожикча топонимлар, қадимий туркий топонимлар, шунингдек, арабча ва мўғулча лексик бирликлардан таркиб топган ер-сув номлари анчагина учрайди. Ҳозирги Жиззах вилояти майдонининг кўп қисми миллоддан аввалги бир неча асрдан тортиб илк ўрта асрларгача мавжуд бўлган Уструшона (Истаравшан) тарихий ўлкасида бўлган; бу тоғли тарихий вилоят Жиззах шаҳри билан (баъзи маълумотларга кўра Тожикистоннинг Панжакент шаҳри билан) ҳозирги Хўжанд шаҳри оралиғига тўғри келади. Уструшона халқи жанговар, моҳир халқ бўлган, вилоятда меъморчилик ривожланган. Ўлкада Дизак (Жиззах), Бунжикат (Панжакент), Нужкат, Зомин каби йирик

шаҳарлар бўлган. Македониялик Александр (Искандар Зулқарнайн) га қақшатқич зарба берган егтита мустаҳкам қалъанинг бири – Газа Уструшона худудида жойлашган. Вилоятнинг ҳозирги аҳолиси кўп тилли – ўзбеклардан ташқари қозоқлар, тожиклар, шунингдек, қирғизлар бор. Ўзбекларнинг кўпчилиги желовчи шеваларда гаплашишади. Буларнинг ҳаммаси топонимияда ҳам ўз аксини топган. Бунинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ўлкада бошқа худудларда учрамайдиган ёки узоқ ўлкалардагина қайд қилинган маҳаллий географик терминлар топонимлар шаклида учрайди. Индикаторлар, яъни географик номнинг туридан дарак бериб турадиган ана шундай истилоҳлардан бир нечтасини айтиб ўтайлик: *бароз*, *белчагач*, *бўктар*, *депсан*, *жона*, *жўна*, *зов*, *овга*, *саганоқ*, *танги*, *чалқа*, *чагат*, *чем*, *чинг*, *шибер*, *ўлаҳат*, *қашқа*, *кўриқ ва бошқалар*.

Шулардан баъзи бирларини изоҳлаб ўтамиз.

Бароз (барос, бараз) асли суғдийча *брз* сўзидан олинган бўлиб, “кичикроқ баландлик” деган маънони билдиради. Бу терминнинг ареали жуда катта: Эронда *берз* – *барз* – *бурз* – “баланд, юксак” элементидан таркиб топган географик номлар талайгина; Тожикистондаги янги суғд тили – яғноб тили ватани бўлмиш Яғноб ўлкасида **Сарибароз**, **Буросо**, **Пуштибароз**, **Сибараса** каби топонимларни топонимист А.Л.Хромов ўша суғдийча *брз* сўзидан таркиб топган дейди. Тожикистоннинг Ванж туманидаги **Боразго** топонимини А.З.Розенфельд “баланд, юксак жой” деб изоҳлаган. Академик О.Н.Трубачев фикрича, Украинадаги **Березанка**, **Березань** гидронимлари *берез(ант)* сўзидан таркиб топган бўлиб, “юксак, баланд” деган маънони англатади.

Осетин тилида *барз* сўзининг “баландлик, кўрфонтепа” деган маънолари бор. Бундан ташқари тожикча Барзу исми “узун бўйли” ёки “мартабали” демакдир.

Жиззах вилоятида *бараз* термини *бароз*, *барос* шаклларида топонимлар, хусусан микротопонимлар ҳосил қилган. Масалан, Зомин туманида тоғ тепасида ёки тоғ ён бағрида учрайдиган ясси майдонча, сува *бароз* дейилади. Баъзи бир барозларнинг майдони бир неча гектар келади. Туркистон тизмасининг **Шовқортов** тармоғида (Бахмал тумани) **Бозорихоним** деган ясси қир бор; ана шу ном ҳам ўша *бароз* сўзи билан боғлиқ бўлса керак (азим тоғ тепасида бозор нима қилсин).

Белчагач пастроқ қир устидан – белчадан ўтган йўл, “довонча”; *бўктар* (тоғ этаги, тоғ олди, адир), *депсан-дапсан*.

– супага ўхшаган текис жой, *жона* – қиялик, жонабулоқ–нишаб жойдаги булоқ, *жўна* – чўзинчоқ қир, *йўлжўна* – қир “устида ўтган йўл”, *зов* – *тик қоя*, *овга* (арабча ақба сўзидан) – довонга кўтарилган йўл, *саганоқ* (тўғриси санглоқ) – “тошлоқ сойлик” *танги* – “тор дара”, *чагат* – “тошлоқ ёнбағир”, *чем* – “тўсиқ, ғов” ва бошқалар.

Бу терминлар бир қанча топонимлар, айниқса, кўглаб микротопонимлар ҳосил қилган. Вилоятда қадимий ном кўп. Халқ жой номларининг келиб чиқиши ҳақида ҳар хил ривоятлар тўқиган. Аслида эса шаҳар суғдча *диз* – “кўрғон, қалъа, истехком” сўзидан ва топоним ясовчи *-ак* кўшимчасида таркиб топган. Ёки **Молгузар тоғи** ва **Илонўтти** (Жилонўтти) дараси номларининг келиб чиқиши ҳамон ноаниқ. Молгузар билан Илонўтти топонимлари бир маънода: Молгузар, Моргузар ҳам “Илонўтти” деган сўз деювчилар ҳам бор (илон кўп бўлганидан ёки Санзор дарёси илон изи бўлиб оққани учун). Баъзи бировлар Молгузар *маргзор* “ўтлоқ” сўзидан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Масала узил-кесил ҳал қилинганича йўқ.

Илонўтти дарасининг ичида **Желли-ғўлли** деган ғалати ойконим бор. Уни биз бундай изоҳлаймиз: арабча *шамол* сўзининг туркийчаси *ел-жел*, туркча-мўғулча *гўл* ёки *қўл* сўзи “сойлик”, “дара” дегани, Желлиғўл – “сершамол сойлик”, **Желлиғўли** ёки **Желлиғўлли** эса “желлиғўллик”, яъни “сершамол сойликда яшовчи” маъносидадир.

Ойқор, **Шовқор**, **Чимқортөв** деган оронимлар (Бахмал тумани) таркибидаги *қор* унсурунинг “ёғин” маъносидаги сўзга ҳеч алоқаси йўқ, деб ҳисоблаймиз ва бу суғдча *гар-қар* – “тоғ” сўзидан бошқа нарса эмас.

Географик терминлар мустақил равишда ёки бошқа бир кўшимча билан топонимлар ҳосил қилади. Бахмал туманида **Тагап**, **Тўпон**, Фаллаорол туманида **Довул** деган қишлоқлар бор. *Тагап* (*такоб*) – “пастлик”, “сув тўпланадиган жой”, *тўпон* эса арабча *тўфон* – “дунёни сув босиши” демакдир (бу ерни тез-тез сел олиб кетар экан), **Довул** қишлоғи атрофида кучли довуллар бўлиб турар экан. Географик терминларнинг табиий шароитни акс эттирадиган даракчилар эканини шундан билса ҳам бўлади. *Айдар* термини бир қанча топонимлар ҳосил қилган (Айдаркўл, Айдар шўрхоғи ва бошқалар). Қозоқ топонимистлари, хусусан географ **Ғ.Қўнқашпаев** тепасида тошлар уйиб кўйилган тепалик *айдар* (яъни “ҳайдар кокил”) дейилади деб ёзишган. “Кокил” ҳайдар

сўзининг иккинчи маъноси, асли *ҳайдар* арабчада “шер”, “арслон” дегани; нега кокил *ҳайдар* деб аталишини аниқлаш керак бўлади. Бир арабшуноснинг гувоҳлик беришича арабчада *арслон* номини ифодалайдиган 300 га яқин сўз бор экан (асад, ҳайдар ва бошқалар). Қандайдир даҳшатли ҳайвонни *аждар*, *аждаҳо* дейишган; аждарни қозоклар *айдаар* дейишади. Айдаар талаффузда *айдар* шаклини олган бўлиши эҳтимол. Шу билан бирга *айдар* деган этноним ҳам бор; қозокларнинг алчин ва жетирув қабилалари таркибида, шунингдек, қирғизларнинг адигине қабиласи таркибида *айдар* деган уруғ бўлган; Ўзбекистон, Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа туркий республикаларда географик объектларни уруғ-аймоқ номлари билан аташ кенг расм бўлган.

Ўзбекистонда рельеф шакллари ифодалайдиган оронимик терминлар орасида *тош* сўзи алоҳида ўрин тутади. *Тош* сўзи қаттиқ тоғ жинсларининг умумий номи бўлиш баробарида “тоғ”, “алоҳида қоя”, “чўққи” маъносини англатади. Вилоят худудида **Оқтош**, **Қоратош** деган топонимлар бир неча марта такрорланади. Бу ўринда *тош* сўзи “улкан қоя”, “кичикроқ тоғ” маъносидадир. Масалан, Зомин туманида Зоминсувнинг бўйида **Қоратош** деган жойда 4–5 қаватли уй катталигида кўнғир-қорамтир ёлғиз яхлит қоя бор, ёки шу тумандаги Тамтум кишлоғининг марказида ҳам 4–5 қаватли уйча келадиган **Чўқмортош** номли қоя чўққайиб туради. Шу кишлоқ тепасида **Айритош** деган кўшалок чўққи бор.

Вилоятда ойконимлар, оронимлар ва гидронимлар орасида этнотопонимлар 13–15 % ни ташкил этади. Баъзан этнотопонимларни фарқлаш қийин. Масалан, вилоятда **Илонли** деган топонимлар бир неча марта такрорланади; *Илонли* (тўғғироғи жилонли) ёки *жилонтамгали* деган уруғ бор; бу жой газанда номи билан аталганми ёки уруғ номи билан аталганми, ажратиш қийин. Ёки, Жиззах ва Бахмал туманларида **Лойқа** деган кишлоқлар бор; сел олиб келган жинслардан ҳосил бўлган ёйилмани халқ *лойқа* дейди; шу билан бирга *лақай* қабиласи номи *лайқа* бўлиб кетган жойлар ҳам бор. Масалан, Бахмал туманидаги **Лойқаўрай** этнотопоним эканлиги аниқ. Кишлоқ *лақай* қабиласининг *ўрай* уруғи номи билан аталган.

Яна мисол: Жиззах туманида **Кўрпа**, **Кўрпасой** деган топонимлар бор. *Кўрпа* деган қадимий уруғ борлигини

билмаган одам бу номлар “тунги ёпинчиқ” маъносида деб ўйлайди. Холбуки уруғ “барра ўт”, “кўзичок” маъносидаги қадимий туркий сўз (кўрпа)дан ном олган; кирғизлар барра кўзи терисини – мўйнасини кўрпў дейдилар; *кўрпў тебетей* “барра кўзи терисидан қилинган телпак”. *Тена* баъзан *тева*, ҳатто *туя* бўлиб кетган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, Жиззах ва Фориш туманларида **Туябоши** деган жойлар, Китоб туманида **Туябоши** деган қишлоқ бор. Бу асли “тепаликнинг усти (тепабоши)” дегани. Бу мисоллар топонимларнинг келиб чиқишини аниқлаш осон эмаслигини кўрсатади.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Абуз – қишлоқ, Ғаллаорол тумани. Кўнғирот қабиласи (узлар)нинг бир уруғи *абиз* (авиз) деб аталган. Қозоқларнинг жетирув, қорақалпоқларнинг ашамайли қабиласи таркибида *абиз* уруғи бўлган.

Айдаркўл – кўл, Фориш тумани. Олдин шўрхоқ кейинроқ, Чордара сув омборининг суви ва суғоришдан чиққан оқава сувлар тўпланиб, катта кўл ҳосил бўлган. Маҳаллий аҳоли кўпинча тепасида тош уюмли дўнгликни ҳайдар кокилга ўхшатиб, *айдар* деб келади.

Аймоқариқ – Зомин туманида баланд тоғ ёнбағирларидан ўтган ариқ излари. Халқ бундай ариқларни девқомат кишилар қазиган дейишади. *Аймоқ* сўзининг “уруғ”, “элат”дан ташқари “бегона”, “бошқа юртдан келган”, “асл деҳқон” маънолари бор. Зомин туманида ўта тиришқоқ, тиниб тинчимас одамни *аймоқ* дейишади. Масалан, Зомин туманида Абдурасулаймоқ деган девқор киши ўтган.

Арнасой – кўл, Арнасой тумани. Хоразмда *арна* катта канал, Жиззах вилоятида – жар.

Ахтаҳона (Ахтиҳона) – қишлоқ, Зомин тумани. *Ахтаҳона* сўзининг “отҳона” маъноси бор. Шу билан бирга *ахтачи* – “от табиби”, “мирохур” деган қабила бўлган. Этнонимлар таркибидаги *-ли*, *-чи* каби кўшимчалар тушиб қолади; *ҳона* эса “бирон халқ уруғ вакиллари яшайдиган жой” маъносини англатади: **Арабҳона**, **Уйшунҳона**, **Дўрмонҳона**, **Ахтаҳона** “ахта уруғи вакиллари қишлоғи”.

Аччи – қишлоқ, Зомин тумани. Қишлоқ суви шўр бўлганидан шундай ном олган дейишади (шеваларда *аччиқ* ўрнига *аччи* дейишади). Қишлоқ Ҳофиз Таниш Бухорийнинг

“Абдуллонома” асарида (16-аср) **Очиқ** шаклида учрайди. Аччи деган жойлар кўп; бундай номларни иккига бўлиш мумкин: 1) Суви тахир – шўр (аччи) бўлган жой; 2) Уруғ номи – қадимий туркларда *аччиқ* қабиласи бўлган; ўзбекларда *оччи*, қирғизларда *ачи* уруғи қайд қилинган.

Бахмал – қишлоқ, Бахмал тумани. Бахмал топоними бошқа ерларда ҳам бор. “Духоба” маъносидаги *бахмал* сўзига ҳеч алоқаси йўқ. Топонимист Т.Нафасов қовчинларнинг бир уруғи *бахмал* (бакман) деб ёзади.

Бағанали – қишлоқ, Фориш, Ғаллаорол туманлари, **Қорабағанали** – Фориш тумани. Юз қабиласининг бир уруғи *бағанали* деб аталган. *Бағана* – қорақўл терининг бир тури.

Белесмозор – Зомин туманидаги мавзе. Қирғизчада *белес* – “тармоқ”, “тоғ тармоғи” (шу теварак атрофда қирғизлар яшайди). *Белесмозор* – “тоғ тармоғидаги мозор”.

Бешкуби – қишлоқ, Зомин тумани. “Бешта кув” – қатикдан сариеғ оладиган асбоб деб изоҳлашади. Хитойизи (хитоюзи) уруғининг бир бўлими *бешкуби* деб аталган.

Бозорихоним – Шовқор тизмасидаги чўкки, Бахмал тумани. Маҳаллий аҳоли ўртасида Бозорхоним номи ҳақида турли ривоятлар тўқилган. Бу ном, эҳтимол, суғдча бароз – “супа тоғ” сўзи билан боғлиқдир.

Боймоқли – қишлоқ, Ғаллаорол, Зомин туманлари. Ўзбекларнинг қўнғирот, юз қабилаларининг бир уруғи *боймоқли* деб аталган. Бу уруғ қорақалпоқлар, қозоқлар таркибида ҳам (байбақти) бўлган. *Байбақ* (баймоқ) – *суғур* (кемирувчи ҳайвон)нинг бир тури.

Бойқўнғир – қишлоқ, Бахмал тумани. **Бойқўнғир** этноним, асли қўнғирот қабиласи таркибига кирса керак. Чунки *қўнғирот* сўзининг ўзаги қўнғир, от эса кўплик аффикси. Қозоғистондаги **Бойқўнғир** космодроми ҳам ўша уруғ номидан. **Бойқўнғир** деган исм ҳам бор.

Боғдон – қишлоқ, Фориш тумани. Қадимий номлардан. *Бог* сўзи ҳозирги маъносидан ташқари қадимий эрон тилларида “худо” деган маънони билдирган, *дон* унсури эса “идиш, омбор, макон”. Профессор Н.Г Маллицкий Амударё этагидаги қадимги **Давдон ўзани** ҳақида бундай дейди: дев ёки дав аслида мажусийлар худоси номи бўлиб, *Давдон* сўзининг маъноси “худо маскани” демакдир. Шунга нисбат бериб, **Боғдонни** “худо маскани” дейиш мумкин.

Бўқтарийўл – Зомин тумани. Маҳмуд Кошғарий “бўқтир – тоғлардаги баланд-пастлик ер” (“Девону луғотит турк”, I

жилд, 424-бет). *Бўктар* – ўзбек тили шеваларида, козок тили ва қирғиз тилида (бўктўр) “тоғ олди”, “тоғ этаги”.

Газанкалон – Зомин туманидаги тоғ. *Газа* – “тоғ қирраси”, “тоғ тепаси”, *калон* – “катта”.

Гумсой – Зомин туманидаги сойлик. Бу ўринда *гум* “чукур, гир-атрофи баланд” дегани. Фаллаорол туманидаги *Гумсой* – “чукур ўзандан оқадиган сой”.

Гуралаш – Зомин халқ боғининг олдинги номи, қ., *Гўралас*.

Дувлат – қишлоқ, Бахмал тумани, бу қишлоқда қирғизларнинг *манақ* уруғига кирадиган дувлат тармоғи вакиллари яшайди. *Ўлеке дувлат бир туққан* деган нақл бор (ўлеке ҳам бир тармоқ). Аслида *дуглат*, *дулат*, *дувлат* ўрта асрлардаги қабила номи (Рашидуддинда – *дуклат*). Қозокларнинг йирик қабила-уруғ иттифоқи – *дулат*. Дувлат (*дуглат*) бошқирд, ўзбек, туркман ва бошқа туркий халқлар таркибига ҳам кирган.

Етимчўққи – Зомин тумани. *Етим* сўзи географик номлар таркибига “ёлғиз”, “якка”, “кичикроқ” деган маъноларда келади. Республикамизда **Етимтоғ**, **Етимтепа**, **Етимкўл**, **Етимқир** каби жойлар бор.

Ём – қишлоқ, Зомин тумани. Классик мўғул ёзма тилида, шунингдек, ҳозирги мўғул тили шеваларида *ём* сўзи **жам**, **зам**, **ям**, шаклларида “йўл” деган маънони англатади; мўғуллар империяси даврида эса “почта станцияси”, “бекат” деган маънони англатган. Марказий Осиёда **Ём**, **Жом** деган жой кўп бўлган.

Жиззах – шаҳар, Жиззах вилояти маркази. Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан. Биринчи бор араб географлари Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий асарларида *Дизак* шаклида тилга олинган: суғдийча *диз* – “қалъа”, “истехком”, -*ак* кичрайтириш аффикси (ча). 12–13-асрларда Хуросонда **Юқори Дизак**, **Қуйи Дизак** деган қишлоқлар, Марв атрофида **Дизак**, **Дизак хафс**, **Дизак шерзод**, **Дизак борон**, **Дизак мискин** номли қишлоқлар бўлган. Зарафшон водийсида *диз* (диза) элементидан иборат қишлоқ, маҳалла, шаҳар ва ариқ кўп бўлган: **Жакардиза**, **Сангдиза**, **Сафардиза**, **Уштабдиза**, **Фағидиза**, **Қандиз** (Қухандиз) ва бошқалар.

Жувонсийроқ – қишлоқ, Зомин тумани. *Жувонсийроқ* – этноним, айнан, “почаси йўғон”.

Зирабулоқ – Зомин туманидаги мавзе. Теварак-атрофда зира кўп бўлганидан шундай ном олган. Каттақўрғон

туманида, Сурхондарё вилоятида (Боботоғда) ҳам *Зирабулоқ* деган жойлар бор. Иккинчи вариантда Зерибулоқ, яъни булоқдан куйидаги жой, ер маъносини англатади.

Зовқўтон – Зомин туманидаги мавзе. *Зов* – тик қоятош, *қўтон* – қишда қўй отари ётадиган пана жой.

Зомин – шаҳарча, Зомин тумани маркази. Ўрта асрларда йирик шаҳар бўлган. Зомин дастлаб араб географларидан Истахрий, Ибн Хавқал, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Араб сайёҳи Ибн Хавқал (10-аср) шаҳар аҳолиси араблар келмасидан олдин қурилган эски шаҳарни ташлаб, 9-аср охири 10-аср бошларида янги шаҳарга ўтди деб ёзган. **Сарсанди** деб ҳам аталган. Янги шаҳар атрофи баланд девор билан ўралмаган эди. Зомин чорраҳада жойлашганидан Сугдиёнадан келган йўл Зоминда иккига ажралиб бири Фарғонага, иккинчиси Шош (Тошкент) ва Илок (Оҳангарон) ўлкаларига кетган. Ибн Хавқал зоминликлар Шош дарёсидан (Сирдарёдан) сув ичадилар деб ёзган. Бироқ Сирдарёдан сув келганини кўрсатадиган ариқ изи топилгани йўқ. Зомин этимологияси маълум эмас. Унинг **Сарсанда**, **Сусанда**, **Сабза** номлари бўлган.

Искодар – довон, Туркистон тизмаси, Жиззах вилояти (Зомин тумани) билан Тожикистон Республикаси чегарасида. Сугдча *искодар* – “юксак”, “баландда жойлашган” дегани.

Ит-етмас – Зомин тумани, Тамтум қишлоғидаги мавзе. Бу жой чопқирлиги учун *Ит етмас* деб лақаб олган Мусо исмли кишига қарашли ер бўлган.

Каллали – Зомин туманидаги сойлик. “Бир кишини сўйиб, калласини лали (лаган)га қўйиб кетишгани учун жой шундай ном олган” деган ривоят бор. Самарқанд туманида ҳам **Каллали** номли жой бор. Этимологияси номаълум. Уз қабиласи таркибида *калла* деган уруғ бўлган.

Култепа – қишлоқ, Зомин тумани. *Култепа* – “кул ташланадиган жой”, “кулхона”, “вайрона”, “хароба”.

Кўкжар – қишлоқ, Бахмал тумани. *Кўкжар* деган қирғиз уруғи бўлган. Ўзбекларда ҳам *кўкжар* этноними бўлса керак, чунки, Наманган, Қашқадарё вилоятларида **Кўкжар** деган қишлоқлар бор. Қадимги турк тилида *кўкжар-кўкёр* сўзининг “яшин” (“кўкни ёрган”) маъноси бўлган.

Кўрпасой – Жиззах тумани. **Кўрпа** деган қишлоқлар бор. Туркман-ўзбекларнинг бир уруғи *кўрпа* деб аталган; қорақалпоқларнинг қтай қабиласи таркибида ҳам *кўрпе* уруғи бўлган; *кўрпа* қадимий турк тилида *қўзичоқ* деган сўз.

Миқ – Зомин туманидаги мавзе. Бу жой номи муг, яъни “оташпараст” сўзининг халқ талаффузида бузилган шаклидир. *Миқтепа-Мугтепа* топонимлари адаш номлардир.

Молгузар – тоғ. Ривоятларга кўра, саҳобалардан Малик Аждарнинг қадамжоси бўлган ва унинг номи билан аталган. Баъзи бировлар уни **Моргузар**, яъни “Илон ўтган жой” деб изоҳлайдилар. Чунки Молгузар тоғи ёнидан Сангзор сойи илон изи шаклидаги ўзандан оқиб ўтган. **Илонўтти** дарасигача етиб боради.

Нижонлик – Жиззах шаҳри маҳаллаларидан бири. *Нижон* – Тожикистондаги Уструшона (**Ўратепа**) шаҳридан шимолроқда бўлган бир қишлоқ (Жиззахда Ўратепа ва унинг атрофларидан кўчиб ўрнашган кишилар маҳалласи **Ўратепалик** деб аталган).

Новқа – қишлоқ, Бахмал тумани. Республикамизда **Навқат** (суғдча *Навкат*) “янги қишлоқ” деган жойлар бор. *Навкат* олдин *Навқат*, ниҳоят *Новқа* бўлиб кетган бўлиши мумкин.

Нужкат – ўрта асрларда Уструшонанинг ғарбий қисмида бўлган шаҳар. Урни Бахмал туманидаги **Нўшкент** қишлоғига тўғри келади. Сирдарёга Чирчиқ қуйилган жойда ҳам **Нужкат** деган шаҳар бўлган; *кат* (кет) суғд тилида “шаҳар”, “қишлоқ”, *нуж* эса “ялтироқ”, “гулдор”, “гўзал” маъносини билдиради деган фикр бор. А. Муҳаммаджонов фикрича, **Нужкат** аслида *Навжуйи* кат шаклида бўлиб, “янги арик бўйидаги қишлоқ” демақдир.

Нўшкент – қишлоқ, Бахмал тумани; қ. *Нужкат*.

Олдошмон – қишлоқ, Бахмал тумани. *Олдошмон* деган кичкина уруғ бўлган.

Оқзаяк – Зомин туманидаги мавзе. Жиззах вилоятининг Зомин ва бир неча туманларида, Фарғона водийсининг айрим жойларида кўп йил экин экилмай ётган ташландиқ ер *заяк* (зояк) дейилади. Бу сўз суғдийча бўлиб, икки қисмдан иборат: *зой* – “ер”, *ак* – “қўшимча”. Суғд тилининг давоми бўлган яғноб тилида ҳам *зой* – “тупроқ”, “дала”, “экинзор”. Яғнобдаги **Зойак**, **Думзой**, **Зойти** каби топонимлар таркибидаги *зой* элементи “ер-жой” демақдир.

Оғар – қишлоқ, Зомин тумани. *Оғар* (оқар) деган уруғ бўлган.

Парпиота – қишлоқ, Зомин туманидаги мавзе. **Парпиота** – жисмоний жиҳатдан ногирон бўлган (парпи касаллигига йўлиққан) кишиларни тузатадиган авлиёнинг қадамжоси.

Парпиота ёнида **Парпийим** деган жой ҳам бор. *Парпитош* деган минерал ва *парпи* деган доривор ўт ҳам шу эътиқод билан боғлиқдир. **Парписой** деган жойлар бошқа худудларда ҳам учрайди.

Парчаюз – қишлоқ, Зомин тумани. Парча “турли уруғ ва қабилаларнинг бўлақларидан таркиб топган уруғ” ёки “ўтмишдаги йирик қabila ёки қабилалар иттифоқининг кичик бир қисми ёки бўлақлари” деган маъноларни билдиради. Парчабуркут, парчамитан, парчақорамангит, лоқайпарча, парчақипчоқ каби уруғ-қабилалар ана шундайдир. *Парчаюз* эса юз уруғининг айрим бўлақларидан таркиб топган уруғ.

Пишағар – Зомин туманидаги қадимий қишлоқ. Дастлаб араб географларидан Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида **Бишоғар** (русток) шаклида тилга олинган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Жиззахдан Ўратепага қараб бораётганда Пишағарга тушиб ўтган. “Уч-тўрт кун Дизакта (Жиззахда) истироҳат қилдук. Пашоғар (“Бобурномада”да Пишағар кенти шундай транскрипция қилинган) бир нима йўлдан қақасирокдир, чун муддати анда бўлиб эдим, ўтиб борурда ани сайр қилдим”. Пишағар Жиззах билан Зомин орасида бўлиб, Бобур айтганидек, “катта йўлдин қақасирокдир”, яъни четрокдир. Бу қишлоқ номи тўғрисида икки хил халқ этимологияси мавжуд: 1) *беш ағар* – “беш оқар”, яъни “беш сув”; 2) *пеша гор*, яъни гор оғзи, гор ёни. Тожик тарихчиси Н.Неъматов Пишағар суғдча *гар*, яъни *тоғ* элементидан таркиб топган деган эди. Демак Пишағар (баъзан Пишгар шаклида ҳам ёзилади) *пешагар*, яъни, “тоғ олди”, “тоғ этаги” демакдир (қишлоқ Молгузар тоғи этагида).

Саёт – қишлоқ, Фориш тумани. *Саёт* (саят) – ўзбеклар, туркманлар, қирғизлар таркибида қайд қилинган уруғ.

Сангзор – Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги водий ва дарё. Бобур *Сангзор* кўрғонини бир неча марта тилга олган. Русчаси *Сангзар*, *Санзар* шаклларида ёзилган. *Сангзор* “тошлоқ” демакдир. Ҳақиқатан ҳам сойлик бошдан-оёқ тошлоқ – маҳаллий халқ тилида *санглоқ*.

Солин – қишлоқ, Зомин тумани. Юз қабиласининг бир уруғи *солин* деб аталган. Солин уруғи *тоғайтўби*, *жобувчисолин*, *шодмонтўби*, *кавраксолин*, *давлатсолин*, *уязсолин*, *қирсадоқсолин* деган тармоқларга бўлинган.

Сулувжўна – “чиройли чўзинчоқ тепа”, “қир”; **Йўлжўна** – “узун чўзилган тепаликдан, қир устидан борадиган йўл” (Зомин тумани).

Сула – Зомин туманидаги майдони бир неча ўн гектар келадиган баланд плато, бароз. Узокдан қараганда катта сулага ўхшайди, баъзан дарё террасалари ҳам сула дейилади. Поп туманида *Супатог* деган тоғ бор.

Сўлоқли – қишлоқ, Бахмал, Жиззах, Зомин туманлари. *Сўлоқли* уруғи Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида ва Тожикистоннинг кўшни туманларида қайд қилинган. *Сўлоқ* сўзининг бир неча маъноси бор: 1) кора жигар, талок; 2) қўй-эчки қулоғининг бирон жойини кесиб эн солиш, тамғалаш усулларида бири. Қулоқнинг олдинги томони ўйиб кесилса, олдинги сўлоқ, кейинги томони ўтиб кесилса, кейинги сўлоқ дейилган. 3) арава ўқи учига кийдириладиган темир ҳам сўлоқ дейилган (сўлоғи ўйнаб кетди – “шалоқ бўлиб қолди” демакдир).

Такабараз – Зомин туманидаги мавзе. *Така* тоғ эчкиси, *бараз* – усти ясси қир, тоғ ёнбағридаги текис майдон.

Тамагузар – қишлоқ, Жиззах тумани. Тамагузар – тама уруғ вакиллари гузари.

Тозауруғ – қишлоқ, Фаллаорол тумани. Бу ном тумандаги Баҳорикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти ташкил этилиши ва уруғчилик ҳамда селекция ишларининг йўлга қўйилиши муносабати билан 2-жаҳон уруши йилларидан олдин пайдо бўлган.

Тўғонбулоқ – Бахмал туманидаги булоқ. Булоқ суви тўғон қуриб тўсилгани учун шундай ном олган.

Увол – Зомин туманидаги қадимий қишлоқ. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида *Вол* шаклида тилга олинган (16-аср). Хитойизи ўзбек уруғининг бир тармоғи *увол* (олмасувон) деб аталган.

Учма – қишлоқ, Фориш тумани. Асли географик термин. Учмоқ (йиқилиб, учиб тушмоқ) феълидан. *Учма* деганда тоғли жойлардаги тик қоя, тик ёнбағир тушунилади. Бу термин “Бобурнома”да ҳам бир неча марта учрайди. Зомин туманидаги Тамтум қишлоғида **Нодиручган, Саодатучган, Мулланинг қизи учган, Яхшибойучган, Йўлдошнинг оти учган** деган жойлар (учмалар) бор.

Уяз, Уяс – қишлоқ, Бахмал, Зомин туманлари. Уяз – юз қабиласи уруғларидан бири. Этнограф Б.Х.Кармишева маълумотларига қараганда уяз (уяс) марқа уруғининг 16 тармоғидан биридир. Уяз бошқа уруғлар таркибига ҳам кирган. Масалан, солин уруғининг бир тармоғи *уязсолин* дейилган. Уяз (уяс) жой номлари шаклида учрайди. Қадимий

тилшунос олимларнинг асарларида уяз сўзи “пашша, чивин” деб изоҳланган.

Чангнатир – Зомин туманидаги адир. Тўғриси “Чангли адир” бўлиши керак. Шеваларда –ли кўшимчасини “ни” шаклида талаффуз қиладилар; бунда бора-бора “и” товуши тушиб қолган, *адир* эса “атир” бўлиб кетган.

Чегалаксой – сой, Фориш тумани. *Чегалак* турли жойда турлича маънода ишлатилади; кўпинча тиканли бута (ўтин) *чегалак* дейилади.

Чектамга – қишлоқ, Бахмал тумани. Бу қишлоқда қирғизлар ҳам яшайди. Манақ деган қирғиз уруғининг бир тармоғи *чектамга* деб аталган.

Чибар, Чубар – қишлоқ, Бахмал тумани. Қирқ қабиласининг бир уруғи *чибар* (чубар) деб аталган.

Чибат – қишлоқ, Ғаллаорол тумани. Чибат (чубат) уз уруғининг бир бўлими.

Чимилдиқ – Бахмал туманидаги мавзе. Тоғлик жой гўшангага ўхшаш берк бўлганидан *чимилдиқ* деб аталган.

Чимқартов, Чумқортоғ – Туркистон тизмасининг чўққиларидан бири. Жиззах вилояти билан Тожикистон чегарасида. Суғд тилида *чим-чем* – “истехком”, *қар-гар* – “тоғ”.

Чувуллоқ – қишлоқ, Зомин, Ғаллаорол туманлари. Чувуллоқ этноними бир неча уруғлар таркибида, чунончи, *парча, сари(қ), қипчоқ* уруғларининг тармоқлари орасида, Зарафшон водийсидаги найманлар таркибида, кўнғирот қабиласининг шохобчалари орасида қайд қилинган.

Шавкат – ўрта асрларда шимолий Уструшонада бўлган шаҳар. Самарқанддан Хўжандга борадиган йўлдаги муҳим пункт бўлган. Дастлаб Тожикистондаги *Муг* тепалигидан топилган суғд ёзувларида (8-аср), сўнгра араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Суғдча *шав* – “қора”, *кат* – “шаҳар” (Шавкат – “қора шаҳар”).

Шовқор – қишлоқ, Туркистон тизмасидаги чўққилардан бири, Жиззах вилояти (Бахмал тумани) билан Тожикистон Республикаси чегарасида. Суғд тилида *шов* – “қора”, *қор* – *қар-гар* – “тоғ” (Шовқор – “қора тоғ”).

Қолган Сир – Жиззах вилоятидаги Айдар кўлининг иккинчи номи. Геологлар бу жой тўртламчи геологик давр охирида Сирдарёнинг ўзани бўлганлигини аниқладилар. **Қолган Сир** – “Сирдарёнинг эски ўзани” демакдир. Сирдарё бўйида **Қолган Сир** деган кўл ва қуруқ ўзан кўп.

Қорасийроқ – қишлоқ, Жиззах тумани, **Жувонсийроқ** – Зомин тумани. Қўнғирот қабиласининг бир уруғи, лақайларнинг бир бўлими *қорасийроқ* деб аталган. Поча, яъни оёқнинг тиззадан паст қисми шеваларда *сийроқ* дейилади: *қорасийроқ* “қора поча” дегани.

Қуёнқулоқ – қишлоқ, Зомин тумани. Юз қабиласининг бир уруғи *қуёнқулоқли* деб аталган.

Қулжомон – қишлоқ, Зомин тумани. Ўзбеклар таркибига кирган оқ қипчоқларнинг жағалтай уруғининг бир тармоғи *қулжомон* деб аталган.

Қўсапан – қудуқ, Фориш тумани. *Ўпан-апан* қозоқ тилида “пастлик”, “чуқурлик”, *қўс* – “қўш, қўшолоқ” дегани. *Қўсапан* “ўпирилган қўш қудуқ” демакдир.

Қўралас – доvon, сой (Зомин, Бахмал туманлари). Зомин тоғ-ўрмон қўриқхонаси (халқ боғи) илгарилари *Қўралас* (Гуралаш) деб аталарди. Зомин, Бахмал туманларида *Қўралас* “серўрмон, серўтин гўша” тушунчасининг синонимидир; дов-дарахт, ўтин кам ерларни “бу ер сенга *Қўралас* эмас” деб қўйишарди. *Қўралас* деган этноним бор. Масалан, профессор Х.Дониёров *қўралас* уруғини тилга олган.

Қўралас, қуралас, қуралаш – бир уруғнинг талаффуз шакллари. Рашидуддиннинг “Жоме ат-таворих” асарида, “Таворихи гузида – Нусратнома” асарида *қуралас* мўғул қабилалари қаторида тилга олинган. Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг “Мажму ат-таворих” (16-аср) асарида, “Тухфат ат-тавори хони” қўл ёзмасида (17-аср), шунингдек, Дашти Қипчоқ ўзбеклари таркибида ҳам *қуралаш* ёки *қуралас* (қурлас) 92 бовли ўзбек қавмлари орасида қайд қилинган. Демак, *қуралас* турклашган мўғул қабиласидир, *қуралас* билан *қўралас* бир этнонимдир. Республикамизда *Қуралас, Қурлас* деган қишлоқлар бор.



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Вилоят 1982 йил 20 апрелда ташкил этилган. Таркибида 8 кишлок тумани (Кармана, Конимех, Навбахор, Нурота, Томди, Учқудук, Хатирчи, Қизилтепа), 6 шаҳар (Зарафшон, Кармана, Навоий, Нурота, Учқудук, Қизилтепа), 8 шаҳарча (Конимех, Лангар, Маликработ, Мурунгов, Тинчлик, Шалқар, Янгирработ, Фозгон) бор.

Маъмурий маркази – Навоий шаҳри.

Вилоят ҳудуди табиий шароитига кўра 3 қисмга бўлинади. Шимоли-ғарбий қисмини Қизилқум чўли эгаллаган, бу ерда берк ботиклар (Қарақота, Мўлали, Мингбулок), қумли текисликлар ва қолдиқ тоғлар (Овминзатоғ, Етимтоғ, Бўкантов, Томдитов ва бошқалар); жануби-шарқий қисмини Нурота тоғ тизмасининг паст ва ўртача баландликдаги тармоқлари (Қоратоғ, Октоғ ва бошқалар) ҳамда тоғлар орасидаги ботиклар (Нурота ботиғи ва бошқалар) эгаллаган; Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида вилоятнинг пахтачилик зонаси жойлашган. Вилоятнинг асосий сув манбаи – Зарафшон дарёси. Зарафшондан Конимех канали чиқарилган. Вилоятни сув билан таъминлашда Қуйимозор, Тўдакўл сув омборларининг аҳамияти ҳам катта. Навоий вилояти Ўзбекистоннинг энг катта вилояти – республика майдонининг деярли 1/4 қисмини эгаллайди. Шунга кўра, вилоят топонимлар сони жиҳатидан ҳам республикада 1 ўринда туради. 1:200000 масштабли топографик харита материалларига кўра, вилоят бўйича рельеф шакллари номлари – оронимлар билан сув объектлари номлари – гидронимлар сони 4000 дан ошади, бундан ташқари, аҳоли пунктлари – шаҳар-шаҳарчалар, кишлок-овуллар сони қарийб 1500 га етади. Вилоятдаги табиий-географик объектларнинг кўплари қудуқлардир.

Материал қанча кўп бўлса хулоса чиқариш шунча осон бўлади. Топонимикада энг кам ўрганилган соҳа ранглар

символикасиدير. *Оқ, қора, кўк, сариқ, қизил, бўз, яшил* каби ранг номлари топонимлар таркибида тез-тез учраб туради; *оқ* билан *қора* ранглари айниқса кўп такрорланади: **Оқтов–Қоратов, Оқсув–Қорасув, Оққўрғон–Қорақўрғон, Оқтепа–Қоратепа, Оққум–Қорақум, Оқтош–Қоратош** каби антипод топонимларда маълум маънода ранг тушунчаси бўлиши мумкин; бундай географик номлар таркибидаги рангни ифодалайдиган сифатлар ҳам ранг-тусдан бошқа маъноларга эга, масалан, *оқтов* “қорлитов” бўлиши билан бирга “юксак тоғ”, “баланд тоғ”, *қоратов* эса “қорсиз тоғ”, “қорамтир тоғ” бўлиши билан бирга паст тоғ маъносини ҳам англатади; лекин **Оққудук** билан **Қорақудук, Оққамиш** билан **Қорақамиш** сингари топонимларда ранг маъноси бормикин? Чиндан ҳам *оқ* ёки *қора* рангдаги қудуқлар бўлармикин? Ёки, *оқ* рангдаги ё бўлмаса *қора* рангдаги қамиш бўлармикин?

Навоий вилояти худудининг кўп қисми чўлу биёбондан иборат бўлганидан топонимияда ранг символикаси катта ўрин олган. **Бўздала, Бўздунг, Бўзсой, Бўзтепа, Бўзтўба, Бўзтубе** каби ороним-гидронимлар кулранг-сарғиш дала-дашт аломатидир.

Кўкбел (“Кўкдовон”), **Кўкдала, Кўксой, Кўксув, Кўктепа, Кўктоғ, Кўкқудук** сингари топонимлар вилоят худудида кам бўлса ҳам учраб турадиган пастак тоғлар, кичик-кичик воҳалар табиатини ифодалайди.

Вилоят топонимиясида, хусусан оронимиясида *қора* сўзи айниқса кўп такрорланади: **Қорадала, Қорасур, Қорамула, Қорақир, Қоратоғ, Қоратепа, Қораўй, Қорақум; Қорақудук, Қоракўтон** эса бир неча марта такрорланади; **Учқудук, Томди, Нурота** туманларида **Қорақудук** деган қишлоқлар бор. Нега **Қорақудук**? Суви кам ёки баъзан қуриб қоладиган қудуқмикин? **Оққудуқнинг** тескарисимикин? **Қурқудук** – “қуруққудук”, “сувсиз қудуқ” (қишлоқ ва мавзелар) аста-секин талаффузда **Қорақудук** бўлиб кетдимикин?

Оққудук кўпинча **Оқарқудук** топонимининг қисқарганидир – серёгин йилларда қудуқнинг суви ташқарига чиқиб оқиб ётадиган қудуқ.

Вилоятда *қизил* компонентли топонимлар ҳам кам эмас: **Қизилбулоқ, Қизилжар, Қизилкесак, Қизилрабат, Қизилтепа, Қизилтом, Қизилча, Қизилўй, Қизилқоқ, Қизилқум** каби географик номлар бир неча марта

такрорланади. *Қизил* сўзининг рангдан бошқа маънолари ҳам борми? *Қизил* калимаси олтин, тиллонинг эпитетидир. Қадимги туркий тилда идиш-товоқ *оёқ* дейилади (ит оёқ – ит ялоқ). *Қизилқум* – “олтин қум”, *Қорақум* – “оддий қум” эмасмикин? Юнон тарихчиси Геродот (милоддан ав. 5-аср) Орол денгизи соҳилида ва Қизилқумда яшайдиган массагет қабилалари идиш-товоқларини ва бошқа рўзгор буюмларини тилладан ясайдилар деб ёзган. Бу фикрни юнон географи ва тарихчиси Страбон ҳам тасдиқлаган. Петр I ҳам Ўрта Осиё олтинини қўлга киритишга кўп уриниб кўрган. Вилоят худудида ва ён-верида таркибида *зар* унсури бўлган топонимлар кам эмас: **Зарафшон, Руди Зар, Коми Зар, Зармитан, Зарбулоқ.** Юқоридаги “қизил” топонимлардан баъзи бирлари чиндан ҳам “тилла” маъносида бўлиши мумкин. *Қизилқум* деган жойлар, қишлоқлар бир неча марта такрорланади.

Тўғри маънодаги “алвон” топонимлардан **Қизилжар, Қизилтепа, Қизилтом, Қизилуй** қабиларни шундай ҳам тушунса бўлади: қизил рангдаги жар (жарлик), тепа (тепалик), том, ўй (ўйпот, ботик) ҳамма жойда ҳам бўлиши мумкин. *Қизилқудук* ҳам қизил тупроқли ерда қазилган қудук бўлса керак. *Қизилбулоқчи?* Қизил сувли будок бўлармикин? *Қизилсув, Қизилсой, Сурхоб* деган гидронимлар бор. Бунда сув қизил тупроқли ўзандан оққанидан қизғиш бўлади. Зомин туманидаги *Қизилбулоқнинг* суви қизил эмас, грунт қизиллигидан бўлса керак, булоқ сувидаги сувўтлар яшил эмас, балки қизғиш-сарик рангдадир. Хосиятсиз номлар чўпон-чўлиқларни, соя-салқин илинжида юрган нажотсиз йўловчиларни огоҳлантириб турган: **Ёмонтов, Ёмонжар, Ёмонқамисти (Ёмонқамишли), Ёмонқоратўбе, Ёмонқум, Жомондуз (Ёмонтекислик), Жомонтов, Жомонқудук, Жомонқасқиртов (Ёмонқашқирли тоғ), Жомоннури (Ёмон тизма)** каби объектлардан яхшилик кутиб бўлмайди. **Ёмонқудук** суви қуриб қолган ёки қум босиб кетган бўлиши, **Ёмонқумда** эса одам шамол пайтида қум остида қолиб кетиши мумкин, **Ёмонжар** ён бағри ўпирилиб босиб қолиши ҳеч гап эмас.

Чўлистонда дов-дарахт, бута-тўқай жон роҳати, халоскорлик рамзи. **Гужумди, Ёнғоқлисой, Жидели (Жийдали), Пистали, Толди (Толли), Тутли, Чинор, Қорағайли, Женгелди (Чангалли), Қайрағоч** каби дарахт-

бугали овуллар, кудуклар, кашарлар, мавзелар жон рохати. **Хатто, Қамичли, Қамишли, Қамишлик, Қамишли булок, Қамишти, Қамисти** каби объектларда ҳам жон сақласа бўлади – камиш бор жойда сув бўлади. **Ажирикти, Изенли, Селинкудук, Татиркудук, Янтокли** сингари мавзелар чорва моллари, хусусан кўй отарлари учун яйловдир.

Кудук-булокларнинг суви ичишга яроқлими-йўқми эканлигини номидан билса бўлади: **Ширинкудук, Ширинширин, Шўрбулок, Шўрчашма, Шўркудук, Ашисув, Ашикудук** ва бошқалар. Лекин **Ширинобод** қишлоғи номининг сув таъмига ҳеч алоқаси йўқ – бу қишлоқ *ширин* уруғи вакиллари номи билан аталган. Вилоят ер-сув номлари орасида зоотопонимлар ҳам учрайди: **Укулисой, Қоплонди** (кудук), **Қоплонтёпа** (тоғ), **Кулонқоқ** каби объектлар укки, қоплон ёки қулон номи билан аталган. **Кулонқоқ** – қулонлар сувлайдиган кўлмак. Лекин, **Ешкили, Аристан, Аристантов, Жўлбарс** сингари овул, мавзе, кудук, тоғлар шу ҳайвонларнинг номлари билан аталганмикин? Ёки булар этнотопонимлармикин? Чунки қозокларда *аристан*, туркманларда *арислон*, қозокларда *ешкили*, қирғизларда ва қозокларда *жўлбарс* деган уруғ бўлган; бундан ташқари қозоқ-қорақалпоқларда **Аристон, Жўлбарс** деган исмлар ҳам бор. Вилоят топонимиясида метафорик, мажозий (ўхшатма) номлар ҳам кам эмас – **Бахиттоғ** табиати қашшоқ бўлганидан шундай аталган бўлса керак. **Тандирқум, Тандирча, Тандирсой** топонимлари ёзда ҳарорат айниқса юқори бўлишидан нишона, **Жинниқум** – тинимсиз у ёқ бу ёққа кўчиб юрадиган қум тепаликлари, **Мингбулок, Мингчукур, Юзкудук, Қирқбулок, Қирқкудук** шу объектларнинг кўплигини билдиради, аслини олганда Қирқкудук билан Мингкудук сон жиҳатидан кам фарқ қилади. Лекин, Навбаҳор туманидаги **Мингқишлоқ** қабила номи билан аталган.

Етимтоғ, Жетимтов, Жетимқир каби оронимлар бепоеён чўли биёбонда якка-ёлғиз пастак тоғу қирлар чўққайиб турибди дегани.

Довтепа, Довтўба, Довтўбе, Довқора сингари номлар бийдай текис чўлда тепаликларнинг юксалиб турганига ишора.

Кудукча деган бир неча қишлоқ бор; бу ўринда *кудукча* “кичкина кудук” маъносида эмас, балки кудук кўплигини билдиради.

Учқудук туманида **Одамжабай** деган жой ва қишлоқ бор. Халқ орасида ёввойи одам (қор одами), маугли тўғрисида ҳар хил ривоятлар бор; Одамжабай қозоқчада “ёввойи одам”, “одамови” дегани. Вилоят топонимиясида афсонавий номлар анчагина. Республикада 4-халифа Алининг номи ва унинг қанотли афсонавий оти билан боғлиқ жойлар кам эмас. Кармана туманидаги **Дулдул** қишлоғи ана шулардан биридир. Александр Македонский – Искандар **Зулқарнайн** номи ҳам такрорланади; Нурота туманидаги **Зулқайнар** қишлоғи шулардан биридир. Шу тумандаги **Алпухари** эса Ал-Бухорий нисбасининг маҳаллий талаффуз шаклидир.

Кориз, Кериз, Тақир каби типик “саҳро” топонимлар вилоят учун хосдир. Бутун Республикада бўлгани каби Навоий вилоятида этнотопонимлар учрайди. Вилоят харитасида ўзбек уруғ-қабилалари номларидан *арлот (олот), бурқут, дўрмон, кенагас, керайит, мангит, месит, минг, митан, найман, олчин, сарой, уйшун, урганжи, чигатой, чуют, қангли, қатагон, қиёт, қўнгирот* каби этнонимлар топонимлар шаклида бир неча мартадан такрорланади; қозоқ уруғ-аймоқлари номларидан *адай, айдар, айтемир, аманбой, аристан, дархан, давлет, дуан, сагиндиқ, таспен, қалқаман* каби этнонимлар топонимлар ҳосил қилган. Бошқа халқларнинг номларидан географик номенклатурада *араб, тожик, туркман* этнонимларини учратиш мумкин. Вилоят топонимлари ҳақида қисқача маълумотлар ана шулардан иборат. Бу ҳақда тўлароқ ахборотларни қуйидаги қисқача топонимик луғатдан олиш мумкин.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Адай – қишлоқ, Томди тумани. Қозоқларнинг бойули ва султонтўра қабилаларининг бир уруғи *адай* деб аталган.

Ажирикти – қишлоқ, Томди тумани. Ажриқ кўп ўсганидан шундай ном олган (қозоқ тилида *-ли* қўшимчаси қаттиқ ундошлардан кейин *-ти* шаклида талаффуз қилинади).

Азапберган – қишлоқ, Учқудук тумани. Сувсизликдан, қишки совуқдан, ёзги жазирамадан азоб чекиш маъносиди.

Айрончи – қишлоқ, Кармана тумани. Найман қабиласи таркибида *айрончи* уруғи қайд қилинган. Кармана туманида **Айронни** қишлоғи ҳам бор. Айрончи, Айронни (Айронли) – “айрон уруғининг вакиллари яшайдиган қишлоқ”. Қўнгирот қабиласи таркибида ҳам *айрон* уруғи қайд қилинган.

Андигон – қишлоқ, Хатирчи тумани. Республикада **Андигон** деган жойлар бир неча марта такрорланади.

Андижон – Томди туманидаги 2 та қишлоқ. “Андижон томонидан кўчиб келган кишилар қишлоғи” эмас, албатта.

Андоқ – қишлоқ, Хатирчи тумани. Дастлаб Ёкут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон” асарида қайд қилинган. Қизилтепа туманида ҳам **Андоқ** қишлоғи бор. Зарафшон воҳасида *андоқ* – “қайир” (пойма) деган сўз (А.Р.Муҳаммаджонов).

Арабхона – Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларида учрайдиган қишлоқлар. “Араблар яшайдиган жой” маъносида.

Аристан – қишлоқ, Томди, Конимех туманлари. Қозоқча *аристан* – арслон, шер демақдир. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида *арслон* (туркий) ёки *шер* (форсча) ёйинки *асад* (арабча) бўлган эмас. Қадимги қоятош тасвирларда арслон чизмалари ҳам учрайди. Баъзан арслонга ўхшаш катта йиртқич ҳайвонни ҳам *арслон* дейишган. Устюртда ва Амударё бўйларида қора пантерани *қора арслон* деб аташган.

Ақай – қишлоқ, Конимех, Учқудуқ туманлари. Бошқирдларда, қорақалпоқларнинг ашамайли қабиласида *ақай* деган уруғ бўлган.

Банд – қишлоқ, Кармана, Хатирчи туманлари. Тўғон, сув омбори, кўтарма *банд* дейилган.

Барақ – қишлоқ, Нурота, Хатирчи туманлари. Ўзбекларнинг кўнғирот, қатағон қабилалари таркибида, қозоқларнинг алимули, жетирув, жалоийр қабилалари, қирғизларнинг адигине, саяқ қабилалари, туркманларнинг гўклен, ёв қабилалари таркибида *барақ* уруғи бўлган.

Бодия хурдақ – Кармана шаҳрининг қадимий номларидан бири. Наршахийнинг “Бухоро тарихи”да, В.В.Бартольд асарларида бу ном “кўзача” деб изоҳланган. Ҳақиқатан ҳам *бодия* сўзининг арабча маъноси “кўза”, “қумғон” демақдир. Лекин, *бодия* сўзининг “чўл”, “биёбон” маъноси ҳам бор. Тарихий манбаларда, жумладан, “Бобурнома”да *бодия* сўзи ана шу маънода келади. Эронда **Сароббодия** деган чўл бор. Демак, *Бодия хурдақ* – “кичик чўл”, “кичкина дашт” демақдир.

Бойҳо – қишлоқ, Конимех тумани. *Бойҳо* “бойлар” демақдир (лақаб). Ўзбекистонда **Бойлар** деган бир неча қишлоқ бор.

Варқ – қишлоқ, Кармана тумани. **Варқ** (варғ) сугдийча “тўғон” демақдир (бу сўз Рудакий асарларида ҳам *варғ*,

бандиварг шаклларида тилга олинган). Самарқанд ва Бухоро атрофларида тўғончиларни *варқбон* дейишган.

Гўрхонасой – сой, Нурота тумани. Гўрхона – “мақбара, сағана, даҳма”.

Дайравот – қишлоқ, Хатирчи тумани. *Дайравот* – *дарё Қобод* – “дарёнинг эски ўзани” демакдир.

Дейбаланд – қишлоқ, Нурота тумани. *Деҳи баланд* – “баланд жойдаги қишлоқ”, “юқори қишлоқ”.

Жабағи – қишлоқ, Учқудуқ тумани. Қозоқларнинг жетиру қабиласининг бир уруғи *жабағу* деб аталган.

Жангелди – Конимех туманидаги қишлоқ. Асли **Жинғилди** – “юлғунли” бўлган бўлиши мумкин. Қозоқларнинг алимули, увақ қабилалари таркибида, туркманларнинг гўклен қабиласи таркибида *жангелди* уруғи қайд қилинган.

Жасаул – қишлоқ, Конимех тумани. Асли ясовул: Ўрта Осиё хонликларида мансабдорларга хизмат қилган қуроли соқчи, посбон.

Жингелди – қишлоқ, Томди тумани (3 та қишлоқ). Қозоқларнинг суван қабиласининг бир уруғи *жингелди* деб аталган.

Жўсали – қишлоқ, Конимех тумани. *Жўша* – қизил тупроқ. Ундан олинган қизил бўёқ кулолчиликда сопол идишларга қизил ранг ва нақш беришда ишлатилади. *Жўша* қозоқчада *жўса* дейилади; *жўсали* – қизил тупроқли жой.

Замбар – тоғ, Нурота тумани. Бирон нарсанинг ўрта қисми чуқур, икки чеккаси баланд бўлса, *замбар* (занбар), *замбил* дейишади. Масалан, *замбарбел* (замбилбел) от. *Замбартоғ* – ўрта қисми пастроқ тоғ.

Зармитан – қишлоқ, Қизилтепа тумани. Шу туманда *Зармитанча* деган қишлоқ ҳам бор. *Митан* (*митон*) “манзил”, “истехком”, “қалъа” демакдир.

Кармана – шаҳар, Кармана тумани маркази. Кармана араб географларидан Ибн Ҳавқал, Истахрий, Муқаддасий асарларида учрайди. *Карманая*, *Кармина* шаклларида ҳам қайд қилинган; ёзма манбаларда *Хариманкат* (“катта манзилли шаҳар”) шаклида ҳам келади. Ривоятларда келтирилишича, араблар Бухорога келганда Кармана атрофлари ерининг унумдорлиги, сувининг сифатига кўра “Арманистонга ўхшар экан деганлари учун, Ки-Армания” деб ном олган эмиш. А.Муҳаммаджоновнинг фикрича, Кармана Хармана шаклида талаффуз этилган ва “Катта сарой” маъносини англатган.

Кашарқудук – қишлоқ, Конимех тумани; *кашар* – қўйхона, қўтон.

Керегетов – қишлоқ, Томди тумани. *Керага* – бўз уй, яъни ўтовнинг пастки қисми, қовурғаси, ярим доира шаклида деворга ўхшаш қатор қоя тошни маҳаллий аҳоли *керага тош* ёки *керага тов* дейишади. Зомин, Термиз туманларида *Керагатош* деган мавзе бор.

Кориз – қишлоқ, Нурота, Томди туманлари. *Кориз* сўзининг маҳаллий аҳоли талаффузи. Кориз – ер ости сувларини юзага чиқариш учун ер остидан қавланган лаҳм, бир-бирига бирлаштирилган қатор қудуқлар. *Кориз* форсча *хок* (тупрок) ёки *кох* – “юқори” ва *рехтан* – “қуймоқ, оқмоқ, тўқмоқ” сўзларидан олинган, яъни “юқоридан оқиб тушадиган сув тармоғи” демақдир.

Куран – қишлоқ, Навбаҳор, Конимех туманлари (Навоий вилояти). *Куран* сўзи мўғулча бўлиб, асл маъноси “ҳалқа” демақдир, кейинчалик кўчманчилар манзили *кура*н дейилган – кўчманчи мўғулларнинг ўтовлари ва арава уйлари ҳалқа шаклида ўрнатилган, кечаси чорва моллари ва кишилар ҳам ана шу ерда паноҳ топишган. Кейинги асрларда бу сўз бошқачароқ маъно касб этади. Масалан, Хива хонлигида атрофи девор билан ўралган истехком *кура*н дейилган; теваарак-атрофдаги аҳоли ёвгарчилик пайтларида ана шу жойга яширинишган. *Куран* сўзининг “оломон”, “қабил”, “манзилгоҳ” маънолари ҳам бор. Русча *курень* – “уй” сўзи ҳам ўша *кура*н сўзидан олинган. Ўзбекча *кўч-кўран* қўшма сўзи таркибидаги *кўран* ўша мўғулча сўздан келиб чиққан. Туркманистонда *Курандоғ* деган тоғ бор. Лекин, Бухоро туманидаги **Кўрон** қишлоғи асли “Кўрлар” маъносида бўлса керак (бу ҳамқишлоқларнинг лақаби бўлиши мумкин).

Метан – қишлоқ, Навбаҳор тумани. *Митан* // *митон* // *метан* аҳоли яшайдиган жой, “истехком” демак.

Мурдаш – қишлоқ, Хатирчи тумани. *Мурдашўй* – “ғассол”, “ювғучи”, яъни “мурда ювғучи”. Катта қишлоқ ва шаҳарларда (масалан, Бухорода) ювғучилик алоҳида касб ҳисобланган, уларда ювғучилар яшайдиган махсус маҳаллалар (*Мурдашўй* ёки *Мурдашўён*) бўлган.

Навоий – шаҳар, Навоий вилояти маркази. Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий номи билан аталган.

Нурота – шаҳар, Нурота тумани маркази. Шу ердаги тоғ тизмаси ҳам шу ном билан аталган. Рус адабиётида

Нурота номи мўғулча *нуру* – “тизма тоғ” ва туркийча *тоғ* сўзларидан олинган деган гаплар учрарди. Аслида **Нурота** мўғуллар келмасдан анча олдинок *Нур* номи билан маълум бўлган. Тарихчи Наршахий Нур қишлоғи Бухоро шаҳри вужудга келмасдан олдин ҳам бор эди деб ёзган: “Нур катта жой. Унда масжиди жоме бор; у кўпгина рабодларга эга. Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун бу ерга борадилар. Бу Нурни бошқа вилоятларда *Нури Бухоро* деб атайдилар”. *Нур* деган бошқа жойлар ҳам бор – масалан, Қорадарё билан Окдарё оралиғида **Нури Миёнкол** деган қишлоқ тилга олинган.

Нақи – қишлоқ, Нурота тумани. Қишлоқ кўнғирот қабиласига кирадиган бармоқ уруғининг *нақ* ёки *нақа* тармоғи номи б-н аталган.

Одамжабай – қишлоқ, Учқудук тумани. “Ёввойи одам”, “қор одами”, “маугли” дегани. Ҳар хил афсоналар, ривоятлар маҳсули бўлса керак.

Оёкқудук – қишлоқ, Томди, Учқудук туманлари, “этакдаги, паст томондаги қудук”.

Ойқор – Туркистон тизмасининг чўққиларидан бири. Бахмал тумани ҳудудида. Баҳорда тоғдаги қорлар эриб, янги ой-ҳиллол шаклида қолгани учун шундай аталган дейишади. Аслида оронимнинг *қор* сўзига алоқаси йўқ. Сўғдча *ғар* “тоғ” демақдир.

Олот – Томди, Хатирчи туманларидаги қишлоқлар. *Арлот* этнонимининг талаффуз шакли.

Олтиқоқ – овул, Томди тумани (Навойи вилоятида). Чўлдаги “олтита қоқ”, “олтита кўлмақ” демақдир.

Отқудук – қишлоқ, Конимех тумани. Суви от кучида тортиб олинадиган қудук.

Оқбайтал – қишлоқ, Учқудук, Томди туманлари. Байтал – ҳали туғмаган бия. *Оқбайтал* – уруғ номи (тотем) бўлса керак. Тожикистондаги **Оқбайтал** довонини арабча **Ақбаи талл**, яъни “тепаликдаги довон” деб изоҳлашади (Р.Д.Додихудоев).

Оқтақир – қишлоқ, Томди тумани. *Тақир* чўлда қиш-баҳорда сув тўлиб, ёзда қакраб ётадиган, юзаси ёрилиб-ёрилиб кетадиган яйдоқ майдон.

Оққобон – овул, Конимех тумани. *Қобон* – ёввойи чўчка. Ёввойи чўчқанинг оқ рангдагиси деярли бўлмайдди. Қора рангдаги жониворлардан баъзан оқ тусли индивидлари пайдо бўлиши мумкин (масалан, оқ қарға ёки оқ чўчка туғилиши

мумкин, бундайлар альбинослар дейилади). Этноним бўлса керак.

Окқула – қишлоқ, Нурота тумани. Тўғриси *ҳаққулоҳ* – *ҳаққи оллоҳ* – “худо ҳақи”, “худо йўлига” – деҳқонлардан олинган диний солиқ; бу солиқ кўпинча хўжа-эшонларга, домла-имомларга тўланган. Хирмон кўтарилганда бевабечораларга *капсан* берилган.

Регриз – қишлоқ, Кармана тумани. *Регрез* – олтин олиш. Қум босган жой деган маъноси ҳам бўлиши мумкин.

Сангбур – Кармана туманидаги қишлоқ ва булок. Тегирмон тошларини кесиб олувчилар *сангбур* – “тош кесувчи” дейилган. Кўпгина жойларга тегирмон тоши Кармана томондан келтирилган.

Сангузар – қишлоқ, Нурота тумани. “Тошлоқ кечик” маъносидаги *санггузар* ёки “тошлоқ” маъносидаги *сангзор*.

Сариқишлоқ – қишлоқ, Нурота тумани. Қишлоқ *сари(қ)* уруғи вакиллари яшагани учун шундай ном олган. Ўзбекларнинг лақай, қатағон ва бошқа қабила-уруғлари таркибида, шунингдек, қирғиз, туркман ва бошқа туркий халқларнинг уруғлари орасида *сари(қ)* деган этноним қайд қилинган. Баъзи олимлар *сари(қ)* этноними қуманлар (“сариклар”) деб аталган қипчоқлардан ном олган дейишади. Жомбой туманида **Сарилар** деган қишлоқ бор.

Себистон – қишлоқ, Хатирчи тумани. *Себ* – “олма”, *Себистон* – олмазор; шу билан бирга **Себзор** деган топонимлар ҳам бор.

Сулук – қишлоқ, Нурота тумани. Сувда яшайдиган жонивор – *зулукни* шеваларда сулук дейишади. Унда негизга бирон кўшимча кўшилиши керак эди (масалан, Сулукли–“зулукли” ва ҳ.к.). В.В.Бартольд фикрича, Суғд ўлкасининг диалектал (шевавий) шакли **Сулук** бўлган; бу ном мазкур топоним шаклида бизгача етиб келган бўлиши мумкин.

Тавоис – қишлоқ, Қизилтепа тумани. *Товус* сўзининг кўплиги (арабча).

Татирқудук – қишлоқ, Томди тумани. Татир – шўр ерда ўсадиган бута ўсимлик; *татирқудук* – “татир кўп ўсиб ётган ердаги қудук”.

Темирқовуқ – қишлоқ, Нурота тумани. **Темир қовуқ** қадимий туркий тилда “темир дарвоза”. Тор дарадан ўтган йўл туркийча *Темирқопуқ*, тожикча *Дарбанди Оҳанин*, арабча *Боб ул-Ҳадид* деб аталган (бу тилларнинг ҳаммасида “темир дарвоза” демакдир). Сурхондарё вилоятидаги **Бузгалахона**

(Кохлуғ) дараси, Жиззах яқинидаги **Илонўтти** дараси ҳам ўрта асрларда **Темирқопуғ** деб аталган.

Тоз – кишлок, Нурота тумани (бу этнотопоним бошқа туманларда ҳам учрайди). Тоз илк ўрта асрларда қипчоқ уруғларидан бирининг номи бўлган; *тоз* уруғи мўғуллар истилосидан сўнг парчаланиб, бошқирдлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, қирғизлар ва ўзбеклар таркибига қўшилиб кетган. Тоз ўзбекларнинг манғит, қатағон, туркман, кесамир қабилалари таркибида қайд қилинган.

Толқоқ – кишлок, Кармана тумани. *Қоқ* – чўллардаги кўлмак сув; *тол* эса “тепалик” маъносидаги арабча *тал(л)* сўзининг ўзгарган шакли ёки дарахт номи.

Томдибулоқ – кишлок, Томди тумани маркази. Суви кам бўлганидан тошлардан томчилаб оқиб тушадиган булоқ *томчи* ёки *томди* дейилади. Қозоқ топонимисти Е.Қўйчубоев Қозоғистондаги Томди (Тамди) деган бир неча жой номини *том*, яъни “девор, уй”, деб изоҳлайди.

Туякудук – кишлок, Томди, Конимех туманлари. Суви туя ёрдамида тортиб олинадиган кудук.

Хатирчи – кишлок, Хатирчи тумани. 19-аср ўрталарида Бухорога келган рус сайёҳи Н.Хаников бу кишлок номини **Хатирча** деб ёзган, халқ асли “хатирчи”, “хачир сотувчи” деб изоҳлайди. “Девону луғотит турк”да хачир сўзи *қатир* (хатир) шаклида учрайди. Бахмал туманида *Хатирчи* (Қатирчининг бели) деган довон бор.

Хилбоши – кишлок, Хатирчи тумани. Хил сўзининг бир неча маъноси бор: нав, тур, зот ва б. Бу сўз “авлод, тоифа, уруғ, ирсият” маъноларида ҳам қўлланилади. Масалан, қабристонда бир аждоддан тарқалган кишилар дафн қилинадиган жой *хилхона* дейилади.

Форс, пушту (афғон) тилларида *хил* сўзи *хел* шаклида талаффуз қилинади. Афғонистонда *алихел*, *амархел*, *бангихел*, *дарвешхел*, *давлатхел*, *жангархел*, *бобирхел* каби патрономик тўпарлар – уруғ тармоқлари бор. Бобирхел уруғи вакиллари ўзларини Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари деб ҳисоблайдилар. Хил сўзи арабча бўлиб, мазкур тилда *хайл*, кўпликда эса *хуюл* шаклида талаффуз этилади. *Хайл* сўзининг асл маъноси “от” демакдир, шу билан бирга отлик аскар *хайл* дейилган. Форс тилида ҳам бу сўз (хел) “тоифа, гуруҳ”, “йилқи, бир гала от” деган маънони ҳам билдирган.

Хилбоши – “авлоднинг боши, уруғнинг бошлиғи”, яъни “уруғ оқсоқоли” демакдир.

Чингиз – қишлоқ, Кармана тумани. **Чингиз** – Афғонистондаги туркий уруғлардан бири. Нарпай туманида **Чингизкент** деган қишлоқ бор.

Юзовул – қишлоқ, Хатирчи тумани (Навойи вилояти). 92 бовли ўзбек “қавмлари” орасида энг каттаси бўлган юз қабиласи вакиллари яшайдиган қишлоқ, овуллар **Юзлар**, **Юзқишлоқ**, **Юзовул**, **Юзия**, **Юзон** деб аталган.

Ўтар – қишлоқ, Томди тумани. *Ўтар* (баъзан *отар* дейишади), қўй подаси, сурув (“ўт”, “яйлов” сўзидан).

Қамишлоқ – қишлоқ, Нурота тумани. Қадимги топоним – кейинги даврда аталган бўлса, Қамишли бўлар эди. Зомин туманида қамиш ўсиб ётган зах жой **Қамшақ** деб аталади (Қамишлоқ бора-бора **Қамшақ** бўлиб кетган).

Қатағон – қишлоқ, Кармана, Хатирчи туманлари. *Қатағон* ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, нўғайлар таркибида учрайдиган қabila. Қатағонларнинг асосий қисми Афғонистоннинг Қатағон вилоятида яшайди; Ўрта Осиёда қатағонлар Тожикистонда (Қуйи Вахш, Яхсув водийлари; Панж дарёсининг ўнг соҳили, Қўрғонтепа шаҳрида) ва қисман Ўзбекистон жанубида қайд қилинган. **Қатағон** деган топонимлар Ўзбекистонда кўп учрайди.

Қизилўй – қишлоқ, Учқудук, Томди, Навбахор туманлари. Қозоқча *ўй* – теварак-атрофдан пастроқ, чуқурроқ жой, ўйпот, ботик; Конимех, Томди туманларида **Қораўй** топонимлари бор.

Қирқховут – қишлоқ, Нурота тумани. Нурота тумани ён-верисида ховузни *ховут* дейишади.

Қорақасмақ – қишлоқ, Нурота тумани. Қўнғирот қабиласи таркибига қирадиган қўштамғали уруғининг бир бўлими *қорақасмақ* (қорағасмоқ) деб аталган.

Қудукча – қишлоқ, Нурота, Хатирчи туманлари. Қудукча “кичкина қудук” эмас, балки “қудукли”, “қудуғи кўп”, “қудукдан сув ичадиган” дегани.

Қулонқоқ – қишлоқ, Томди тумани. **Қулонқоқ** – “қулонлар сув ичадиган қоқ-кўлмақ”.

Қўйховут – қишлоқ, Хатирчи тумани. Хатирчи тумани ва Нурота туманининг қўшни қишлоқларида ховузни “ховут” дейишади. Тожик тилида *ҳавз* сўзи топонимлар таркибида *ҳавд* тарзида учрайди; Туркменистонда *гумбаз* сўзи *гумбет* шаклида талаффуз қилинади. Нурота туманидаги **Қирқховут** “қирқ ховуз” деган овул бор.

Ғажир – қишлоқ, Конимех тумани. Адабий тилда *тасқара* дейиладиган ўлимтиқхўр парранда, шеваларда *ғажир* дейилади (ўлимтиқ суяқларини ғажийди).

Ҳазора – қишлоқ, Кармана тумани. Зарафшоннинг чап соҳилида, баъзилар қишлоқ номи *жазира* сўзидан олинган дейишади. Аслида жой номи *ҳазор*, яъни “минг” сўзи билан боғлиқ: ўрта асрларда 50 минг таноб ер Бухорода *ҳазора* дейилган: ана шу ерлардан олинган даромад билан минг кишилиқ кўшин озиқ-овқат билан таъминланиб турилиши лозим бўлган.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Вилоят республиканинг шарқий, Фарғона водийси­нинг шимолий қисмида жойлашган. Таркибида 11 қишлоқ тумани (Косонсой, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон), 8 шаҳар (Наманган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Ҳаққулобод), 12 шаҳарча (Жомашуй, Иттифок, Навбахор, Олтинкон, Оқтош, Тошбулоқ, Уйчи, Уйғурсой, Чоркесар, Ўнҳаёт, Халқобод, Янгиқўрғон). Маъмурий маркази – Наманган шаҳри.

Вилоят худуди Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги воҳада. Ер юзаси, асосан, текисликдан иборат бўлиб, шимолда қатор тепалиқлар ва **Чатқол** ҳамда **Қурама тоғлари** билан ўралган. Наманган вилоятидаги топонимлар Ўзбекистон топонимиясининг таркибий қисмидир. Вилоят худудида қадимдан тожиклар, шунингдек, қирғизлар яшаб келганидан топонимлар орасида тожикча, бир оз микдорда қирғизча географик номлар ҳам учрайди. Тожикча топонимлардан вилоят учун характерли бўлганлари – **Чуст**, **Чусткўча**, **Чустнон**, **Чустстанция**, **Марғзор** (Уйчи, Норин туманлари), **Чортоқ** (Поп, Чортоқ туманлари); қирғизча номлар: **Чиганок** (Поп тумани) – ўзбек адабий тилида “гирсак”; **Қирчин** (Поп тумани) ўзбекча “майда бута” (ўсимлик); **Машат-**

Башат (Уйчи ва Чуст туманлари). Ана шу **Машат** топонимлари алоҳида диққатга сазовордир. Маълумки, арабча *машҳад* сўзи “бирор кимса шаҳид бўлган жой” ёки “шаҳид кўмилган жой” деган маънони билдиради. Бунда *машҳад* сўзи *машад* бўлиб кетган деб ўйлаш мумкин. Лекин, Наманган вилоятида, хусусан қирғизлар яшайдиган худудларда одатда тошлар орасидан чиқадиган кичик булоқлар *башат* ёки *машат* дейилади; бу термин кўплаб микротопонимлар ҳосил қилган; бу сўзни Қозоғистон жанубида ҳам учратиш мумкин. Бунинг устига *машҳад* сўзи республика худудида анча “миллийлаштирилиб”, кўпроқ *шаҳидмозор* (қисқагина – *шаҳид*) дейилади. Масалан, Наманган вилоятининг Норин туманида *Шаҳидмозор* деган 2 қишлоқ бор.

Вилоят топонимиясининг ички хусусиятларидан яна бири шуки, кўпгина қишлоқлар 2 қисмга бўлинади. Асосий қисми *қўрғон*, ундан бўлиниб, ажралиб чиқаётган ёш қисми эса *қўрғонча* дейилади; баъзи *қўрғон* ёнида 2–3 ва ҳатто 6 гача *қўрғонча* бўлиши мумкин. Этнонимларнинг камлиги ҳам Наманган вилояти топонимиясининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Вилоятдаги 600 га яқин ойконимлар орасида уруғ-аймоқлар, эл-элатлар номлари 40 дан сал ошади, яъни тахминан 7 фоизни ташкил этади. Бу эса республикада энг кичик кўрсаткичдир. Баъзи этнонимлар бир неча марта такрорланади – **Қозоқовул** (5), **Қурама** (5), **Найман** (4), **Мўғул** (2), **Ўлмас** ва бошқалар. Бу такрорларни ҳисобга олганда ҳам этнотопонимлар сони 10% дан ошмайди. Ҳар қандай табиий-географик, маъмурий-сиёсий ҳудуд топонимиясининг, жумладан, ойконимиясининг хусусиятлари, авваламбор, географик номларни ташкил этган сўз – терминларда ўз аксини топади. Ҳар бир типдаги топонимларни – ойконимлар, оронимлар ва гидронимларни кўрсатиб турадиган махсус терминлар бўлади; *даракчилар-индикаторлар* деб аталадиган ана шу термин-сўзларга қараб, топонимнинг турини аниқлаш мумкин, масалан – *тоғ*, *тош*, *довон*, *қир*, *дара* каби терминлар рельеф шаклларини, *дарё*, *сой*, *шаршара*, *сув*, *қўл* сингари терминлар сув объектларини, *қишлоқ*, *овул*, *бозор*, *масжид*, *маҳалла*, *қўрғон* каби сўзлар аҳоли пунктларини ифодалашини пайқаш қийин эмас. Бироқ топонимияда номланиш, яъни номинация қонуни жуда мураккабдир – бир объектнинг номи иккинчи объектга

ўтиши, аҳолининг кўчиб юриши натижасида топонимлар бошқа жойларга бориб қолиши мумкин. **Қорасув, Қоратов (Қоратоғ), Қорақўл, Оқтепа** каби қишлоқ-овул кам эмас. **Кўксув, Зарафшон, Қизилсув** каби тоғлар бор. Бу каби номлар қонуният эмас, балки истиснодир. Ана шуни инобатга олиб, Наманган вилояти ойконимларида энг кўп такрорланадиган индикаторларни санаб ўтамиз.

“Гуллаб яшнаган, серсув” маъносидаги *обод* (ўзаги *об-сув*) термини киши исмига, эл-элат номига, географик терминларга, ўсимлик-хайвон номларига кўшилиб, баъзан мустақил ҳолда ойконимлар ҳосил қилади: **Обод, Ободон, Баҳринобод, Бекобод, Дехқонобод, Мехнатобод, Пахтаобод, Соҳилобод** (янги топоним), **Кўлобод, Халқобод, Хўжаобод, Эшонабод, Янгиобод, Ҳаққулобод** ва б.; бу терминлар 25 га яқин ойконим ҳосил қилган; **Дехқонобод, Файзобод, Янгиобод** каби ойконимлар 2 мартадан 6 мартагача такрорланади. “Девор билан мустаҳкамланган аҳоли пункти” маъносидаги *қўрган* термини такрорларини ҳисобга олмаганда 20 та ойконимлар таркибида учрайди: **Бешқўрган, Қўлқўрган, Қумқўрган, Кунқўрган, Қирғизқўрган, Пешқўрган, Тошқўрган, Тўрақўрган, Тепақўрган, Учқўрган, Хўжақўрган, Шўрақўрган, Янгикўрган** ва бошқалар; *қўрганча* термини ҳам 4–5 марта такрорланади. Катта қишлоқ – қўрган ўсиб, кенгайиб, ундан ажралиб чиққан қишлоқчаларнинг *қўрганча* дейилишини яна бир такрорлаймиз.

Тепакўрган термини тўғрисида ҳам бир икки сўз айтишга тўғри келади. Турли жойларда **Тепакўрган, Қўргантепа, Тупроққўрган, Ерқўрган, Қоровултепа** (қисқартирилгани – Қоратепа), **Чочтепа, Чоштепа, Шоштепа, Шиштепа** деб аталадиган ва “сунъий тепалик” маъносини билдирадиган бу термин қадимда яқинлашиб келаётган душмандан огоҳ бўлиш учун бир-биридан кўринадиган тепаликларда олов ёқиш, тутун чиқариш ёки бошқа бир йўл билан хабар берилган.

Яна *маҳалла, овул* каби ихтисослашган индикатор терминлардан ташқари шаҳар-қишлоқ номлари таркибида кўп учрайдиган *ариқ, бозор, бог, бўстон, булоқ, қапа, кўприк, кўча, масжид, мазор, равот, сой, сув, тепа, том, чек* каби терминларни ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Вилоят ҳудудида рельеф шакллари номлари – оронимлар кўп эмас. **Унгуртепа** тоғи (Янгикўрган тумани), **Чўчқадовон**

довони (Поп тумани), **Қоровултепа** тоғлари (Поп тумани), **Қурама** тизмаси, **Исириксой** қуруқ ўзани каби оронимлар изоҳсиз ҳам тушунарлидир.

Бетегелик тоғи – “Бетага ўти кўп ўсадиган тоғ” (Поп тумани), **Музтўр** довони (Поп тумани) қирғизчада *тўр* дегани водийнинг тўрида, бош томонида жойлашган, масалан, *ййлов маъносини билдиради.*

Камазлак, **Пағди** каби оронимлар (Поп тумани) махсус тадқиқотлар йўли билан изоҳланиши мумкин.

Вилоят оронимларидан **Камчик** довони ҳам иқтисодий, ҳам лисоний жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгадир. Турлича ёзиб ва талаффуз қилиб келинган бу номнинг *камтик*, *кемтик* сўзидан эканлигини, **Қамчик** дейиш ҳақиқатга тўғри келмаслигини яна бир бор айтиб ўтиш керак. Вилоятда оронимларга қараганда сув объектлари номлари – гидронимлар кўпроқ – дарё, канал, сой, сув омбори, коллектор, ариқ, булоқларнинг умумий сони 100 дан сал ошади.

Лочинқия (Поп тумани), **Олмалибулоқ**, **Олмасой**, **Отқулоқ**, **Теракли**, **Чойлисой**, **Қайинди**, **Қузғунтош** каби сой-булоқларнинг номлари изоҳга муҳтож эмас.

Поп туманидаги **Арашон** гидроними (дарё, сой, булоқ) алоҳида эътиборга сазовордир. Арашон, арасон, аршан шаклларида *Ўрта Осиёдан Узоқ Шарққача*, Бурятиядан Тибетгача бўлган улкан ҳудудда учрайдиган бу термин асли санскритча *gasayana* – “нектар”, “оби ҳаёт”, “худолар озиғи” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “шифобахш”, “иссиқ минерал сув” демакдир.

Кенгқўлсой номи таркибидаги *қўл* термини асли мўғулча бўлиб, туркий тилларда “сой”, “сойлик”, “тармоқ” маъноларини англатади. Ҳар қандай ҳудудда бўлгани каби Наманган вилояти топонимлари, жумладан ороним ва гидронимлари орасида ҳам, кўпчиликка тушунарсиз номлар учрайди. Этимологияси қоронғи бундай номларни илмий асосда тадқиқ қилиш ва изоҳлаб бериш келажакнинг ишидир. Наманган вилоятининг топонимлари ҳақида қисқагина ахборот берилди. Бу вилоят ер-сув номлари юзасидан олмоқчи бўлган маълумотлар учун умумий йўналиш, холос. Махсус адабиётлардан, тарихий ёдгорликлардан, архивлардан вилоят жой номлари тўғрисида қанча-қанча материаллар топса бўлади.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Актитош – қишлоқ, Чортоқ тумани. Қирғизлар оҳакни *аки*, оҳактошни *аки тош*, жонли тилда *акти тош* дейишади. Чортоқ туманида қирғизлар ҳам яшайди.

Ариқбағиш – қишлоқ, Янгиқўрғон тумани. Қирғизларнинг *ариқ*, *бағиш* деган уруғлари номидан.

Алиш – қишлоқ, Поп тумани. *Алиш*, *олиш* – ариқнинг қулоғи, сув олинадиган жой.

Ахсикат – Фарғона водийсидаги қадимий шаҳар, Наманган туманидаги Ахси қишлоғи ёнида бўлган. Дастлаб Тожикистондаги Муғ тепалигидан топилган суғд ҳужжатларида (8-аср) тилга олинган. “Худуд ул-олам” да “Ахсикат – Фарғона пойтахти, амирлар ва вазирлар қароргоҳи” дейилган. Ахсикат ҳақида араб географларидан Истахрий, Ибн Хавқал, Муқаддасий анчагина маълумот берганлар. Ахсикат 16-асрдан сўнг харобага айланган. Шаҳар харобалари Эски Ахси деб аталади (Наманган тумани). Балазурий асарида Хшикат шаклида тилга олинган. Суғдшуносларнинг фикрича, Ахсикат (Хшикат) “оқ шаҳар” демакдир. Ахси ўзаги қадимий тилларда бирон маънони англатган турдош от бўлса керак. Чунки Ахси деган топонимлар бир неча марта такрорланади. Тўрақурғон, Уйчи туманларида, қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудида ҳам Ахси (Акси) қишлоқлари бор.

Бўстон – қишлоқ, Косонсой, Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Мингбулоқ туманлари. “Яшнаган боғ”, “Боғ-роғ” маъносидаги *бўстон* (асли *бўйистон*) – “ҳидлар ўлкаси” сўзидан ёки қирғизларнинг кесек, саруу қабилалари таркибидаги *бўстўн* (“бўз тўнли”) уруғидан ном олган бўлиши мумкин. Дашти Қипчоқ ўзбеклари ва қозоқлар таркибида ҳам *бўстон* уруғи бўлган.

Варзик – қишлоқ, Чуст тумани. Варзик “экинзор” маъносини англатади. Тожикистон Республикасининг Уструшона шаҳри яқинида ҳам Варзик (Варсиқ) деган қишлоқ бор. Чуст туманида бир қишлоқ **Варзигон** деб аталади. Бу қишлоқ номи асли суғдча икки сўз “вар”, ғов, қўра “з, зе” сўзларидан таркиб топган, яъни атрофи қўрғонли, ғов билан ўралган жой, ёки қўрғонча “сой бўйидаги қўрғон” маъносида ҳам бўлиши мумкин.

Гулдиоров – қишлоқ, Чортоқ тумани. Баъзи жойларда катта шаршарани *гулдиоров*, *гурилловуқ* дейишади.

Даҳякота – қишлоқ, Уйчи тумани. **Даҳяк** (“ўндан бир”) – даромаднинг ўндан бир қисми ҳисобида тўланган солиқ, баъзи бир мадраса талабалари ва мударрисларга йилига тўланган нафақа (маблағ) ҳам *даҳяк* дейилган. Даҳякота – хон (амир) ҳазинасидан *даҳяк* (нафақа) олиб турган шайх ёки диний раҳнамо.

Думар – қишлоқ, Норин, Учқўрғон туманлари. Фарғона қипчоқлари уруғларидан бири *думар* (тумар) деб аталган. Қирғизларнинг бўстўн, жўўкесек қабилаларининг ҳам бир уруғи *думар* деб аталган.

Еттиқашқа – қишлоқ, Учқўрғон тумани. *Қашқа* сўзининг бир неча маъноси бор. Масалан, қирғизларда бекларни, саркардаларни *қашқа* дейишган (бундай титул қалмоқларда ҳам бўлган). Бундан ташқари, қирғизларда, Фарғона қипчоқларида *еттиқашқа* деган уруғ (қавм) бўлган. Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг “Мажмуа ат-таворих” асарида (16-аср) ёзилишича, еттиқашқа қавми Дашти Қипчоқдаги Кулон шахридан чиққан Оқтемир Қипчоқнинг еттита *кўққашқа* от миниб юрган етти ўғлининг авлодларидир.

Жомашўй – қишлоқ, Мингбўлоқ тумани. Тожикча *жома* – кийим, шуй – шустон “ювмоқ” феълининг негизи; қишлоқ Сирдарё бўйида. Халқ дарё ёқасида кир ювиб юргани учун қишлоқ шундай ном билан аталган.

Кенгсоз – қишлоқ, Чортоқ тумани. Қирғизча *соз* – “ботқоқлик”, “балчиқ”.

Косонсой – қишлоқ, Қосонсой тумани маркази. Илгарилари *Косон* деб аталган. Милоднинг бошларида Фарғонадаги Косон шахри, яъни Косонсой Фарғонанинг сиёсий маркази эди. 8-аср охири 9-аср бошларида Косон Фарғона подшоларининг пойтахти бўлган. Косон араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида қайд қилинган. Косон номи аслида *кас* (кат) “қишлоқ” сўзидан олинган.

Кўкёр – қишлоқ, Янгиқўрғон тумани. “Кўк жарлик” маъносида. *Кўкжар* – уруғ номи бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Қадимги турк тилида кўкёр-кўкжар – “яшин”.

Лангарбобо – қишлоқ, Наманган тумани. *Лангар* – “мозор”, “ғарибхона”, “карвонсарой”.

Майдамиллат – қишлоқ, Чуст, Янгиқўрғон туманлари. Бошқа бир кичикроқ миллат вакиллари, масалан, Фарғона водийсида қипчоқларни майда *миллат* дейишади.

Маллахон – қишлоқ, Мингбулоқ тумани. Фарғона водийсида Маллахон бир неча марта такрорланади. Маллахон Худоёрхоннинг ўғилларидан бири.

Марғзор – қишлоқ, Поп тумани. Марғзор – “ўтлоқ”, “пичанзор”, “яйлов”.

Машад – қишлоқ, Уйчи, Чуст туманлари. “Шаҳид бўлган киши кўмилган жой” маъносига алоқаси йўқ – шевада *машат* (башат) – “кичик булоқ”, “манба” дегани.

Наманган – шаҳар, Наманган вилояти маркази. Биринчи марта “Бобурнома”да тилга олинган. Шаҳар номини *Намаккон* – “туз кони”, *номийган* – “азиз ва номдор шаҳар”, *наманг* – “маржон (кони)” деб изоҳлашган. Аслида “*нав+ман+гон*” сўзлари бирикмасидан юзага келган. Нав – “янги”, ман – “сарой” ва гон, кон, гон – “сув” ёки “сой” демакдир. Шаҳар дастлаб Навмангон деб талаффуз қилинган. Қаранг А.Муҳаммаджонов “Наманган” топонимининг этимологияси ҳамда “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №5 2003 й.

Профессор Х.Ҳасанов *гон* компонентини “дарё, сув” деб тахмин қилиб, Наманганни “шўрсув”, “минерал сув”, “мойли сув” деб тушунишга ёки бирон этноним билан боғлашга уриниб кўрган. Шаҳар номининг маҳаллий талаффузи **Номонгон**.

Нанай – қишлоқ, Янгиқўрғон тумани. Нанай Ўрта Осиёдаги қадимий номлардан бири. Нанай (Нанайя, Нани) Месопотамияда илоҳ ҳисобланган; кейинчалик уни Ўрта Осиё зардуштийлари унумдорлик худоси деб тан олганлар. Суғдада *Нанидат* деган исм бўлган. Нанидат “Нана (й) берган”, “Нанай эхсони” деган маънони билдирган бўлса керак (тожикларнинг Худойдод исмига қиёсланг). Наманган вилоятида Найни деган исм ҳозир ҳам бор. Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги **Нанай** қишлоғига наманганлик нанайликлар асос солган бўлса керак.

Норинкапа – қишлоқ, Учкўрғон тумани. Норин дарёси номи билан боғлиқ бўлса керак. Норин топонимист Э.М.Мурзаев фикрича, “серкуёш, офтобруй” деган маънони билдиради. Қирғиз олимлари Б.М. Юнусалиев билан С. Қудайберганов ёзишича, Норин “тор, камбар” деган сўз, шу билан бирга *норин* деган этноним ҳам маълум: ўзбекларнинг лақай, юз қабилалари, шунингдек, Фарғона қипчоқлари таркибида *норин* уруғи қайд қилинган.

Поп – шаҳар, Поп тумани маркази. Дастлаб “Худуд алола”да, араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий, Хурдодбеҳ асарларида **Боб** шаклида тилга олинган. Боб аста-секин Поп бўлиб кетган. Боб арабчада “дарвоза” деган сўз. Бундан ташқари Туркистонда ислом динининг тарқалишига катта ҳисса қўшган киши исмига *боб* сўзи қўшилган (В.В. Бартольд).

Селхона – арик, Чуст тумани, канал, Янгиқўрғон тумани. Ариқдан тез-тез сел келиб турганидан *Селхона* деб аталган.

Темирқишлоқ – қишлоқ, Тўрақўрғон тумани, “Темирдан ясалган қишлоқ” маъносида эмас, албатта. Қишлоқ Темир исми киши номига қуйилган бўлиши мумкин. Энг тўғриси темир – этноним: ўзбекларнинг сарой қабиласи таркибида, қозоқларнинг алимули, дулат қабилалари, қирғизларнинг адигине, басиз, буғу, саяк, сўлтў қабилалари таркибида *темир* уруғи бўлган. Бундан ташқари шу туркий халқлар таркибида *темирбек*, *темирберди*, *темирқул*, *темирсўфи*, *темирхўжа*, *темирчи* каби кичикроқ уруғ-шоҳобчалар ҳам бўлган.

Тўда – қишлоқ, Учқўрғон тумани. “Бир тўп, бир гуруҳ” маъносидаги бу сўз этноним шаклида ҳам учрайди. Кенагас ўзбекларининг бир уруғи *тўда* деб аталган. Фарғона водийсининг бошқа жойларилда ҳам *тўда* деган этноним қайд қилинган: “Тўданинг тўйига боргунча, ариқнинг бўйига бор”.

Чиндовул – қишлоқ, Чуст тумани. Чиндовул икки маънода келади: 1) сув ташувчи, мешкоб; 2) чингдовул – қўшиннинг орқасидан юрадиган соқчи отряд, арьергард.

Чодак – қишлоқ, Поп тумани. Чодак асли Чоҳи деҳ – “чуқурдаги қишлоқ” маъносини билдиради (қишлоқ тоғлар орасидаги чуқур сойликда жойлашган).

Чортоқ – шаҳар, Чортоқ тумани маркази; тоғ орасида бўлгани учун “гир атрофи (чор атрофи) тоғ” деб ном олган деган фикр бор. Аслида чортоқ – *чор* (тўрт) ва *тоқ* (арк, гумбаз) сўзларидан таркиб топган бўлиб, “тўрт гўшали”, “гумбаз” демакдир. *Тоқ* сўзи Ўрта Осиёдаги энг қадимий меъморчилик терминларидан бўлиб, “равокли бино” демакдир. Пештоқ (иморат олд-томонидаги тоқ), тоқи равок (ҳашаматли сарой) ва чортоқ терминлари ана шу сўздан таркиб топган. *Айвон*, *болохона*, *қоровулхона* ҳам *чортоқ* дейилган. Бу сўз *чордоқ* шаклида ҳам талаффуз этилган. *Оташпарастрларнинг* ибодатхонаси ҳам *чортоқ* дейилган.

Уйчи – шаҳарча, Уйчи тумани маркази. “Ўтов (бўз уй, қорай) ясовчи уста” маъносида бўлиши мумкин. Лекин, уй сўзининг “сигир, қорамол” маъноси ҳам ҳисобга олинса, тўғри бўлар. Бобур кўтосни уй деган. Қирғизлар сигирни ҳозир ҳам уй дейди. Қозоқларнинг жалойир қабиласи таркибида *сийириши* (сигирчи) деган уруғи бўлганини инobatта олиб, топонимист Т.Нафасов *уйчи* уруғ номи дейди. Уруғ вакиллари учун уй (қорамол) тотем (муқаддас жонивор) ҳисобланган.

Яшиқ – қишлоқ, Учқўрғон, Норин туманлари. Фарғона водийсидаги қипчоқ ўзбекларининг бир уруғи *яшиқ* деб аталган.

Қайқи – қишлоқ, Учқўрғон тумани. Қирғиз тилида қайқи – икки тоғ оралиғидаги пастлик, ботиқ (орографик термин). *Қайқи* деган уруғ ҳам бор, қозоқларнинг алимули, ўшақти қабилалари таркибида *қайқи* уруғи қайд қилинган. Демак, бошқа туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам *қайқи* уруғи бўлиши мумкин.

Қизилёзи – қишлоқ, Янгикўрғон тумани. Ёзи (ёз) – “дашт, дала, чўл, яланглик” демакдир. Масалан, Ёзёвон чўли, Ёвонсув сойи.

Қорамурт – қишлоқ, Янгикўрғон тумани. *Қорамурт* деган ўзбек уруғи бўлган (қорамурт, тўғриси қорамурт – “қора мўйлов”).

Қоратери – қишлоқ, Наманган, Учқўрғон туманлари. Уруғнинг бир шохобчаси тира (тире) дейилган. *Қора* деган уруғ ёки унинг бир тармоғи *қоратира* деб аталган; бу бора-бора *қоратери* бўлиб кетган. Масалан, қатағон қабиласининг бир бўлими *қоратери* деб аталган.

Қўғай – қишлоқ, Учқўрғон тумани. Фарғона қипчоқларининг *қўғай* деган уруғи бўлган, қирғизларнинг сўлтў қабиласи таркибида *қўғуй* уруғи қайд қилинган.

Ҳисорак – қишлоқ, Чуст тумани. *Ҳисор* арабча сўз бўлиб, “қўрғон”, “қалъа”, “истехком” демакдир; -ак эса топоним ясовчи аффикс.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Самарқанд вилояти республиканинг марказий қисмида жойлашган. Таркибида 14 туман (Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Окдарё, Пайарик, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Тойлок, Ургут, Кўшработ), 11 шаҳар (Самарқанд, Булунғур, Жомбой, Жума, Иштихон, Каттақўрғон, Нуробод, Оқтош, Пайарик, Ургут, Челак), 12 шаҳарча (Дахбед, Зиёвуддин, Ингичка, Кимёгарлар, Лойиш, Митан, Мирбозор, Пайшанба, Сув ҳовузи, Фарход, Хишров, Чархин).

Маъмурий маркази – Самарқанд шаҳри.

Самарқанд вилояти Зарафшон дарёси ҳавзасининг ўрта қисмида жойлашган. Зарафшон водийси шимолдан **Туркистон тизма тоғларининг тармоқлари (Нурога тоғи, Оқтоғ)**, жанубдан **Зарафшон тизма тоғлари** билан ўралган. Водий шарқдан ғарбга пасайиб боради ва шимоли-шарқда **Кизилқум чўлига**, жануби-ғарбда **Қарнобчўлга** тутшиб кетади. Аҳолисининг 3/4 қисмидан кўпроғи ўзбеклар, қолгани оз сонли бошқа миллат вакилларига мансуб.

Вилоят топонимларининг аксари қисми ўзбекча номлардир. Шу билан бирга суғдча, форсча топонимлар ҳам катта ўрин тутати. Самарқанд вилояти ҳудуди қадимги Суғдиёнанинг “юраги” бўлганидан бу ерда Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидагига қараганда суғдча номлар кўпроқ учрайди.

О й к о н и м л а р и. Вилоятда 2000 га яқин шаҳар, қишлоқ (10 шаҳар, 12 шаҳарча) бор. Ойконимларининг асосий хусусияти шундаки, шаҳар-қишлоқ номлари орасида уруғ-аймоқларининг номлари катта ўрин тутати. Шаҳар-қишлоқ номларининг қарийб 1/3 қисми уруғ-аймоқ номларидан иборатдир. Масалан, 2001 йил маълумотларига кўра Булунғур туманида 140 дан ортиқ қишлоқ бор, шундан қарийб 40 фоизи этнотопонимлардир. Бундан чорак аср олдинги маълумотларга кўра, Булунғур туманининг суғориб

деҳқончилик қилинадиган шимолий ярми билан кўшни Жомбой туманининг жануби-шарқий қисмини ўз ичига олган 80 қишлоқдан 74 таси (яъни 92,5 фоизи) қорақалпоқларнинг қабила-уруғлари номлари билан аталган эди. Кейинги йиллардаги маълумотларга кўра, этнонимлар собиқ Гўзалкент туманида 20%, Жомбой туманида 45%, Иштихон туманида 33%, Пайарик туманида 25%ни ташкил этади. Қишлоқ-шаҳарларнинг қолган қисми антропонимлар (кишиларнинг исмлари ва лақаблари) ва турдош отлар – географик, тарихий, ижтимоий-сиёсий терминлар, ўсимлик ва ҳайвонлар номлари билан аталган. Ҳар бир географик номнинг ўз тарихи, ўз маъноси бор. Бир қанча шаҳар-қишлоқларнинг номлари ҳамма учун тушунарлидир, баъзилари ҳақида эса ҳар хил ривоятлар тўқилган, турли фикрлар билдирилган бўлса ҳам, этимологияси ҳамон номаълум. Ана шундай топонимлардан бири Самарқанддир.

Самарқанд – Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳарнинг бунёд этилган вақти ва номининг этимологияси аниқ эмас. Шаҳар Искандар Зулқарнайнинг ҳарбий юришлари муносабати билан юнон солномларида милоддан аввал 329 йилда **Мароканда** номи билан йлқ бор тилга олинган. Турли даврлардаги тарихий манбаларда шаҳар номининг **Самариана**, **Сараманка**, **Саканна**, **Санманген**, **Самакиян**, **Сумрон**, **Шамиркент**, **Самаран**, **Симроят**, 8-аср бошларига оид суғд ҳужжатларида **Смараканса**, 8-асрда ўтган венециялик сайёҳ Марко Полонинг “Китоби”да **Санмаркан** шаклларида тилга олинган. Кўринадики, шаҳар номининг деярли барча вариантлари **С** ҳарфи билан бошланган, фақат юнонча **Мароканда** бундан мустасно. Демак, юнонлар топонимнинг асли номини нотўғри эшитганлар, тишлар орасидан сирганиб чиқадиган ва арабча **се** ҳарфи билан ифодаланадиган с товушини юнонлар илғай олмаганлар. Грек олими филология фанлари доктори Ю. Иваноглиполус бу фикримизни маъқуллайди. Бегона тилларга оид нотаниш сўзларни одамлар ғалат эшитадилар деган қоида бор-ку!

Баъзи бир европалик олимлар шаҳар номи санскритча *Samarya* – “йиғин”, “анжуман” сўзидан олинган деб кўрганлар. Кўпчилик муаллифлар топонимнинг биринчи қисми – Самар шаҳарни босиб олган ёки унга асос солган шахснинг исми бўлиши керак деганлар. Лекин, тарихда



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Самарқанд вилояти республиканинг марказий қисмида жойлашган. Таркибида 14 туман (Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Окдарё, Пайарик, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Тойлок, Ургут, Қўшработ), 11 шаҳар (Самарқанд, Булунғур, Жомбой, Жума, Иштихон, Каттақўрғон, Нуробод, Оқтош, Пайарик, Ургут, Челак), 12 шаҳарча (Даҳбед, Зиёвуддин, Ингичка, Кимёгарлар, Лойиш, Митан, Мирбозор, Пайшанба, Сув ҳовузи, Фарход, Хишров, Чархин).

Маъмурий маркази – Самарқанд шаҳри.

Самарқанд вилояти Зарафшон дарёси ҳавзасининг ўрта қисмида жойлашган. Зарафшон водийси шимолдан **Туркистон тизма тоғларининг** тармоқлари (**Нурота тоғи, Оқтоғ**), жанубдан **Зарафшон тизма тоғлари** билан ўралган. Водий шарқдан ғарбга пасайиб боради ва шимоли-шарқда **Қизилқум** чўлига, жануби-ғарбда **Қарнобчўлга** туташиб кетади. Аҳолисининг 3/4 қисмидан кўпроғи ўзбеклар, қолгани оз сонли бошқа миллат вакилларига мансуб.

Вилоят топонимларининг аксари қисми ўзбекча номлардир. Шу билан бирга суғдча, форсча топонимлар ҳам катта ўрин тутаяди. Самарқанд вилояти ҳудуди қадимги Суғдиёнанинг “юраги” бўлганидан бу ерда Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидагига қараганда суғдча номлар кўпроқ учрайди.

О й к о н и м л а р и. Вилоятда 2000 га яқин шаҳар, қишлоқ (10 шаҳар, 12 шаҳарча) бор. Ойконимларининг асосий хусусияти шундаки, шаҳар-қишлоқ номлари орасида уруғ-аймоқларининг номлари катта ўрин тутаяди. Шаҳар-қишлоқ номларининг қарийб 1/3 қисми уруғ-аймоқ номларидан иборатдир. Масалан, 2001 йил маълумотларига кўра Булунғур туманида 140 дан ортиқ қишлоқ бор, шундан қарийб 40 фоизи этнотопонимлардир. Бундан чорак аср олдинги маълумотларга кўра, Булунғур туманининг суғориб

деҳқончилик қилинадиган шимолий ярми билан қўшни Жомбой туманининг жануби-шарқий қисмини ўз ичига олган 80 қишлоқдан 74 таси (яъни 92,5 фоизи) қорақалпоқларнинг қабила-уруғлари номлари билан аталган эди. Кейинги йиллардаги маълумотларга кўра, этнонимлар собиқ Гўзалкент туманида 20%, Жомбой туманида 45%, Иштихон туманида 33%, Пайарик туманида 25%ни ташкил этади. Қишлоқ-шаҳарларнинг қолган қисми антропонимлар (кишиларнинг исмлари ва лақаблари) ва турдош отлар — географик, тарихий, ижтимоий-сиёсий терминлар, ўсимлик ва ҳайвонлар номлари билан аталган. Ҳар бир географик номнинг ўз тарихи, ўз маъноси бор. Бир қанча шаҳар-қишлоқларнинг номлари ҳамма учун тушунарлидир, баъзилари ҳақида эса ҳар хил ривоятлар тўқилган, турли фикрлар билдирилган бўлса ҳам, этимологияси ҳамон номаълум. Ана шундай топонимлардан бири Самарқанддир.

Самарқанд — Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳарнинг бунёд этилган вақти ва номининг этимологияси аниқ эмас. Шаҳар Искандар Зулқарнайннинг ҳарбий юришлари муносабати билан юнон солномаларида милоддан аввал 329 йилда **Мароканда** номи билан илк бор тилга олинган. Турли даврлардаги тарихий манбаларда шаҳар номининг **Самариана**, **Сараманка**, **Саканна**, **Санманген**, **Самакиян**, **Сумрон**, **Шамиркент**, **Самаран**, **Симроят**, 8-аср бошларига оид суғд ҳужжатларида **Смараканса**, 8-асрда ўтган венециялик сайёҳ Марко Полонинг “Китоби”да **Санмаркан** шаклларида тилга олинган. Кўринадики, шаҳар номининг деярли барча вариантлари **С** ҳарфи билан бошланган, фақат юнонча Мароканда бундан мустасно. Демак, юнонлар топонимнинг асли номини нотўғри эшитганлар, тишлар орасидан сирғаниб чиқадиган ва арабча се ҳарфи билан ифодаланадиган с товушини юнонлар илғай олмаганлар. Грек олими филология фанлари доктори Ю. Иваноглиполус бу фикримизни маъқуллайди. Бегона тилларга оид нотаниш сўзларни одамлар ғалат эшитадилар деган қоида бор-ку!

Баъзи бир европалик олимлар шаҳар номи санскритча *Samarya* — “йиғин”, “анжуман” сўзидан олинган деб кўрганлар. Кўпчилик муаллифлар топонимнинг биринчи қисми — Самар шаҳарни босиб олган ёки унга асос солган шахснинг исми бўлиши керак деганлар. Лекин, тарихда

бундай киши номи қайд қилинмаган. Бироқ Самарқанд – “Семизкент”, яъни “семиз шаҳар”, “катта шаҳар” маъносини билдиради деган фикрни Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Бобур асарларидагина эмас, балки тарихчи Мирхонднинг “Равзат ус сафо”сида, 15-асрда Амир Темур саройига келган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг кундалик дафтарида ҳам қайд қилинган. Бироқ Семизкент шаҳарнинг асл номи эмас, балки сифати, таъбир жоиз бўлса лақаби бўлса керак. Кўпгина шаҳарларнинг сифатини ифодалайдиган лақаблари бўлган-ку: Бухоро *Мадинат ут-тужжор* – “Савдогарлар шаҳри”, *Мадинат ус-суфрия* – “Мис шаҳри”, *Бухорои Шариф*, Термиз *Мадинат ур-рижол* – “Мардлар шаҳри” ва бошқалар.

Шаҳар номининг қадимданок Самарқанд эканлигини шундан билса ҳам бўладики, дунёда бу шаҳарга тақлид қилиб Самарқанд деб аталган шаҳар-қишлоқлар талайгина бўлган. Шулардан бир нечтасини айтиб ўтайлик: 1) Ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг жануби-шарқий бурчагида Самарқандақ деган катта қишлоқ бўлган. “Худуд ул-олам” асарида (11-асрда) тилга олинган бу қишлоқни Самарқанд Суғдига араблар босиб келганда Фарғонага қочиб борган суғдийлар бунёд этганлар. Бу Қирғизистон Республикасининг Боткен вилоятида Боткен туманидаги Самарқандиқ қишлоғидир (Самарқандақ қирғизчада Самарқандиқ бўлиб кетган); 2) Еттисувда қадимги Мўғулистонда 12-асрдаёқ Самарқанд шаҳри бўлган; 3) Афғонистондаги бир қишлоқ ҳам Самарқанд деб аталган; 4) Қозоғистондаги Темиртов шаҳри 1940–45 йилларгача Самарқанд деб аталган. Бундан ташқари республикамизнинг турли жойларида турли даврларда бунёд этилган Самарқанд, Боғи Самарқанд, Самарқанд-Мақай, Самарқандкўтон деган қишлоқлар, ариқ ва дарвозалар бўлган.

Инсоният қадимги маданиятининг жаҳонга машҳур ўчоқлари – Бобил, Афина ва Рим каби Самарқанд ҳам кўп асрлик бой тарихга эга. Самарқанднинг тарихи жаҳон тарихининг таркибий қисмидир. Ўтган йигирма беш аср давомида шаҳар аҳолиси кўп ҳодиса-воқеаларни бошидан кечирди. Самарқанд Искандар Зулқарнайннинг сонсиз суворийларини кўрди, араблар босқинини бошидан кечирди, шаҳарни Чингизхоннинг ваҳший кўшинлари вайрон қилди. Самарқандни дунёнинг пойтахти қилмоқчи бўлган Амир Темур ўзининг кўп сонли лашкарларини шу шаҳарда тўплаган. Биз Самарқанд тарихи ҳақида эмас, балки унинг

маҳалла-кўйлари тўғрисида, шаҳар тарихи ва иқтисодиётидан ҳикоя қилувчи топонимлари бобида сўз юритмоқчимиз.

Шаҳар тўрт қисм – қитъадан иборат бўлган: **Қаландархона, Хайробод, Сўзангарон ва Хўжа Аҳрор.** Қитъалар маҳалла – гузарларга бўлинган. 19-аср охирида шаҳарда 100 га яқин гузар бўлган. Бу гузарларни санаб ўтишни лозим кўрдик. Чунки тобора унутилиб борилаётган гузарлар номларини эсга олиш фойдадан холи эмас, бунинг устига уларнинг ҳар бири шаҳар тарихининг зарраси, айна вақтда лисоний ёдгорликдир.

Гузарлар рўйхати:

Қаландархона қитъаси

Ёмини-1
Ялангбек
Мирзо Пўлоди
Зомини
Жакардиза (Чокардиза)
Шоҳкаш
Фақиҳ Абу Лайсий
Дари Занжир
Маҳдуми Хоразмий
Қозикалон
Қорабой Оқсоқол
Муборак
Оби Машҳад
Имом Восе
Каварзор
Шарбатдор
Қози Ғфур
Урмитани
Ёмини-2 (Ойсават)
Чанговли (Чанговли)
Маҳаллаи Шарк
Хайробод қитъаси
Даҳбеди
Хўжа Жонхўжа
Ховосий-1
Коловод
Зулмурад
Шайхулислом
Сўфи Розик

Сўзангарон қитъаси

Хўжа нисбатдор
Мадрасаи сафед
Қози Абдирасул
Пули Мирзо
Иброҳимхўжа
Тошкентий-2
Тошкентий-1
Мулиён-1
Тошкенти-3
Ургутий-1
Ургутий-2
Шаҳрисабзий
Мотрудий
Мулиён-2
Ховузи-баланд
Мулиён-3
Кафтархона
Ражаб Амин
Хонақоҳ
Қаболаий-1
Қаболаий-2
Намозгоҳий-1
Намозгоҳий-2
Хўжа Латиф
Бўстони-хон
Зардўзон
Ховузи-сангин
Хўжа Аҳрор қитъаси
Рухобод

Юсуфбой
Қўшховуз
Кўкмачит
Тагишўр
Боғимайдон-1
Боғимайдон-2
Боғимайдон-3
Қашқари
Янги Хайробод
Заргарон
Ховоси-2
Маддоҳий
Хўжандий
Готфар
Гўри Амир
Зингарон
Чақар
Мулла Қаландар-1
Мулла Қаландар-2
Оқсарой
Лаби-Ғор
Булбулак

Луччакон
Ашур Муҳаммад
Кулбачча-1
Эски Қаландархона
Кулолон
Кўргонча
Харротон
Дониёрбек
Тали-регак-1
Лолазор-1
Хўжақишлоқ
Пули-сафед
Дегча-бирён
Хон-Саидимом
Вайс ул-қора
Кулбачча-2
Тали-регак-2
Тали-регак-3
Тали-регак-4
Нуробод
Лолазор-2
Лолазор-3

Самарқанд маҳалла-гузарларида аҳоли ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик аломатига қараб жўйлашган (*Шарбатдор* – қандолатпазлар, *Зардўзон* – зарбофлар, *Зингарон* – эгарсозлар, *Кулолон* – кулоллар, *Харротон* – ёғочсозлар, *Чармгарон* – кўнчилар). Гузарлар аҳоли қаердан келган бўлса ўша қишлоқ ёки шаҳар номи билан аталган (*Ёминий* – ёмлиқлар, *Зоминий* – зоминлиқлар, *Урмитаний* – урметанлиқлар, *Даҳбедий* – даҳбедлиқлар, *Ховосий* – ховослиқлар, *Қашқарий* – қашқарлиқлар, *Хўжандий* – хўжандлиқлар, *Тошкентий* – тошкентлиқлар, *Ургутий* – ургутлиқлар, *Мотрудий* – мотрудлиқлар, *Шаҳрисабзий* – шаҳрисабзликлар). Шаҳарнинг ариқ-ҳовузлари ҳам маҳалла-гузарларга ном берган (*Обимашҳад*, *Қўшховуз*, *Ховузисангин*, *Ховузибаланд*, *Чашма* ва бошқалар), шаҳарнинг боғ ва кўкаламзорлари ҳам гузарларга ном берган (*Боғимайдон*, *Боғибаланд*, *Боғишамол*, *Қўшчинор*, *Каварзор*, *Лолазор*, *Олмазор* ва ҳ.к.). Гузарлар номларида шаҳар ҳудудининг географик хусусиятлари ҳам ўз аксини

топган (Лабиғор, Тагирегак, Гилбурч, Тагишўр); бир қанча маҳалла-гузарлар меъморий ёдгорликларга қараб номланган (Оқсарой, Гўри Амир, Мадрасаи сафед, Рухобод, Хонақоҳ, Кўкмачит, Пули Мирзо ва бошқалар); уруғ-аймоқлар, эл-элатлар номлари – этнонимлардан ном олган маҳаллалар ҳам анчагина учрайди (Арабхона, Жўғихона, Туркманқишлоқ, Эронқишлоқ, Яҳудиён, Қашғари). Самарқанднинг машҳур олимлари номлари ҳам маҳаллаларда абадийлашган (Фақиҳ Абуллайсий, Махдум Хоразмий, Мотуридий ва бошқалар). Шундай қилиб, Самарқанд маҳалла-кўйларининг номлари ҳам шаҳарнинг оёққа туриши ва ривожланиши ҳақида китобхонларга қимматли маълумотлар бера олади. Энди Самарқанд шаҳрининг яна бир неча тарихий топонимлари – урбонимлари келиб чиқиши ҳақида қисқача маълумот бериб ўтайлик. Шаҳардаги ҳар бир кўҳна ном ўзи бир тарих. Қаландархона китъасида, шаҳарнинг жануби-шарқида бир гузар Жакардиза (чокардиза) деб аталган. Жакардиза топоними 9-асрдан маълум. Жакардиза номли каналдан Жуиарзиз новасига сув бериб турилган. Бу ариқ мажусийлик даврида қурилган экан. Мажусий қоровуллар ариқни қишда ҳам, ёзда ҳам кўриқлаб туришган. В.В.Бартольд форсчада арзиз “қалай” деган сўз, уни “кўрғошин” деса ҳам бўлади, оқиб ўтадиган новасининг ички қисми қалай ва кўрғошин қотишмаси билан қопланган деб ёзади. Чиндан ҳам Жуиарзиз “кўрғошин новали ариқ” демақдир. Жуиарзиз ҳақида араб географларидан Истахрий, Муқаддасий ҳам ёзишган. Масалан, Муқаддасий сув шаҳристонга жарлик устидан олиб ўтилган кўрғошин нова (лоток) орқали боради деган. “Худуд ул-олам” асарида эса кўрғошин нова (Жуи оби равон аз арзиз) “Самарқанд бозори томи устидан ўтган” дейилади.

Жакардиза эса икки сўздан иборат: *жакар* (чокар) ҳарбий гуруҳ (посбон), навкар, лашкар, *диза* (диз) – “истехком”, “кўрғон”. Самарқанднинг жанубидаги Мирзо Пўлоди гузарида 15-асрда аҳоли металдан, аксари пўлатдан ҳар хил буюмлар ясаш билан шуғуллангани учун маҳалла шундай аталган: *пўлод* – пўлат.

17-асрнинг ўрталарида пайдо бўлган Ялангбек гузари Самарқанд ҳукмдори Ялангтўш Баҳодирбий номи билан аталган. Каварзор маҳалласи Самарқанд шарқида 18-асрда бунёд этилган ва шифобахш кавар (ковул) ўсимлиги кўп бўлганидан шундай ном олган. Каварнинг итқовунга ўхшаган

ичи кизил мевалари овқатга ишлатилган, майда уруғларидан жувозда ёғ олинган.

Сўзангарон қитъасида 15-асрнинг 20-йилларида Мирзо Улуғбек даврида Самарқанднинг жанубида пайдо бўлган нина, жувалдиз, бигиз ва бошқа хил пешкичлар ясовчи хунармандлар яшайдиган қисми **Ховузи сангин** гузари оқ мрамрдан ишланган катта ҳовуз туфайли шундай (“тош ҳовуз”) деб аталган.

Самарқанд шаҳрининг жанубида 15-асрда вужудга келган **Мадрасаи сафед** гузари 1455/56 йилларда Хўжа Аҳрор қурдирган икки қаватли оқ мадрасадан ном олган.

Самарқанднинг жанубида 16-асрда вужудга келган **Зардўзон** маҳалласи аҳли зардўзлик билан шуғулланган.

Ғотфар (Ғатифар) гузари Самарқанднинг шимоли-ғарбида 9-асрда бунёд бўлган ва Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида айтилишича, араблар босиб келишидан олдин Самарқанд шаҳрининг ҳарбий кўмондони бўлиб турган Ғотфар номи билан аталган. Самарқандда Ғотфар деган сой (арик) бўлган ва 11-асрда Ғотфар кўприги қурилган.

Зулмурод (“тезроқ муродга етиш” ёки “қўш муродли”) гузари Самарқанднинг шимоли-ғарбида 15-асрда вужудга келган.

Самарқанднинг шимоли-шарқида 15-аср охири 16-аср бошларида воқе бўлган **Тағишўр** гузари шўр тупроқ кўп бўлганидан шундай ном олган.

Хўжа Аҳрор қитъасидаги **Пулисафед** гузари 15-асрда Самарқанднинг жанубида қазилган Новадон ариғи устига оқ тошдан қурилган кўприк номи билан аталган (пул – кўприк, сафед – оқ).

Булбулак гузари 17-асрда Самарқанднинг жануби-ғарбида вужудга келган; маҳалла аҳолиси лойдан болалар учун хуштак ясар эдилар; ичига сув солиб пуфлаганда хуштак булбулга ўхшаб овоз чиқарар эди. Шунинг учун маҳалла Булбулак – “булбулча” деб аталган.

19-асрда Самарқанднинг жануби-ғарбида пайдо бўлган **Харротон** (ёки Юсуф харрот) гузари аҳолиси ёғочсозлик, тароқсозлик билан шуғуллангани учун шундай ном олган.

Тағирегак гузари (19-аср) қумлоқ тепаликда бўлгани учун шундай аталган (рег – қум).

Зингарон гузари 15-асрда Самарқанднинг жанубида пайдо бўлган; аҳоли эгар-жабдуқ ясаш билан шуғуллангани учун маҳалла “эгарсозлар” деб ном олган (зин – эгар).

Булардан ташқари шаҳарда қанча тарихий жойлар, меъморий осориётқалар бор; улардан ҳар бирининг ўз номи, ўз тарихи бор. Уларнинг барчасини санаб ўтиш, маъносини чақишнинг иложи йўқ ва бунинг ҳожати ҳам йўқ. Юқорида келтирилганлар қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг топонимларидан айрим намуналар, холос.

Шаҳар тарихий кўчаларининг номлари ҳам шаҳар географияси, тарихи ҳақида озми-кўпми ҳикоя қилиб бера олади: Самарқанд шаҳрида 800 дан ортиқ кўча бор. Шаҳарнинг 2002 йилда Тошкентда чиқарилган план-харитасида 450 га яқин кўчалар рўйхати берилган. Шу кўчалардан 200 га яқини киши номлари билан аталган. Буларнинг кўпчилиги Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Бедил, Беруний, Навоий, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Хоразмий каби машҳур тарихий шахслар, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фафур Фулом сингари ўзбек маданиятининг таниқли намояндалари, Ориф Икромов, Иброҳим Мўминов, Худойберди Дониёров янглиф машҳур самарқандлик олиму фузалолар, Низомий Ганжавий, Фирдавсий, Шота Руставели, Пушкин, Тургеневга ўхшаган жаҳон адабиётининг буюк вакиллариридир.

Антропотопонимлардан ташқари шаҳар харитасидан Ашгабат, Боку, Душанбе, Минск, Москва каби ҳамдўстлик мамлакатларининг пойтахт шаҳарлари, республикамизнинг Бухоро, Денов, Жиззах, Ромитан, Хива сингари тарихий шаҳарлари, шунингдек Самарқанднинг Афросиёб, Боғизагон, Давлатобод, Регистон, Рухобод каби тарихий жойларининг номлари ўрин олган.

Самарқандда узоқ ўтмишдан дарак берувчи жойлар, меъморий обидалар жуда кўп. Ана шундай қимматли ёдгорликлар шаҳар кўчалари номларида янада кўпроқ ақс эттирилса айни муддао бўлар эди. Шу билан бирга Илгор, Матонат, Мебель, Роҳат, Телефон, Хумор, Экскаватор каби топонимга ҳеч алоқаси йўқ оддий турдош отлардан иборат номлардан воз кечган маъқул.

О р о н и м л а р и. Самарқанд вилояти рельефи шимолдан Туркистон тизма тоғларининг тармоқлари бўлган Нурота тоғлари ва Оқтов тоғлари, жанубдан Зарафшон тизма тоғлари билан ўралган Зарафшон водийсидан иборат. Бу тоғ тизмалари ўз навбатида кўплаб пастак тоғларга бўлиниб кетади. Айрибел, Бешбармоқ, Ғўбдинтов, Жалқир,

Мирҳайдар, Муртоғ, Чолтош, Тўратов, Чамбар, Чиғатойтов, Қизбиби каби оронимлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, яна қанча тоғлар борки, уларнинг номларидан ҳаммасини ҳам тушунарли деб бўлмайди. Баъзи оронимларни изоҳлаб беришга ҳаракат қиламиз. Энг аввало, географик терминлардан иборат оронимларни айтиб ўтайлик: *Авга* довони (Кўшработ тумани) – арабча *ақба* (авға, овға), *довон* (“тоғ йўли”), *бел* – “довон” (**Ўртабел** довони), *газа* – “тоғ қирраси” (**Кумгаза** чўққиси), *гузар* – “кечик”, “довон” (**Қорагузар** довони), *дара* (**Кўшдара тоғи**), *қия* “тоғ йўли ўтган тик ёнбағир” (**Қорақия** тоғи) – тўртала ороним ҳам Нуробод туманида; ўсимлик номларидан таркиб топган оронимлар ҳам учрайди: **Гужум тоғи** (Кўшработ тумани), **Ирғайли** тоғлари (Ургут тумани), **Пиёзи** тоғлари (Нуробод тумани), **Пистали** тоғлари (Каттакўрғон тумани).

Хайвон номлари билан аталган оронимик объектлар: **Алқортепа** (тепалик, Булунғур тумани: *алқор* – ёввойи кўй; архар), **Кийикқайнар** (Кўшработ тумани, тоғ эчкиси – кийик кўп бўлганидан шундай аталган бўлса керак), **Қарчиғай тоғи** (Кўшработ тумани), **Қатормоя тоғи** (моя – “урғочи туя”, одатда туя карвонига ўхшаш қатор қоялар **Қатормоя** дейилади – мажозий топоним).

Жой номлари кўпгина ҳолларда шева материалларидан таркиб топган бўлади: **Жайлов, Жалпоқ** (Кўшработ тумани) оронимлари изоҳсиз ҳам тушунарлидир; **Болқонтов** (Кўшработ тумани) – *болқон* “серўрмон пастак тоғ”; **Шишмўла** (Кўшработ тумани) – *шиш* – “қозиқча”, “учи ўткир нарса”; *мўла* эса дала-даштларга тош-шағалдан устун шаклида ишланган белги, “қоровулхона” ҳамда “қабр” маъносини билдиради; **Кемқўтон** (Самарқанд тумани) – *кем* “кемтик”, “ўйиқ жой”, *қўтон* – кўй отари (суруви) қишлайдиган пана жой. *Тоғ* оронимик терминнинг кўпроқ *тов* шаклида қайд қилиниши ҳам Самарқанд вилояти шевалари учун хосдир.

Вилоятда этнооронимлар ҳам учрайди: **Миришкор** (тоғ, Кўшработ тумани), **Чиғатойтов** (Пахтачи тумани). Вақт ўтиши билан топонимлар шундай ўзгариб кетадики, дастлабки шаклини умуман аниқлаб бўлмайди. Самарқанд шаҳри яқинида **Оғалиқ** деган тоғ ва қишлоқ бор. Бу ерда Амир Темур даврида Самарқандда жоме масжид қуриш учун тош кўчириб олинган, оҳақтош қазиб чиқарилган. Шунинг

учун бу жой асли **Оҳаклик** бўлган. Бунинг устига *оғалиқ* деган ижтимоий термин – мансаб ҳамда *оғалиқ* деган этноним (уруғ) ҳам бўлган. Демак, тарихни билмасдан туриб топонимларнинг ҳозирги шаклларига қараб лисоний хулосалар чиқариш кўпинча катта хатоларга олиб келиши мумкин.

Г и д р о н и м л а р и. Вилоятнинг энг катта дарёси – **Зарафшон**, вилоятни шарқдан ғарбга кесиб ўтади. Бу дарё тарихий манбаларда **Политимет** (юнон тарихчилари асарларида), **Намиқ**, **Руди Мосаф**, **Ҳаромком**, **Водий ус-Сугд**, **Наҳр ул-Бухоро**, **Дарёи Кўҳак** каби номлар билан тилга олинган; 18-асрдан **Зарафшон** деб атала бошлаган. **Зарафшон** – “Зар сочувчи” демакдир. Вилоятнинг қадимий гидронимларидан бири **Нарпай** каналидир. Тарихчи Табарий (9–10-асрлар), араб географи Ибн Ҳавқал асарида (10-аср) бу канал **Наҳри Қай** шаклида, Истахрий асарида (9–10-асрлар) эса **Наҳри Фай** шаклида тилга олинган. Рус тарихчиси В.Л.Вяткин вақф ҳужжатларини ўрганиб, Сугднинг энг обод қисмини суғориб келган бу каналнинг номи **Наҳри Пай** эканлигини исбот қилди. **Наҳри Пай** (*наҳр* – арабча “арик”, “канал”) бора-бора **Нарпай** (маҳаллий талаффузда Норпой) бўлиб кетган. Сал юқорида **Зарафшондан** бошланадиган **Пайарик** (Пойарик) канали Нарпай номининг туркий вариантидир. **Зарафшон** дарёсидан чиқарилган **Дарғом** канали ҳам кўҳна сув иншоотидир. Юнон олими Клавдий Птолемей тузган харитада **Дарғом** канали **Даргомоний** деб номланган. Бошқа тарихий манбаларда **Искандарғом** ва **Искидарғом** шаклларида қайд қилинган. Сугд тилида *искодар* – “баланд”, “юқори” демакдир, хинд-европа тилларида *гом, ком, кам, кем* – “дарё” дегани. Қадимий сув иншоотларидан бири **Зарафшон** дарёсидан сув оладиган **Булунғур** каналидир. В.В.Бартольд канал Амир Темур даврида қазилган бўлса керак, деган эди. Археологик қазилмалар **Булунғурнинг** милоднинг бошларида қазилганини кўрсатди. **Булунғур** сўзи мўғул тилида “лойқа сув” деган маънони билдиради. Сурхондарё вилоятида **Булунғур** номли сой, Хитойда **Булунцир**, яъни **Булунғур** деган дарё бор. Қоратепа тоғининг ғарбий қисмидан бошланиб **Жом** чўли бўйлаб оқадиган **Жом** дарёсининг номи “почта станцияси”, “бекат” маъносидаги мўғулча *ём* сўзининг талаффуз шаклидан биридир.

Яна бир тарихий гидронимлардан бири – **Мирзаарик**. Бу ариқни 15-аср бошларида Мирзо Улуғбек қаздирган, умуман Улуғбек қурдирган иншоотлар кўпинча **Мирзо** деб аталган. Масалан, Самарқанддаги **Мирзо кўприги** ёки **Пули Мирзо**. Мирзо Улуғбек Самарқандда кўплаб иншоотлар, иморатлар солган. Шулардан бири **Мирзо** ҳаммомидир. Захириддин Муҳаммад Бобур бундай дейди: “Улуғбек Мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда унча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар. Яна ушбу мадраса ва хонақоҳға ёвуқ яхши бир ҳаммом солибтур, Мирзо ҳаммомиға машҳурдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандда анча ҳаммом маълум эмаски, бўлғай”.

Нуробод туманида **Мирзачўл** номли сой бор.

Кўшработ туманидаги **Темирқовуқ** гидроними таркибидаги *қовуқ* термини қадимий туркий сўз бўлган *қапуғ* (қопқа) “дарвоза” унсурининг талаффуз шаклидир. Йўл ўтган тоғ дарасининг энг тор қисми кўпгина (араб, форс, туркий) тилларда “дарвоза” маъносини англатади.

Уруғ-аймоқ номлари билан аталган дарё-сойлар: **Сазағансой** – Нуробод тумани (*сазаган* – сарой қабиласининг бир уруғи). **Тамасой** – Нуробод тумани (*тама*, *тома* – қипчоқ ўзбеклар, қурамалар, қозоқлар, қирғизлар таркибидаги уруғ), **Чағатой** – Чағатой сой, Кўшработ тумани, **Ўроқлиарик** – Булунғур тумани (ўроқли юз қабиласининг бир уруғи), **Қиёт** – канал, Окдарё тумани (*қиёт* – кўчманчи ўзбеклар, дўрман, қатағон қабилалари таркибидаги уруғ), **Қарлуқчўб** – қудук, Нурота тумани (*қарлуқ* – кўчманчи ўзбеклар таркибидаги қабила), **Қорасийроқ** – қудук, Нуробод тумани (*қорасийроқ* – кўнғирот, қирқ қабилалари таркибидаги уруғ).

Гужумсой (Кўшработ тумани), **Тераксой** (Ургут тумани), **Қизилолмасой** (Пайарик тумани) каби дарё-сойлар ўсимлик номлари билан аталган гидронимлардир.

Шевага оид гидронимлар кўп учрайди. Суви қуриб қоладиган сойлар бир ерда *қуруқсой*, бошқа бир жойда *қурусой*, бошқа бир ерда *қурсой* дейилади. Дарё водийси силлиқ тошлар билан қопланган *санглоқ* бир қанча жойларда *сағанақ* шаклида талаффуз қилинади (Пайарик тумани); шу тумандаги **Жуйрук сойи** номи “чопқир”, “тезоқар” демақдир. **Битовсой** (Каттақўрғон тумани) – “боши берк”, “ўтиб

бўлмайдиган сой” маъносида. Баъзи шеваларда тарих *тари* дейилади. Демак, **Тарипоя** (Нуробод тумани) **Тариқпоя** дегани. *Ҳовуз* сўзини Самарқанд вилоятининг баъзи жойларида *ховут*, *ҳавит*, *авут* дейишади. Қўшработ туманидаги **Тошовут** сойини “Тош ҳовуз” деб тушунмоқ керак. Хизр алайҳиссалом шаънига қўйилган исм **Хидир**, Кавказда *қози* сўзи *қади*, *рамазон* эса *рамадан* шаклида талаффуз қилинади, д нинг т га айланиши ҳеч гап эмас. Масалан, Хоразмдаги **Шовот** канали асли **Шоҳобод** эди. Каттакўрғон туманида **Шовот** номли канал бор. Бу гидроним ҳам асли бирон ҳукмдор шаънига **Шоҳобод** деб аталган бўлиши мумкин. Нуробод туманида **Абдалимкашар**, **Пўлаткашар** деган қудуқлар бор. Дала-даштларда қўй отарларининг қишлаши учун қурилган ярми очиқ-ярми ёпик қўйхонани чўпонлар *кашар* дейишади; (бу ўз навбатида, туркий *қўш* – “вақтинча пода–қорамол қўним жойи”, “қароргоҳ” сўзидан келиб чикқан).

Зарафшон, **Сиёб** (*сиёҳ об* – “қора сув”), **Сангузар** – “тош кечув” (Қўшработ тумани), **Гўрхона** – “қабристон” (Қўшработ тумани) каби гидронимлар учрашини айтиб ўтиш керак.

Лехана, **Парандас**, **Файбот** каби гидронимлар махсус тадқиқотга муҳтож қадимий номлардир.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Айғиртепа – қишлоқ, Жомбой тумани. Айғир – эркак от. Айғир сўзининг “улкан”, “катта” маъноси ҳам бор. Шу билан бирга *айғир* этноним бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қозокларнинг керей қабиласининг *айғир* деган тармоғи бор. Қозоклар билан ўзбекларнинг уруғ-аймоқларининг номлари кўп жиҳатдан ўхшайди.

Андоқ – қишлоқ, Хатирчи тумани (Навоий вилояти), **Андоқсойдан** сув ичади. Қишлоқ илк бор Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон” асарида тилга олинган (13-аср). Баъзи бир фикрларга кўра *андоқ* – “қайир” (ёки адоқ) деган сўз.

Анҳазрат – қишлоқ, Нуробод тумани. *Он Ҳазрат* – ҳазрати олийлари, жаноби олийлари – муқаддас зотларни ёки олий даражали мансабдорларни улуғлаш учун ишлатиладиган ибора.

Арлот – қишлоқ, Иштихон тумани. *Арлот* – Чингизхон ўғли Угедейга тақдим этган тўртта мўғул қабиласидан

биридир. Бу қабила Афғонистоннинг шимолий қисмига ўрнашиб қолган. Мовароуннаҳрда арлотлар кам бўлса ҳам нуфузли қабилалардан ҳисобланган. Арлот қабиласи 92 бовли ўзбек “қавмлари” орасида кўплаб тарихий манбаларда тилга олинган. Қабила *оллот*, *олот* шаклларида ҳам талаффуз қилинган. Қоракўл туманидаги Олот қишлоғи ҳам ўша этнонимдан ном олган.

Афросиёб – Самарқанд шаҳрининг вайронаси. Илгарилари **Ҳисори кўҳна**, **Кўрғони қадим** деб аталар эди. 17–18-асрлардан **Тали Афросиёб** (Афросиёб тепалиги) деб атала бошлади. Халқ уни Фирдавсийнинг “Шохнома”сида тасвирланган ва Рустамга қарши чиққан Турон шоҳи Афросиёб (Фрарасян, Фрасиаб), яъни Алп Эртунга номи инъикосидир дейди.

Бироқ кўпгина олимлар тепаликнинг суғдча номи **Паршавап** бўлган, тожикчада эса Афроз-сиёҳ-об, **Қорасув** яъни “Сиёб устидаги жой” деб аталган ва қисқариб **Афросиёб**, яъни “Сиёб бўйлари” бўлиб кетган.

Аючи – қишлоқ, Пайариқ тумани. Даштиқипчоқ уруғларидан бири *аючи* деб аталган. Парчаланиб ўзбек ва қирғизларнинг таркибига кирган. Масалан, Зарафшон қипчоқларининг *аючи* (аювчи) деган уруғи бўлган.

Бадал – қишлоқ, Самарқанд тумани. Лақай қабиласининг бир тармоғи *бадал* деб аталган. Туркманларнинг ших қабиласи, қозоқларнинг увақ қабиласи таркибида ҳам *бадал*(лар) деган уруғ қайд қилинган.

Бароқ – қишлоқ, Нурота, Иштихон туманлари. Ўзбекларнинг катағон, кўнғирот ўзбек-туркман қабилалари таркибида, шунингдек, қозоқ, қирғиз, туркманлар таркибида *барақ* уруғи қайд қилинган.

Бақалчоқ – қишлоқ, Жомбой, Пайариқ туманлари. Ўзбек қипчоқларнинг бир уруғи *бақалчоқ* (бақалчак) деб аталади.

Бақан – қишлоқ, Иштихон тумани. Этноним бўлиши мумкин. Қирғиз, туркманларда *бақан* уруғи қайд қилинган. Туркий халқларнинг қабила-уруғ номлари кўп жиҳатдан бир-бирларига ўхшайди.

Бойқут – қишлоқ, Нарпай тумани. *Бойқут* деган уруғ бор.

Болдир – қишлоқ, Пастдарғом тумани. Қадимги турк тилида *болдир* – “дўнглик”, “тумшук”. *Болдир* деган этноним ҳам бўлган; масалан, туркманларда *болдир* (балдур, балдурлар) уруғи бор.

Боғизоғон (“Зоғлар боғи”), **Боғибаланд**, **Боғимайдон**, **Боғишамол** – Самарқанд тумани. Амир Темур Самарқанд шаҳрида бунёд этган боғлари ёнида қад кўтарган қишлоқлар.

Бурунсов – қишлоқ, Пастдарғом тумани. Найманларнинг бир уруғи *бурунсов* деб аталган.

Бўри – қишлоқ, Пайариқ тумани. Йирткич ҳайвон – *қашқир* номи билан қишлоқ аталмайди. Зарафшон водийсидаги қипчоқларнинг *бўри* деган уруғи бўлган; шунингдек, қирғизларнинг адигине ва азик қабилалари таркибида ҳам *бўри* уруғи бўлган.

Бўсалоқ – қишлоқ, Иштихон тумани. Ўзбекларнинг семиз қабиласининг бир уруғи *бўсалоқ* деб аталган.

Варқсар – Самарқанд шаҳридан 40 чақирим шимоли-шарқда жойлашган **Работихўжа** қишлоғининг олдинги номи. Араб географларидан Истахрий, Муқаддасий асарларида *Варагсар* шаклида қайд қилинган. *Варқ* (варғ) – суғдийча “тўғон”, *Варқсар* – “тўғон боши”. Бухорода **Варқ** ва **Рас ал-Варқ** деган жойлар бўлган. Рас ал-Варқ ҳам “тўғон боши” демакдир (арабчада *рас* – “бош”, “бош томон” дегани).

Галаботир – этноним. Манғитларнинг Самарқанд атрофларида яшаган 17 та уруғидан бири. Кўнғирот қабиласига кирадиган қорағурсақ уруғининг бир тармоғи ҳам *галаботир* деб аталган. Жомбой, Пастдарғом, Самарқанд туманларида **Галаботир** қишлоқлари бор.

Давлатобод – қишлоқ, Самарқанд тумани. Амир Темурнинг Самарқанд шаҳрида барпо қилган машҳур боғларидан бири *Давлатобод* боғи номи билан аталган.

Жалпақтева – қишлоқ, Ургут тумани. Баъзилар **Ялпоқтепа** деб тўғри талаффуз қиладилар. Шеваларда *тепа* дейиш ўрнига *тева* дейдилар; буни адабий тилга соламан деб *туя* қилиб юборган ҳоллар ҳам учрайди.

Жувонтаёқ – қишлоқ, Иштихон тумани. Қозоқларнинг арғин қабиласи таркибида *жувантаяқ* уруғи қайд қилинган. Қашқадарё вилоятида *ювонтаёқ* уруғи бўлган.

Занжирбоғ – Самарқанд яқинидаги қишлоқ. Араб географлари Самарқанд вилоятининг 12 та рустоқларидан (бўлисларидан) бирини **Санжарфағн** деб атаганлар. В.В.Бартольд Санжарфағн топоними Янгиариқ каналининг ўнг томонидаги **Занжирбоғ** қишлоғи номида сақланиб қолган дейди. Вақф ҳужжатларида ҳам **Санжарвағн** деган жой Занжирбоғ номи билан машҳурдир дейилади. *Санжарвағн* номи икки қисмдан иборат: санскритча *сангарма* – “будда

монастири” ва *фагн* (вагн) – “ибодатхона”. Топоним эволюцияси: сангарма–сангар–санжар–занжир–занжир боғ. Бу номаълум номларни “тилга киритиш” йўлидаги уринишларга бир мисолдир.

Зарафшон – Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари ҳудудидаги дарё. Тарихий манбаларда турли номлар билан аталган. Дастлаб “Авесто” ёдгорликларида **Дайтия** шаклида тилга олинган. Мутахассислар бу номни “хосиятли сув”, “муқаддас сув” деб изоҳлайдилар. Юнонлар Дайтия сўзини таржима қилиб **Политимет** – “кўп хосиятли сув”, “ўта муқаддас сув” деб атаганлар. Суғд тилида дарёнинг **Суғд**, **Жирт**, **Жом**, **Сомжан** номлари ҳам маълум (жан-жон суғдча “кўл”, “сув манбаи”); паҳлавий **Номиқ** (“машхур”, “хосиятли”, “муқаддас”), форс тилидаги манбаларда **Руди Мосаф**, **Руди Шарф** дейилган; арабча манбаларда **Ҳарамком** (арабча *ҳарам* – “муқаддас”, бухороликлар шеvasида *ком* – “дарё”, “арик”), **Водий ус-Суғд**, **Наҳр ул-Бухоро** каби номлари қайд қилинган (арабчада *води* ва *наҳр* – “дарё”). Суғд ҳужжатларида (13-аср бошлари) *зрвп* ёки *зрвпн* шаклида учрайдиган жойни суғдшунослар ҳозирги **Зарафшон** номининг дастлабки қайди бўлиши мумкин дейдилар. “Бобурнома”да **Оби Кўҳак**, кейинроқ **Дарёи Кўҳак** (Кўҳак – Самарқанд шаҳри яқинидаги Чўпонота тепалиги), 18-асрдан – **Зарафшон**.

Дарёнинг ҳозирги номининг маъноси тўғрисида турли фикрлар бор. Чунончи, баъзилар дарё тилла баравар оби ҳаёт келтиргани учун дарё Зарафшон деб аталган дейдилар. Бизнинг фикримизча, **Зарафшон** – “зар сочувчи” дарёдир. Дарё бўйида **Регшўйи**, **Регрез** деган жойлар учрайди.

Зармон – Самарқанд яқинидаги қадимий қишлоқ. Дастлаб Табарий асарида, араб географларидан Истахрий асарида қайд қилинган. 15-асрда қишлоқ (**Зормон**) Хўжа Аҳрорнинг вақфига ўтган. 19-аср охири – 20-аср бошларида **Зармон** кичкинагина қишлоқ эди: 1959 йилги аҳоли рўйхатида Пастдарғом туманида қайд қилинган **Зармон** қишлоғи ўша Зармон эмасмикин? Этимологияси аниқ эмас.

Иштихон – шаҳар, Иштихон тумани маркази. 10-асрдаёқ каттагина шаҳар бўлган, араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида, “Худуд ул-олам”да тилга олинган. Иштихондан Самарқандгача қувурда келтирилган қимизни хон татиб кўрган, “Ичди хон” деганидан Иштихон бўлиб кетган эмиш. Тарихчи

О.И.Смирнованинг фикрича, Иштихон номи суғдча “Саккиз арикли”, “саккиз каналли” маъносини билдиради (ишт-ҳашт – “саккиз”, хон-кан – “канал”).

Камонгарон – қишлоқ, Ургут тумани. “Камон усталари” демақдир.

Касовли – қишлоқ, Иштихон тумани. Қўнғирот ва юз қабилаларининг бир шохобчаси *кесавли* деб аталган (тамғаси косов шаклида бўлган).

Кован – қишлоқ, Пастдарғом тумани. Зарафшон водийсидаги қорақипчоқларнинг бир уруғи *кован* деб аталган.

Кўҳак – Самарқанд яқинидаги *Чупонота* тепалигининг қадимий номи. Дастлаб Истахрий, Ибн Ҳавқал асарларида **Жабали Кўҳак** (“Кўҳак тоғи”) номи билан тилга олинган. Кўҳак – “кичик тоғ”, “тепалик” демақдир. Самарқанд дарвозаларидан бири **Боби Кўҳак** деб аталган. Зарафшон дарёси ўрта асрларда шу тепалик номи билан **Оби Кўҳак** деб аталган.

Лойка – қишлоқ, Булунғур тумани. Тоғ олдиларида сел олиб келган жинслардан ҳосил бўлган майдон *лойқа* дейилади. Қишлоқ **Булунғур** (“лойқа”) канали ёқасида, Лойқа билан Булунғур адаш номлардир.

Миёнкол – Зарафшоннинг икки тармоғи, яъни **Оқдарё** билан **Қорадарё** оралиғидаги обод ҳудуд. Араб географларидан Истахрий, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Баъзан **Миёнколот** деб ҳам аталган: *миён* – “ўрталиқ”, “оралиқ”, *кол* қадимий форс тилида “канал, дарё”, -от арабча кўплик аффикси, топонимияда эса шу жойнинг теваарак-атрофини ҳам билдиради. Қашқадарё билан Амударё оралиғидаги Қарши воҳаси ҳам **Миёнколот** деб аталган. Эрондаги **Миёнколе** ярим ороли номи таркибидаги *коле* компонентини В.И.Савина “ботқоқ босмайдиган баландлик”, “экин экишга тайёрлаб қўйилган ер” деб изоҳлаган. Бундай ерлар **Миёнрудон** ёки **Икки сув ораси** ҳам дейилади.

Минглар – қишлоқ, Иштихон тумани. **Каттаминг** – Каттақўрғон тумани. *Минг (мингли)* – ўзбек миллати таркибига кирган йирик қабилалардан бири. 20-аср бошларигача мингларнинг кўпчилиқ қисми ҳозирги Самарқанд, Жиззах вилоятларида, қисман Фарғона водийсида ҳамда Бухоро воҳасида, тарқоқ ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод туманларида, Хоразмда, Тожикистоннинг Ҳисор воҳасида яшаганлар. Мингларни баъзан *тумон* ёки *тумонминг* деб ҳам атаганлар.

Миср – қишлоқ, Нарпай тумани. Амир Темур Самарқанд атрофида бир неча қишлоқ қуриб, уларни мусулмон мамлакатларининг бош шаҳарлари номлари билан **Бағдод**, **Дамашқ** (Димишқ), **Миср** (Қоҳира), **Шероз** ва **Султония** деб атаган.

Мотрид – Самарқанд яқинидаги қишлоқ. Ўтмишда бу қишлоқ атрофларида самарқандлик бадавлат кишиларнинг дам оладиган боғлари бўлган. Баъзи бировлар Мотридни Амир Темур Испания пойтахти **Мадрид** шаҳри номи билан шундай атаган дейишади. Аслида қадимий қишлоқ: тарихчи Самъаний (12-аср), араб географи Ёқут Ҳамавий асарларида (13-аср боши) **Мотурид** (Матурид) шаклида учрайди. Бобур Мотуридни Самарқанднинг маҳалласи деб атаган. Этимологияси номаълум. Қишлоқ Калом (Қуръон) илми назариячиси Абу Мансур Мотуридийнинг ватани (10-аср).

Нав Зомин (“Янги Зомин”) – қишлоқ, Самарқанд тумани. Абу Саъд Абдалқарим ибн Муҳаммад Самъанийнинг (1166 й. вафот этган) “Китоб ал-ансоб” луғатида Самарқанд яқинида **Зомин** шаҳарчаси тилга олинган. Бу шаҳарча Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон” луғатида ҳам қайд қилинган. **Нав Зомин** қишлоғи ўша Зомин шаҳри яқинида вужудга келган бўлса керак. Жиззах вилоятидаги **Зомин** шаҳарчаси бутунлай бошқа топонимдир.

Ногорахона – қишлоқ, Нарпай тумани. Саройларда мусиқа асбоблари (ноғора, қарнай-сурнай ва бошқалар) сақланадиган ва шу асбобларнинг ижрочиларига махсус ажратилган жой **ногорахона** (наққорахона) дейилган. Саҳнага ўхшаш бир томони очиқ хонада мақомлар ва ҳар хил куйлар ижро этилган.

Оқбуёра – қишлоқ, Самарқанд, Окдарё туманлари, ўзбек қипчоқларнинг *оқбуёра*, қирғизларнинг *оқбуура*, қозоқларнинг *оқбура* уруғлари бўлган.

Оқмановул – қишлоқ, Пастдарғом тумани. *Оқман* (*ақман*) – туркман ва қозоқлар таркибидаги уруғ. Юқоридаги топоним ўзбекларда ҳам *оқман* уруғи бўлганлигини кўрсатади.

Оқчелак – қишлоқ, Пайариқ тумани. *Оқчелак*, *кўкчелак*, *саричелак* – челак уруғининг бўлимлари.

Оққовун – қишлоқ, Булунғур тумани. Туркманларда *оққовун*, *қавунчи*, қорақалпоқларда *қаунчи* уруғлари бор. Ўзбекларда ҳам шундай уруғ бўлганини юқоридаги топонимдан билса бўлади.

Пичоқчи – қишлоқ, Окдарё, Пастдарғом туманлари. Зарафшон водийсидаги қипчоқлар (оқ қипчоқлар)нинг бир уруғи *пичоқчи* деб аталган.

Полвончи – қишлоқ, Пахтачи тумани. Ўзбекларнинг қатағон, лақай қабилалари таркибида, туркманларнинг салор, қозоқларнинг алимули қабилалари таркибида *полвон* (палван) деган уруғ бўлган, *-чи* қўшимчаси кишиларнинг қайси қабила-уруғ вакиллари эканлигини билдиради.

Саранон – қишлоқ, Нарпай тумани. Тожикча *сарона* жон бошидан олинган солиқ; саранон (саронаган) солиқлар. *Сарон* сўзининг “бошлиқлар”, “ҳокимлар” маъноси ҳам бор.

Саҳоба – қишлоқ, Нарпай, Пастдарғом туманлари. *Саҳоба*: 1) Муҳаммад пайғамбарнинг сафдошлари, тарафдорлари; 2) биродарлар, ҳамсухбатлар, дўстлар.

Себистон – қишлоқ, Ургут, Кўшработ, Каттақўрғон туманлари. *Себистон* – “олмазор”.

Севас – қишлоқ, Ургут тумани. Сарой қабиласининг бир уруғи *сивас* (севоз) деб аталган.

Синчи – қишлоқ, Пастдарғом тумани. Отни яхши биладиган киши *синчи* деб аталган. Зарафшон қипчоқларининг *синчи* деган уруғи бўлган.

Соболоқ – қишлоқ, Булунғур, Жомбой туманлари. Қорақалпоқларда *сабалақ* (собалақ) уруғи бўлган; ўзбекларда ҳам шундай уруғ бўлган бўлиши мумкин.

Соқов – қишлоқ, Нарпай тумани. Лақай, қатағон қабилаларида, қирғизларда, қозоқларда *соқов* (сақав) уруғи бўлган.

Сугд, Сугдиёна – Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларини ўз ичига олган тарихий ўлка. Дастан Эрон шоҳи Буюк Дорийнинг миҳхатида (милоддан аввалги 6-аср) тилга олинган. Араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида *Ал-Сугд*, *Сугд* шакларида (син ва сот ҳарфлари билан) қайта-қайта учрайди. Немис шарқшуноси И.Марквартнинг ёзишича, *Сугд* топоними умумэрон тилларига хос *сух* сўзидан олинган бўлиб, “ялтирамоқ, ёнмоқ, нур сочмоқ” деган маънони билдиради. “Ғиёс ул-луғат” ва бошқа луғатларда сув тўпланиб қоладиган пасттекислик *сугд* дейилган. Шарқшунос В.Л.Вяткин келтирган маълумотларга қараганда, маҳаллий халқ суғориладиган унумдор пастлик ерларни *суғуд* деб атаган. Тожикча луғатларда ҳам *суғуд* сўзи “ботқоқ босган паст жой”, “серсув обод жой” деб изоҳланган.

Тали Барзу – Самарқанд шаҳри яқинидаги тепалик. Маъноси “баланд тепалик” ёки “Барзу тепалиги” демакдир. Барзу – Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони қаҳрамонларидан бири, афсонавий паҳлавоннинг набираси (*Барзу* деган исм – “узун бўйли” ёки “мартабали”) демакдир.

Таллак – қишлоқ, Иштихон тумани. *Тал*(л) – тепалик, дўнглик, *-ак* – кичрайтириш аффикси (*талак* – “тепча”).

Тамайрат – қишлоқ, Пайариқ тумани. Ўзбек, қозоқ ва қирғизлар таркибида *тама* қабиласи қайд қилинган. Тама асли мўғул қабиласи бўлиб, Даштиқипчоқ ўзбеклари таркибига қирган ва улар билан Мовароуннаҳрга келган. Қипчоқ ўзбеклари орасида ўйрат қабиласи бўлган. *Тамайрат* топоними *тама* (тома) ва *ўйрат* этнонимларидан ном олган.

Тим – қишлоқ, Нарпай, Пастдарғом туманлари. Ўзбек адабий тилида усти ёпик бозор ёки раста томи *тим* дейилади. Араблар келмасдан олдин Ўрта Осиёда *тим* деганда ҳар қандай бозор тушунилган ва бу сўзнинг “бозор” маъноси сўнгги вақтларгача сақланиб қолган. Бозор қоровулининг *тимбон* дейилиши шундан. Суғд тилида ҳам тим “дўкон”, “савдо биноси” маъносини англатган. Араб сайёҳи Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича (10-аср), Хуросонда *тим* – “карвонсарой” маъносини англатган. Форсча луғатларда ҳам *тим* сўзига “карвонсарой” деб изоҳ берилган.

Тиравул – қишлоқ, Жомбой тумани. Тира (тире) этнографик термин: қабила-уруғнинг кичик бир бўлими *тира* дейилган. Бў сўз кўп ўринларда жой номлари таркибида *тери* деб талаффуз қилинади: **Қоратери**, **Шакартери**.

Тоқ – меъморий термин, “равоқли бино”. Бухоро хонлигида усти ёпилган бозор *тоқ* дейилган. Бухоро шаҳрида **Тоқи телпақфурушон** – “телпақ сотувчилар бозори”, **Тоқи саррофон** – “пул майдаловчилар растаси” бозорлари бўлган. Ўрта асрларда Бухоронинг Кеш (Шахрисабз) дарвозаси яқинида бир маҳалла **Расаттоқ** (арабча – “тоқ боши”) деб аталган.

Тувадоқ – қишлоқ, Қўшработ тумани. Дашти Қипчоқ ўзбеклари таркибида *тувадақ* (тувалок) деган уруғ бўлган. Бу тотем – уруғнинг муқаддас жонивори номидир.

Тўртайғир – қишлоқ, Окдарё, Пастдарғом туманлари. Сарой қабиласининг ва Фарғона қипчоқларининг бир уруғи *тўртайғир*. Шунингдек, қипчоқ ўзбекларида, қозоқ ва қирғизларда *тўрайғир* (тўри(к) айғир) деган уруғ ҳам бор.

Тўқмон – қишлоқ, Окдарё, Иштихон туманлари. Қозоқларнинг байули қабиласининг бир уруғи *тўқман*;

Ўзбекларда ҳам шундай уруғ бўлган. Зомин туманидаги Увол қишлоғида *тўқман* деган уруғ бор.

Украсч – қишлоқ, Самарқанд тумани. Найман қабиласининг бир уруғи *украсч* деб аталган.

Хилбоши – “авлоднинг боши, уруғ бошлиғи” демакдир.

Хонюрти – Самарқанд чеккасидаги Кониғил яқинида бўлган текислик, ўтлоқ. Сиёб суви ёқасида хонларнинг қўниш жойи ҳисобланган. Бобур ёзади: “Бу ўлангдин (Кониғил ўтлоғидан) юқорроқ шарқи жануб сари яна бир ўланг воқий бўлубтур: Хонюртига мавсум. Самарқанднинг шарқидур. Самарқандтин бир йиғоч бўлғай. Хонюртида бу Қорасув (Сиёб) андоқ юққоридин эврулуб келатурким, ичида бир ўрду, яъни хон қароргоҳи тушгунча (сиғадиган) ер бўлғай”. Нурота тоғларида ҳам **Хонюрти** деган яйлов бўлган. Бу яйловда Амир Темур даврида салтанат йилқилари боқилган.

Чирик – қишлоқ, Каттакўрғон тумани. Қипчоқ ўзбеклари, қирғизларда *чирик* ёки *черик* деган уруғ бўлган. Мўғул тилида *черик* (чирик) – “кўшин”, лашкар деган сўз.

Чубат – қишлоқ, Булунғур; Самарқанд туманлари. Қипчоқ ўзбекларнинг *чубат* (чуват) деган уруғи бўлган.

Чураш – қишлоқ, Пайариқ тумани, шу туманда Пайариқдан сув оладиган ариқ **Чурашариқ** дейилади. Зарафшон водийсидаги Қипчоқ ўзбекларнинг бир уруғи *чураш* деб аталган.

Шовдор – Самарқанд яқинидаги тоғнинг қадимги номи. Кейинги асрларда махсус вилоят-Шовдор тумани бўлган. Дастлаб ибн Хавқал асарида **Савдор** шаклида тилга олинган. Тўғриси **Шовдор**: суғдча *шов* – қора, *дор* – сланец тош. Ўрта Осиёда кварц, оҳактош, оқ мрамар каби оқиш тошлардан иборат тоғлар **Оқтоғ** (Оқтов); сланец, порфирит каби қорамтир тошлардан тузилган тоғлар **Қоратоғ** (Қоратов) дейилади. Демак, **Шовдор** Самарқанд яқинидаги Қоратоғнинг суғдийча номидир.

Элатан – қишлоқ, Жомбой туманида шу номли икки қишлоқ бор. Қипчоқ қирғиз ва ўзбекларининг *элатан* деган уруғи бор.

Ўникки – қишлоқ, Пайариқ тумани. Манғит қабиласининг бир уруғи *ўникки* деб аталган.

Ўтарчи – қишлоқ, Иштихон, Окдарё, Нуробод туманлари. Даштиқипчоқ ўзбекларидан бўлган *ўтарчи* қабиласи 15–16-асрларда Мовароуннаҳрга келиб, Фарғона водийси,

Зарафшон воҳасида тарқоқ ҳолда яшаган. *Ўтарчи* – “вақтинча яшовчи” (кўчманчи) демакдир.

Қабоб – Самарқанд шахрининг ўрта асрлардаги гузарларидан бири. *Қабоб* (арабча) – қубба “гумбаз” сўзининг кўплигидир.

Қайчили – қишлоқ, Иштихон тумани. Қўнғирот қабиласининг бир уруғи *қайчили* деб аталган (уруғнинг тамғаси қайчи шаклида бўлган). Қозоқларнинг жалайир, қорақалпоқларнинг қтай қабилалари таркибида ҳам *қайчили* (қайшили) уруғи қайд қилинган.

Қалмоқ – қишлоқ, Пастдарғом тумани. Ўзбекистонда қалмоқ этнонимидан ном олган топонимлар кўп. Ўрта Осиёдаги қалмоқларнинг ўрта асрларда Мовароуннаҳрга бир неча марта бостириб келган уйрот-қалмоқларга ҳеч алоқаси йўқ. Қалмоқлар Дашти Қипчоқ ўзбекларидан олдин Мовароуннаҳрда яшаганлар ва туркийлашган мўғул қабилаларининг авлодлари бўлса керак. Қалмоқ қабиласи 92 бовли ўзбек “қавмлари”нинг деярли ҳамма “рўйхатлари”да тилга олинган. *Қалмоқ* сўзи мўғул тилидаги халимаг сўзидан келиб чиққан ва “курама”, “қурок” маъносини англатади.

Қанжигали – қишлоқ, Иштихон тумани. *Қанжигали* ўзбекларнинг қўнғирот, сарой ва хитой-қипчоқ қабилаларининг бир уруғи; қозоқларда, туркманларда ҳам *қанжигали* уруғи қайд қилинган. Республикада шу уруғ номи билан аталган қишлоқ кўп.

Қантаратун журд – Самарқанд яқинида Суғд дарёсига (Зарафшон) қурилган кўприк. Чўпонота яқинида бўлган. Дастлаб Ибн Ҳавқал асарига қайд қилинган. *Қантар* (арабча) шу ўринда – “кўприк”, **Қантаратун журд** – “чуқур кўприк”.

Қармиш – қишлоқ, Тойлоқ тумани. Ўзбекларнинг лақай қабиласи, бошқирд, қирғиз, қозоқлар таркибида *қармиш* уруғи бўлган.

Қиличли – қишлоқ, Каттақўрғон тумани. Этноним. Туркман ва озарбайжонларда *қилич*, қирғизларда *қиличтамга*, қорақалпоқларда *қилишли* деган уруғ бўлган. Ўзбекларда ҳам шундай уруғ бўлиши керак.

Қоракесак – қишлоқ, Булунғур, Жомбой, Пайарик туманлари. Қипчоқ ўзбеклари қорақипчоқ уруғининг *қоракесак* тармоғи бўлган, қозоқлар (алимули, арғин, қўнғирот қабилалари) таркибида *қоракесек* уруғи қайд қилинган. *Кесак* (кесек) – умумтуркий этноним. Қирғизларда *кесек* ва *жўй кесек*, ўзбекларнинг тўёқли қабиласида

муллакесак ва *мирзакесак*, бошқирдларнинг *кесе* уруғи бўлган. *Кесе(к)* этноними – “уруғнинг бўлинган, кесилган қисми” маъносидаги қадимий туркий сўз – *кесей* сўзидан келиб чиққан.

Қоратери – қишлоқ, Окдарё тумани. Катағон қабиласи таркибида *қоратери* уруғи бўлган, тери сўзи асли *тира* бўлиб, “уруғнинг кичик бир шохобчаси” демакдир.

Қорача – этноним; ўзбекларнинг қирқ, катағон, лақай, сарой қабилалари таркибидаги уруғ. Иштихон, Нарпай туманларида **Қорача** қишлоқлари бор.

Қулжомон – қишлоқ, Иштихон тумани. Жиззах вилоятидаги Зомин туманида ҳам шундай қишлоқ бор. Ўзбек қипчоқларнинг бир уруғи *қулжомон* деб аталган.

Қуралас – қишлоқ, Булунғур, Кўшработ туманлари. Дашти Қипчоқ ўзбеклари таркибида *қуралас*, *қуралаш*, *гўралас* уруғи бўлган.

Ғалчақишлоқ – қишлоқ, Тойлоқ тумани. *Ғалча* дегани тил билмайдиган, бошқа тилни тушунмайдиган киши, чурчут. Аслида *галча* деганда Тожикистоннинг тоғли қисмлари – Яғноб дарёси бўйида ва Помирда яшаб келган яғнобилар ва помирликлар тушунилган, чунки уларнинг тиллари тожик тилидан фарқ қилади; бу тоғлик тожикларни туркий тилларни билишмагани учун *галча* деб аташган (Ғалча асли *гарча* бўлиб, суғд-яғноб тилларида “тоғлик” демакдир).

Ғиждувон – қишлоқ, Ургут тумани. Қишлоқни Ғиждувон шаҳридан кўчиб келган кишилар бунёд этган бўлиши мумкин.

Ғиндувон – қишлоқ, Самарқанд тумани. Тарихчи В.Л.Вяткин Ғиндувон номли қишлоқлар Ўрта Осиёда анчагина учрайди деб ёзган. *Ғиндувон* – “ҳиндилар” демакдир. Самарқанд вилоятидаги Ғиндувон қишлоқларида Амир Темур Ғиндистондан асирга олиб келган ҳиндилар яшаган дейишади. В.В.Бартольд ҳиндилар Бухорода будда дини тарқалмасдан олдиноқ яшаган бўлишлари мумкин дейди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Сирдарё вилояти шимолдан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилояти билан чегарадош. Таркибида 8 туман (Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё, Ховос), 5 шаҳар (Гулистон, Сирдарё, Ширин, Бахт, Янгиер), 6 шаҳарча (Боёвут, Дехқонобод, Дўстлик, Пахтаобод, Сайхун, Ховос) бор. Маркази – Гулистон ш.

Рельефи, асосан, тўлқинсимон текислик бўлиб, жанубдан шимоли-ғарбга пасайиб боради, Мирзачўлнинг бир қисми вилоят ҳудудига киради. Шарқда кенг Сирдарё водийси жойлашган. **Шўрўзак, Мирзаработ, Сардоба** каби ботиклар мавжуд. Текислик қисми дарёлар оқизиб келтирган ётқизиклардан ҳосил бўлган, баъзи жойларини кўл, ботқоқ ва шўрхоқ ерлар эгаллаган. Вилоятда каналлар, зовурлар қазилиб, чўл ўзлаштирилди ва экин майдонларига айлантирилди. Текислик қисмида ирригация иншоотлари қурилиб, пахтазор, боғ ва тоқзорлар барпо қилинди. Адирлар лалмикор ерлар ва яйловлардан иборат.

Сирдарё вилояти табиий географик ҳолати ва топонимиясига кўра бошқа вилоятлардан катта фарқ қилади – вилоят ҳудудига бошдан-оёқ текис чўл табиати ҳукмрон, бинобарин тоғу тошлар йўқ, сув объектлари кам, бунинг оқибатида топонимлар ҳам кўп эмас; борлари ҳам лексик жиҳатдан ранг-баранг эмас. Рельеф текис бўлса, табиий чегаралар бўлмаса, топоним ҳам кам бўлади. Оқибатда **Гулистон, Зарбдор, Иждокор, Илғор, Навбахор, Оқолтин, Пахтазор, Пахтакор, Пахтаобод, Пахтачун, Пахтачи, Пиллакор, Шоликор, Янгибўстон, Янгитурмуш, Янгиҳаёт, Ғалаба, Ҳақиқат** каби ҳамма ерда “байроқ” қилиб олинган номлар кўпайиб кетган.

Мирзачўлни ўзлаштиришда бутун республика иштирок этган. Буни вилоят ҳудудига **Андижон, Зомин, Наманган,**

Нурота, Сангзор, Фарғона, Қорақишлоқ (Ўснат) каби топонимлардан билса ҳам бўлади.

Вилоятда **Боёвут, Жўлангар, Мирзачўл, Сардоба, Совот, Ховос, Хўжамушкент, Шўразак** каби ҳудуд учун характерли номлар ҳам йўқ эмас. Вилоят географик номлари орасида этнотопонимлар ҳам учрайди: **Миришкор, Мўғул, Найман, Парчаюз, Пучуғой, Сиргали, Увоқ** каби ўзбек уруғ-аймоқлари номлари билан аталган аҳоли пунктлари баробарида **Тожиқовул, Турқовул** каби бошқа қардош халқлар вакиллари ватан тутган қишлоқ-овулар ҳам бор. Ўзбек халқининг маълуму машҳур фарзандларидан **Навий, Феруз, Ҳамза, Ҳамид Олимжон** номлари вилоят харитасини безаб турибди.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Андижон – қишлоқ, Оқолтин тумани. Андижонликлар бунёд этган қишлоқ.

Боёвут – қишлоқ, Боёвут тумани. Боёвут – қадимги мўғул қабилаларидан бири. Шунингдек, *боёвут* 92 бовли ўзбек уруғларидан бири сифатида, чунончи, 16-асрдаёқ Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг “Мажму ат-таворих” асарида қайд қилинган. Юз қабиласининг бир уруғи ҳам *боёвут* деб аталган. Боёвут мўғул тилида “бойлар” демакдир. Боёвут туркий халқлар таркибидаги *бой, бойдор, бойлар, боёт* каби этнонимлар билан генетик жиҳатдан бирдир.

Жўлангар – қишлоқ, Ховос тумани. *Жуи лангар: жў, жўй* – ариқ; *лангар* – қарвон-сарой, ғарибхона; **Жўлангар** – “ғарибхона ёнидан ўтадиган ариқ”.

Малик – қишлоқ, Сирдарё тумани. Малик номи *чўли малик* – “бепоён чўл”, “Катта чўл”, “Султонлик чўл” каби маъноларни англатган.

Мирзачўл – Ўрта Осиёдаги текислик (Ўзбекистон Республикасининг Сирдарё, Жиззах вилоятлари, Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон вилояти, Тожикистоннинг Зафаробод тумани). 16-асрга қадар бу ҳудуд **Чиноз–Жиззах** чўли ёки **Жиззах–Чиноз** чўли деб аталган. 16-асрда Бухоро хони Абдуллахон ободончилик ишларини авж олдириган, Чиноз билан Жиззах орасидаги чўлда қарвонсаройлар – равоглар (жумладан, Мирзаработ), масжидлар, сардобалар қурдирган, Туятортар каналини қаздириб, чўлнинг жанубий ва марказий қисмида катта

майдонларга сув чиқарган, оқибатда чўлда дехқончилик бирмунча ривож топган ва ирригация иншоотлари қад кўтарган. 16-аср охиридан халқ хон-мирзоларнинг хизматларини инобатга олиб, **Мирзанинг чўли** – **Мирзачўл** деб атай бошлайди. Мирзо Улуғбекнинг ободончилик ишлари туфайли Чиноз–Жиззах чўли Мирзачўл деб аталган деган фикр ҳам бор.

Миришкор – қишлоқ, Боёвут тумани. *Миришкор, меришкор, мурушкор* – ўзбек миллати таркибига кирган ижтимоий гуруҳ. Бу ўринда *миришкор* сўзи чўлни ўзлаштиришда “ўз ишининг устаси”, “моҳир пахтакор” маъносида бўлса керак.

Нурота – қишлоқ, Сайхунобод тумани. Нурота туманидан кўчиб келганлар бунёд этган қишлоқ.

Пучугой – қишлоқ, Ховос тумани. *Пучугой* кипчоқларнинг бир уруғи.

Сайхунобод – қишлоқ, Сайхунобод тумани маркази. Қишлоқ номи Сирдарёнинг арабча номи **Сайхун** сўзидан олинган.

Сирдарё – Ўрта Осиёдаги энг катта дарёлардан бири. Вилоят худудидан оқиб ўтади. Сирдарё гидронимининг келиб чиқиши ҳақида китобнинг юқорироқ қисмида сўз боради.

Совот – қишлоқ, Ховос тумани. Тарихий қишлоқ. Катта қарвон йўли устида бўлган, дастлаб араб географларидан Ибн Ҳавқал, Муқаддасий, Истахрий асарларида **Собот** шаклида тилга олинган. *Собот* аслида Себат шаклида талаффуз этилган. У “ём”, “қарвонсарой”, “бекат” демакдир.

Табор – қишлоқ, Боёвут тумани. Форсча *табор* – “бирга кўчиб юрадиган лўлилар тўдаси ва уларнинг кўч-кўрони, шунингдек, уларнинг қўнган жойи” дегани. Бу ерда чўлни ўзлаштириш учун кўчиб келган “чўлқуварлар” маскан тутган жой маъносида бўлса керак.

Тўқбой – қишлоқ, Ховос тумани. *Тўқбой* – юз қабиласининг бир уруғи.

Увоқ – қишлоқ, Ховос тумани. *Увоқ* (увақ) – ўзбеклар, қозоқлар таркибидаги уруғ. Увоқ – “ушоқ”, “уруғнинг бир парчаси”.

Усмонобод – қишлоқ, Боёвут тумани. Машҳур давлат арбоби Усмон Юсупов (1900–1966) номига қўйилган қишлоқ; У.Юсупов шу тумандаги “Боёвут” хўжалигида бир неча йил директор бўлиб ишлаган.

Фарғона – қишлоқ, Оқолтин тумани. Фарғонадан келганлар обод қилган қишлоқ.

Шерхона – қишлоқ, Боёвут тумани. Бу топонимнинг шер (арслон)га алоқаси йўқ. *Шерхона* – этнотопоним: ўзбекларнинг *сарой*, *тоғчи* ва бошқа қабила-уруғлари таркибида *шер*, *шербачча*, *шертўпи*, *шердан туган* (шердан тарқалган) деган этник шохобчалар бўлган. **Шерхона** “шер уруғи вакиллари яшайдиган қишлоқ” дегани.

Шўрўзак – қишлоқ, Сайхунобод тумани. *Ўзак* – жарликдаги жилға (*ўзак ўкуз+ак* “дарёча” сўзининг ўзгаришидан пайдо бўлган). Мирзачўлда ўзак сув жилдирабгина оқиб ётган жилға, **шўрўзак** – шўр сувли жилғача.

Қорақишлоқ – қишлоқ, Боёвут, Оқолтин туманлари. Собиқ Қорақишлоқ (ҳозирги Бахмал) туманидан кўчиб келган кишилар қишлоқни шундай аташган. Деярли барча туркий халқлар таркибида, масалан, кўнгирот қабиласи таркибида *қора* уруғи бўлган. Таркибида *қора* сифати учрайдиган туркий этнонимлар сони 300 дан ошади. **Қорақишлоқ** – “қора уруғи вакиллари яшайдиган қишлоқ”.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Вилоят республиканинг жануби-шарқида, Сурхон-Шеробод водийсида жойлашган. Жанубдан Амударё бўйлаб Афғонистон, шимол, шимоли-шарқ ва шарқдан Тожикистон, жануби-ғарбдан Туркменистон, шимоли-ғарбдан Қашқадарё вилояти билан чегарадош.

Таркибида 14 қишлоқ тумани (Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон), 8 шаҳар (Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон), 7 шаҳарча (Ангор, Дўстлик, Какайди, Сариосиё, Сарик, Элбаён бекати, Хуррият) бор. Маркази – Термиз шаҳри.

Рельефи шимолдан жанубга пасайиб ва кенгайиб борадиган текисликдан иборат. Лекин, тоғлардан оқиб тушадиган кўпдан-кўп дарё ва сойлар ўнқир-чўнқирлар, жарлар ҳосил қилган. Сурхондарё ва Шерободдарё оқиб ўтадиган бу текислик шимол, ғарб ва шарқдан баланд **Ҳисор тизмаси** ва унинг тармоқлари (**Бойсунтоғ**, **Кўхитантоғ**, **Боботоғ**) билан ўралган. Тоғлар билан текислик орасида адир ва тоғ олди зонаси жойлашган. **Сурхон-Шеробод** текислиги кенг пахтазорлар, боғ-токзорлардан иборат.

Вилоятнинг асосий сув манбалари – **Сурхондарё** ва **Шерободдарё** ҳамда уларнинг **Қоратоғдарё**, **Тўполондарё**, **Сангардақдарё**, **Хўжайпоқ** каби ирмоқларидир. Сурхондарё Термиз шаҳри яқинида Амударёга қуйилади.

Сурхондарё вилояти ҳудуди **Ўрта Осиё**даги қадимги маданият марказларидан биридир. **Ўрта асрларда Чағониён** (арабча манбаларда Сағониён) вилоятнинг тарихий ўзаги ҳисобланган. Араб географи Муқаддасий (10-аср) маълумотларига кўра, Сағониёнда 16 мингта яқин қишлоқ бўлган, шаҳарлари эса кўлами жиҳатидан Панж билан Вахш дарёлари оралиғидаги Хуттал (Хутталон) вилояти шаҳарлари кўламидангина қолишар эди.

Тарихий вилоятнинг бош шаҳри **Чағониён** (Сағониён) деб аталган ва майдони жиҳатидан Термиздан катта бўлган (Чағониён ҳозирги Денов шаҳри яқинида бўлган, Денов шаҳри номи Амир Темур тарихи – Шараффулдин Али Яздийнинг “Зафарнома”сидан бошлаб учрай бошлайди; Денов асли **Деҳи нав** – “янги қишлоқ”).

Вилоятнинг тарихий ойконимлари орасида, умуман Ўзбекистон топонимлари орасида **Термиз** номи қадимийлиги ва жумбоқлиги жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. Тарихчи Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Термиз Искандар Зулқарнайн томонидан қурилган ва дастлаб Тарамастҳа (бактрийча – “нариги соҳилдаги манзил”) деб аталган. Термиз юнонча *термос* – “иссик” сўзидан олинган деган фикр ҳам бор. Шу билан бирга Термиз шаҳри номи асрлар давомида **Тармад**, **Термед**, **Тармид**, **Термид**, **Тармиз**, **Тирмиз**, ҳатто **Домат** шаклларида ёзиб келинган; Европа халқлари манбаларида **Александрия**, **Демитрас**, **Евкровтедияний** деб аталган. Шарқ манбаларида эса шаҳарнинг номи **Мадинаг ур-Рижол**, яъни “мардлар шаҳри” тарзида учрайди.

Шундай қилиб, шаҳар ўз номларининг сони жиҳатидан дунёдаги ҳар қандай маълум ва машҳур шаҳарлардан қолишмайди.

Бир қанча ҳолларда ойконим билан гидронимни фарқ қилиб бўлмади, чунки, шаҳар-қишлоқлар сув манбалари ёқасида бунёд этилади. Ороним билан ойконим ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Масалан, **Қизирик**, **Қумқўрғон**, **Жарқўрғон**, **Бойсун** туманларида **Оқжар** деган қишлоқлар **Оқжар** номли жарлик ёнида пайдо бўлган. **Оқтоғ**, **Оқтепа**, **Боботоғ** қишлоқлари худди шундай аталадиган тепалик-тоғлар яқинида эканлигидан шундай ном олган. **Оқарбулоқ** қишлоқлари (Денов, Олтинсой туманлари) “суви тўхтовсиз оқиб турадиган” маъносидаги булоқдан ном олган, бошқа бир ерларда бундай гидронимлар қисқариб **Оқбулоқ** бўлиб кетган.

Жанубий Ўзбекистон учун хос бўлган географик терминлардан *қапчиғай* – “кўпинча сув оқиб ётадиган тор дара” терминидир; Қумқўрғон туманида **Оққапчиғай**, **Бойсун** ва Қумқўрғон туманларидаги **Қапчиғай** (Қапчуғай) қишлоқлари тор танги ёнида бўлганидан шундай ном олган.

Ангор, Қизирик туманларида **Кунчиқар**, **Кунчиқиш** деган қишлоқлар номи соф туркий сўз бўлиб, арабча *шаҳ* термини ўрнида ишлатилган. **Бойсун** ва **Олтинсой** туманларидаги **Дуғоба** қишлоқлари *Ду+об(а)* – “икки сув кўшилган жой”да пайдо бўлган қишлоқлар.

Ангор туманидаги **Ангор** қишлоғи ва **Ангор** мавзеси номларининг этимологияси ҳақида икки хил фикр бор. Одатда буғдой, арпа каби экинлар ўриб олингандан кейин қолган пояси шеваларда *ангор*, адабий тилда *ангиз* дейилади. Ангор қишлоғи номи ана шу билан боғлиқдир. Топонимист Т.Нафасовнинг фикрича бу топоним форсча *ангор* сўзидан эмас, балки “сув йўли”, “канал” маъносидаги *анҳор* сўзидан олинган.

Лекин бирон ёзма манбада бу ҳақда маълумот учрамайди. **Газа**, **Газарак** қишлоқлари (**Бойсун**, **Сариосиё** туманлари) Ўзбекистон жанубидаги тоғли худудларда учрайдиган *газа* (“тоғ қирраси”) термини маҳсулидир (**Газарак** – **Газа+роҳ** “тоғ қиррасидан ўтган йўл” бўлиши мумкин).

Қизилновур (**Бойсун** тумани), **Новур** (**Қизирик** тумани) қишлоқлари тоғ ёнбағирларидаги қия сойликларда йиғилиб қолган тошлар уюми – *новур* термини билан аталган.

Таллимарон (**Ангор**, **Музработ** туманлари), **Таллашқон** қишлоқлари (**Шеробод**, **Қизирик** туманлари) *талл* (“тепа”, “тепалик”) терминидан таркиб топган. Шўрчи туманидаги 2 та қишлоқ **Култепа** деб аталади; одатда қишлоқда кул

тўкиладиган жой *култепа* дейилади. Лекин, топонимияда *култепа* деганда “вайрона”, “хароба”, “чолдевор”, “тўрткўл” (асли тўрткил – “тўрт бурчак”) тушунилади. Олтинсой қишлоғида *Куявсув* деган ариқ ва қишлоқ бор. Турли жойларда *Жиндибулоқ*, *Эркаксув*, *Хотинсув*, *Ҳангисув* каби гидронимлар учрайди. Булар мажозий, метафорик, ўхшатма номлардир, масалан, *хотинсув* деганда тошмайдиган, баъзан ерга сингиб кетадиган кам сувли ариқ тушунилади; *куёвсув* ҳам ошиб тошмайдиган, “ийманибгина” оқадиган сой-жилғадир. **Шаршар** – “шаршара” (Денов тумани), **Чеп** – “ғов”, “тўсик” (Олтинсой тумани), **Дам** – “суви дамланиб, яхши оқмайдиган” (Жарқўрғон тумани) каби оддий географик терминдан иборат гидронимлар, айтилиш вақтида ойконимлар ҳам учрайди.

Сариосиё туманида *Дарагистон* деган қишлоқ бор. Бу ойконимни Т.Нафасов *дарак*, яъни “арикнинг бир қанча қулоққа бўлинадиган жойи” деб изоҳлайди. Эҳтимол, бу асли *Дарагистон* – *Дарахтистон*, яъни “сердарахт” деган маънода ҳам бўлиши мумкин.

Этнотопонимлардан **Араб**, **Арғин**, **Ачамайли**, **Гидамбоп** (Гидамбов), **Жалойир**, **Қурама**, **Санчигил**, **Токчи**, **Токчиён**, **Тароқли**, **Тортувчи**, **Тўда**, **Уяс**, **Хидиршо**, **Хитой**, **Хитоён**, **Чигатой** каби қишлоқ номларини айтиб ўтиш мумкин. Денов туманидаги **Муқимий** қишлоғи номи ҳақида икки оғиз сўз. Бу қишлоқнинг машҳур ўзбек демократ шоири **Муқимий** (1850–1903 йиллар) номига алоқаси йўқ. Ўзбек уруғлари орасида *муқими* уруғи бўлган (туркманларда *муқум* уруғи бор); вилоятда **Ойбек**, **Ойбектўп** деган этнотопонимлар ҳам бор. Сурхондарё вилоятида қўшни Қашқадарё вилоятидагига нисбатан этнотопонимлар анча кам.

“Соф” оронимлардан бир нечасини айтиб ўтайлик (жойни кўп олмаслик учун “адрес”ини айтиб ўтирмаймиз): **Ақбойкалон** – “қатта довон”, **Биоб** – беоб – “сувсиз”, **Даралитов** – “дараси кўп тоғ”, **Дўлтахона** – “дўлта бўри-сиртлон кўп жой”, **Жайранхона** – “жайран кўп жой”, **Етимтоғ** – “якка турган пастак тоғ”, **Наврўзго** – “ҳамиша наврўз”, **Олатоғ**, **Отчовар** – “отчопар”, **Оқтоғ**, **Сувсизтоғ**, **Такасакир** – “така – тоғ эчкиси сакраб юрадиган тоғ”, **Тангидувол** – “тор дара”, **Учўчоқ** – “уч чўққи”, **Харкуш** – “эшак ўлган” ёки “эшак ўлдирилган” (довон), **Яхтоғ** – “муз тоғ”.

“Соф” гидронимлардан мисоллар келтирайлик: **Айғиркўл** – “қатта кўл”, **Анорбулоқ**, **Арғамчисой** – “арқондай эгри-

бугри чўзилган сой”, Дивлоқ (Девлох) – дев кўп жой ёки “яйловли қишлоқ”, Ирғайли – “ирғай бутаси кўп сойлик”, Кункўрмас – “офтоб тушмайдиган сой”, Кўксой, Кўркудук – “суви қуриб қоладиган қудук”, Обиферуза – “зилол сувли сой”, Ойкўл – “катта кўл”, Танги – “тор дара”дан ўтган сой”, Туробсой – “тошсиз ердан оқадиган сой”, Тераксой, Толдибулоқ, Томчисой – “томчилабгина қоядан тушадиган сув”, Тузлоккўл – “тузли кўл”, Қайрағочсой, Қайроқсой – “қайроқ тошли сой”, Қашқабулоқ – “зилол сувли тоғ булоғи”, Қизилсув ва бошқалар.

Ойконимларни ҳисобга олмаганда оронимлар ва гидронимлар русча топографик хариталардан транскрипция қилиб олинган; кўпгина ҳолларда бундай хариталардаги ёзувлар топонимларнинг маҳаллий миллий аслиятларидан фарқ қилади. Ҳар қандай бўлганда ҳам Сурхондарё вилоятида туркий тиллар ёрдамида тушуниш мумкин бўлган топонимлар бошқа вилоятлардагига қараганда анча кам.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Бахшитепа – қишлоқ, Шўрчи тумани. *Бахши* сўзи санскритча – “Будда қаландари” демакдир. Бу сўз турли даврларда турли жойларда “мирзо, котиб, катта амалдор, ноиб, жарроҳ, нозир, овчи” маъноларини англатган. Ҳозирги ўзбек тилида бахши: 1) бадиҳагўй оқин; 2) эмчи, шаман, сеҳргар.

Бодава – қишлоқ, Денов тумани. Бодҳаво – “сершамол ҳаво”; бадҳаво – “ҳавоси ёмон”, “ҳавоси ёқимсиз”.

Бойбўри – қишлоқ, Сурхондарё тумани. “Алпомиш” достони қаҳрамонларидан бири *Бойбўри* номи билан боғлиқ бўлса керак. *Бойбўри* асли уруғ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қирғизларда *бойбўре*, қозоқ ва қорақалпоқларда *бойбура* уруғи бўлган.

Гилямбоп – қишлоқ, Ангор тумани. Гилямбоф – “гилям тўқувчи”, “гилямчи” демакдир. Ўзбекларда *гилямбобли* деган уруғ қайд қилинган. Бу ерда *бобли* қўшимчаси тожикча *боф* сўзидан эмас, балки туркий *бов* – “қавм”, “уруғ”, “авлод” сўзидандир. Этноним таркибидаги гилям сўзи “палос” маъносидаги форсча *гилем* сўзидан бошқа қандайдир туркий калима бўлса керак. Чунки, туркий халқлар этнонимлари аксари қадимий турк сўзларидан таркиб топган.

Гуртак – қишлоқ, Шеробод тумани. Дўрмон қабиласининг бир уруғи *гуртак* (гурдак), туркманларнинг хатаб қабиласининг бир уруғи *гурдек* деб аталган.

Дашнобот – қишлоқ, Сариосиё тумани. Этнограф Б.Х.Кармишева қадимги қирғиз қабилалари орасида *набат* қабиласи бўлганлигини ва бу ном тарихий манбаларда **Даштинабат** шаклида қайд қилинганлиги ҳамда шу теваарак-атрофда **Даштикалтатой** ва **Туркмандашт** деган жойлар ўша ерда яшаган қабилалар номлари билан аталганлигини ҳисобга олиб, **Даштинабат** *набат* деган қирғиз қабиласи номи билан аталган деб ҳисоблайди. Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида ҳам **Дашнобот** деган қишлоқ бор.

Денов – шаҳри, Денов тумани маркази. Дастлаб Амир Темур тарихида тилга олинган. Бобур замонида **Чағониён** деб ҳам аталган. *Деҳи нав* – “янги қишлоқ”. Яна қаранг **Чағониён**.

Десурх – қишлоқ, Сариосиё тумани. Форсча *сурх* – “қизил” дегани. Тўғриси: эрсари қабиласи таркибида *сурх* (сурхи) уруғи бўлган, *де* – “қишлоқ”.

Диболо – қишлоқ, Сариосиё тумани. Тўғриси **Деҳи боло** – “баланд қишлоқ, “тепаликдаги қишлоқ”.

Диллакўл – Термиз туманидаги кўл. *Дилла* – сувда ўсадиган ўсимлик.

Дуғоба – қишлоқ, Бойсун, Олтинсой туманлари. **Дуғоба** – **Дуоб**, **Дуоба** – “икки сув кўшилган жой” топонимининг талаффуз шакли.

Етимшоҳ – қишлоқ, Жарқўрғон тумани. *Етимшоҳ*, *етимлар* – бир қанча уруғларнинг кичик тармоғи.

Кучуктепа – Термиз шаҳри яқинидаги тепалик. Кўҳитангтоғ этагида. **Кучук** – “кичик, кичкина” демакдир.

Лағмон – қишлоқ, Жарқўрғон тумани. Қарши туманида, Афғонистонда ҳам **Лағмон** деган жойлар бор. Бу номнинг ҳамирли таомга ҳеч алоқаси йўқ. Афғонистондаги **Лағмон** “Худуд ул-олам”да **Ламғон**, “Бобурнома”да **Ламғон**, **Ламғонот** шаклларида тилга олинган. *Лағм* – туннель, коризнинг ер тагидаги горизонтал ариғи, лағм, *-он* кўплик аффикси.

Музработ – қишлоқ, Музработ туманида. Қарши шаҳрида **Бузработ** маҳалласи бор. Ўшанга асосланиб топонимист Т.Нафасов Музработ “катта работ” маъносидаги **Бузург работ** топонимининг ўзгарган шаклидир дейди.

Мумлайхона – қоя, Шеробод тумани. **Мумлайхона** – “мумиёхона” (мумиё кўп жой) демақдир (шеваларда мумиёни *мумлай* дейишади).

Нилоба – қишлоқ, Сариосиё тумани. Тўғриси **Нилоби**, яъни “кўк зангори” демақдир. Нилоби (нилоба) асли сув номи “кўксув”.

Обишир – қишлоқ, Шўрчи тумани. Форсча “сутга ўхшаган оқ рангли сув” маъносида. **Сутлибулоқ**, **Сутбулоқ** деган жойлар бор. *Обишор* эса – шаршара.

Оқлар (Юқори Оқлар, Пастки Оқлар) – қишлоқ, Денов тумани. *Оқлар* – этноним, масалан, туркманларнинг эрсари қабиласи таркибида *оқлар* деган уруғ бор. Умуман *оқ* туркий халқларнинг уруғ-аймоқлари номлари таркибида тахминан 200 марта, *қора* сифати эса камида 300 марта такрорланади (оқ манғит – қора манғит, оқ қабақ – қора қабақ ва б); *-лар* кўшимчаси бўлса фақат кишилар жамоасини билдиради.

Оқтупроқ – қишлоқ, Бойсун тумани. Каолин (чиннигил), бўр каби оқ тоғ жинслари *оқ тупроқ* (оқтупроқ) дейилган. Геолог Р.А.Мусин **Оқтупроқ** деган ерларда олтин бўлади деб ҳисоблайди.

Пасурхи – қишлоқ, Бойсун тумани. Баъзилар бу номни “қизил дўнгнинг орқа томони” деб изоҳлайдилар. Тўғриси – **Паст Сурхи** (Куйи Сурхи) бўлса керак: *сурх* (сурхи) – туркман уруғи.

Патас – қишлоқ, Бойсун тумани. Жилон тамғали (илон тамғали) қабиласининг бир уруғи *патас* (потос) деб аталган.

Пашшахона – Бойсун туманидаги сойлик. Пашша кўп бўлганидан шундай ном олган.

Пудинали – қишлоқ, Бойсун тумани. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир қанча жойларида ялпиз – *пидана* (тожикча талаффузда – пудина) дейилади.

Пунҳаким – қишлоқ, Бойсун тумани. Асли **Пули хоким** – “тупроқ кўприк”.

Сайроб – қишлоқ, Бойсун тумани. Буни тожикча *сари об* – “сув боши”, “дарёнинг бош томони” деб изоҳлаш мумкин. Т.Нафасов *сайроб* билан *сайрам* бир сўзнинг фонетик шакллари деган дейди: икки сувнинг орасида тошлоқ ер бўлса, туркий тил бирла *сайрам* (сарём) дерлар (“Сайрамнома” асари). Демак, *сайроб* ҳам “икки сув орасидаги тошлоқ ер” демақдир.

Сангардак – Сурхондарё вилоятидаги сой. Сариосиё туманида **Сангардак** деган қишлоқ ҳам бор. Профессор

С.Иброҳимов *санг+гир+ак* – “юмалоқ тош” бўлса керак деган. *Сангар* (сангир) сўзининг “қалъа, истехком” маъноси ҳам бор.

Санчгил – қишлоқ, Бойсун тумани. *Чанчиқли, Чаничқили, Санчиқул, Санчқили* шаклларида учрайдиган этноним – кўнғирот қабиласининг бир уруғи.

Сағониён – Сурхондарё водийсининг ўрта асрларда арабинавис муаллифлар асарларида учрайдиган шакли; қаранг **Чағониён**.

Селга – Боботоғ этагидаги дара ва қишлоқ. *Селгоҳ* – кўклам пайтида сел келадиغان сойлик, шунингдек дара оғзида сел олиб келган лойқа-қумлардан ҳосил бўлган унумдор ерлар – *селга ерлари*.

Сиёҳрег – Бойсун туманидаги қоя, қумлик. Топоним форсча *сиёҳрег* – “қора қум” демақдир.

Ситоражурида – Бойсун туманидаги дара. Форсча *Ситоражурида* – “юлдуз учган”, “юлдуз тушган”, яъни, “яшин урган” ёки “метеорит тушган” маъносида.

Сурхондарё – асли Сурхоб – “қизил сув” бўлиб, кейинчалик ўзгариб кетган. Чунки дарёнинг бош томони (Денов шаҳригача) **Қизилсув** деб аталади. Дарё *сурх* уруғи номи билан аталган бўлиши ҳам мумкин (-он кўплик аффикси). Сурхондарё ўрта асрларда **Чағонруд** (қишлоқ), араб географлари асарларида **Сағонруд** (водий эса **Чағониён-Сағониён, Ўзбекистон жағуби – Афғонистон**) деб аталган. Жаркўрғон туманида **Сурхони**, Бойсун туманида **Пасурхи** қишлоқлари бор.

Суфратош – қишлоқ, Шеробод тумани. “Супра (тожикча талаффузда суфра) га ўхшаган, усти текис тош”.

Тоқчиён – қишлоқ, Сариосиё тумани. Даштиқипчокдан келган йирик ўзбек қабилаларидан бири *тоғчи* (“тоғлик”) деб аталган. Тоғчилар, асосан, Ўзбекистон жанубида яшаган. Сарой қабиласи таркибида *тоқчи* уруғи бўлган (-ён, -он – тожикча кўплик аффикси).

Талхобо – Шўрчи туманидаги сой. Форсча *талх* – “аччиқ”, “тахир” (талхи об – “аччиқ сув”).

Тўпқора – қишлоқ, Жаркўрғон тумани. Кўнғирот қабиласининг бир уруғи *тўпқора* деб аталган.

Хукпарида – Бойсун туманидаги сойлик. Форсча *хукпарида* – “чўчка қулаб тушган”, “тўнғиз қулаб тушиб ўлган (жой)” демақдир.

Чамбил – кишлок, Денов, Бойсун ва бошқа туманларда **Чамбил**, Қозоғистонда **Жамбил** деган жойлар учрайди. Бу топонимлар халқ достонларидаги **Чамбил**, **Чамбилбел** каби афсонавий юртдан кўра этнонимдан ном олган, масалан, кўнғирот қабиласининг бир уруғи *чамбил* деб аталган.

Чағониён – Сурхондарё водийсининг ўрта асрлардаги номи. Дастлаб “Худуд ул-олам”да қайд қилинган. Араб географлари асарларида (11-12-асрлар) *Сағониён* шаклида учрайди. Сурхондарё водийсининг бош шаҳри ҳам **Чағаниён** (форсча манбаларда) ва **Сағаниён** (арабча манбаларда) деб аталган. **Сағониён** шаҳри ҳозирги Денов шаҳри яқинида бўлган. Вилоят ҳокими *чагонхудот* ёки *сагонхудот* деб юритилган. Немис шарқшуноси Й.Марквартнинг “Чағониён мўғулча *чаган* – “оқ” сўздан келиб чикқан” деган фикрининг нотўғри эканлигини В.В.Бартольд ўз вақтида айтган эди. Демак, этимологияси номаълум.

Чағонруд – Сурхондарёнинг қадимий номи. Дастлаб “Худуд ул-олам”да қайд қилинган. Бу ном Амир Темур тарихида (Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида) ҳам учрайди; қаранг *Сурхондарё*, *Чағониён*.

Чингсой – Бойсун туманидаги сойлик, *чинг* – чинк, жарлик (қозоқ ва қорақалпоқларда *шинг*, рус географик адабиётларида – *чинк*).

Чинсарой – кишлок, Денов тумани. Баъзи қabila ёки уруғлар *чин* ва *ёлгон* каби тармоқларга бўлинган: чин сарой – асл сарой, ёлгон сарой – қабиллага кейин кўшилган тоифа. Қабиллага кейин кўшилган гуруҳлар олдинги қабил вакиллари билан бир-бирларининг қонини сутга кўшиб ичишган ва қон-қардош бўлишган.

Чўянчи – кишлок, Шеробод тумани. Чўян ва абжўш (ҳафтжўш – етти қотишма, яъни бронза)дан қозон, омон тиши, узанги ва бошқа уй-рўзгор асбоблари қуювчи уста *дегрез* ёки *чўянчи* дейилган.

Шеробод – шаҳар, Шеробод туман маркази (Шерободдарё Шеробод қишлоғи номи билан аталган). Шаҳар 18-асрда Убайдуллахоннинг ноиби, кўнғирот уруғидан бўлган Шерали томонидан қурилганлиги учун шундай аталган (В.В.Бартольд).

Шугурвор – кишлок, Термиз туманида. *Шугурвор* – “бир туя кўтарадиган юк”, “бир туя юки”: шугурвор икки ботмон – 16 пуд ёки 256 кг бўлган.

Қазноқ – Сурхондарё вилоятидаги сой. **Қазноқ** деган топонимлар бошқа жойларда ҳам учрайди. *Қазноқ* қадимий турк тилида “хазина” демакдир.

Қайроқ – қишлоқ, Ангор тумани. Қайроқтош кўплигидан шундай аталган бўлиши мумкин. *Қайроқ* (*қайроқли*) деган уруғ ҳам бўлган, масалан қозоқларнинг кўнғирот қабиласида *қайрақ* (қайроқ) уруғи қайд қилинган.

Қорашиқ – қишлоқ, Денов тумани. Ших (шейх, шайх) уруғининг бир тармоғи *қорашиқ* (қораших) деб аталган.

Қорақурсак – қишлоқ, Жарқўрғон тумани. Ўзбек, қозок, қирғиз ва қорақалпоқлар таркибида *қорақурсак* уруғи қайд қилинган.

Қораҳавол – қишлоқ, Деҳқонобод туманида. *Қораҳавол* уруғ номи бўлиши ҳам мумкин. *Ҳавол* деган географик термин бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Афғонистонда тоғдаги гор ва қавакларни *ҳавол* деб атайдилар деган. Ўзбекистоннинг жанубида катта пастлик – ўйпотни *ҳавор* дейишади (П.Фуломов).

Қоҳлуғ – Сурхондарё вилоятидаги **Темирдарвоза** – **Даран Оҳанин** – **Дарбанди Оҳанин** дарасининг номларидан бири; **Бузғола** (Бузғалахона) деб ҳам аталган.

Ғажирқоя – вилоятдаги тоғ. Ўзбек зоологик адабиётида *тасқара* деб аталадиган ўлимтиқхўр хунук қуш шеваларда *ғажир* дейилади.

Сурхондарё вилояти топонимлари ҳақида қисқача маълумот берилди. Бу ўлка топонимиясини ўрганиш учун кўшимча материал, холос. Вилоят топонимлари ҳақида чуқурроқ маълумот олиш учун кўплаб китоб, рисола, мақолалар билан танишиш керак бўлади.

Қазноқ – Сурхондарё вилоятидаги сой. **Қазноқ** деган топонимлар бошқа жойларда ҳам учрайди. **Қазноқ** қадимий турк тилида “хазина” демақдир.

Қайроқ – қишлоқ, Ангор тумани. Қайроқтош кўплигидан шундай аталган бўлиши мумкин. **Қайроқ** (*қайроқли*) деган уруғ ҳам бўлган, масалан қозоқларнинг кўнғирот қабиласида *қайрақ* (қайроқ) уруғи қайд қилинган.

Қорашиқ – қишлоқ, Денов тумани. Ших (шейх, шайх) уруғининг бир тармоғи *қорашиқ* (қораших) деб аталган.

Қорақурсақ – қишлоқ, Жарқўрғон тумани. Ўзбек, қозок, қирғиз ва қорақалпоқлар таркибида *қорақурсақ* уруғи қайд қилинган.

Қораҳавол – қишлоқ, Деҳқонобод туманида. *Қораҳавол* уруғ номи бўлиши ҳам мумкин. *Ҳавол* деган географик термин бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Афғонистонда тоғдаги ғор ва қавакларни *ҳавол* деб атайдилар деган. Ўзбекистоннинг жанубида катта пастлик – ўйпотни *ҳавор* дейишади (П.Фуломов).

Қоҳлуғ – Сурхондарё вилоятидаги **Темирдарвоза** – **Даран Оҳанин** – **Дарбанди Оҳанин** дарасининг номларидан бири; **Бузғола** (Бузғалахона) деб ҳам аталган.

Ғажирқоя – вилоятдаги тоғ. Ўзбек зоологик адабиётида *тасқара* деб аталадиган ўлимтиқхўр хунук қуш шеваларда *ғажир* дейилади.

Сурхондарё вилояти топонимлари ҳақида қисқача маълумот берилади. Бу ўлка топонимиясини ўрганиш учун кўшимча материал, холос. Вилоят топонимлари ҳақида чуқурроқ маълумот олиш учун кўплаб китоб, рисола, мақолалар билан танишиш керак бўлади.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Тошкент вилояти Республиканинг шимоли-шарқида жойлашган. Шимол ва шимоли-ғарбдан Қозоғистон Республикаси, шимоли-шарқдан Қирғизистон Республикаси, шарқдан Наманган вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси, жануби-ғарбдан Сирдарё вилояти билан чегарадош. Таркибида 15 туман (Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Окқўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқори Чирчик, Янгийўл, Ўрта Чирчик, Қибрай, Қуйи Чирчик), 17 шаҳар, 18 шаҳарча бор.

Узоқ тарихий тараққиёт давомида воҳанинг текислик ва тоғли ерларида яшаган ўтrock аҳоли кўчманчи ва ярим ўтrock чорвадор қабилалар билан ёнма-ён ва аралаш яшаган. Туб аҳолиси ўзбеклар, шунингдек, қозок, қурама, тожик ва қирғизлар ҳам яшайди.

Тошкент вилояти ҳудуди қадимги маданият ўчоғи бўлган; шунинг учун ҳам бу теграда қадимги тарихий номлар кўп учрайди.

Тошкент (Тошқанд) деганда ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг пойтахти ҳисобланган катта шаҳаргина эмас, балки шу номдаги тарихий-маданий регион, улкан ҳудуд, давлат ҳам тушунилган. Шу билан бирга шаҳар ҳамда теваарак-атроф регион тарих давомида турлича номлар билан аталган. Тошкент воҳасининг энг қадимий номи **Чоч** (Чочистон) илк бор 262 йилда Эрон подшоси Шопур I нинг “Зардушт Каабаси” тошида қайд қилинган; айна вақтда Тошкент воҳасини ўраб турган тоғлар ҳам *Чоч* деб аталган (Чоч арабинавис манбаларда Шош шаклини олган). Шаҳар ва регионнинг **Тошқанд** деб атала бошлаганига 10 асрдан ошди. Чоч милоднинг дастлабки асрларида Қанг (Қангуй) давлати таркибига қирган, бир неча аср давомида эса ҳайталлар (эфталиилар) давлати таркибида бўлган; 6-аср охирларида Турк хоқонлиги ҳайталларни тор-мор қилиб, Мовароуннаҳр билан бирга Чочни ҳам ўз тасарруфига олади.

Турли халқлар яшаган узок ўтмишли ўлканинг топонимлари ҳам лисоний ва хронологик жиҳатдан хилма-хил бўлиши табиийдир. Ўлкада қадимий номлар орасида суғдий номлар ҳам учрайди. Ҳозирги Тошкент шаҳри ва вилояти топонимларининг аксари қисми туркий (ўзбекча) номлардир. Региондаги туркий топонимларнинг бир қисми бундан 10 аср олдинги ёзма манбаларда тилга олинган: Тошканд, Облик (Абрлик), Илок (Айлок), Итлох, Жадғол (Чатқол), Соблик (Сойлик), Жабғукат (Жабғукас), Хотункат (Хотункас) ва б.

Тошкент вилояти топонимиясининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу регионда этнотопонимлар анчагина учрайди. Ўлкада яшаган этник гуруҳларнинг аксари қисми вақт ўтиши билан турғунлашиб, этник номларини унутганлар, лекин уларнинг номлари жой номлари (этнотопонимлар) шаклида бизгача сақланиб қолган. Ҳозир вилоят ҳудудида ўзбеклардан ташқари қисман қозок, тожик ва қирғизлар ҳам яшайди. Шунинг учун бу ерда қадимий номларни истисно қилганда тожикча, қозокча, қирғизча топонимлар ҳам учрайди.

О й к о н и м л а р и. Шаҳар-қишлоқ номлари – ойконимлар топонимиянинг ахборотга бой, мафкурага қараб энг кўп ўзгарадиган тоифасидир. Тошкент воҳаси ва Оҳангарон водийси (Илок) қадимий маданият ва иқтисодиёт маркази, кўҳна шаҳарлар ўлкаси бўлган. Жой номлари тарихини ўрганишда ёзма ёдгорликлар қимматли манбалардир. Ёзма манбаларда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақидаги маълумотлар икки минг йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олади. Милоддан аввалги Шарқ манбаларида Тошкент воҳаси **Юни** деб аталган ва Қанғуй давлати таркибига киради деб ёзилган. Воҳанинг маркази ҳам **Юни шаҳри** деб номланган. Тошкент воҳасининг энг қадимги номи **Чоч** бўлган.

Тошкент ўлкаси Хитой манбаларида **Ши** – “тош” деб, араб манбаларида **Шош** деб транскрипция қилинган. Бу ўлка ҳақидаги маълумотларни араб географлари асарларидан айниқса кўп топиш мумкин. Масалан, Абу Исҳоқ ал-Форсий ал-Истахрийнинг ўзи “Китоб масолик ва-л-мамолик” асарида (10-аср) Чоч (Шош) вилоятида 27 шаҳар-қишлоқ тилга олинган, шундан 14 таси *кат* кўшимчали номлар бўлса, Илок вилоятида (Оҳангарон

водийси) 14 та шаҳар-қишлоқ қайд қилинган бўлиб, шундан 7 таси *кат* кўшимчали номлардир.

“Худуд ул-олам” асарида (11-аср) бу ўлкада ўттиздан ортиқ топоним қайд қилинган: **Чадғал** (Чатқол), **Илок** (Оҳангарон водийси), **Хашарт** (Сирдарё), **Навкас-Навкат** (Тўйтепа яқинида бўлган), **Кўҳисим**, **Даҳкас** (Даҳкат), **Абрлиғ** (Облиғ), **Самисирак** (Бўка), **Калашижак** (Сижжак), **Хамбарак** (Хумсон), **Ардлонкас-Ардлонкат** (Бурчмулла), **Сатбағво** (Боғистон), **Нахнах** (Нанай), **Газак** (Ғазалкент), **Фарнкас** (Паркент), **Жабғукас** (Жабғукат), **Тункат**, **Чоч**, **Нужкас-Нужкат** (Хонобод), **Хотункас-Хотункат**, **Жинажкат** (Чиноз), **Шугуркас-Шугуркат** ва б.

Шуни айтиш керакки, *кат* унсури асли сугдча бўлиб, дастлаб *кас* шаклида (охирги товуши тиш орасидан сирғалиб чиқадиган, арабча *се* ҳарфи билан ифодаланадиган товушда) талаффуз қилинган ва бора-бора *те* (т) ҳарфи билан, баъзан *дол* (д) ҳарфи билан ёзиладиган бўлган.

Шундай қилиб, Тошкент вилояти худудида *кат* кўшимчали шаҳар-қишлоқлар анчагина қайд қилинган: **Ардланкат**, **Банокат** (Банункат), кейинчалик **Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ номи билан аталган Шохруҳия**, **Бинкат** (асли Тошкент), **Бискат** (кейинчалик Пискент), **Данфағанкат**, **Даҳкат**, **Жабғукат**, **Жинажкат** (Чиноз), **Залтикан**, **Заранкат** (Заркент), **Нужкат**, **Нукат**, **Тункат**, **Унжакат**, **Фарнкат** (Паркент), **Харашкат**, **Хотункат**, **Ғазаркат** (Ғазалкент). Эски қўлёзма манбаларда аксари *кат* ва *кет* шаклида ёзиб келинган номлар (араб ёзувининг хусусиятига кўра, *кат* ва *кет* вариантларини фарқлаб бўлмайди), 19-асрнинг дастлабки йилларидан *кент* шаклида ёзиладиган бўлди: **Заркент**, **Паркент**, **Пискент**, **Ғазалкент** ва ҳоказо.

Темурийлар даври ёзма манбаларида Ўзбекистон топонимияси махсус ёритилмаган бўлса ҳам Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ҳофиз Абрунинг “География” ва “Зубдат ат-тавориҳ”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” каби асарларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги талайгина жой номлари тилга олинган; Тошкент вилоятидаги топонимлардан куйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: **Тошканд**, **Сайхун суви**, **Оҳангарон**, **Оқкўрғон**, **Тошкент чўли**, **Шохруҳия**, **Чинос мавзеси**, **Фаркат** (Паркент), **Хумрак мавзеси** (Оҳангарон дарёсининг этагида бўлган),

Порсин кечиги (Сирдарёдаги кечик, Оҳангарон дарёси қуйилиши яқинида бўлган), **Чанокбулоқ** мавзеси.

Хофиз Таниш ибн Муҳаммад Бухорийнинг (16-аср) “Абдуллонома” асарида Тошкент шаҳрининг **Кўкча**, **Фаркат**, **Шибли**, **Самарқанд**, **Туркистон**, **Регистон** номли дарвозалари, **Пискат**, **Сайхун** (Сирдарё), **Фарак** (Чирчик), **Чоч**, **Шохрухия**, **Қорақамиш** каби топонимлар учрайди, Сирдарёнинг ирмоғи ҳақида: “Чирчик номи билан машҳур Чир дарёси” дейди. Кўринадики, Тошкент теграсида туркий номлар ҳам қадимдан мавжуд бўлиб келган, чунончи, соф туркий ном бўлган Тошкент сўзининг тарихий манбаларда қайд қилина бошлаганига минг йилдан ошди, ўрта асрларда Тошкент яқинида **Хотункат** ва **Жабғукат** номли шаҳарчалар бўлган. Булар ҳам туркий номлардир. Шарқий Турк хоқонлигида *жабғу* деган унвон бўлган; *хотун* сўзи арабча бўлса ҳам бу сўз туркларга “хоннинг рафиқаси” ёки “хон аёл” маъносида илк ўрта асрлардаёқ ўтган. Бўстонлик туманида **Сойлик** деган қишлоқ бор. Бу ном 10–11-асрларда яшаган араб географларининг асарларидаёқ учрайди. Бир қанча манбаларда, жумладан, Фирдавсийнинг “Шохнома”сида Чирчик дарёси **Оби турк**, яъни “турклар дарёси” номи билан тилга олинган. Бундан ташқари, Оҳангарон водийси қадимдан **Илоқ** ёки **Айлоқ** деб аталиб келган. Араб ёзувида бу сўзлар бир хил ёзилаверади. Биз **Айлоқ** дегани тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки, баъзи бир манбаларда алиф устига кўшимча белги қўйилиб ёзилган, шунда **Айлоқ** деб ўқилади, *айлоқ* – “яйлоқ”, яъни “ёзги яйлов” дегани.

Шунингдек, бу водийда **Имлоқ**, **Облиқ** (баъзи бир манбаларда **Апарлиқ** ёки **Арпалиқ**) каби туркий номлар бундан 1000–1100 йил олдинги манбаларда қайд қилинган. Буларнинг ҳаммаси Чирчик–Оҳангарон водийсида қадимдан туркий қабилалар яшаганини кўрсатади. Шунини айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида бўлган ва кўп асрлардан буён маҳаллий аҳоли талаффузига мослашган барча номлар келиб чиқишидан қатъи назар ўзбек топонимлари ҳисобланади, чунончи этимологияси ҳануз аниқ бўлмаган **Самарқанд**, **Бухоро**, **Чорсу** каби топонимлар ўзбек тили лексикасидан ўрин олган ва бу топонимлардан қанча ҳосила сўзлар ясалган, масалан, ҳатто рус тилида **Бухарская сторона** – “Бухоро томон” деган тушунча бўлган; бунда (қадимги Ёйик) Урал

дарёсининг чап қирғоғидан бериги томондаги ерлар (Қозоғистон ва Ўрта Осиё) тушунилган.

О р о н и м л а р и. Тошкент вилояти худудининг талай бўлаги – шимолий ва шимоли-шарқий қисмлари **Ғарбий Тяньшан** тоғларининг тармоқлари – **Чатқол, Қурама, Писком** ва **Угом** тоғлари билан банд. Бу тоғларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир қанча тизмаларга ва майда тармоқларга бўлиниб кетади.

Йирик дарёларнинг номлари каби улкан тоғ системаларининг номлари ҳам қадимий бўлади. Масалан, **Тяньшан** ороними қадимий хитойча ном бўлса ҳам, фанга рус олимлари томонидан киритилганига икки аср бўлгани йўқ. Бу атама ўзбек тилида совет ҳокимияти йилларида расм бўлган. “Тиёншон йўлбарси” деган ибора бу сўзнинг маълум маънода ўзбекчалашиб кетганини кўрсатади. Демак, ороним ўзбекчада **Тиёншон** деб ёзилса бўлаверади. Бу тоғларнинг туркий номи **Хонтангри** ёки **Тангритов** бўлган деган фикрда жон бор, чунки, хитойча Тяньшан “осмон тоғлари” демакдир. Тангри, кўк, осмон сўзлари синонимлардир. Қирғизлар Тяньшанни **Олатов** дейишади. Ана шу сўз оронимнинг туркий шакли эмасмикин? Академик В.В. Радлов туркий ал-ол (улу, улук) сўзи “юксак”, “буюк”, “дахшатли” маъноларини англатади деган. Олатовни “олабула”, “қорли тоғ” дейиш ҳам мумкин. Лекин, доимий қорли тоғлар кўпинча **оқтоғ** дейилади. Масалан, **Оҳангарон** водийсидаги тоғлардан бири **Оқтоғ**. Ғарбий Тяньшандаги **Писком, Угом, Чимён** оронимлари ҳам қадимий номлардир. Бу ўринда *ком (гом), кам, кем* қадимий маҳаллий тилларда “дарё”, “сой”, “канал” ёки “киравериш” (“оғиз”) эканини айтиб ўтамик холос.

Чимён энг қадимий топонимлардан ҳисобланади. Тарихий манбаларда Тошкент вилоятининг тоғли қисмидаги кўпгина жой номлари **Фарғона** водийсидан кўчиб келган аҳоли томонидан кўйилган деган маълумотлар бор. **Заркат** (Заркент), **Паркат** (Паркент), **Нанай, Бурчмулла, Сижжак** каби номлар шулар жумласидандир. Инчунин **Чимён** ҳам. **Фарғона** туманида **Чимён шаҳарчаси**, **Қўрғонтепа** туманида **Чимён қишлоғи** бор. Руслар **Фарғонадаги Чимённи** тожикча талаффуз асосида **Чимион**, **Бўстонликдаги Чимённи** эса ўзбекча талаффуз асосида **Чимган** ёзиб келишган.

Чим-чем унсури Ўзбекистонда кўп марта такрорланади. **Чем** (чим) суғд тилида “ғов”, “тўсиқ”, “ихота”, “қўрғон”

дегани. Географ олим Ҳ.Ҳасанов “Девону луғотит-турк”даги “ўтлок” маъносида келган *чимган* сўзига нисбат бериб, Чимён топонимини “серчим жой” деб изоҳлаган. Тяньшан тоғларининг вилоят доирасидаги қисмида **Додекатим, Пидар, Шабрез, Чодак, Шаввоз, Яхак, Ҳовла, Дасторқози** каби тушуниш қийинроқ форсча оронимлар ҳам учрайди. Булардан баъзиларини турдош отлар ёрдамида тушунса бўлар. Масалан, *шабрез* оронимини *шаб* – “оқшом”, “кеча”, “гира-шира” ва *рез*, рехтан феълининг ҳозирги замон негизи унсурлари ёрдамида “кеч кириши” деб, **Дасторқози** оронимини *дастор* – “салла” ва *қози* турдош отлари ёрдамида “Қозининг салласидай” деб (метафорик-мажозий ном), **Шаввоз** оронимини *шаввас* сўзлари ёрдамида “жилдираб оқувчи” (сув) ёки *шаҳбоз* турдош оти ёрдамида “лочин” деб изоҳлаш мумкин (гидронимнинг оронимга ўтиши ёки оронимнинг гидронимга айланиши табиий бир ҳол); бунинг устига, бу материаллар ҳаммаси русча топографик хариталардан олинган; маълумки, бундай хариталарда *а* ва *о* товушлари фарқ қилинмаган; бошқача айтганда аксари номларнинг ёзилиш шакли маҳаллий талаффуздан катта фарқ қилади.

1:200 000 масштабли харитада вилоят ҳудудида 80 дан ортик оронимик объектлар – тоғлар, тизмалар, доvonлар номлари қайд қилинган. Шулардан 1/4 қисми доvonлар, қолганлари тоғлар ва тизма тоғлардир. Оронимларнинг кўпчилиги ҳамма учун тушунарли туркий номлардир. Шуниси диққатга сазоворки, оронимлар орасида асосий оронимик термин (индикатор) ҳисобланган *тоғ-тов* термини бир неча марта қайтарилди: **Бобоитоғ, Қоратоғ, Букиртов, Оқтов, Тоштов, Чархтов**; тоғда яшайдиган аҳоли кўпроқ тош сўзини ишлатади: **Одамтош** (шаклан одам гавдасига ўхшайдиган қоя), **Тектош, Ойнатош** (ялтироқ қоя), **Тоштепа, Учтош** (учта чўкки), **Қайиртош, Қоратош** (Қора қоя), **Тоштов** (қояли тоғ); қояда ўсадиган пиёз *тошпиёз*, қоя ўйикларида учрайдиган кўлмак сувлар *тошқоқ* дейилади. Россияда ҳам айрим қояли чўкқилар *камень* дейилади; каменная куница – “тоғ сувсари”, каменная куропатка – “тоғ каклиги”.

Тена термини “паст тоғ” (Бобур сўзи билан айтганда “ушоқ тоғ”) маъносида келади: **Саритепа, Тоштепа, Қаролтепа, Қоратепа, Қоровултепа** тоғлари, “қияма тоғ” маъносида *қия* (**Қорақия**), “паст тоғ тармоғи” маъносида *белес* (**Кўкбелес**), “доvon” маъносида *бел*, (**Музбел-**

Ўрикбел, Қорабел, Қушбел), *ошув* (Эшакошув, Ошув) индикаторлари учрайди.

Яна *қапчиғай* – “тор дара” (Оққапчиғай), *қурум-қўрум*, “тоғ ёнбағирларидаги тошлар уюми” (Қўрумжўл) каби оронимик терминларни айтиб ўтиш мумкин.

Юқорида тилга олинган индикаторлардан ташқари оронимик лексикада ўсимлик ва ҳайвон номлари билан юритиладиган масканлар ҳам учрайди: Арчали, Гуликам, Пиёзак, Теракли, Яккаписта, Ўрикбел, Қоратутбоши, Эшакошув, Қорақуш (*қорақуш*–бургутнинг бир тури), Қорақушхона, Қўнғирбуқа оронимлари. Тополексемалар таркибида ранг номлари кўп такрорланади: Қўкбелес, Қўклак, Қўксув, Оққўл, Оқтахта, Оқтов, Оққапчиғай, Саритепа, Қизилбулоқ, Қизилжар, Қизилжилға, Қизилжўн, Қизилнура, Қорабел, Қорамозор, Қоратепа, Қоратош, Қоратоғ, Қоратутбоши, Қораунгур, Қорақия, Қўнғир, Қўнғирбуқа; ранг номлари баъзан кўчма маънода келади; масалан, *оқ кўл* “оқма кўл” – сув қуйилиб яна оқиб чиқиб кетадиган кўл; *оқ тов* – “қорли тоғ”, “юксак тоғ”, *қоратепа* “қоровултепа”нинг қисқаргани ва б.

Метафорик (мажозий) номлари ҳам учрайди: Букуртов – “бўртиқ ёки қабарик тоғ”, Туяттош – “Туядай қатта ёки туя шаклидаги харсанг”, Ойнаттош – “ялтироқ қоя” ва б. Боткен вилоятида текис юзали тош – *ойнаттош* (сангин ойна) бор. Бобур бундай тош ҳақида “... унда ҳар нима мунгакис бўлур”, яъни акс этади деб ёзган.

Оҳангарон туманида Ияртош деган ороним бор. Уни Ертош деб ҳам ёзишади. Бу асли Эгарттош–узокдан қаралганда эгарни эслатадиган қоя; қурамаликлар ва бир қанча шеваларда эгарни ияр дейдилар (Алишер Навоийда ҳам *ияр*).

Тошкент вилояти оронимларининг қисқача топонимик таҳлили шундан иборат.

Г и д р о н и м л а р и. Тошкент вилояти республикада сув ресурсларига энг бой вилоятдир. Сирдарёнинг ўрта оқими, унинг йирик ирмоқлари: Чирчиқ (ирмоқлари Чатқол, Писком, Угом, Қўксув), Оҳангарон. Бу дарёларнинг ҳар бирига яна қанча сой-жилғалар кўшилади. Йирик дарёларнинг номлари энг қадимий топонимлар ҳисобланади.

Умуман олганда вилоят ҳудудида бир неча юз катта-кичик дарё, сой, жилға бор, қанча-қанча кўллар бўлган (эски топографик хариталарда, илмий асарларда); булоқ-

чашма ва қудуқлар сонини ҳеч ким ҳисоблаб кўрмаган бўлса керак. Табиий географик объектлар катта-кичик бўлса ҳам, топонимларнинг катта-кичиги бўлмайди: макротопоним ҳам, микротопоним ҳам ҳудудидан қатъи назар муайян бир маънони англатадиган сўзدير.

Гидронимлар кўпинча тушунарсиз бўлиши мумкин. Бунинг биринчи сабаби шундаки, топографик хариталар маҳаллий тилларни билмайдиган топографлар томонидан ишланган; иккинчидан, бориш қийин бўлган тоғли жойларда қадимий номлар сақланиб қолган. Масалан, Бўстонлик туманидаги **Додекатим**, **Палтов**, **Оҳангарон** туманидаги **Жиблон**, **Ургаз** дарёларини изоҳлаш қийин.

Вилоятнинг энг катта дарёси **Чирчиқ** номининг “Кичик Сир” деб изоҳлангани маълум (луғат қисмига қаранг).

Маъносиз номлар бўлмайди; узоқ тарих давомида кўпгина номлар ҳозир тушуниб бўлмайдиган бўлиб қолган. Гидронимлар орасида метафорик-мажозий номлар кўп учрайди. Масалан, Паркент туманида **Харомзодасой** деган сой бор.

Республикамизда **Тентаксой** деган бир неча сой бор; Паркент туманида ҳам бир сой **Тентаксой** деб аталади; бундай сойлар баъзан тошиб экинзорларни сув босади. **Югуриксой** (Паркент тумани) “шошиб-пишиб тез оқадиган сой”, **Саргардонсой** (Бўстонлик тумани) ўзанини тез-тез ўзгартириб турадиган сой. Навоий туманида **Саргардонқум** деган қумлик бор, бу ерда қум тепалари (барханлар) тез-тез ўз ўрнини ўзгартириб туради.

Бўстонлик туманида **Келинчаксой** сойининг суви тошмасдан бир маромда оқади, *эркаксув* – сув микдори ҳеч камаймасдан узоққа оқиб борадиган булоқ, *хотинсув* – сув микдори ўзгариб турадиган камсув булоқ). **Шоввозсой** (Оҳангарон тумани) – серсув бўлса ҳам теварак-атрофга зарар етказмасдан обиҳаёт билан таъминлаб турадиган сой. **Ғалвасой** (Бўстонлик тумани) шовқин-сурон кўтариб шариллаб оқадиган сой. **Қорабов** (Оҳангарон тумани) – “92 бовли ўзбек” дейишган; бов – “уруғ-қабил”, “тўп”, “тўпа” маъносида. **Учбов**, **Бўстонбов**, **Қорабов** деган қишлоқлар бор; *бов* аста-секин *боғ* шаклини олган; Қорабов “қора уруғи вакиллари яшайдиган жой”. **Товоқсой** (Бўстонлик тумани) – шаклан улкан товоқни эслатадиган чуқурликдаги булоқдан чиқадиган сув. Бахмал туманида **Товоқбулоқ** деган булоқ бор. Бўстонлик туманидаги бир

сой русча хариталарда **Навалисай** деб ёзилган. Бунини **Наволисой** деб ёзишади. Тўғриси **Новалисой** бўлиши керак – *нов ёки нова ёғоч-тахтадан ясалган тарнов, жарлик ёки сойлик устидан ўтказилган сув иншооти.*

Бу мисоллар ер-сувларга ном беришда халқ даҳосидан ўрганиш кераклигини кўрсатади. Энди жой номлари таркибида учрайдиган айрим сўзлар ҳақида. **Обикашқа** (Бўстонлик тумани), **Қашқасой** (Оҳангарон тумани) гидронимлари таркибида учрайдиган *қашқа* термини сув номлари сафида “зиллол тоғ суви” (кўк қашқа сув) маъносини билдиради; **Бештўр**, **Қизилтўр** (Бўстонлик тумани) гидронимлари таркибидаги *тўр* термини қирғизчада “баланд тоғ яйлови” демакдир (“уйнинг тўри” дегандай “тоғ водийсининг тўридаги тоғ яйлови”). Ўша Бўстонлик туманида **Тундуксой** деган сой номи таркибидаги *тундук* (қоронғи томон) сўзи қирғизчада “шимол”, “шимолий” демакдир. Ўша тумандаги **Чептошсой** гидронимининг бош қисмидаги *чеп* термини “ғов”, “тўсиқ”, “четан” дегани; *қапчиғай* термини (**Оққапчиғай** сойи – Бўстонлик тумани) эса “тор дара” демакдир. Тегирмон учун тош олинган жой **Тошкескан** деб аталган (**Тошкескансой** – Бўстонлик тумани). Бунда қояда тегирмон учун мўлжалланган остин-устун тошларнинг атрофлари юмалоқ қилиб чуқур ўйилган, ўртасидан тешиклари ҳам очилган; азиз-авлиёларга чирок кўйиб, илтижолар қилиб дуолар ўқиганлар, кейин тегирмон тошларнинг устига ўтин ёқиб кетишган. Эрталаб хабар олишса, тошлар тагидан ажралиб кўчиб сайқаллашга тайёр турибди. Аслида ўтин ёқилиши натижасида тошлар иссиқдан кенгайган ва совуқдан торайиб ўрнидан кўчган.

Вилоят гидронимларида ўсимлик номлари анчагина учрайди: **Ёнғоқлисой**, **Жилғинсой** (Оҳангарон тумани), **Жийдалисой** (Бекобод тумани), **Зигираксой** (Оҳангарон тумани), **Кандирсой** (Оҳангарон тумани), **Ковулдисой**, **Олмалиқсой** (Оҳангарон тумани), **Олмашохсой** (Бўстонлик тумани), **Сарибошсой** (Бўстонлик тумани), **Тераклисой** (Оҳангарон тумани), **Шаширсой** (Бўстонлик тумани). Буларнинг кўпчилиги ҳамма учун тушунарли, лекин, баъзи бирларига изоҳ берган маъқул деб ҳисоблаймиз. **Жилғинсой** гидроними таркибидаги *жилгин* сўзи ўзбек тили шеваларида, шунингдек, козок, қирғиз тилларида кўпинча чўлларнинг захкаш ерларида ўсадиган *юлгун* ўсимлигидир, *зигирак* (**Зигираксой**) зигирга ўхшаган ўт ўсимлик; *сарибош* сарик

гуллайдиган ўсимлик (сарикбошларнинг тури кўп). *Шашир* катта япроқли йирик ўт ўсимлик. Бўстонлик туманида **Бадалсой** деган сув бор. *Бадал* қирғиз тилида “чакалакзор”, “бутазор” дегани (Бўстонлик туманининг тоғ қисмида қирғизлар ҳам яшайди).

Республикамизда **Қурусой, Қуруқсой, Қурсой** деган гидронимлар бор. *Қуруқсой* – сувсиз, сув окмайдиган, ёзда қакраб ётадиган сойлик; *қурсой, қурусой* эса қуруқсойнинг фонетик вариантлари (қуруқ сойни Бобур “сувсиз кўл” деган). Сувлисой эса қишин-ёзин сув оқиб ётадиган сойлик.

Оқ сув билан *оқ булоқ* бир нарса эмас, *оқ сув* – баланд тоғлардан кўпириб, оқиб келадиган, оқиш тоғ жинслари заррачалари, ҳатто муз парчалари аралаш, чиндан ҳам оқ рангдаги сув; *оқ булоқ* деганда суви оқ рангдаги булоқ тушунилмайди, балки булоқ кичкина бўлса ҳам суви ерга сингиб кетмасдан доимо оқиб турадиган булоқ – *оқ булоқ* дейилган. *Қора сув* билан *қора сой* ҳам фарқ қилади: *қора сув* – сизот сувлар, бундай сувлар кўп тўпланса қорамтир кўринади. *Қора сувлар* оқиб чиқадиган жойлар кўпинча ботқоқлик бўлади; *қора сой* деганда сувнинг ранги эмас, балки сойликнинг, водийнинг ранги назарда тутилади. Сув оқиб ўтадиган сойлик қорамтир жинслардан таркиб топган бўлса, *қора сой*, оқиш жинслардан иборат бўлса, *оқ сой* дейилади. Шундай қилиб, сув объектлари номлари ҳам синчиклаб тадқиқ қилинса талай сирлар аён бўлади.

Тошкент шаҳри ва вилояти топонимларига оид кўплаб қўлёзма, китоб, рисола ва мақолалар мавжуд. Шу мавзу юзасидан тўлароқ маълумот олиш учун адабиётлар рўйхатига қаранг.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Ангрен – вилоят тасарруфидаги шаҳар. Ангрен бу Оҳангарон – “темирчилар” сўзининг бузилган шакли. Кўплар буни русча талаффуз оқибати дейишади. Аслида қурамалар шундай талаффуз қилганлар. Зомин туманида ҳам **Ангрен** деган жой бор; қаранг *Оҳангарон*.

Аппақ – қишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. Қозоқларнинг алимули қабиласининг бир уруғи *аппақ* (оппоқ) деб аталади.

Арашон – Оҳангарон дарёсининг ирмоғи. Гидроним санскритча *gasayana* сўзидан келиб чиққан бўлиб, “оби ҳаёт”, “худолар озиғи” демакдир. Арашон шифобахш иссиқ суви

булоқлардир. Бу термин Ўрта Осиёдан Узоқ Шарққача, Бурятиядан бошлаб Тибет тоғларигача бўлган ҳудудларда *арашан, арасан, аршан* шаклларида кўплаб гидронимлар ҳосил қилган.

Арғинчи – кишлоқ, Юқори Чирчиқ тумани, ўзбеклар, қозоқлар ва бошқа туркий халқлар таркибига кирган қабила – арғин. Арғинчи – “арғин қабиласи вакили”, “арғинлик”.

Ақча – кишлоқ, Оҳангарон тумани. Шу ерда **Ақча** номли сой бор. Республикада **Ақча, Оқча** деган жой кўп. Тўғриси *оқча. Оқ* сўзининг рангни билдиришидан ташқари “оқиб турган, қуриб қолмайдиган” маъноси ҳам бор. Оқсой бора-бора **Оқча, Ақча** бўлиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Ағанай – кишлоқ, Қибрай тумани. Қирғизларнинг саруу қабиласининг бир уруғи *ағанай* деб аталган.

Бамардак – Паркент туманидаги қоя, **Одамтош** ҳам дейилади. Бомардак – тожикчада *Бобои мардак* “бува” дегани. Қоя одам шаклида бўлгани учун шундай аталган. Кофирлар босиб келганда бир қария тошга айланиб қолган экан. Бу топонимияда кенг тарқалган ривоят.

Бурғалик – кишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. Кўчманчи ўзбеклар таркибида *бурга* деган уруғ бўлган; сарой қабиласининг бир уруғи *бурғали-сарой* деб аталган. Бурғалик, яъни “сой ичи бурган ўсимлиги билан қопланган” маъносида ҳам бўлиши мумкин.

Бўка – шаҳар, Бўка тумани. Қадимги туркий тилида *бўка* – “пахлавон”, *бўка* деган уруғ ҳам бўлган; масалан, ўзбек-қанглиларнинг *бўка-қангли* уруғи қайд қилинган.

Бўржар – Тошкентдан ўтган арик, Анҳор каналининг давоми. Чиябўри кўп бўлганидан **Бўрижар** деб аталган деган фикр бор. Филология фанлари доктори Ф.Абдуллаев *бўр* элементи *бўз* сўзининг ўзгарган шакли (Бўзжар) деб айтган эди. Чунки **Бўржар** **Бўзсув**нинг бир шохобчаси. Илгарилари кўшин юришга отланиш олдидан тўпланган жой *бўлжор* дейилган. Эҳтимол бу жарлик ҳарбий дислокация манзили бўлгандир. Жанубий Қозоғистонда ҳам **Бўржар** деган жой бор.

Бурчмулла – кишлоқ, Бўстонлик тумани. *Бурж* – истеҳком деворининг бурчаклари ёки бурчак оралиғидаги минора, академик А.Муҳаммаджонов фикрича, мўла ҳам “минора” маъносини билдиради.

Дархон – кишлоқ, Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманлари. “Олиқ-солиқдан озод қилинган, нуфузли”

маъносидаги *тархон* сўзининг талаффуз шакли, *дархан* (дархан) деган қозоқ уруғи ҳам бўлган.

Дурет – қишлоқ, Қуйи Чирчиқ тумани. Қозоқларнинг кўнғирот қабиласи таркибида *дурет* уруғи бор.

Ёвариқ – қишлоқ, Тошкент тумани. “Ёбу қабиласи вакиллари очган ариқ”.

Жабғукент – ўрта асрларда Тошкентдан 2 фарсах юқорида бўлган шаҳар. “Худуд ул-олам” ва Муқаддасий асарида қайд қилинган. *Жабғу* ёки *ябғу* ғарбий Турк хоқонлигида қabila, уруғ бошлиғи бўлиб, “ҳоким” демақдир. В.В.Бартольд **Жабғукент** собиқ Ниёзбек қалъаси ўрнида бўлган дейди.

Заркент – қишлоқ, Паркент тумани (Янгикўрғон туманида ҳам Заркент қишлоғи бор). Араб географларидан Муқаддасий (10-аср) ўз асарида Шош вилоятида тилга олинган **Заранкент** қишлоғини В.В.Бартольд ҳозирги Заркент бўлиши мумкин деган. Этимологияси номаълум. *Зар* – “олтин”, *зер* (зерин) – “қуйи”, “этақ”; Зеринкат – “пастдаги қишлоқ”, “тоғ этагидаги қишлоқ” бўлади.

Зомин – қишлоқ, Бекобод тумани, **Зоминовул** – қишлоқ, Пискент тумани. Жиззах вилоятидаги “Зомин туманидан кўчиб келганлар яшайдиган қишлоқлар”.

Иззаовул – қишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. *Изза* – зах жой, намлик сизиб турган ер.

Искандарариқ – Тошкентдан юқорирокда Чирчиқдан чиқарилган ариқ. 1883–85. йилларда буюк князь Николай Константинович қаздирган ва унинг номи билан аталган канал; халқ орасида подшо хонадонига мансуб князь Искандартўра деб аталар эди.

Кавказовул – қишлоқ, Пискент. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Кавказдан зўрлаб кўчириб келтирилган халқлар вакиллари, аксари меҳсети турклари яшайдиган қишлоқлар **Кавказ**, **Кавказовул** деб аталган.

Кайковус (Калковуз) – Тошкент шаҳридаги ариқ. Шайбонийлардан Суюнчўжахон ҳижрий 917–936 (милодий 1511–1530) йилларда Тошкентда чорбоғ барпо этиб, уни **Кайковус чорбоғи** деб атаган. Кайковус қадимий Эрон Каёнийлар сулоласидан бўлган ҳукмдор. Ариқ ана шу боғ номи билан аталган Кайковус жонли тилда *Калковуз* бўлиб кетган деган фикр ҳам бор.

Каберли – қишлоқ, Чиноз тумани. Илмий географик адабиётда *кавир* – “шўрхок”. Қозоғистон ва Қорақалпоғистонда *кабир* дейилади. *Каберли* (кеберли)

“шўрхок ер” дегани. Зомин туманида ерни шўр босса “кавар бойлабди” дейишади; қаранг *Яллама*.

Келес (Калас) – дарё, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи (Қозоғистон Республикаси Жанубий Қозоғистон вилояти ва Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти). Араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал асарларида **Қалос** дашти, “Абдуллонома”да (16-аср) **Калас суви** тилга олинган. В.В.Бартольд Қалос дашти ҳозирги **Келес** (Калас) номи билан аталган дейди. Қалос дашти “Худуд ул-олам”да ҳам қайд қилинган. Демак, дастлаб **Қалос**, кейин **Қалас**, сўнгра **Калас**, қозоқ тили таъсирида **Келес** бўлиб кетган. Қозоқ топонимисти Е.Қўйчибоев фикрича, *келе* – “тил”, -с эса “сув” сўзининг қисқарган варианты: Келес – “тил сув”, “уzun сув” дегани. Лекин бу атама “қал” ва “ос” (этноним)дан бириккан гидроним, яъни “Ослар дарёси” маъносида ҳам бўлиши мумкин.

Керовчи – қишлоқ, Пискент тумани. *Керовчи* (кереучи) қурама ўзбеклар таркибидаги уруғлардан бири. Уруғ вакиллари, асосан, Тошкент воҳасида яшаган.

Кучак – қишлоқ, Қуйи Чирчиқ тумани, ўзбекларнинг сарой қабиласи таркибида *кучак* (кучактўпа) уруғи бўлган.

Кўкмўйин – қишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. Қипчоқ ўзбекларнинг бир уруғи, қирғизларнинг бағиш қабиласининг бир уруғи *кўкмуюн* деб аталган.

Кўксарой – қишлоқ, Тошкент тумани. Сарой қабиласининг бир тармоғи – *кўксарой*.

Кўҳисим – ўрта асрларда Шош вилоятида қайд қилинган қон ва қишлоқ. Дастлаб араб географлари Ибн Хурдодбех, Истахрий, Муқаддасий асарларида тилга олинган. *Кўҳи сим* – “кумуш тоғ” демакдир. Қоннинг арабча номи *Маъдани Шош* “Шош қони”. В.В.Бартольд *Кўҳисим* Оҳангарондан жанубда, Облиқ қишлоғи рўпарасида бўлган дейди. Қоннинг Шош вилоятида бўлганини ҳисобга олсак, у Юқори Чирчиқ туманидаги **Кумушқон** топонимининг ўзгинасидир. Ҳақиқатан ҳам, руда жинслари орасида кумуш бор экан.

Мамут – қишлоқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон туманлари. Қозоқларнинг шаншқли қабиласининг бир уруғи *мамит* (мамут) деб аталган.

Мастча – қишлоқ, Бекобод тумани. Тожикистоннинг тоғли қисми – **Мастчоҳ** дарёсининг бош томонидан кўчиб келган тоғлик тожиклар обод қилган. Мастчоҳ жонли тилда **Мачча-Мастча** бўлиб кетган.

Машаовул – қишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. Қозоқларнинг алимули қабиласининг *маша* уруғи бўлган. Қозоқлар майда пашшани маша дейишади.

Муратали – қишлоқ, Пискент тумани. Қирғизларнинг буғу, саруу қабилалари таркибида *муратали* уруғи бўлган.

Мўғол – қишлоқ, Пискент тумани. Ўзбеклар (юз қабиласи) ва қирғизлар (ават қабиласи) таркибида *мўғол* уруғи қайд қилинган.

Найман – қишлоқ, Бекобод, Зангиота, Қуйи Чирчиқ туманлари. *Найман* – ўзбеклар таркибига кирган қabila. Мўғулча *найма* – “саккиз” (уруғ) деган сўз. Қабилa таркибидаги кўпдан-кўп уруғлардан бири *сагизурув* (“саккиз уруғ”) деб аталади.

Намданак – қишлоқ, Зангиота, Паркент туманлари. *Намдон* – “сернам”, “серсув”, “сув омбори”, *ак* – топоним ясовчи қўшимча.

Нанай – қишлоқ, Бўстонлиқ тумани, Янгиқўрғон туманида ҳам *Нанай* деган қишлоқ бор. Нанай (Нанайни, Нанайя, Нани) – Ўрта Осиё худудида яшаган қадимги зардуштийларда ҳосилдорлик худоси.

Обираҳмат – қишлоқ, Бўстонлиқ тумани. Қишлоқ ёнида шифобаҳш булоқ бор. Обираҳмат “раҳмат суви” демақдир. Ўрта Осиё халқларида, жумладан тожикларда янги йил – наврўз байрамидан 2–3. кун олдин ёғадиган ёмғир *оби раҳмат*, *оби найсан* дейилган. Навбаҳор ёмғири зироат учун обиҳаётдир. Оби раҳмат суви чиғанокқа қирса гавҳарга айланар эмиш.

Оққовоқ – қишлоқ, Қибрай тумани. Қозоқларнинг суван, қирғизларнинг чекирсаяқ қабилаларининг бир уруғи *оққовоқ* (аққабак) деб аталган. *Қовоқ* (қобок) деган географик термин “тик қирғоқ”, “жарликнинг тепаси” маъносини англатади.

Оҳангарон – шаҳар, Оҳангарон тумани маркази, дарё. Форсча *оҳангар* – “темирчи”, *он* – кўплик аффикси (Оҳангарон “темирчилар”); қаранг *Ангрен*.

Оҳангарон – дарё, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи. Дастлаб Хўжа Аҳрорнинг вақф ҳужжатларида *Сойи Оҳангарон*, *Оби Оҳангарон*, *Дарёи Оҳангарон* шаклларида тилга олинган. Бобур *Оҳангарон* жулгаси (водийси) деб ёзган. Мўғуллар келмасдан олдинги манбаларда *Илоқ* дарёси деб аталган. Бу водийда қадимдан темирчилик ривожлангани учун дарё *Оҳангарон* – “темирчилар” деб ном олган.

Парак – Чирчиқ дарёси номларидан бири. Дастлаб “Худуд ул-олам”да, сўнгра араб географлари (Истахрий, Муқаддасий) асарларида қайд қилинган. Араб географлари бу дарёни **Нахри Турк** деб аташган. Чирчиқ дарёси Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида ҳам Трк шаклида қайд қилинган. Истахрий **Нахри Туркистон** деб аниқ ёзган. Кейинги манбаларда (15–16-асрлар) ҳам дарёнинг **Оби Турк** (Шарафиддин Али Яздий, “Зафарнома”, Тошкент, 1972 й.) ва **Оби Фарак** (Ҳофиз Таниш Бухорий, “Абдулланом”, Тошкент, 1969 й., I жилд) вариантлари учрайди. Демак, мазкур дарё 16-асрдан **Чирчиқ** деб атала бошлаган бўлса ҳам, қадимда ва сўнги давргача **Парак** ва **Турк** деб ҳам юритилган. Келес дарёсининг бир ирмоғи **Оқ Парак**, Нишбошсойнинг (Чирчиқ ҳавзаси) бир ирмоғи **Парак** деб аталади. Демак, *парак* (тўғриси – *пар*) қадимий географик термин бўлса керак (**Паркент** топонимини эсланг). Баъзилар *пар* сўзи “юқори”, “юксак” деган маънони билдиради дейишади, *пар* қадимги эроний тилда *вар* – “қалъа” сўзининг талаффуз шакли бўлиши ҳам мумкин.

Паркент – шаҳар, Паркент тумани маркази. Маҳаллий талаффузи **Паркат**. Араб географлари асарларида (9–11-асрлар) **Барскат** шаклида тилга олинган. Ёкут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон” лугатида (12–13-асрлар) қайд қилинган **Барскат** шаҳрини В.В.Бартольд ҳозирги Паркент бўлса керак дейди. *Барс* номидан олинган деган фикр ҳам бор. Паркент тарихий манбаларда **Фарнакас** ҳолида ҳам учрайди.

Парчаюз – қишлоқ; Бекобод тумани. *Парчаюз* юз қабиласи таркибидаги уруғ, “юз қабиласининг бир парчаси, бўлаги” демакдир. Бошқа қabila, уруғлар таркибида ҳам *парча* этноними учрайди.

Пискент – шаҳар, Пискент тумани маркази. Дастлаб араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий (10–11-асрлар) асарларида **Бискат** шаклида тилга олинган, маҳаллий халқ ҳозир ҳам **Пискат** дейди. Бу топоним кўшни қишлоқ маъносида ҳам бўлиши мумкин.

Писком – сой, Чирчиқнинг ўнг ирмоғи (Бўстонлик тумани). **Писком** қишлоғи Ибн Ҳавқал асарида **Биском** шаклида тилга олинган. Иккинчи компоненти *-ком* – “дарё” демакдир.

Рамадон – қишлоқ, Тошкент, Чиноз, Бўка, Зангиота туманлари. *Рамадон* ўзбеклар таркибидаги уруғлардан бири, қозоқларда ҳам *рамадан* уруғи бўлган.

Самарқанд – кишлок, Окқўрғон, Янгийўл, Бўка туманларидаги кишлоклар. 40–50-йилларда Самарқанд шахри ва вилоятдан кўчиб келганлар ўзлари бунёд этган кишлокларни Самарқанд деб атаганлар.

Самғаровул – Бўка туманида шу номда 2 та кишлок бор. Тожикистоннинг Ашт туманидаги Самғар кишлоғидан кўчиб келган кишилар обод қилган кишлоклар.

Саржайлоқ – кишлок, Оҳангарон тумани. Маълумки, ўрта асрларда Оҳангарон водийси **Илоқ**, тўғриси **Айлоқ** – “яйлов” (яйлов-жайлов-жайлоқ-айлоқ) деб аталган. Профессор М.Е.Массон **Саржайлоқ** қадимги **Илоқ** (**Айлоқ**) нинг ҳозирги топонимияда қолган изи бўлиши мумкин деган.

Саритамғали – кишлок, Оҳангарон тумани. Этнотопоним.

Сартюз – кишлок, Бекобод тумани. **Сартюз** (сартжузи) – юз қабиласининг уруғларидан бири.

Сағана – кишлок, Пискент тумани. *Сағана* (соғона) – мақбара, қабр. Азиз-авлиёнинг мозори ёнида бўлганидан шундай ном олган.

Сергели – кишлок, Куйи Чирчик, Ўрта Чирчик, **Сирғали** – кишлок, Тошкент тумани. Сергели, сирғали – умумтуркий этноним.

Сойлиқ – кишлок, Бўстонлиқ тумани. Араб географи Ибн Хавқал асарларида (10-аср) ҳозирги Чирчик дарёси бўйларида **Соблиқ** ёки **Сойлиқ** тоғлари тилға олинган. Ўша тоғлар яқинида ҳозир **Сойлиқ** кишлоғи жойлашган; академик В.В.Бартольд буни де Гье каби мен ҳам **Сойлиқ** деб ўқидим дейди.

Сўқоқ – кишлок, Паркент тумани. Тарихий манбаларда **Сўқоқ** шаклида тилға олинган. Этимологияси аниқ эмас.

Телов (Тилов) – кишлок, Оҳангарон тумани, ўзбек-курамалар таркибидаги уруғлардан бири.

Тейит – кишлок, Юқори Чирчик тумани. Қирғизларнинг *тейит* қабиласи бўлган (тармоқлари: бойтейит, қоратейит, саритейит, ўғритейит ва б.).

Тортувли – кишлок, Окқўрғон тумани. *Тортувли* – уруғ номи.

Туябўғиз – Ўрта Чирчик туманидаги шаҳарча, Бўка, Пискент туманларидаги кишлоклар. Дарёнинг туя бўғизига – бўйнига ўхшаб оқадиган жойи *туябўғиз* ёки *туямўйиш* деб аталади; *туябўғиз* деган уруғ ҳам бўлган.

Тўқбой – қишлоқ, Бекобод, Қуйи Чирчиқ туманлари. Юз қабиласининг уруғларидан бири *тўқбой* деб аталган.

Тўқимбой – қишлоқ, Юқори Чирчиқ тумани. *Тўқим* (тўқим) сўзи уруғлар номлари таркибида кўп учрайди. Шу билан бирга *Тўқимбой* деган исм ҳам бор.

Уйшун – қишлоқ, Қуйи Чирчиқ тумани, **Уйшуновул** – қишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. Уйшун – умумтуркий этноним.

Унгут – қишлоқ, Оҳангарон тумани. Ўзбеклар ва козоқларнинг бойули қабиласи таркибида *унгут* (ўнгут) уруғи қайд қилинган. Асли унгутлар (ўнгутлар) – илк ўрта асрларда Мўғулистоннинг жанубида, Хитойнинг чегара қисмларида яшаган туркий халқ. Кейинчалик мўғуллашиб, 13-аср бошида мўғул кўшинлари таркибида Мовароуннаҳр ва Хуросонга келиб, маҳаллий халқлар таркибига сингиб кетган.

Учбов – қишлоқ, Бўстонлик тумани. Туркманларнинг човдур қабиласи таркибида *учбагли* деган уруғ қайд қилинган. Ўзбекларда бу уруғ *учбов(ли)* деб аталган. Қипчоқ ўзбекларида *қабил* “бов” дейилган, “92 бовли ўзбек” ибораси шундан. Бўстонлик туманида **Бўстонбов** деган қишлоқ бор. Ўзбекистонда **Қорабоғ** номли қишлоқлар асли **Қорабов** бўлган.

Уювли – қишлоқ, Бекобод тумани. Қарапчи қабиласининг бир уруғи *уювли* деб аталган.

Фориш – қишлоқ, Боёвут тумани. Фориш туманидан кўчиб келиб ўрнашганлар бунёд этган қишлоқ.

Хонарик – Тўйтепа яқинида Чирчиқдан бошланган канал. Бу канал 19-асрнинг 40-йилларида Қўқон хони Мадалихон (Муҳаммад Алихон) даврида қазилган.

Хотункат – ўрта асрларда Бинкат (Тошкент)дан 2 фарсах нарида бўлган шаҳар. Араб географлари (Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий) асарларида тилга олинган. Хотун қадимий туркий тилда “ойим, хоним” маъносини билдирган (кат – қишлоқ, шаҳар).

Хўжатарашкан – Тошкентнинг Себзор даҳасидаги маҳаллалардан бири. Тўғриси, **Хўжаи тарозу шикан** – “нотўғри тарози ишлатган хўжа”.

Чанок – қишлоқ, Бекобод тумани. Қўнғирот қабиласи тортувли уруғининг бир тармоғи – *чанок*.

Чимён – қишлоқ, Бўстонлик тумани. Шу туманда **Чимён тоғи**, **Чимён сойи** бор. Фарғонада **Чимён** шаҳарчаси, Қўрғонтепа туманида **Чимён** қишлоғи бор. Фарғонадаги Чимённи *Чашмадамиён* – “суви (булоқлари) кўп” ёки

Чилкон – “конлари кўп (жой)” деб изоҳлаганлар. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида *чимган* сўзи “чимзор” деб изоҳланган.

Чимқўрғон – қишлоқ, Паркент тумани. Чимқўрғон деган жой кўп. *Кўрғон* – “истеҳком”, “қалъа”. Бу ўринда *чим* сўзи асли сугдча *чем* – “қўрғон” маъносида бўлса керак.

Чинос – шаҳар, Чинос тумани маркази. Араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида тилга олинган **Жинанжкат** (Чиноккат) шаҳрини В.В.Бартольд ҳозирги Чинос деб билади. Манбаларда **Чинос** варианты ҳам учрайди. *Чинос* деган уруғ бўлган (мўғулчада *чин* – “бўри”, -с– кўплик аффикси).

Чирчиқ – Сирдарёнинг ўнг irmoғи. Чирчиқ гидроними дастлаб Темур тарихида тилга олинган. Бобур бу дарёни **Чир суйи** деган. Муғ тоғидан топилган сугд хужжатларида (8-аср) Шош шаҳридан жанубдаги ҳудудлар ҳақидаги ахборотларда **Чиирчиқ** деган ном тилга олинган. В.А.Лившиц бу – Чирчиқ дарёсининг қадимий номи деган фикрни билдиради. **Чирчиқни Сир+Чиқ**, яъни “Кичик Сир (дарё)” деб изоҳлаш тўғридир.

Чигатой – қишлоқ, Тошкент тумани. Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойнинг салтанати Чигатой улуси дейилган; шу ҳудуддаги Темурийлар давлатининг туркий аҳолиси чигатойлар дейилган; кейинчалик уруғ номига айланган.

Чатқол – дарё, Чорвоқ сув омбори қурилгунга қадар Чирчиқнинг бош irmoқларидан бири бўлган. Араб географлари асарларида Ж-дг-л, “Худуд ул-олам”да **Жадғал** шаклида қайд қилинган. Этнограф М.С.Андреев Дарвоз тожиклари қайинни *чотгол* дейишларини айтган. Шайх Сулаймоннинг чигатойча – усмоний туркча луғатида *чатқол* – “нотекис ер, дара”, ҳозирги қирғиз тилида чатқал – “икки тоғ орасидаги дара, сойлик”. Бу сўз ўз навбатида икки таркибий қисмдан иборат: *чат*, *чот* – икки дарё бир-бирига кўшилган жойдаги оралик; *қал* (қол) “сойлик, жилға” маъносидаги қўл сўзининг фонетик варианты бўлиши керак.

Чувалачи – қишлоқ, Тошкент тумани, Тошкент шаҳри маҳалласи. Қурама ўзбекларнинг тама қабиласига кирадиган ойтамғали уруғининг бир тармоғи *чувалачи* (*чубаланчи*) деб аталган.

Чувуллоқ – қишлоқ, Бўка тумани; **Чувулдоқ** – қишлоқ, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ туманлари. Найманлар, кўнгиротлар ва бошқа қабилалар таркибида *чувуллоқ* (*чувулдоқ*) уруғи

қайд қилинган. *Чувулдоқ* – уруғ вакилларининг лақаби: “қий-чўв кўтариб, тартибсиз чуғурлайдиган уруғ” дегани.

Чўянбўксой – Юқори Чирчик туманидаги Човлисойнинг ирмоғи. Бу сойнинг ўнг соҳилида шлак (халқ иборасида чўян бўки) ва арча кўмири кўп топилгани учун сой шундай аталган. Демак, бу ерда темир ажратиб олинган.

Шампань – қишлоқ, Паркент тумани. Шу ерда шампань ишлаб чиқарадиган завод бўлганидан қишлоқ шундай аталган.

Шерхона – қишлоқ, Боёвут тумани. Боёвут атрофларида шер (арслон) ҳеч қачон бўлган эмас. Шерхона – этнотопоним. *Шер, шердан тўққан, шербачча, шертўпи* каби уруғ шахобчалари бор.

Шова – қишлоқ, Бекобод тумани. Шова (шовва) – шаршара. *Тегирмон шова ётибди* – ун тортиш учун дон йўқлигидан тегирмон ишламай ётибди: суви тепарокдан шаршара бўлиб оқиб турибди.

Шўралисой – қишлоқ, Янгийўл тумани. “Шўра ўсимлиги кўп жой”.

Эвалак – қишлоқ, Бўка, Пискент, Ўрта Чирчик туманлари. *Эвалак* (хевалак) деган ўсимлик бор. Энг тўғриси – *эвалак* этноним.

Элтамғали – қишлоқ, Оққўрғон тумани. Этнотопоним.

Юзуруқ – қишлоқ, Паркент тумани. *Юз уруғ* – “юз қабиласининг бир уруғи”.

Юқориюз, Пасткиюз – қишлоқ, Қибрай тумани. *Юз* – қабилла номи. Юз қабилласи вакиллари яшайдиган бир неча қишлоқ бўлса, бу қишлоқлар бир-бирларидан *юқори, ўрта, пастки* ёки *катта, ўрта, кичик* ёйинки *эски* (кўҳна), *янги* каби сифатлар билан фарқланади.

Яллама – қишлоқ, Чиноз тумани. В.В.Бартольд 19-аср охирида Чиноз яқинида **Жалдама** қишлоғини тилга олган (тўғриси **Жалама** бўлса керак). Ер юзини шўрхоқ босса, *ялама* (шеваларда – *жалама*) дейилади, чунки, чорва моллари шўрсираганда бундай ерларни ялаб юради. Жомбой туманидаги **Ялама** қишлоғининг номи ана шундан. Топонимнинг “*ялама-ёрим*” шўх кўшиғига ҳеч алоқаси йўқ.

Янгийўл – вилоят тасарруфидаги шаҳар. Аввалги номи **Қовунчи**; *қовчин* этноними *қовунчи* бўлиб кетган бўлиши мумкин.

Ўймовут – қишлоқ, Чиноз, Қибрай туманлари. *Ўймовут* ўзбеклар таркибидаги уруғлардан бири.

Ўртабўз – қишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. Мусобозори қабиласининг бир уруғи *ўртабўз* (*ўртабўзи*) деб аталган. Этнограф Б.Х.Кармишева *ўртабўзи* этноними *ўрта* ва *бўз* (қўрик) сўзларидан олинган бўлиб, “дала ёки ботқоқлик ўртасида ҳайдалмай қолган баланд жой” сўзларидан олинган дейди.

Ўчоқли – қишлоқ, Бўка, Ўрта Чирчиқ туманлари. Ўзбекларнинг уйшун қабиласи таркибида *ўчоқли* уруғи бўлган.

Ўювли – қишлоқ, Бекобод тумани. Ўзбекларнинг дўрмон, қўнғирот қабилалари таркибида *ўювли* уруғи бўлган.

Қанқа – Оққўрғон туманидаги қишлоқ. Милоддан аввалги 2-асрдан милодий 4-асргача Сирдарё бўйида, жумладан, Тошкент воҳасида мавжуд бўлган Қанқа (Қангўй) давлати бош шаҳри номидан. Яна **Қанқатеп**а деган тепалик ҳам бор.

Қибрай – шаҳарча, Қибрай тумани маркази. Туркий халқларнинг дулат қабиласининг бир уруғи *қибрай* деб аталган. Бу уруғ вакиллари афсонавий Қибрай ботирдан тарқалган деган ривоят бор.

Қирсадоқ – қишлоқ, Юқори Чирчиқ, Куйи Чирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон туманлари. *Қирсадоқ* (қирқсадоқ) – этноним, масалан, лақай қабиласининг бир уруғи *қирқсадоқ* деб аталган. Садоқ – ўқдон: камалак ўқлари жойлаштирилган чарм халта.

Қодирия – қишлоқ, Қибрай тумани. Абдулқодир Гелоний (11–12-асрлар) асос солган тасаввуф тариқати *ал-қодирия* деб аталган, шу тариқат мухлиси *қодирлик* дейилган. Қодирия қишлоғи **Қодирлик** деб ҳам аталади.

Қолган Сир – қишлоқ, Бекобод, Чиноз туманлари. Сирдарёнинг эски ўзани ёнида пайдо бўлган қишлоқлар.

Қорабалиқ – қишлоқ, Оҳангарон туманлари. Қорабалиқ – чучук сувли дарё-кўлларда яшайдиган балиқ (русчаси маринка).

Қорасийроқ – қишлоқ, Бўка, Оққўрғон тумани. Ўзбекларнинг лақай қабиласи таркибидаги бир уруғи *қорасийроқ* деб аталган. Қорақалпоқлар, нўғайлар таркибида ҳам қорасийроқ этноними бўлган.

Қоратухум – қишлоқ, Юқори Чирчиқ тумани. *Қоратухум* – этноним. Қурама ва бошқа туркий халқларда *қоратухум* уруғи қайд қилинган. Тухум (тукум) – “уруғ”, “авлод”.

Қорахитой – қишлоқ, Оҳангарон тумани. Ўзбеклар таркибидаги уруғлардан бири – *қорахитой*. Илк ўрта асрларда *қоракидан* халқи кейинчалик қорахитой (хитой) деб атала бошлаган.

Қорақишлоқ – қишлоқ, Оҳангарон тумани. “Қора уруғи вакиллари яшайдиган қишлоқ” ёки Қорақишлоқ тумани (ҳозирги Бахмал тумани) дан кўчиб келганлар обод қилган қишлоқ.

Қорақўйли – қишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. Ўзбекларнинг қирқ қабиласига мансуб бир уруғи *қорақўйли* деб аталган.

Қуёнқулоқ – қишлоқ, Оққўрғон тумани. Юз қабиласининг бир уруғи *қуёнқулоқли* деб аталган.

Қурайиш – қишлоқ, Ўрта Чирчиқ тумани. 1924 йилга оид маълумотларда, Бухоро яқинида туркманларнинг эрсари қабиласи таркибида *қурайиш* тўпи қайд қилинган. Бу этноним арабларнинг қурайиш қабиласи номи билан аталган бўлса, бу уруғ вакиллари Ўрта Чирчиқ тумани худудларига келиб қолган бўлиши мумкин.

Қўйлик – Тошкент шаҳри мавзеларидан бири. Профессор Х.Ҳасанов Қўйликни “қўйилик”, “пастлик” деб изоҳлаган. Ўзбекларда *қўйли* деган уруғ бўлган. Қўйли *Қўйлик* бўлиб кетган бўлиши мумкин.

Қўрғонча – қишлоқ, Қуйи Чирчиқ тумани. *Қўрғон* – атрофи мустаҳкам девор билан ўралган қишлоқ, шаҳар. *Қўрғонча* шу аҳоли пункти ёнида пайдо бўлган кичик қишлоқ.

Қўштамғали – қишлоқ, Оққўрғон тумани. Кўнғирот, найман, юз, туркман қабилаларининг бир тармоғи *қўштамғали* деб аталган.

Ғазалкент – шаҳар, Бўстонлик тумани маркази. Баъзи олимлар араб географлари асарларида қайд қилинган **Ғазак** шаҳрини ҳозирги Ғазалкент деб изоҳлайдилар. Х.Ҳасановнинг фикрича Ғазалкент топоними *ғизол* – “оҳу” сўзидан таркиб топган.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Фарғона вилояти мамлакатимизнинг шарқида, Фарғона водийсининг жанубий қисмида жойлашган. Таркибида 15 кишлоқ тумани (Бағдод, Бешарик, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиарик, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учкўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, Қува), 9 шаҳар (Бешарик, Марғилон, Риштон, Фарғона, Яйпан, Қува, Қувасой, Кўқон, Ҳамза), 10 шаҳарча (Бағдод, Данғара, Дўстлик, Ёзёвон, Муқимий, Олтиарик, Тошлоқ, Чимён, Шўрсув, Янги Марғилон) бор. Маъмурий маркази – Фарғона шаҳри.

Вилоят ҳудуди, асосан, текисликдан иборат, тоғлар кам бўлганидан оронимлар ва гидронимлар ҳам кўп эмас. Шунинг учун қуйида аксари шаҳар, кишлоқ номлари – ойконимлар ҳақида сўз боради. Ҳар бир ҳудуднинг табиати, тарихи ва аҳолисининг этник ва ҳамда лисоний таркибига кўра топонимияси ҳам бошқа ҳудудларникидан озми-кўпми фарқ қилади. Фарғона водийси, жумладан, Фарғона вилояти топонимларининг Республиканинг бошқа вилоятлари, масалан, Зарафшон водийси географик номларидан асосий тафовути шундаки, Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисми топонимларида уруғ-аймоқ номлари катта ўрин тутмайди, мавжуд этнотопонимлари орасида эса қирғиз қабила-уруғлари номлари ҳам учрайди. Баъзи бир топонимик терминлар кўпроқ Фарғона водийси учун “ихтисослашган”. Масалан, *қўргонча* индикатори бошқа вилоятлардагига қараганда бу ерда кўпроқ. Илгарилари *қўргонча* деганда атрофи баланд девор билан ўралган ихчамроқ кишлоқ тушунилган; қўргончалар мустаҳкам истехком ҳисобланган. Кейинги вақтларда катта кишлоқлардан ажралиб чиққан истехкомсиз кишлоқчалар ҳам *қўргонча* дейиладиган бўлган. Вилоят туманларида 20 га яқин кишлоқ **Кўргонча** деб аталади; илгарилари эса бундан ҳам кўп бўлган. Вилоят топонимлари учун хос бўлган терминлардан яна бири *чек* сўзидир. Чек асли арабча (сек) бўлиб, Ўзбекистонда бир

неча маънони англатган: 1) бир танобнинг учдан бир қисми; яъни бир киши бир кунда кетмон билан эгат олиб ишлов бериши мумкин бўлган ер майдони; 2) жамоа ерлари тақсимланаётганда куръа (чек) ташлаш вақтида ютилган ер майдони; 3) хон (салтанат) ерларидан олинган улуш; 4) хоннинг ўғли, бек ва бошқа тўраларнинг чек ери (чеки хос – хоннинг чек ери); 5) бир тахта ёки пайкал (пол) шוליپоя.

Фарғона водийсидаги чек компонентли топонимлардан: Алибекчек, Бобочек, Дехқончек, Ёрқинбойчек, Жўрачек, Исаавлиёчек, Лўличек, Мадёрчек, Маллачек, Мамасоличек, Мамаюсуфчек, Маҳмудхончек, Мирзабошичек, Ниёзматчек, Парвоначичек, Сулаймончек, Тўрачек, Халфачек, Чек Насриддин, Чек Холмат, Чекчилар, Чекқайқи, Шаматчек, Шаҳрихончек, Шераличек, Шўрчек, Эшончек, Юсуфхўжачек, Юзиячек, Ўрмонбекчек, Қирқчек, Қўшчек, Ғафурчек, Ғозичек. Ерлар турли шахсларга, жумладан Худоёрхоннинг ўғилларига (Насриддинбек, Маллабек, Ўрмонбек), хоннинг хеши ақраболарига, аёёнларига, турли уруғ-аймоқларига (*юз-юзия, қирқ*), ҳатто лўлиларга чек қилиб берилган.

Фарғона, шунингдек, Андижон вилоятларида Ойим, Ойимқишлоқ, Ойимча, Ойимчақақир каби номлар бир неча марта такрорланади. Илгарилари бундай топонимлар кўп бўлган. Қўрғонтепа туманидаги Ойим қишлоғига шоира Нодирахонимнинг тахаллуси Моҳларойимга нисбат бериб қўйилган ном деган ривоят бор. Аслида *ойим* – “жаноби олиялари” деган сўз бўлиб, кўпинча хоннинг рафикаси ёки онасига нисбатан ишлатилган; хоннинг онаси *ойим тўра*, қизи эса *ойимчахон* дейилган. Демак, *ойим* компонентли номлар хон хонадонидagi аёлларга нисбат бериб қўйилган номлардир.

Фарғона вилоятида 1200 дан ортиқ аҳоли пункти (9 шаҳар, 10 шаҳарча ва бир қанча қишлоқлар) бор. Шуни айтиш мумкинки, шаҳар-қишлоқлар орасида кишиларнинг исмлари билан аталган топонимлар, яъни антропопонимлар (тўғриси – антропоойконимлар) сони 100 дан ошмайди. Буларнинг кўпчилиги тарихда маълум-машҳур бўлмаган оддий кишиларнинг номларидир: Абдусамад, Бобохўжа, Раҳматилла ва б. Шу билан бирга машҳур шахслар номлари билан аталган шаҳар-қишлоқлар ҳам бор: Мирзо Улугбек, Муқимий, Навоий, Ҳамза ва бошқалар. Қўкон

хонлиги ҳукмдорларининг номлари ҳам ойконимларда сақланиб қолган: **Худоёрхон**, **Маллахон** (Ўзбекистон тумани), **Чек Насриддин** (Риштон тумани).

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида этнонимлар катта ўрин тутади. Лекин Фарғона вилояти тўғрисида бундай деб бўлмайди – бу ерда барча этнопонимлар 200 га етмайди; булар *дўрмон*, *жалойир*, *кенагас*, *найман*, *юз*, *қангли*, *қирқ*, *қипчоқ*, *рамадон*, *урганжи* каби ўзбек қабилаларининг, шунингдек бошқа эл-элатларнинг номларидир.

Ойконимларнинг кўпчилиги аҳоли пунктлари номларини ҳосил қиладиган географик терминлар – индикаторлардир: *ариқ* (**Жарарик**, **Бешарик**), *боғ* (**Боғча**, **Боғишамол**), *булоқ* (**Булоқбоши**), *кана* (**Бешкапа**, **Капаянги**), *кат* (**Навкат**), *кент* (**Навкент**), *кўприк* (**Кўприкбоши**), *маҳалла* (**Даштмаҳалла**), *мачит* (**Оқмачит**), *обод* (**Пахтаобод**), *овул* (**Овул**), *равот* (**Туркравот**), *сой* (**Кувасой**), *тегирмон* (**Тегирмонбоши**), *тепа* (**Оқтепа**, **Қоратепа**), *том* (**Оқтом**), *хона* (**Гумхона**), *чек* (**Чекжалойир**), *қалъа* (**Қалъа**), *қалъача* (**Қалъача**), *қақир* (**Қақирчек**), *қишлоқ* (**Кумқишлоқ**), *қудуқ* (**Қудуқлик**). Ўсимлик номларидан *пахта*, *терақ*, *тол*, *қайрағоч* ойконимлар таркибида энг кўп учрайди.

Маълумки, географик номлар вақт ўтиши билан мазмунан ва шаклан ўзгариб туради. Масалан, тарихда **Кўқон** деган шаҳар йўқ – барча ёзма ёдгорликларда **Хуқанд**, **Хувақанд** шаклида ёзиб келинган; **Кўқон** хонлиги архивида ҳам **Хуқанд** шаклида қайд қилинган. Ҳозирги **Бувайда** архивда **Буви Убайда**, **Олтиарик** туманидаги **Оқбуйра** қишлоғи **Оқбуръё**, **Данғара** туманидаги **Олахамақ** қишлоғи **Ал-Ахмақ**, **Марғилон** шаҳри эски анъанага кўра **Марғинон**, **Фарғона** шаҳрига кўшилиб кетган **Қиргули** шаҳарчаси архивда **Киргил** (бошқа бир ҳужжатларда **Киргили**), вилоятда бир неча марта учрайдиган **Қайрағоч** номи архивда **Қорайиғоч** (**Қораяғоч**), **Қипчоқ** топоними **Қибчоқ** шаклида қайд қилинган.

Фарғона вилоятининг қисқача топонимик луғати

Аввал – қишлоқ, **Фарғона** тумани. Дастлаб “Худуд ул-олам”да, араб географи Муқаддасий асарида қайд қилинган. Этимологияси аниқ эмас.

Акбаробод – қишлоқ, Кува тумани. Қўқон хони Худоёрхоннинг набираси Акбарали номи билан аталган.

Арзиқтепа – қишлоқ, Данғара тумани. Ганчга ўхшаш оқ туپроқ *арзиқ* дейилади. Арзиқ термини рус адабиётига ҳам кирган. Кўчманчилар таркибида ва манғит қабиласи таркибида *арзуқ* деган уруғ қайд қилинган.

Арсиф – қишлоқ, Кува тумани. Дастлаб Истахрий ва Ибн Ҳавқал асарларида тилга олинган. Этимологияси маълум эмас.

Байталчи – Марғилон шахри маҳаллаларидан бири. Асли *байтур* – “ип йигириш ва ипни арқоклаш” сўзидан. *Байталчи* – байтурчи.

Бағдод – шаҳарча, Бағдод тумани маркази. Шаҳарча номи *бог* ва *дод* сўзларидан бўлиб, “арз сўраш боғи” маъносини билдиради деган фикр бор. Қадимги эроний тилларда *баг–бог–фаг* – “худо”; Бағдод – “худо берган”, “тангри яратган” маскан деган маънони англатган.

Бачкир – қишлоқ, Учкўприк тумани. Маҳаллий аҳоли орасида бостириб келган душманни “*бос, қир*” сўзларидан таркиб топган деган ривоят тарқалган. Асли этноним, ўзбек қипчоқларнинг *бошқир* (бошқирт) деган уруғи бўлган.

Бувайда – қишлоқ, Бувайда тумани маркази. Шох Жамолнинг синглиси *Биби Ҳувайдо* номи билан аталган дейишади. Қўқон хонлиги архивида Биби Убайда шаклида тилга олинган.

Ёзёвон – Марказий Фарғонадаги чўл. Бу номни бундай изоҳлайдилар: илгарилари Исфайрамсойдан келган сув етишмас, халқ қудуқлардан сув ичар экан, марғилонликлар Ёзёвонда лалмига қовун-тарвуз экиб, қапа тикиб далага кўчиб чиқишар экан. Ёзёвон, яъни “Ёзлик айвон” шундан қолган эмиш. Ёзёвон “Ёзи ёмон, иссиқ” деган ривоят ҳам бор. Аслида бу топоним таркибида иккала сўз – *ёз* (ёзи) ҳам, *ёвон* ҳам “чўл, дала, яланглик” демакдир.

Исфара – сой. Асбара шаклида араб географларидан Ибн Ҳавқал, Истахрий асарларида қайд қилинган. Этимологияси аниқ эмас.

Марғилон – шаҳар. Дастлаб араб географларидан Муқаддасий асарида, сўнгра “Бобурнома”да **Марғинон** шаклида тилга олинган, **Марғинот** шакли ҳам учрайди. Самарқанд яқинида **Марғилонттепа** деган қишлоқ ва ариқ бўлган. Этимологияси аниқ маълум эмас. Ҳар ҳолда Марғ (“ўтлоқ”, “кўкаламзор”) маъносини англатади.

Наймас – қишлоқ, Бағдод тумани. *Наймас* деган уруғ бўлган.

Овчи – қишлоқ, Ўзбекистон тумани. 92 бовли ўзбек “қавмлари” орасида тилга олинган бир уруғ *овчи* деб аталган.

Олиш – Фарғона вилоятидаги бир неча микротопоним. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида *олиш* (алиш) – “сувнинг ҳовузга қуйиладиган ўрни” деб изоҳланган. Олиш (алиш) турли жойларда “ариқ ёки сойнинг сув чиқариш учун тўсилган жойи”, “сув тақсимлагич” маъноларида қўлланилади.

Повулғон – қишлоқ, Олтиариқ тумани. Мўғул тилида *паулган* – “кўниш жойи”, “ўрда”, “манзил” демакдир.

Раққон – қишлоқ, Бешариқ тумани. Кўқон хонлиги архивида **Рафиқон** шаклида қайд қилинган.

Риштон – шаҳар, Риштон тумани маркази. Дастлаб “Худуд ул-олам”да, араб географларидан Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида шаҳар деб қайд қилинган. Кўқон хонлиги архивида **Рашидон** шаклида тилга олинган.

Сўх – қишлоқ, Риштон тумани. Ўрта асрларда йирик савдо маркази бўлган. Дастлаб “Худуд ул-олам”да тилга олинган: Сўх тоғлар орасида, Бутмон (Буттам) тоғли ўлкаси билан Фарғона ўртасидаги чегарада жойлашган. Араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида ҳам учрайди. Асли дарё номи билан аталган бўлса керак. Этимологияси аниқ эмас.

Такия – Кўқон гузарларидан бири. Дастлаб дарвишлар маскани муқаддас жой ҳисобланган ва *такя* дейилган (асл маъноси “бошпана”), *такя* қилмоқ – “тоат-ибодат қилмоқ” Кўқонда *такя* – “чойхона”, “гурунглашадиган жой”. Заҳириддин Бобур бир *такя* деб “бир кишилиқ жойнамоз сиғадиган жой”ни айтган.

Тоғлиқ – қишлоқ, Охунбобоев тумани. Тоғлиқ – Шарқий Туркистондаги этник гуруҳлардан бири. Қирғизларда *тоғлиқ* (тағилиқ) уруғи бор (“Манас” эпосида ҳам қайд қилинган). Тоғлиқ уруғи билан *тоқчи* (тоғчи) уруғи бир маънода.

Тувадоқ – қишлоқ, Бағдод тумани. Кўчманчи ўзбеклар таркибидаги бир уруғ *тувадоқ* деб аталган. *Тувалоқ* (тувдоқ, тувадоқ) – уруғнинг муқаддас жонивори.

Туранғикўл – Фарғона вилоятидаги кўл. *Туранги* – дарё бўйларида ўсадиган майда баргли терак.

Турбат – қишлоқ, Кува тумани. *Турбат* арабча туроб сўзининг кўплиги бўлиб, “тупроқ, хок, қабр” демакдир (*аҳли туроб* – “марҳумлар”). Улуғ кишиларнинг қабри устига қурилган мақбара ҳам *турбат* дейилган, масалан, Гўри Амир мақбараси **Турбати Темур** ҳам дейилган. **Турбат** деган жойлар одатда азиз-авлиёларнинг мазори, қадамжойи ёнида бўлади. *Турбат* деган турк-мўғул қабиласи ҳам бўлган экан.

Туркияқишлоқ – қишлоқ, Кува тумани. Турк – Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келган ва кейинчалик ўзбеклар таркибига кирган этник гуруҳ; *-ия* топоним ясовчи кўплик аффикси: **Мингия, Ўзбекция, Юзия.**

Тургоқ – қишлоқ, Учкўприк тумани. Ўзбеклар таркибида *тургоқ* деган уруғ бўлган. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи тарокима” асарида *тургоқ* – “кўрикчи, соқчи” деб изоҳланган.

Тўда – қишлоқ, Риштон тумани. “Бир тўп, бир гуруҳ” маъносига бу сўз топоним шаклида ўзбек уруғларидан бирининг номи. Масалан, кенагас қабиласининг бир уруғи *тўда* деб аталган.

Фарғона – қадимий номлардан бири. Фарғона номи дастлаб Муғ тоғидан топилган (8-аср бошлари) суғд хужжатларида, сўнгра Табарий тарихида (9–10-асрлар), Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида вилоят номи сифатида қайд қилинган. Шаҳар 1887 йилда қурилган. 1907 йилгача **Янги Марғилон** (маҳаллий халқ орасида **Сим**) деб юритилган. 1907 йилдан 1924 йилгача Россия подшолиги босқинчи генерали Скобелев номи билан (маҳаллий аҳоли талаффузида **Искобил**) аталган, 1924 йилдан – **Фарғона**. Баъзи ривоятларга кўра, Фарғонани Ануширвон (Нуширвон) обод қилган экан – у бу ерга ҳар бир жойдан биттадан қабила вакили олиб келган. Турли жойлардан келган кишилар иморатлар қуриб, экинлар эккан. Бу кишилар *Аз ҳар хона* “ҳар хонадондан (келганлар)” деб ном олган. Шу сўзлардан **Фарғона** номи келиб чиққан экан. Бу ривоят кўпгина тарихий ёдгорликларда келтирилган.

Суғд хужжатларини тадқиқ қилган мутахассислар топонимнинг қадимий шакли **Фар(а)ғона** ёки **Фарағона** бўлганини аниқладилар ва юнон тарихчиси Геродот асарларида тилга олинган *парикания* халқи номи билан аталган деган фикрни ноўрин деб ҳисоблайдилар. **Фарғона** *паркана* (“атрофи берк водий”) сўзидан ном олган дейиш ҳақиқатга яқиндир.

Фороб, Бороб – ўрта асрларда Сирдарё ёқасида Фарғона водийсида бўлган шаҳар. Араб географларидан Истахрий, Ибн Хавқал асарларида тилга олинган. “Худуд ул-олам”да **Пароб** ва **Бороб** деб тилга олинган. Тошкентдан шимоли-ғарбда, Арис суви Сирдарёга қуйиладиган жойда ҳам **Фороб** деган шаҳар бўлган. Самарқанддан 8 фарсах нарида, тоғ этагида **Фароб** қишлоғи бўлган (Тожикистоннинг Панжакент туманидаги Фороб қишлоғи). Бу учала номнинг келиб чиқиши бир хил бўлса керак, эҳтимол шарқшунос В.Ф.Минорский таъкидлаганидек, *бороб* – “тошган сув”, “сув тошқини” маъносини билдиради.

Хуббонкўл – **Кўли Хуббон**, Шохимардон тоғларидаги кўл. Х.Х.Хасанов кўл қадимги сув илоҳи **Хубби** номи билан аталган дейди. Шу билан бирга тожикча *хубон* сўзи “гўзал” деган маънони билдиришини айтиш мумкин (*Хубон* деган исм бор).

Чимён – қишлоқ ва мавзе, Фарғона туманида. Муқимий Чимёнга саёҳат қилиб борганда, унинг ноободонлигидан нолиб бундай деган экан: Пасты-баланд Чимён экан. Монанди бир зиндон экан. Душманлари меҳмон экан.

Чимённи чашмадамиён – “суви (булоғи) кўп”, *чилкон* – “конлари кўп жой” деб изоҳлаганлар (ҳақиқатан ҳам бу ердан нефть ва бошқа конлар топилган). Чимён – “чимзор” маъносида деган фикр ҳам бор. Чиндан ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”ида *чимган* – “чимзор”. Этимологияси аниқ эмас.

Чубаланчи – қишлоқ, Бағдод тумани. *Чубаланчи* уруғ номи.

Шабада – қишлоқ, Ўзбекистон тумани. Қишлоқ “майин шамол” маъносидаги *шабада* сўзидан ном олган дейиш мумкин. Топонимист С.Губаева қишлоқ қирғизларнинг бўстўн уруғининг *шабада* деган шохобчасидан ном олганини исботлади. Бошқирдларнинг катая қабиласининг бир бўлими *шабада* деб аталган.

Юзия – қишлоқ, Кува тумани. Кўпинча *Юзуя* шаклида талаффуз қиладилар ва ёзадилар. Лекин бу номнинг уя (қуш уяси) сўзига ҳеч дахли йўқ. **Юзия** – “юз уруғи вакиллари яшайдиган қишлоқ” (-ия кўшимчаси топонимияда кўплик белгиси). Масалан, Асака туманидаги **Юзия** қишлоғи *Юзлар* деб ҳам айтилади.

Яшиқ – қишлоқ, Учкўприк тумани. *Яшиқ* – Фарғона водийсидаги қипчоқларнинг уруғи номи.

Қақир – Фарғона водийсида, айниқса, Фарғона вилояти топонимлари таркибида кўп учрайдиган термин (**Қақирмаҳалла, Қақирқишлоқ, Қизилқақир** ва б.). Туркийча *қақир* – “сувсиз қақраб ётган ер”. Қақир – уруғ номи бўлиши ҳам мумкин: **Шукурқақир, Қақирмаҳалла** каби номлар этнотопонимларга ўхшайди.

Қиргули – Фарғона шаҳри ёнидаги шаҳарча, шаҳар таркибига қўшилиб кетган. Қадимдан **Қиргили** деб келинган, Қўқон хонлиги архивида **Қиргил** шаклида тилга олинган. Этимологияси аниқ эмас. Топонимист С.Губаева уруғ номи дейди. Ўзбекларда *қиргили* (“тамғаси қирғи шаклида”) деган уруғ бўлган. **Қирғили Қиргили** бўлиб кетган бўлиши мумкин (Фарғона водийсининг баъзи жойларида “қ” товушини “к” деб талаффуз қиладилар: *қария* демасдан *кария*, “*сув қуй*” демасдан “*сув қуй*” дейишади). “Қиргули” деб изоҳлаш умуман тўғри эмас.

Қува – шаҳар. Дастлаб “Худуд ул-олам”да, сўнгра араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида **Қуба** шаклида қайд қилинган. Ўрта асрларда **Қува** алоҳида вилоят пойтахти бўлган ва Фарғонада Ахсикатдан кейин иккинчи шаҳар ҳисобланган. “Бобурнома”да **Қубо** шаклида тилга олинган. Этимологияси аниқ эмас.

Лекин *қуба* (кува) деган этноним бўлган. Этнограф К.Ш.Шониёзов ўрта асрларда қипчоқлар таркибида мустақил *қуба* (кува) қабиласи бўлган дейди. *Қуба* (кува) – умумтуркий этноним. Қирғизларнинг черик қабиласи таркибида *қуба* деган йирик уруғ бўлган. Қўнғирот ўзбеклари орасида *кува* этноними бўлган. Озарбайжондаги **Қуба, Қубали, Қубадереси**, Туркменистондаги **Қубатоғ, Ўзбекистондаги Қува** каби топонимлар *қуба* этнонимидан ном олган бўлса ажаб эмас.

Қўқон – қадимий шаҳар. Дастлаб “Худуд ул-олам”да (“Хўқанд-Хувоқанд – халқ зич яшайдиган шаҳарча”), сўнгра араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида Хўқанд (Хувоқанд) ва Хуқанд (Хувоқанд) шаклларида қайд қилинган, “Бобурнома”да Хўқон ўрчини (тумани) тилга олинган. Ҳозирги Қўқон шаҳри тарихий Хўқанд ўрнида 18-асрда ўзбекларнинг *минг* уруғи бошлиғи Шохруҳ томонидан барпо этилган. В.В.Бартольд шаҳар номининг адабий жиҳатдан тўғри шакли **Хўқанд** бўлиб, **Қўқон** жонли тилда талаффуз этилишидир, деб ҳисоблайди.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган, қадимий суғориш маданиятига эга бўлган кўхна вилоятлардан. Таркибида 10 кишлоқ тумани (Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиарик, Янгибозор, Кўшкўпир, Ҳазорасп); 3 шаҳар (Питнак, Урганч, Хива); 7 шаҳарча (Гурлан, Хонқа, Чалиш, Шовот, Янгибозор, Кўшкўпир, Ҳазорасп) бор. Маъмурий маркази – Урганч шаҳри.

Хоразм вилояти табиий шароити билан республикадаги бошқа вилоятлардан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг ғарби ва жануби-ғарбидаги **Қорақум чўлига** ёндош кенг бўшлиқларида бу вилоят бамисоли пахтазорлар, боғ-роғларга бурканган ям-яшил оролни эслатади. Хоразм вилояти **Амударёнинг** қуйи қисмидаги аҳоли энг зич жойлашган региондир. Вилоят ер юзаси Амударёнинг қадимги дельтасидаги пасттекисликдан иборат. Вилоятда **Тошсоқа, Полвонёб, Ғазовот, Шовот, Урганчарна** ва бошқа суғориш каналлари, **Туямўйин сув омбори** қурилган.

Хоразм воҳаси бой ва қадимий тарихга эга. Амударё соҳили бўйлаб жойлашган Хоразм худудида қадимдан турли қабилалар ва халқлар яшаган. Милоддан анча олдинроқ ана шу худудда Хоразм давлати барпо этилган. Хоразмликлар юксак маданиятли халқ бўлган.

Хоразмнинг қадимги аҳолиси – хоразмий тилида (шарқий эроний тилларнинг шимолий гуруҳига мансуб) сўзлашган. Кейинчалик улар турли қабилалар ва халқлар билан аралашиб кетган. Туркийзабон қабилаларнинг Хоразмда ўрнашиб қолиши оқибатида хоразмликлар ўз тилларини унута бошлаганлар. Туркий тиллар аста-секин ҳукмрон мавқени эгаллай боради. Шунга қарамасдан хоразмий тили 13–14-асрларда ҳам сақланиб қолган эди. 14-аср ўрталарида ва охирларида ҳам Жанубий ва Шимолий Хоразмда шу тилни билган одамлар бўлган.

Хоразмий тили туркийлашган бўлса-да, хоразм шевалари лексикасида арабча ва форсча сўзлардан фарқ қиладиган қадимий унсурлар учрайди. Бундан ташқари, Хоразм шеваларида семантик жиҳатдан хиралашган лексик қатлам мавжуд, бундай сўзларни тилшунослар қадимги хоразмий тилидан қолган лексик бирликлар деб ҳисоблайдилар.

Бундай унсурлар топонимияда айниқса яққол сезилади. Академик В.В.Бартольд *арна*, *яп* (ёп) сўзларини хоразмийча деб ҳисоблаган ва “ўта, обдон яхши” маъносидаги қадимги *арта* (арда) сифати Хоразмнинг географик номенклатурасида тез-тез учраб туради, деб ёзган. Араб географлари асарларида тилга олинган топонимлардан қадимги Хоразмнинг катта ва бой шаҳри **Артахушмитан** (Ардахушмитан) билан **Ардақува** қишлоғи номларини ўша *арта* (арда) унсуридан таркиб топган ойконимлар деб ҳисоблаймиз.

Хоразмлик топонимист профессор З.Дўсимов *вар* (вара), *пур*, *кат*, *кас*, *қала* каби унсурларни қадимги Хоразмнинг топонимик индикаторлари деб ҳисоблайди.

Эроншунос В.И.Абаев *вар*, *вара*, *пар*, *пур* каби унсурлар этимологик жиҳатдан бир-бирига яқин сўзлар бўлиб “истехком девори”, “қўрғон, ғов” каби маъноларни англатади деб ҳисоблаган. Чиндан ҳам “Авесто”да *вар* – “бирон жойнинг атрофига девор олиш”, “оғилхона”, *фравар* – “истехком”, венгерчада *вар* – “қалъа”, *варош* – “шаҳар”, форсчада *вара* – “девор”, “ғов”, курд тилида *вер*, *вар* – “турар жой”, “манзил”, “қўниш жойи”.

Хоразмнинг қадимий пойтахти турли манбаларда ва турли даврларда **Фил**, **Фир**, **Кас**, **Кат**, **Хоразм** деган маънодош шаклларда тилга олинган. Шунини айтиш керакки, қадим замонларда ҳар қандай йирик аҳоли пункти, хусусан, шаҳарларнинг, айниқса шаҳар-давлатларнинг атрофлари истехком девори билан ўралган. Шунинг учун энг йирик аҳоли пунктини ифодалайдиган сўз дунёдаги кўпгина тилларда “истехком”, “қалъа”, “қўрғон”, “мустаҳкам девор билан ўралган” каби маъноларни англатади (қалъа, арк, қоҳ шаҳар, кат ва б). *Хоразм* сўзини ҳам шу жумлага киритиш мумкин.

Араб географларидан Ибн Ҳавқал **Касни Шаҳристон**, яъни “ички шаҳар” ҳам дерлар, деб ёзган бўлса, Беруний Хоразм 3 қисмдан иборат бўлиб, **Ал-Фир** шаҳарнинг энг мустаҳкам марказий арк қисми эканлигини айтган.

3. Дўсимов Хоразм топонимларини даврларга бўлар экан лур (фур, пил), *вар* (вара) унсурли номларни, жумладан, **Варағдех**, **Варағзон** топонимларини ўлка тарихий топонимиясининг энг қадимий босқичига киритади. *Вар(a)г* элементи ҳақида шуни айтиш керакки, арабизабон муаллифлар араб грамматикасига амал қилиб, сўз охирида кетма-кет икки ундош келган ўринларда ундошлар орасига қандайдир белги қўйиб ёзишга ҳаракат қилганлар. Мисол учун Самарқанд шаҳри яқинидаги **Работхўжа** қишлоғининг олдинги номи Истахрий, Муқаддасий асарларида ва бошқа тарихий манбаларда **Варқсар** (Варғсар) ўрнига **Вараксар**, Бухоро яқинидаги **Варқ**, **Рас ал-Варқ** мавзелари эса **Варақ** (Варағ), **Рас ал-Варақ** (Рас ал-Варағ) шаклларида қайд қилинган.

Сўзд тилида, демакки хоразмий тилида ҳам *варқ* (варғ) – “тўғон”, *варағзан* эса (тўғриси варғзан) – “тўғон устаси” демакдир (қиёсланг: *деворзан* – “девор устаси”, “пахсачи”).

Хива топонимини ҳам ўша субстрат номлар жумласига киритиш мумкин. Чунки **Хива** номи **Хейвақ** қудуғи билан боғлиқ. Тилшунос Ф.А.Абдуллаев **Ангарик**, **Безганик**, **Кник**, **Пишканик**, **Рафаник** типидagi номларни Хоразм топонимиясининг энг қадимий шакли деб ҳисоблаган эди. Демак, **Хейваниқ** (Хейканиқ) канали каби **Хейвақ** қудуғи номлари ҳам ўша энг кекса топонимлар сирасидандир. **Хейвақ** қудуғи ҳақида ҳам ривоят бор. Бу ривоятни Я.Ф.Фулломов Худойберди Қўшмуҳаммаднинг “Дили ғароиб” кўлөзмасидан келтирган: “Бу мамлакат (Хоразм)нинг қалъаларидан бири **Қалъан рамл** – “Қум устидаги қалъа”дир. Уни Нух пайғамбарнинг ўғли Сом қурган. У қалъани ўз отасининг кемасига ўхшатиб солган. Уни **Хейвақ** дейдилар. Сом бу ерга келиб қум тепалиги устида ухлаб ётиб туш кўради: тепаликда 300 машъала ёниб турган эмиш. Тушини яхшиликка йўйиб, қум тепалиги устига тупроқ ётқиздирди ва унга шаҳар шаклини берди. Иккинчи марта келганда атрофига девор олдирди ва ғарбий ёнига қудуқ қаздирди. Бу қудуққа **Хейвақ** деб ном берди. Шаҳарнинг **Хейвақ** деб аталиши ҳам шундан. Қалъа бир неча бор вайрон бўлган ва қайта-қайта тикланган дейишади. Ҳозир эса обод шаҳар”.

Я.Фулломов **Хива** ва **Хейвақ** сўзларининг маъноси номаълумлигича қолаётир дейди.

Баъзи бировлар қудуқ номи *хей-вах* [“вах-вах” – мамнуният хитоби] сўзидан дейишса, бошқалар *хайва* ёки *хавак* (холи, қуруқ)] сўзидан келиб чиққан дейишади.

Араб географлари Истахрий ва Муқаддасий *Хива* 10-асрда Хоразм воҳасида энг йирик шаҳарлардан бўлган деб ёзганлар. Хейвақ қудуги ҳамон мавжуд. Лекин *Хива* ва *Хейвақ* сўзларининг илмий маъноси жумбоқлигича қолаётир.

Ана шу мисоллар ҳам Хоразм топонимларининг ўзига хослигини кўрсатади. Буни топонимик индикаторлардан билса ҳам бўлади.

Ўлка топонимиясида энг кўп тарқалган термин *қала* (қалъа) сўзидир. Қалъа сўзи жонли тилда, шеваларда, топонимлар таркибида баъзан *қала* шаклида ҳам учрайди. Бу термин турли тилларда ва хилма-хил фонетик шаклларда ҳамда семантик товланишларда Атлантика океани соҳилларидан Ҳиндистон ярим оролигача – Европа, Африка, Осиёнинг бепоён ҳудудларида сон-саноксиз топонимлар ҳосил қилган. Бу сўз испан мустамлакачилари билан бирга Лотин Америкасига етиб борди ва Жанубий Америка мамлакатлари топонимиясида ҳам сезиларли из қолдирди. Э.М.Мурзаев географик номлар таркибидаги *қала* жуда қадимий элемент бўлиб, антик даврдан ҳам олдин пайдо бўлган дейди. Хоразмда *қала* деганда ички ҳовлиси бўлган ва қалин девор билан ўралган турар-жой тушуниланган. Кейинчалик шаҳар ва қадимий шаҳарларнинг ҳаробалари ҳам *қала* дейилган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам *қала* элементли топонимлар кам эмас: Аёзқала, Айдўсқала, Аразқала, Олтинқала, Окбошқала, Окқала ва б.

Хоразм вилоятининг ўзида эса *қалъа* компоненти мавжуд ойконимлардан қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: Ачақала, Ашаққала, Бўзқала, Дошқала, Идалиқала, Кўнақала, Чигатойқала, Шағалқала, Шўрқала, Юқорикала, Қараманқала, Катқала.

Турли ҳудудларнинг географик номлари топонимларни ҳосил қиладиган маҳаллий географик терминларга, яъни топонимик индикаторларга қараб бошқа ерларнинг жой номларидан фарқ қилади. Хоразм вилоятида индикаторлар хилма-хилдир. Бошқа ҳудудларда деярли учрамайдиган индикаторлардан мисоллар келтирамиз.

Аланг (“экинга яроқсиз ер”, “эски арик”, “анҳор йўли”): Аланглик, Кичиаланглик, Уллиаланглик, Қорааланг;

Атав (“орол”): Кичиатав, Уллиатав, Шаммининг атави, Қамишлиатав.

Арна (“катта канал”): Арнасақа, Оталиқарна, Пахтаарна, Полвонарна, Шовотарна.

Хоразмча бу сўз ҳақида В.В.Бартольд бундай деган: “10-асрда ҳам Хоразм халқи бошқа эронликлар тушунмайдиган ва ҳатто ёзма ҳужжатларда ишлатиладиган ўз она тилида гаплашар эди; афтидан бу тилни кейинчалик форс тили эмас, балки турк тили (туркий тил) суриб чиқарган. Суғориш соҳасидаги баъзи бир терминлар (*арна* – “катта канал”, *ён* – “кичик канал”), шубҳасиз хоразмий тилининг қолдигидир”.

Арна сўзи бошқа худудларда ҳам маълум: Жиззах ва Сирдарё вилоятларида “жар”, “қуруқ ўзан”; Шимолий Қозоғистонда – “дарё”, Жанубий Ўзбекистонда – “дара”, Шимолий Кавказда – “булоқ”.

Ён (“арик”, “кичик канал”): Бўзён (бир неча марта такрорланади), Оёқён, Фовикён, Калтаён, Каттаён, Катён, Киникён, Кўлён, Манғитён, Қумён, Қизилён ва бошқалар.

Ёрмиш (“кичик арик”): Бўзёрмиш, Ёрмиш, Кичиёрмиш, Улиёрмиш;

Ёсқа (“кечув”): Ёмутёсқа, Мачитёсқа, Узунёсқа, Қумёсқа;

Сақа-сага (“сув қулочи – сув оғзи, яъни каналнинг боши”): Арнасақа, Тошсақа;

Солма (“кичик арик”): Бегансолма, Ботилсолма, Бўзолма, Оёқсолма;

Қайир (“канал ёки сув тармоғи ёқасидаги нам теккан юмшоқ, қумлоқ ер”): Бунгиқайир, Тўманқайир, Қиблақайир.

Дарё ёқасидаги қовун экиладиган серунум ер *қайир* дейилган. Ўзбек илмий географик терминологиясида тошқин пайтида сув босадиган текис жой ана шу хоразмча термин билан *қайир* деб аталадиган бўлди (русчаси “пойма”).

Бундан ташқари, вилоят худудида *бадров* (партов), *бадоқ* (Бухоро атрофларида *афдоқ* – “кичик арик”), *оёқ* (дарё этаги), *туз* (текислик) каби “соф хоразмча” терминлар ҳам учрайди.

Шу билан биргаликда Хоразм топонимиясида *қариз* (кориз), *кўл*, *кўлча*, *кўпир* (кўприк), *овул*, *тақир*, *тўғай* (тўқай), *юрт*, *қум* каби умумтуркий терминлар ҳам кенг истеъмолда. Лекин туркий дунёдагина эмас, балки кўшни худудларда ҳам кўп учрайдиган *арик* (“айрик” – иккига ажралган сўздан) термини Хоразм топонимиясида жуда кам учрайди (*Хўжаарик*, *Янгиарик*).

Мачит (масжид) сўзи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: *мачит* Ўзбекистонда айниқса шўролар ҳокимиятидан олдин ойконимияда энг фаол ишлатилган терминлардан бўлган.

Кўпгина ҳолларда *қишлоқ* билан *мачит* тушунчалари фарқ қилинмаган. Хоразмда эса солиқ тўлайдиган ҳар қандай аҳоли пункти *мачит* деб аталган. Масалан, 1910 йилда фақат Амударёнинг чап соҳилида 1368 мачит бўлган. Буларнинг кўплари кишилар исми билан аталган: **Авазмачит, Бобожонмачит, Паҳлавонмачит, Раҳмонберганмачит, Қурбонмачит** ва бошқалар.

Шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўтказилган аҳоли рўйхатларида Хоразмда *мачит* сўзи бир неча юз қишлоқ номлари таркибида такрорланган. Хоразм вилоятининг ҳозирги шаҳар-қишлоқлари номларидан бу термин суриб чиқарилган деса бўлади. Фақат Янгиариқ туманида **Оқмачит** номи қишлоқ бор.

Хоразм вилояти топонимиясининг ўзига хослиги ҳақидаги қисқача маълумотлар шулардан иборат.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Авшар – қишлоқ, Ҳазорасп тумани. *Авшар* (Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида *афшар*, Рашидаддиннинг “Жоме ат-таворих” асарида *авшар*) – қадимги ўғуз уруғ-қабилаларидан бири.

Авшарбадоқ – қишлоқ, Ҳазорасп тумани. *Авшар* – уруғ номи, *бадоқ* – ўртача арик.

Айритом – қишлоқ, Хива, Янгиариқ, Шовот туманлари. Туркманларнинг салар қабиласининг бир уруғи *айритам* (айритаamlар) деб аталган.

Амударё – Хоразм вилоятининг ягона дарёси. Юнон муаллифлари асарларида **Окс** (Оксос) деб ёзилган. Дарёнинг **Аранг, Раха, Ранха, Аранха** деган қадимий номлари ҳам бор. Маҳаллий аҳоли **Ўкуз**, араблар **Жайхун** деб атаган. Баъзи бировлар бу ном Тавротда ҳикоя қилинган **Гихон** дарёсига нисбат бериб қўйилган дейдилар. В.В.Бартольд эса араблар **Жайхун** ва **Сайхун** номларини Шимолий Суриядаги **Жайхон** ва **Сайхон** дарёлари номи билан аташган бўлса керак дейди. Тарихчи Гардизий *Жайхун* ҳар қандай катта дарё учун турдош от деган эди. Ҳақиқатан ҳам Зарафшон водийсида бир арик **Жайхун** деб аталган.

Амударёнинг қадимги эроний номи **Вахш** (Вахшоб) бўлган; дарёнинг йирик ирмоқларидан бири ҳозир ҳам **Вахш** деб аталади. Абу Райҳон Беруний **Вахш** хоразмликларда сув худоси (париси) – малак номи деб ёзган. Амударёни

Покистонда ҳозир ҳам Вакшунада деб атар эканлар. Ўрта Осиёда Вахш, Вахшивар, Вахшивардара деган жойлар бир неча марта учрайди.

Амударёнинг ҳозирги номи ўрта асрларда (6-асрдан) Омул (Омуй, Омуйя) шаҳри номидан олинган дейишади; бу сўз орийлардан ҳам олдинги *амард* халқи номидан келиб чиққан бўлса керак, дейди В.В.Бартольд. Маҳмуд Кошғарийда ҳар қандай тинч, барқарор, кимирламайдиган турғун нарса *амул* дейилишини айтиб ўтиш мумкин.

Олимлар Окс (баъзан Акес) Амударёнинг қадимий туркий номи Ўкуз сўзининг ўзгинаси эканлигини аниқладилар. Амударёнинг шохобчаларидан бири ҳозир ҳам Ўкуз деб аталади (ўкуз сўзининг асл маъноси “дарё” демакдир).

Амударёнинг Термиз дарёси, Калиф дарёси, Урганч дарёси, Хоразм дарёси каби бир неча номлари ҳам бўлган.

Ардахива – ўрта асрларда Хоразмда бўлган йирик қишлоқлардан бири (қасоба). Дастлаб араб географларидан Истахрий, Муқаддасий асарларида тилга олинган. *Арда*, *арта* қадимги хоразмий тилида “яхши”, “ажойиб” деган маънони билдирган. Ардахива – “яхши Хива”.

Ардахушмитан (Артахушмитан, Рахушмитан, Хушмитан) – ўрта асрларда Хоразмда тилга олинган шаҳар. Дастлаб Истахрий, Муқаддасий, сўнгра Ёқут Ҳамавий асарларида тилга олинган. *Арда* (арта), *хуш* – “яхши”, “ажойиб”, Ардахушмитан эса “ўта яхши қалъа, кўрғон” демакдир.

Ардақува – ўрта асрларда Хоразмда (Гурганж – Кўҳна Урганч яқинида) тилга олинган қишлоқ; қаранг Ардахива.

Ашаққўл – қишлоқ, Хива тумани. *Ашақ* хоразмликлар тилида “этақ”, “паст”, “қуйи” демакдир; *Ашаққўл* – “этақдаги қўл”.

Бажанак – қишлоқ, Гурлан тумани. Ўрта асрларда Волга бўйларида яшаган печенег қабилалари аслида *бажанак* деб аталган. Печенеглар 8–9-асрларда Сирдарёнинг ўрта оқими бўйлаб ва ундан шимол ҳамда жанубдаги чўлларда кўчиб юрган.

Бағалан (Боғолон) – қишлоқ, Гурлан тумани. Топоним милоннинг дастлабки асрларида Азовбўйи, Кавказ олдида яшаган қадимги *алан* қабилалари номи билан аталган деган фикр бор (Боғи олон – “Алан боғи”). Аслида бу қишлоқ минг қабиласининг *боглан* уруғи ёки юз қабиласининг *баганали* уруғи номи билан аталган бўлса керак.

Гурлан туманидаги **Мингбағалан**, яъни “минг кабиласининг бағанали уруғи” деган қишлоқ ҳам бор.

Беватан – қишлоқ, Янгиарик, Қўшқўпир туманлари. *Беватан* – Хива хонлигида ер-суддан маҳрум энг қашшоқ деҳқон. Беватан деганда уй-жойсиз, оиласиз киши, ижтимоий маънода эса – давлат (подшолик) ерларини ижарага олиб ишлаган камбағал деҳқон тушунилган; беватанларнинг ота-боболари ҳам шундай кун кечиришган, бошқача айтганда, беватанлик отадан болага мерос қолган.

Бекенчилар – қишлоқ, Урганч тумани. *Бекен* – сув йўлларида хавфли жойларни белгилаш ва кемалар юра оладиган йўлни аниқлаш учун лангарга боғлаб қўйилган сузғич чироғ; *бакенчи* (бекенчи) – бакен чироғларини ёқиб-ўчириб турадиган ишчи; бу сўз Амударё этагида касб номи ва топонимга айланган.

Бозоржиқ – қишлоқ, Хива тумани. *Бозоржиқ* – “бозорча”.

Бурлак – қишлоқ, Шовот тумани. Дашти қипчоқ ўзбеклари улусида *бурлак* уруғи бўлган.

Гурлан – шаҳарча, Гурлан тумани маркази. Хоразм вилоятида *гурлан* деган кичик уруғ бўлган.

Дишанқала – “ташқи шаҳар”, Хива шаҳрининг ташқи қисми; қаранг **Ичанқала**.

Довдон, Девдон – Амударё этагидаги қадимги дарё тармоқлари. *Дев* (див, дов) ва *дон* – “жой, манзил, макон” сўзларидан, “девлар макони”, “девхона” демакдир. Амударё қадимда сув худоси (малак) *вахш* деб аталган. Вахшнинг макони бўлганидан дарё тармоқлари *Девдон* деб аталган.

Жалаил – қишлоқ, Янгиарик тумани. *Жалойир* (қишлоқ) этнонимининг диалектал шакли.

Ичанқала – Хива шаҳрининг қадимий марказий қисми; *Ичанқала* – “ички шаҳар” дегани. *Дишанқала* эса 17–18-асрларда Ичанқала атрофида бунёд этилган “ташқи шаҳар”дир. Хоразмдан бошқа ерларда шаҳарнинг ички қисми арабча *мадина* ёки *шаҳристон* ёинки *дарун* (“ички шаҳар”), ташқи қисми эса *рабод*, *берун* (“ташқи кўнок”) деб аталиб келган.

Катқала – Беруний туманидаги жой. Қадимги Хоразм пойтахти Кот шаҳрининг харобаси; қаранг **Кот**.

Кот (Кос) – Хоразмнинг қадимги пойтахти. Бу шаҳар тўғрисида Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқалласий, шунингдек, Беруний асарларида мукаммал маълумот берилган. Ёқут

Ҳамавий ёзишча, *кот* хоразмликлар тилида “чўлдаги девор”, “чолдевор” дегани. Шаҳарнинг марказий қисми – шаҳристон **Фил** ёки **Фир** деб аталган. Қадимги **Кот** шаҳри харобаси ҳозирги Беруний шаҳри яқинидадир (қаранг **Катқала**).

Кўназей – қишлоқ, Кўшкўпир тумани, “кўҳна зовур” маъносида. Хоразмда зовурни *зейкаш* (қисқартирилган шакли *-зей*) дейишади. Аслида *зей* адабий тилдаги *зах* сўзининг бузилган шакли.

Кўпаклар – қишлоқ, Урганч тумани. Туркманларнинг гўклен қабиласининг бир уруғи *кўпаклар* деб аталган.

Маздубаст – Амударё ёқасида, Туямўйин ёнидаги қуруқ ўзан. Абу Райҳон Беруний берган маълумотларга кўра, қадимда Амударё суви Маздубаст ўзани орқали Қорақумга оққан. Бу ном икки қисмдан иборат: *Мазда* – маздаизм худосининг номи; *баст* эса “истехқом”, “тўғон”, “канал” демақдир. Маздубаст “Мазда тўғони” деган маънони билдиради.

Маҳмудўтоғаси – қишлоқ, Хонқа тумани. *Ўтоғаси* – бирон қишлоқнинг обрў-эътиборли кишиси. Академик Я.Ф.Ғуломов Хоразмда топилган катта ўчоқлар бирон умумий оила ёки уруғнинг муқаддас олови бўлганидан дарак беради ва *ўтоғаси* термини ўша оловга сиғинадиган кишилар жамоасининг “оғаси”, “бошлиғи” маъносини билдирган бўлса керак. Бу сўз кўпгина луғатларда “ўт, олов оғаси” деб изоҳлаган.

Ўтоға (ўтаға) сўзининг “қушнинг, йирик пари, пати” маъноси ҳам бўлган. Бобур “соч ўтағаси”, “қарқара ўтағаси”, “бошига ўтаға санчиб” каби ибораларни ишлатган. Демак, Бобур бош кийимига тақиб юриладиган соч, қарқара, укки каби қушларнинг патларини тушунган. Шу маънода бошига ўтоға “пар-жиға” тақиб юрган эътиборли – нуфузли кишилар – уруғ оқсоқоллари *ўтоғаси* – “ўтоға санчиб юрган кишилар” деб аталган.

Ўтоғаси сўзининг “ўтов оғаси” маъноси ҳам бор. **Ўтов**, **ўтоқ** – бўз уй. Шайх Сулаймоннинг чигатойча-усмонийча луғатида *ўтоғаси* асли *ўтоқ* (*ўтов*) *оғаси* бўлиб, “хона бошлиғи” (форсча – *катхудо*) демақдир дейилган.

Мошлар – қишлоқ, Ҳазорасп тумани. Бу этнотопоним. Биринчидан, *-лар* кўшимчаси фақат кишилар жамоасини билдиради; иккинчидан, кенагас қабиласи таркибига кирган авакли уруғининг бир бўлими *мош* деб аталган.

Мўлтон – қишлоқ, Янгиариқ тумани. Ўрта Осиё лўлилари *мўлтони* ҳам дейилади. Мўлтон – Покистоннинг

шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар; қадимда бу шаҳар Эрон билан Турон орасидаги Карвон йўли ёқасида бўлган ва лўлилар шу ердан Ўрта Осиёга ўтган. Мўлтон – “лўлиқишлоқ”.

Навурия – қишлоқ, Гурлан, Шовот, Янгибозор туманлари. Туркманларнинг хўжаали қабиласининг бир уруғи *наур* (навор) деб аталган.

Нукуслар – қишлоқ, Янгибозор тумани, **Нукусёп** – Гурлан тумани, **Нукусовули** – Боғот тумани. Ўзбекларнинг кўнғирот ва бошқа қабилалари таркибида *нукус* (нукуз) уруғи бўлган.

Ойдин – қишлоқ, Хонқа тумани. Хоразмда *ойдин* – кўл, кўлнинг чуқур жойи, кўлнинг ўсимликсиз очик жойи, ўртаси.

Олчинсолма – қишлоқ, Боғот, Ҳазорасп туманлари. **Олчинсолма** “олчин (қабиласи) ариғи” (*солма* – хоразмликлар тилида кичик “арик”).

Оролли – қишлоқ, Ҳазорасп тумани. *Оролли* – уруғ номи.

Оталиқарбоб – қишлоқ, Ҳазорасп тумани. Хонлиқлар даврида бутун бир тумандаги суғориш ишларини назорат қилиб турган мансабдор шахс – *арбоб* дейилган; мироблар ва сув ишлари билан машғул бўлган бошқа амалдорлар арбобга бўйсунган. Тоғли туманларда эса сайлаб қўйилган қишлоқ оқсоқоллари *арбоб* дейилган. Судлов, ясовулчилик ишларини амалга ошириш, аҳолига маъмурий йўл билан таъсир кўрсатиш арбобнинг қўлида бўлган; арбоблар ер сотиш, мерос тақсимлаш пайтларида “инъомлар” олиб турган.

Оталиқарна – Хоразмдаги Манғитарна каналининг иккинчи номи. *Оталиқ* – Хоразм хонлигида олий мансабдорлардан бири, энг обрўли киши, бий. Хоразмда бу унвон Абулғозий Баҳодирхоннинг (17-аср) отаси Араб Муҳаммадхон хонлик қилган даврда жорий этилган.

Оташхалфа – қишлоқ, Қўшкўпир тумани. Оташпарастиликда муқаддас олов оқсоқоли; қаранг *Ўтоғаси*.

Оқсарой – қишлоқ, Ҳазорасп тумани. Амударёнинг ирмоқларидан бири ҳам **Оқсарой** деб аталади. *Оқсарой* – сарой қабиласининг бир тармоғи.

Сандиқли – қишлоқ, Боғот, Ҳазорасп туманлари. Г.И.Карпов маълумотларига кўра, туркманларнинг эрсари, С.Отаниёзов маълумотларига кўра эса, салар қабиласи таркибида *сандиқли* уруғи бўлган.

Сақачи – кишлок, Ҳазорасп тумани. Хоразмда каналнинг бош тўғони *сақа*, тўғон устаси *сақачи* дейилган.

Сипонёб – Хоразм вилоятидаги ариқ. Хонобод каналидан бошланган. Маъноси *сипоҳи ёп*, яъни “отлик аскарлар ариғи” демакдир. Чунки ариқ атрофидаги ерлар кўшинларга бўлиб берилган эди, дейди В.В.Бартольд.

Соғдара – Хоразм вилоятидаги дара. *Соғдара* – “ўнг томондаги дара” демакдир.

Тайлақлар – кишлок, Боғот тумани. Қозоқлар, қорақалпоқлар, туркманлар, қирғизлар таркибида *тайлақ* (тайлок), туркманларнинг баят қабиласи таркибида *тайлақлар* уруғи бўлган.

Тозабозор – кишлок, Боғот тумани. **Тозаёп** – Гурлан тумани, **Тозаёрган** – Гурлан тумани; *тоза* – “янги”, *ёп* – “катта ариқ”, *ёрган* – “канал, ариқ”.

Тузлок – кишлок, Янгиариқ тумани. *Тузлок* – “туз кўп жой”, “туз кони”.

Усталар – кишлок, Урганч, Янгибозор, Ҳазорасп, Боғот туманлари. Туркманларнинг салар қабиласи таркибида *усталар* деган уруғ бўлган. “Усталар яшайдиган кишлок” маъносига бўлиши ҳам мумкин.

Харротлар – кишлок, Ҳазорасп тумани. Ёғочдан ҳар хил асбоблар ясайдиган уста *харрот* дейилган; масалан, тароқ устаси *тароқчи ёки харрот* деб аталган. Бухоро шаҳрининг **Харротон** деган гузари (маҳалласи) бўлган.

Хандахёп – кишлок, Гурлан тумани. Асли сув номи (гидроним) бўлган бу топоним “зовур” маъносидаги *хандақ* сўзидан ном олган бўлиши мумкин; шу билан бирга *хандақли* (хандикли) деган уруғ номи ҳам бўлган. Хандақли уруғи ўзбеклар (кўнғирот қабиласи), туркманлар ва қорақалпоқлар таркибига ҳам кирган. Этнонимлар таркибидаги *-ли, -чи* каби аффикслар айниқса бошқа компонент кўшилиб кўшма сўз (топоним) ясалганда тушиб қолиши мумкин.

Хонобод – Хоразм вилоятидаги канал. Канал Хоразм хони Муҳаммад Амин (1846–1855 йиллар) даврида қурилган ва хон шарафига шундай деб аталган.

Хонқа – шаҳарча, Хонқа тумани маркази. **Хонқа хонақоҳ** – “зикрхона” сўзидан олинган; Хонқа 10-асрда **Дархос** деб аталган. В.В.Бартольд *хонақоҳ* форсча *хона* сўзининг сўғдийлар тилида талаффуз қилинишидир деган.

Хоразм – Ўрта Осиёдаги энг қадимий номлардан бири. Зардўшгийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да **Хваиризам**,

кадимги форс тили ёзувларида **Хуваразми**, милоддан қарийб 6 аср муқаддам ижод қилган милетлик Гекатей асарида **Хорасмия** шаклида тилга олинган. Геродот бу маълумотларни янада тўлдирган. Хоразм арабинавис географлар асарларида хоразмий тилида **Хваризм** шаклида қайд қилинган.

Хоразм сўзининг маъноси ҳақида бир қанча фикрлар бор. Ўрта аср араб географларидан Муқаддасий ва Ёқут Ҳамавий асарларида Хоразм сўзининг келиб чиқиши ҳақида бир ривоят келтирилган: подшо жаҳл билан ўз фуқароларидан бир қанчасини кимсасиз узоқ ўлкага бадарға қилишни буюради, лекин у ерда ўтин ва гўшт (яъни Амударёда балик) кўп эди. Мусофирлар бу ўлкани обод қилдилар ва Хоразм деб атадилар (*хвар* – “гўшт”, *разм* – “ўтин”).

Кўпгина олимлар Хоразм сўзи икки таркибий қисмдан иборат деб ҳисоблаганлар ва турлича изоҳлаганлар. Бу номнинг иккинчи қисми (*зми*, *зим*, *зам*)нинг “ер”, “ўлка”, “жой” деган маънода эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Лекин *хвар* (хор) компоненти хийла тортишувларга сабаб бўлган: баъзи бировлар уни “унумли ер” деб, бошқалар “ёмон (жой)”, учинчи бир хил олимлар эса “пастлик (ер)” деб тушунтирдилар. С.П.Толстов Хоразм сўзини “Хварри ёки харри (хуррит) халқи ўлкаси”, “қуёш халқи ери” деб изоҳлади.

Сўғдшунос олим М.Н.Боголюбов фикрига кўра, **Хоразм** уч таркибий қисмдан иборат: *ху* – вар (вара) – *зим*. *Вар* (*вара*) қадимги хоразмий тилда “девор”, “марза”, “ғов”, “қалъа”, “кўра”, *ху* – “яхши”, бинобарин Хоразм “яхши кўрала ўлка”, “ажойиб қалъалари бор диёр” деган маънони англатади.

Хўжалиқ – қишлоқ, Хива тумани. **Хўжалиқ** “хўжалар” дегани. Янгиариқ ва Хива туманларида **Хўжалар** қишлоқлари бор.

Чиғирчи – қишлоқ, Янгиариқ, Кўшкўпир, Шовот туманлари. *Чигир* – қудукдан сув чиқарадиган гидроиншоот (қурилма), *чигирчи* – чиғир билан сув тортиб оладиган киши.

Ширинлар – қишлоқ, Янгибозор тумани. *Ширин* – ўзбеклар таркибидаги уруғ.

Шиговул – Хива туманидаги мавзе. *Шиговул* – элчини бошлаб юрган амалдор, хон ёки подшо саройида тантана маросимларини бошқариб ва назорат қилиб турган амалдор ҳам *шиговул* дейилган.

Шовот – шаҳарча ва канал, Шовот тумани. Дастлаб 1663–1687 йилларда ҳукм сурган Хоразм хони Анушахон 1681 йилда қурдирган **Шоҳобод** канали ва Шоҳобод қасри номи билан аталган (Анушахон Машҳад шаҳрини қўлга киритгач шоҳ унвонини олган эди). Шоҳобод канали дастлаб **Пурфайз** (яъни Серфайз) деб аталган. *Пурфайз* сўзи абжад ҳисобида каналнинг қурилган йилини (ҳижрий 1092) ҳам кўрсатиб турар эди. Шоҳобод бора-бора **Шовот** бўлиб кетган.

Эчкилар – қишлоқ, Янгиариқ тумани. Ўзбеклар улуси, Оқ Ўрда таркибидаги қадимги қабилалар орасида *эчки* қабиласи бўлган. Шайбонийхон Мовароуннахрни забт этишда жумладан *эчки* қабиласига таяниб иш кўрган. 20-аср бошларига келганда, қатағон қабиласининг кичик бир уруғи *эчки* деб аталган.

Ўтоғаси – 1) олов оғаси, оташпарастлик даврида муқаддас олов бошлиғи; 2) бош кийимига ўтоға – қуш патидан жиға санчиб юрадиган обрўли киши; 3) ўтов оғаси, катхудо; қаранг **Маҳмудўтоғаси**.

Қараман – қишлоқ, Ҳазорасп, Қўшкўпир туманлари; **Қараманқала** – Қўшкўпир тумани. *Қараман* (гараман) ва *оқман* (акман) – туркман қабилалари. Қараманлар ўзбеклар таркибига ҳам кирган. Шу билан бирга қайрағоч дарахтининг бир турини Хоразмда *қараман* (қоразман) дейишади.

Қиниқ – қишлоқ, Хива тумани. Хива шаҳри яқинида **Қиниқёп** деган канал бор. *Қиниқ* ўғиз қабилаларидан бири бўлиб, Маҳмуд Кошғарий девонида, Рашидуддиннинг “Жоме ат-тавориҳ”ида қайд қилинган.

Қишлоққишлоқ – қишлоқ, Хива тумани. Кенагас қабиласининг бир уруғи *қишлиқ* деб аталган. Қишлиқлар яшайдиган қишлоқ **Қишлиққишлоқ** деб аталган. **Қишлоққишлоқ** дейиш тўғри эмас.

Қушлоқ – қишлоқ, Янгиариқ тумани. *Қушлоқ* – қушлар кўп жой. Кўчманчи ўзбеклар улусида *қушлов* деган уруғ бўлган.

Ҳазорасп – шаҳарча, Ҳазорасп тумани маркази. Дастлаб Истахрий ва Ибн Ҳавқал асарларида қайд қилинган. Шу номли қалъа ҳам бўлган, бу қалъа араб географлари, жумладан Ёқут Ҳамавий асарларида қайд қилинган. Ҳазорасп номини “Минг от” деб изоҳлаганлар. Афсонада бундай дейилади: қалъани баҳайбат дев қурган экан. Бу дев сув ичгани келадиган 1000 қанотли отни алдаб қўлга

туширади, қанотларини кесиб қўлга ўргатади. Ҳазорасп номи ана шундан келиб чиққан экан. Ҳазорасп туркий хазар халқи номи билан ёки иккинчи таркибий қисми — ос қавми номи билан аталган бўлиши мумкин.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ



Қашқадарё вилояти майдони жиҳатидан республикада йирик вилоятлардан бири. Вилоят республиканинг жануби-шарқида, Қашқадарё ҳавзасида жойлашган, шарқидан Ҳисор ва Зарафшон тизмалари ўраб туради. Таркибида 13 кишлоқ тумани (Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Ғузор), 12 шаҳар (Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Янги Нишон, Таллимаржон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Ғузор), 5 шаҳарча (Дехқонобод, Мироқи, Нуристон, Эски Яккабоғ, Қашқадарё) бор. Маъмурий маркази — Қарши шаҳри.

Қашқадарё воҳаси қадимий маданият марказларидан биридир. Китоб шаҳридан 30 км шимоли-шарқда **Ҳазрати Башир** қишлоғи яқинидаги ғорда палеолит даврида одам яшаганини кўрсатувчи топилмалар аниқланган. Чимкўрғон сув омборининг жанубий соҳилидаги Бўржарсойнинг қуйилиш жойида сўнгги бронза даври (милоддан аввалги 9–8 асрлар)га оид қадимий деҳқонлар манзилгоҳи топилган. Милоддан аввалги 1-минг йиллик ўрталаридаёқ сугорма деҳқончилик ривожланган. Йирик деҳқончилик воҳалари, шунингдек, шаҳарсозлик маданияти (милоддан аввалги 3-асрда) мавжуд бўлган.

Илк ўрта асрларда Қашқадарё воҳасининг юқори қисми **Кеш**, қуйи қисми **Нахшаб** деб атала бошлайди. Милоднинг 6–7-асрларида эски шаҳарлар таназзулга юз тутиб, янги шаҳарлар вужудга келади. 1220–21 йилларда Қашқадарё воҳасидаги шаҳар ва қишлоқлар мўғуллар истилоси натижасида вайрон қилинди. 1318–26 йилларда мўғул

хонларидан Кепакхон қурдирган сарой яқинида **Қарши** шаҳрига асос солинди. 14–15-асрларда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврларида Шаҳрисабзда бир қанча монументал бинолар – сарой, масжидлар, мақбара ва б. қурилди.

Аҳолисининг асосий қисми ўзбеклар, шунингдек, тожиклар, туркманлар ва б. бор. 20-асрнинг бошларигача ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудида яшаган аҳолининг кўпчилиги уруғ-аймоқларга бўлинар эди. Масалан, Қарши шаҳри ва унинг атрофларида манғит, сарой, қовчин, катағон, қутчи, қипчоқлар, қтой, қирқ, юз қабилалари, Шаҳрисабз ва унинг атрофларида кенағас, сарой, қутчи, турк, катағон, қалмоқ, қангли, чуют, қиёт, кўнғирот, можор, манғит, митан, мўғул, найман, саёт қабилалари, Ғузур ва унинг атрофларида кўнғирот, манғит ва бошқа уруғларнинг вакиллари яшаганлар.

Шунинг учун ҳам Қашқадарё вилояти топонимлари орасида этнонимлар катта ўрин тутади. Муболағасиз айтиш мумкинки, вилоят топонимиясида ўзбекларнинг кўпчилик уруғ-аймоқларининг номлари сақланиб қолган.

О й к о н и м л а р и. Вилоятда 1200 га яқин қишлоқ ва шаҳар бор. Ойконимлар орасида юқорида айtilгани каби, қабила-уруғлар ва уларнинг майда шахобчалари номлари катта ўрин тутади. Қашқадарё, шунингдек, Сурхондарё этнонимларининг бошқа ҳудудлардаги уруғ-аймоқлар номларидан фарқи шундаки, кичик уруғлар ва уларнинг шахобчаларининг номлари орасида *бачча* (“ўғли”) этнонимик термини кўп учрайди: *ахсақбачча, боқибачча, лўлибачча, муллабачча, муроббачча, неъматбачча, нодирбачча, норбачча, пўлатбачча, шашбачча, эрбачча, эшбачча, ўрозбачча, ҳожибачча.* Шу билан бир қаторда этнонимларнинг *-ли* кўшимчаси *-ни* шаклида талаффуз қилинади: *жилонни, кўктўнни, оқтўнни, қоратўнни.* Этнонимларда, умуман топонимларда шевавий тафовутлар яққол кўзга ташланади: *жаловли (яловли), жайилма (ёйилма), жилонтамғали (илонтамғали), жобу (ёбу), жилгинли (юлғунли), жорма (ёрма), жуз (юз) ва б.*

Чигатой антропотопоними ва этнотопоними вилоятда *Чагатой*, ҳатто *Чақатой* шаклларида учрайди. Кўпчилик хорижий мамлакатларда Чингизхоннинг иккинчи ўғлининг исми ва Чигатой улуси халқи **Чағатай** шаклида ёзиб келинади. Темурийларнинг Шайбонийларга қарши кураши даврида Моворауннахрнинг ҳам туркий, ҳам форсий тилли

аҳолиси *чағатойлар* дейилган. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларида тожик тилли *чағатойлар* ҳозир ҳам бор. Самарқанд вилоятида ҳам **Чағатой** деган қишлоқлар бор эди; улар ҳам Чигатой қилиб ўзгартирилди. Тожикларда *чағатойи* деган қадимги пойафзал бўлган экан. Демак, бу антропотопонимни синчиклаб текшириш керак бўлади.

О р о н и м л а р и. Вилоят Қашқадарё ҳавзасида ва **Помир-Олай тоғларининг** ғарбий чеккасида жойлашган. Худудининг кўпчилиқ қисми текислик – шимоли-шарқида **Китоб-Шахрисабз текислиги**, Қашқадарёнинг ғарбида **Ғузор текислиги**, шимоли-шарқида **Қарши чўли**, жанубда **Нишон чўли** ва жануби-ғарбда **Сандиқли кўм чўли** бор. Шимоли-шарқ ва жануби-шарқдан чўллари **Зарафшон тизмасининг** тармоқлари (Қоратепа, Чақиликалон тоғлари) ва **Ҳисор тизмасининг** **Яккабоғ, Эшакмайдон, Кўкбулоқ, Чақчар, Қорасирт, Дехқонобод тоғлари** ўраб туради. Бу тоғлардан ҳар бири яна бирқанча тизмаларга, тармоқларга бўлиниб кетади; тоғлар орасида бирқанча водийлар, даралар бор; чўкқиларсиз, доvonларсиз тоғларни тасаввур қилиб бўлмайди.

Оронимлар ҳақида сўз кетганда, авваламбор рельеф шакллари номлари таркибида учрайдиган оронимик терминлар ҳақида гапириш керак бўлади, чунки, бундай сўзлар оронимларнинг турини кўрсатадиган индикаторлар – даракчилардир. Шунини айтиш керакки, топонимлар бир қанча ҳолларда адабий тил нормасига бўйсунмайди, шевавий шаклларда талаффуз қилинади; масалан, адабий тилдаги *тоғ* термини баъзи жойларда *тов* шаклида талаффуз қилинади: **Етимтов** (Қамаши тумани), **Какликтов** (Яккабоғ тумани), **Косонтов** (Косон тумани), **Оқбоштов**, **Оққўлтов**, **Оқрабобтов**, **Сакиртов**, **Сейпилтов**, **Қайпалтов**, **Қизилтов**, **Қўнғиртов** (Дехқонобод тумани), **Чолтов** (Қамаши тумани), **Қирқтов** (Китоб тумани), **Қўнғиртов** (Чирокчи тумани); *тоғ* термини фақат икки ороним – **Қоратоғ** ва **Қўрғонтоғ** (Шахрисабз тумани) таркибида учрайди. Айрим турган “тоғ” ёки “қоя” маъносидаги *тош* термини **Тўятўш** (Дехқонобод тумани), **Уғуртўш** (Чирокчи тумани), **Яқтўш** (Китоб тумани) оронимларини ҳосил қилган; **Оқбулоқгаза**, **Сўригаза**, **Қизилгаза** (Қамаши тумани) оронимлари таркибидаги *газа* индикатори “тоғ қирраси” маъносида республикада кўп учрайди. “Кемтик” (камтик) маъносида *кам* термини тоғ

тизмасининг кўпинча йўл ўтадиган пастроқ қисмини билдиради: **Дарвозакам довони**, **Эгаркам тоғи** (Шаҳрисабз тумани), шу тумандаги **Кам тоғлари**. Бел термини “довон” маъносида бир неча марта такрорланади: **Музбел**, **Қорабелтов** (довон, Шаҳрисабз тумани), **Ўртабел** (довон, Миршикор тумани). **Ақба** (арабча) “довон”, “тоғ йўли” демакдир: **Калонақба** “катта довон” (Китоб тумани), **Оқбойкалон довони** (Камаш тумани) ҳам айнан ўша маънода, бунда фақат олдин термин, кейин сифат келган: **Ақбаи калон**. Ороним индикаторлардан “тоғ орқаси”, “тоғ елкаси” маъносидаги *сирт* (**Қорасирт тоғи**, Деҳқонобод тумани), “пастроқ тоғларнинг чағиртошли офтобруй ёнбағри” маъносидаги *чағат* (**Қорачағат тоғи**, Деҳқонобод тумани), “узунасига чўзилган баландлик”ни билдирган *қир* (**Қорақир тоғи**, Нишон тумани), “тоғ тармоғи”, “дара” маъносидаги *қул* (**Оққултов тоғи**, Деҳқонобод тумани, **Учқўлсой жарлиги** – **Ғузур тумани**) терминларини айтиб ўтиш мумкин.

Вилоят оронимларини ҳосил қилган терминлардан бири *қоқ* индикаторидир. Географик адабиётда *қоқ* деганда кўпинча чўллардаги ёғин суви тўпланадиган қўлмақлар назарда тутилади. Тоғларда ҳам қоя бўшлиқларида, ўйиқларида қор-ёмғир сувлари тўлиб қоладиган чуқурлик *қоқ* (тош қоқ) дейилади; чуқурроқ қоқларнинг суви ёзнинг ярмигача туриши мумкин (теварак-атрофдаги жониворлар ана шундай қоқлардан сув ичади).

Кўпгина оронимлар тушунарли бўлса метафорик-мажозий маъноларда келади: **Белисиниқ тоғи** (Ғузур тумани) “ўрта қисми паст тоғ”, **Етимтов** (Камаш тумани) – “ёлғиз тоғ”, **Жаҳоннамо тоғи** (Деҳқонобод тумани) “тоғ тепасидан гўё бутун дунё кўриниб турадиган тоғ”; **Ичаксой жари** (Яккабоғ тумани) “ичакдай узун, иланг-биланг жар”, **Саксондара тоғи** (Нишон тумани) – “сердара, даралари кўп тоғ”, **Осмонбулоқ тоғи** (Деҳқонобод тумани), “тоғ тепасидаги булоқ”, **Хонтахта тизмаси** (Камаш тумани) “усти супадай текис тоғ”, **Элиқбош тизмаси** “серчўкки тоғ” (Деҳқонобод тумани).

Ҳайвон номлари билан аталган тоғлардан **Дўлтали тоғи** – *дўлта* ёки *дўлтабўри* – “сиртлон” (Муборак тумани), **Захчахона тизмаси** (Шаҳрисабз тумани), **Какликтов** (Яккабоғ тумани), **Харкуш довони** (“Эшак ўлди”, Деҳқонобод тумани), **Чивирткали тоғи** (чивиртка-чигиртка, малах, Деҳқонобод тумани), **Эшакмайдон довони** – “эшак ҳам ўтиб кетадиган текис довон” (Камаш тумани).

Вилоят ҳудудидаги оронимлар орасида ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан боғлиқ номлар ҳам бор. Масалан, Самарқанд билан Шаҳрисабз шаҳри орасидаги **Тахтақорача** довонидан кимларгина ўтмаган; унинг номи ҳам киши эътиборини тортади. В.В.Бартольд довон Темурнинг 1398 йилда қурилган **Тахтақорача** деган сарой номи билан аталган дейди. Довон **Тахта Қорача**, **Инмақданаки** деб ҳам аталган. Оронимнинг этимологияси ҳамон маълум эмас.

Бойбўрисой деган сойлик (Муборак тумани) нега “Алпомиш” достонининг бош қаҳрамонларидан бирининг номи билан аталган? Топонимияда бундай жумбоқлар кўп. Дехқонобод туманидаги бир тизма тоғ **Итбахмасбел** деб аталади. “Бу тоғта ит ҳам боқмайди, қарамайди, узоқ” деганимикин ёки бу бирон уруғ-қабил аномимикин? Қирғизларнинг чекирсаяқ қабиласи таркибида *итбоқмас* деган уруғ бўлган экан. Умуман олганда бутун республикада бўлгани каби Қашқадарё вилояти оронимлари орасида ҳам синчиклаб текширилиши, тадқиқ қилиниши керак бўлган, этимологияси номаълум оронимлар анчагина учрайди. Бундай топонимлар, форс тили ёрдамида ҳам аниқлаб бўлмайдиган қадимги, чунончи суғдий номлар бўлса керак.

Г и д р о н и м л а р и. Вилоятнинг энг катта дарёси **Қашқадарё**, унинг ирмоқлари – **Жиннидарё**, **Оқсув**, **Танхоздарё**, **Ғузордарё**; Қоратепа тоғининг жанубий ёнбағридан йиғирмага яқин сой оқиб тушади (**Шўрбосой**, **Макридсой**, **Оёқчисой**, **Қалқамасой** ва б.). Сув номлари ҳақида гап кетганда биринчи галда Қашқадарё гидронимининг этимологияси эсга келади. *Қашқа* компонентли топонимлар бир-биридан фарқ қилади. *қашқақум* – ўсимликсиз баланд қум тепаликлари; *қашқатепа* – ёлғиз баланд тепалик; *қашқасув* – тиниқ тоғ суви; *қашқайўл* – тик тоғ йўли. Шаҳрисабз туманида бир сой **Қашқабулоқ** деб аталади. Зомин туманида ҳам Қашқабулоқ деган чашмалар бор. Масалан, шу туманнинг Қорамозор қишлоғи ёнида Қашқабулоқ тоғ тепасида яхлит тош тирқишидан чиқиб ётибди. Демак, бу ерда *қашқабулоқ* – “тиниқ тоғ суви”.

Қашқадарё гидронимининг келиб чиқишини олимлар бошқачароқ изоҳлайдилар. В.В.Бартольд Қашқадарё гидроними қадимги *Кеш* (тўғриси – Каш): ҳозирги Шаҳрисабз номининг фонетик жиҳатдан ўзгариши оқибатидир деб ёзган эди. Демак, бу дарё аввал **Кеш** (Каш)

дарёси деб, Амир Темур даврида **Хашқа** (Хашқаруд) деб аталган ва кейинчалик **Қашқаруд**, ниҳоят **Қашқадарё** бўлиб кетган.

Гидронимлар таркибида қашқа терминидан ташқари *аччи, шўр, тахир* (Аччисой, Дехқонобод тумани), *булоқ, дарё, кўл, сой, сув, чашма, ширин, шўр, қудуқ* каби гидронимик индикаторлар кўплаб такрорланади.

С у в о б ъ е к т л а р и орасида эл-элат, уруғ-аймоқ номлари билан аталган гидронимлар учрайди: **Араббанд** (дарё, Чироқчи тумани), **Азлартепа** (қудуқ, Чироқчи тумани), **Миришкор** (канал, Миришкор тумани), **Пўлоти** (канал, Косон тумани), **Чимбой** (сой, Қамаш тумани), **Ҳизалак** (сой, Чироқчи тумани); ўсимлик номларидан таркиб топган гидронимлардан **Зиркбулоқ** (Дехқонобод тумани), **Ирғайлик** (сой, Қамаш тумани), **Чинорсой** (Китоб тумани), **Юлғунли** (сув омбори, Миришкор тумани) кабиларни айтиб ўтиш мумкин.

Мажозий (метафорик) гидронимлар ҳам учрайди: **Жиннидарё** (Китоб тумани), **Йўтансой** (йўтандой-сўлокмондай, “катта, улкан”, Китоб тумани).

Қамаш туманидаги **Мамарли** гидроними диққатга сазовордир. Мумтоз адабиётда мамар “кечик”, “сув йўли” маъносини англатади.

Бир қанча дарё-сойлар номларини махсус тадқиқотсиз изоҳлаб бўлмайди. Бундай жумбоқ номлар топонимиянинг ҳамма соҳаларида, ҳамма жойларда учрайди. Қадимий номлар ўз сирларини осонликча очмайди. Тушунарсиз номлар фан учун тадқиқот объектидир.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Айрончи – қишлоқ, Косон, Китоб туманлари. Ўзбекларнинг кўнғирот қабиласи таркибида айрон, найман қабиласи таркибида *айрончи* деган уруғ бўлган. Айрончи *эрончи*, яъни “Эронга бориб келадиган савдогар” деган маънода деб айтувчилар ҳам бор.

Балхи – қишлоқ, Шаҳрисабз, Қарши туманлари. Ўзбекларнинг кенагас, кутчи, сарой қабилалари, туркманларнинг эрсари қабиласи таркибида *балхи* (балки) уруғи қайд қилинган. Балхи – “балхлик”, “Балх шаҳридан келган” дегани. Балх шаҳри Кушон империясининг пойтахти бўлган. 16–18-асрларда Балх хонлигида 50 дан

ортик туркий қабила-уруғлар яшаган. Жанубий Ўзбекистондаги қавмлар билан Балхдаги туркий уруғ-қабилалар номлари бир-бирларига анча ўхшаш.

Булуч – қишлоқ, Касби тумани. Қишлоқ кўпроқ Эрон ва Афғонистонда яшайдиган *белуж* (булуч) халқи номи билан аталган.

Гувалак – қишлоқ, Косон тумани. Ўзбекларнинг қутчи қабиласининг бир тармоғи *гувалак*. Манғитлар таркибида ҳам *гувалак* уруғи бўлган.

Дешқон – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. *Де+шайх-он* – “шайхлар қишлоғи”, шайх: 1) мусулмон руҳонийлари вақили; 2) қабристон, зиёратгоҳ мутассаддиси.

Дуюл – қишлоқ, Яккабоғ тумани. *Дуюл-туюл*: ҳада, инъом. 14-асрда темурийлар даврида ҳукмдор томонидан ҳарбий мансабдорлар, олий мартабали кишиларга ер-сув, қишлоқ-шаҳарлар дуюл (туюл) қилиб берилган. Ўзбеклар сарой қабиласининг бир уруғи *дуюл* деб аталган. Уруғ боши дуюлга сазовор бўлган бўлса ажаб эмас.

Жадигер – қишлоқ, Косон тумани. Лақай қабиласининг кичик бир тармоғи (патроним) *жадигер* деб аталган. Қирғизларнинг бир уруғи ҳам жадигер деб юритилади.

Женов – қишлоқ, Касби тумани. Форсча *жўй* (арик, анҳор) ва *нав* (янги) сўзларидан таркиб топган.

Жида – қишлоқ, Яккабоғ тумани. Наймансарой уруғининг бир бўлими *жида* деб аталган.

Жовиз – қишлоқ, Китоб тумани. Юқори Қашқадарёда беш-ўн йиллаб экилмай, фойдаланилмасдан ётган заранг ерни *жовуз* дейишади. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадағу билиг” асарида *ёғиз* сўзи “қора ер”, “қаттиқ ер” маъносида келади.

Жунли – қишлоқ, Чирокчи тумани. Уруғ номи бўлса керак. Қозоқларнинг найман қабиласи таркибида *жунду* (жунли) уруғи бўлган. Қозоқлар билан ўзбекларнинг уруғ-аймоқлари кўп жиҳатдан ўхшаш.

Зармас – қишлоқ, Яккабоғ тумани. Ўзбекларнинг кўнғирот қабиласи таркибида *зармас* деган уруғ бўлган.

Кашаф – Қашқадарёнинг юқори оқимидаги ирмоқларидан бири. Ёкут Ҳамавийнинг “Мўъжам ул-булдон” луғатида қайд қилинган. Тарихчи О.И.Смирнова Кашафни *Кеш* шаҳри номининг диалектал шаклидир дейди. Бу фикрда жон бор. *Кеш* шаҳрининг асли номи *Каш* бўлган. *Каш+об=Кашоф+Кашаф*.

Касби – қишлоқ, Касби тумани. “Худуд ул-олам”да, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида **Касба** шаклида қайд қилинган. Марқа қабиласи таркибига кирган қўйсўпи уруғининг бир тармоғи *касиб* деб аталган. Касиб касби бўлиб кетган бўлиши мумкин. Қарши туманидаги Тожиккасби қишлоғи номи фикримиз исботидир: **Ўзбеккасби-Тожиккасби**.

Кеш – Шаҳрисабз шаҳрининг олдинги номи. Дастлаб “Худуд ул-олам”да Кеш, араб географлари асарларида **Каш**, **Касс** шаклларида тилга олинган. В.В.Бартольд шаҳар номининг **Киши** тарзида талаффуз қилиниши тўғри деб ҳисоблайди. Ёқут Ҳамавий маълумотларига кўра, маҳаллий халқ **Кисс** деб талаффуз қилган (Шаҳрисабз номи биринчи марта 14-асрдаги тангаларда учрай бошлаган). Кейинги даврларда **Каш** деб атала бошлаган. Этимологияси аниқ эмас. Кеш, Кас, Кат каби синонимик терминлардан иборат топонимлар бўлиб, “уй”, “қишлоқ”, “турар жой” маъноларини англатади.

Кирей – қишлоқ, Косон тумани. Ўзбекистон билан Тожикистоннинг жанубий туманларида учрайдиган кесамир қабиласининг *керей* (кирей) деган уруғи бўлган. Керей уруғи бошқа туркий халқлар, чунончи бошқирдлар (гэрей), қозоқлар таркибида, 92 бовли ўзбек “қавмлари” рўйхатида (кирей-гирей) қайд қилинган.

Минжир – қишлоқ, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари. Ўзбекларнинг кенагас қабиласининг *минжир* уруғи бўлган; қорақалпоқларда ҳам *минжир* уруғи қайд қилинган.

Можар – қишлоқ, Фузор, Қамаши, Чирокчи туманлари. Ўзбек кипчоқларнинг можар-сарой уруғ номи.

Мусобозори – қишлоқ, Китоб тумани. *Мусобозори* (мусобозор) – Ўзбекистонда 16-асрдан олдин ҳам яшаб келган ва ўзбек миллати таркибига кирган ҳамда турк этнографик гуруҳини ташкил қилган қабилалардан биридир. Мусобозорлар Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағрида, асосан, Хонақодарё билан Обизаранг дарёси оралиғида яшаган.

Найистон – қишлоқ, Миришкор тумани. *Най* “қамиш” маъносида. Найистон – “қамишзор”, “тўқай”.

Насаф – Қарши шаҳрининг ўрта асрлардаги номи. Дастлаб Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Дастлабки маҳаллий номи **Нахшаб**.

Кейинчалик, 13-асрдан **Насаф** деб аталган. 14-асрдан **Қарши** деб атала бошлаган (қаранг **Қарши**).

Нондег – қишлоқ, Шахрисабз тумани. Тожикистонда, Ўзбекистонда, жумладан Қашқадарё вилоятида тоғ ёнбағридаги тик сойлик, жилға *нов*, *нова* дейилади. Қишлоқ ана шундай сойлик ёқасида жойлашган ва дастлаб **Новдеҳ** “сойликдаги қишлоқ” деб аталган, бора-бора **Новдег** ва ниҳоят **Нондег** бўлиб кетган.

Нонхўр – қишлоқ, Чирокчи тумани. Ўтгизинчи йилларда жамоат чорваси учун катта қудук қазилиб, унга ёғочдан нов ва охур қилинган ва қудук *новохур* деб атала бошлаган. Қудук атрофида пайдо бўлган қишлоқ ҳам **Новохур** номини олган. Кейинчалик *Новохур* **Нонхўр** бўлиб кетган.

Оққишлоқ – қишлоқ, Қамаш, Фузор туманлари. Қишлоқнинг ўзи оқ эмас, бу ерда оқ деб аталадиган уруғ вакиллари яшагани учун қишлоқ шундай ном олган. *Оқ* сўзидан бошланадиган уруғ номлари кўп бўлган. **Қорақишлоқ** (қишлоқ) ҳам этнотопоним.

Паландара – қишлоқ, Китоб тумани. *Паланг* тожик тилида “йўлбарс”, “қоплон”. Палангдара – “йўлбарс дараси”.

Пасра – қишлоқ, Яккабоғ тумани. Форс-тожикча *посира* сўзининг асл маъноси “ҳайдалган ер”, “экинзор” демакдир. Урта Осиёда 19-аср охири – 20-аср бошларида ҳам *посира* сўзи деҳқончиликдаги нисбкорлик системаси билан боғлиқ бўлган ва муайян экин майдонини англатган. Чунончи, йирик заминдорлар ўз батрақларига меҳнати эвазига вақтинча берган бир парча ер *посира* дейилган. Баъзи бир жойларда томорқани *посира* дейишади. *Посира* ерларида ерсиз зироатчилар деҳқончилик қилган.

Помук – қишлоқ, Миришкор тумани. Бир қанча туркий тилларда памук – пахта. Туркманларнинг *памук* уруғи бор. Туркман топонимисти С.Отаниёзов шу уруғ номи ҳам “пахта” маъносида бўлса керак дейди.

Рўда – қишлоқ, Чирокчи тумани. Қипчоқ саройларнинг кичик бир шохобчаси *рўда*. Тожикчада *рўда* – “сой” ва “ичак” бир. Сой-жилғалар ичакка ўхшаш чўзинчоқ, узун бўлганидан *рўда* дейилади деган фикр бор.

Саркач – қишлоқ, Қамаш тумани. Лақай қабиласининг кичик бир тўпари *саркач* (саркеч), сарой қабиласининг бир уруғи *саркаш* деб аталган.

Сиваз – қишлоқ, Китоб тумани. Сарой қабиласининг уруғи *сиваз* (*сивоз*) деб аталган.

Тарағай – қишлоқ, Чироқчи тумани. Амир Темур туғилган жой. *Тарағай* деган уруғ бўлган.

Ташканти – қишлоқ, Чироқчи тумани. Қашқадарё вилоятида қазияғли уруғининг бир бўлими *тайшканти* деб аталган.

Темирчи – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. Касб номи бўлиши мумкин. Шу билан бирга кенағас қабиласининг *темирчи* деган уруғи бўлган.

Туран – қишлоқ, Яккабоғ, Чироқчи туманлари. Ўзбекларнинг кенағас қабиласининг бир уруғи – *туран*.

Тўқманғит – қишлоқ, Косон, Қарши туманлари. *Тўқманғит* – манғит қабиласининг уруғи. *Очманғит* уруғи ҳам бор.

Уз – қишлоқ, Яккабоғ тумани. Дашти қипчоқ ўзбеклари таркибида *уз* деган уруғ бўлган.

Худоён – қишлоқ, Қарши тумани. “Худолар” деган маънода бўлса керак. Ислом динидан олдин *худо* (худой) сўзи “қишлоқ оқсоқоли”, “ҳоким”, “ҳукмдор” маъносини англатган.

Худойзод – қишлоқ, Қарши тумани. Араблар келмасдан олдин ва ислом дини жорий қилинган дастлабки асрларда *худо* (худой) сўзи “хўжайин”, “жаноб” деган маънони билдирган. *Зода* сўзи қайси маънода ишлатилган бўлса, *зод* сўзи ҳам ўша маънони англатган.

Хушкруд – қишлоқ, Қашқадарё вилоятидаги Яккабоғдарёнинг қадимий номи. *Хушкруд* – “қурук сой” демақдир.

Хўжамайдон – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. *Майдон* – “сайхонлик” сўзидан ташқари шундай этноним ҳам бор – қўнғирот қабиласи тортувли шохобчасининг бир уруғи *майдон* деб аталган; қирғизларнинг саруу қабиласи таркибида ҳам *майдан* уруғи қайд қилинган.

Чалқа – қишлоқ, Деҳқонобод тумани. Шеваларда адирлардаги супадай текис майдон *чалқа* деб аталади. Қиёсланг: Кичик Кавказ тоғларининг шимоли-ғарбидаги базальт плато *Чалқа* деб аталади.

Чақатой – Шаҳрисабз туманидаги топоним. *Чигатой* (чағатой) этнонимининг талаффуз шакли.

Чағатой – қишлоқ, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Нишон туманлари. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларида *чигатой* ўрнига *чағатой* дейишади. Ўзбек

чағатойлари билан бирга тожик чағатойлари ҳам бўлган; қаранг *Чигатой*.

Чем – қишлоқ, Камаши, Дехқонобод туманлари. *Чем* – ғов, тўсик, истехком девори.

Чим – қишлоқ, Денов тумани. Чим – тупроқнинг серилдиз ўт ўсиб ётган ва палахса-палахса қилиб кўчирилган устки қатлами. *Чем* (қишлоқ) бир қанча ҳолларда *чим* бўлиб кетган: **Чимқўрғон**, **Чимқишлоқ** асли **Чемқўрғон**, **Чемқишлоқ** бўлган.

Чироқчи – шаҳар, Чироқчи тумани маркази. Чироқчи қалъаси 15-асрдан олдин, Убайдуллаҳон даврида ҳам бор эди. Азиз-авлиёларнинг мазорларида яшаб, чироқ кўйиб, мазорни супириб-сидириб турадиган қоровул (шайх) *чироқчи* дейилган. Бошқа бир маълумотларга кўра, гилдан чироғ ясаш хунари билан шуғулланувчилар ҳомийси бўлган **Чироқчи ота** мазори номи билан аталган.

Чигатой – Ўзбекистон Республикасидаги бир қанча қишлоқларнинг номи. Чигатой сўзи киши исми (Чингизхоннинг иккинчи ўғли) функциясидан ташқари ижтимоий-сиёсий, этник ва ҳудудий аҳамият касб этган.

Шагарак – қишлоқ, Чироқчи, Яккабоғ туманлари. Қашқадарё вилоятида сарой қабиласига қирадиган қипчоқсарой уруғининг бир тармоғи *шагарак* деб, Зарафшон водийсида шу этноним *шигарак* деб аталади.

Шакартери – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. Қишлоқ ширин анор кўп бўлганидан шундай ном олган эмиш. *Шакар* деган уруғ бўлган, *тери* эса тира – “уруғнинг бир тармоғи” сўзининг ўзгаргани.

Шаршар – қишлоқ, Яккабоғ тумани. Шаршар “шаршара”, “шовва” маъносидадир.

Шаҳрисабз – шаҳар, Қашқадарё вилояти. Бу ном тангаларда 14-асрдан учрай бошлади. Шаҳарнинг қадимий номи **Кеш** (қаранг). 15–16-асрлардаги тарихий манбаларда, чунончи Хўжа Аҳрорнинг вақф ҳужжатларида ва “Бобурнома”да *Кеш* ва *Шаҳрисабз* номлари ёнма-ён тилга олинган. Шаҳрисабз – “кўкаламзор шаҳар”.

Шилви – қишлоқ, Қарши туманида. *Шилви учқат* деб ҳам аталадиган ва тоғларнинг пастроқ қисмида ўсадиган бута ўсимлик.

Эсат – қишлоқ, Камаши, Яккабоғ туманлари. Наймансарой уруғининг бир бўлими *эсат* деб аталган.

Этикчи – қишлоқ, Китоб тумани. Этикчи–этиқдўз. *Этикчи* деган этноним ҳам бўлган.

Ўмакай – қишлоқ, Чирокчи тумани. Ўзбекларнинг сарой қабиласи таркибида *ўмакай* (умакай) уруғи қайд қилинган.

Ўрис – қишлоқ, Китоб тумани. Кенагас ва кўнғирот қабилаларининг қанжигали ҳамда тортувли уруғларининг *ўрис* деган тармоғи бўлган. Ўрис асли умумтуркий этноним; масалан, қорақалпоқ ва қозоқларнинг кичик бир уруғи *ўрус* деб аталган.

Ўртақуба, Каттақуба – қишлоқ, Яккабоғ тумани. Ўзбекларнинг кўнғирот ва сарой қабилаларининг *қуба* уруғи бўлган; қозоқларнинг алимули, қирғизларнинг ичкилик, черик қабилалари таркибида ҳам *қуба* уруғи қайд қилинган.

Ўтамайли – қишлоқ, Чирокчи тумани. Уз уруғининг бир бўлими *ўтамайли* деб аталган.

Қайқи – қишлоқ, Яккабоғ тумани. Қайқи – эгилган, букилган, тоғлар орасидаги ботик. Қозоқларнинг алимули қабиласининг бир уруғи – *қайқи*. Уруғбошиси лақаби шундай бўлса керак (қорнини чиқариб юрадиган киши).

Қамчи – қишлоқ, Фузор тумани. Ўзбекларнинг кесамир қабиласида *қамчи* деган уруғ бўлган.

Қарши – шаҳар, Қашқадарё вилоятининг маркази. Кепакхоннинг пойтахти Нахшаб шаҳри эди. Бу шаҳар ўша даврдан (16-асрдан) бошлаб Қарши, яъни “сарой” номини олди: Кепакхон шу шаҳардан 2,5 фарсах – 15 чақиримча нарида ўзига сарой қурдирган (В.В.Бартольд). Бобурнинг “*қарши* – мўғулча сўз, гўрхонани мўғул тили билан қарши дерлар” дегани ҳам ғалати эмас. Кейинроқ хон авлодидан бўлганлар, улуғ руҳонийлар ва бошқа мўътабар шахсларнинг қабри учун қурилган мақбара ҳам *қарши* дейилган.

Қатагонўйрот – қишлоқ, Косон тумани. *Қатагон* ва *ўйрот* қабилалари иттифоқидан таркиб топган кўшалок уруғ.

Қиёқи – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. *Қиёқи* – ўзбек уруғларидан бири. Қиёқилар Хуммон, Қорабайир, Шайтон қишлоқларида яшаган (Т.Нафасов).

Қишлиқ – қишлоқ, Китоб, Қамаши туманлари. *Қишлиқ* уруғи кенагас, қурама қавмлари таркибида тилга олинган, шу билан бирга 92 бовли ўзбек “қавмлари”нинг деярли барча рўйхатларида қайд қилинган.

Қорамурча – қишлоқ, Яккабоғ тумани. Ўзбекларнинг лақай ва сарой қабилаларининг *қорамурча* уруғи бўлган.

Қорачағат – Қашқадарё вилоятидаги қирлар. Офтобда қақраб ётган, қиррали тош (кўпинча гилли сланец) парчалари билан қопланган, ўсимлик кам ўсадиган тик ёнбағир *чағат* дейилади.

Кўзиқулоқли – Дехқонобод туманидаги мавзе. *Кўзиқулоқ* – *шовул* (руслар *щавель* деб атайдиган ўсимлик), отқулоқнинг майда баргли тури, экиладиган кўзиқулоқ (*шовул*) овқатга солинади. *Кўзиқулоқ* этноним бўлиши ҳам мумкин.

Кўчқорбулоқ – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. Ўзбекларнинг сарой қабиласи таркибида *кўчқорбулоқ* деган уруғ бўлган.

Ғажиручти – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. Сурхондарё вилоятида Ғажирқоя тоғи бор. Ўзбекча зоологик адабиётда *тасқара* деб аталадиган ўлимтиқхўр баҳайбат қуш шеваларда (Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида) *ғажир* дейилади (русчаси гриф). Бирон каттароқ ёввойи ҳайвонми, чорва молими ўлди дегунча галалашиб ғажирлар етиб келади. Ғажирнинг қора ғажир, кўк мўйин ғажир каби турлари бор.

Ғўбдин – қишлоқ, Қарши тумани, Ғаллаорол туманида ҳам бир қишлоқ Ғўбдин деб аталади. Самарқанд вилоятида Ғўбдин (*Хабдун*) тоғлари бор. Номлар таркибида бирон сўз кўп такрорланса, қандайдир географик термин бўлиб чиқади. Қорақалпоқларнинг манғит қабиласи таркибида *ғубидин* уруғи қайд қилинган.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТОПОНИМЛАРИ



Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат. Ўзбекистон худудининг шимоли-ғарбида, Амударёнинг қуйи қисмида, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган. Республика таркибида 15 туман (Амударё, Беруний, Бўзатов, Кегейли, Мўйноқ, Нукус, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай,

Элликқалъа, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот), 12 шаҳар, 17 шаҳарча бор. Пойтахти – Нукус шаҳри.

Қорақалпоғистон ҳудуди географик жиҳатдан Қизилқумнинг шимоли-ғарбий қисми, Устюрт платосининг жануби-шарқий қисми ва Амударё дельтасидан иборат. Орол денгизининг жанубий қисми ҳам Қорақалпоғистон ҳудудида. Айрим тоғли жойлари ҳам бор. Улардан энг каттаси Султон Увайс тоғ тизмасидир. Амударё дельтасида кўпдан-кўп дарё тармоғи, кичик-кичик кўллар, ботқоқликлар, чангалзорлар, қамишзорлар бор. Дельтанинг ўнг соҳил қисмида асосий суғориладиган ерлар, суғориш каналлари жойлашган.

Ягона дарёси – Амударё (қуйи оқими). Дарёнинг кенг дельтасида тўқайзор кўп. Султон Увайс тоғлари этагида Бадайтўқай давлат кўриқхонаси жойлашган.

Топонимлар халқ тили ва тарихи маҳсулидир. Қорақалпоқ халқининг этногенези Сирдарё ва Орол бўйларининг дельта ва чўл ҳудудларида яшаган қабилалар билан боғлиқ. Қорақалпоқларнинг аксари қисми 17–18-аср ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида яшаган ва 18-асрнинг иккинчи ярмида Сирдарё дельтасига кўчиб ўтган. 1811 йилда қорақалпоқлар Хива хонлигига тобе бўлиб, Амударё дельтасига кўчирилган. Демак, Қорақалпоғистоннинг қорақалпоқча номлари анча ёш топонимлардир.

Ойконимлар ҳар қандай ўлканинг ахборотларга бой, давлат сиёсати-ю ҳукмрон мафкура билан ҳамоҳанг топонимлардир.

Республикада 1200 чамаси ойконим – шаҳар, шаҳарча, овул-қишлоқлар бор. Ана шу номларни семантик, лисоний жиҳатдан таҳлил қилиб кўрайлик.

Топоним ҳам сўз, атоқли от, атоқли от бўлганда ҳам барча турдаги атоқли отлар орасида грамматик жиҳатдан энг такомиллашган туридир – типик топонимлар кўпинча икки таркибий қисмдан (компонентдан) иборат бўлади. Лингвистик воситаларнинг тежалиши қонунига кўра кўпгина жойларда дастлаб топоним таркибида бўлган компонентларнинг ўзак қисмидан бошқалари тушиб қолади.

Лексик жиҳатдан Қорақалпоғистон топонимларининг 1/5 қисми этнотопонимлардир. Қорақалпоғистоннинг асосий аҳолиси қорақалпоқлар ва ўзбеклар, қисман қозоқлар ва озроқ туркманлар ҳам бор.

Ойконимлар таркибида қорақалпоқ уруғ номларидан ташқари ўзбек, қозоқ ва туркманларнинг уруғ-аймоқ номлари ойконимлар шаклида Республика харитасидан каттагина ўрин олган. Бу эса шу халқларнинг вакиллари мамлакат ҳудудида ёнма-ён яшаганликларини кўрсатади.

Қорақалпоқ уруғлари номлари билан аталган этноойконимларни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин (қайси туманда эканлиги кўрсатилган): *анна* – қтай қабиласидан (*Анна* – Чимбой тумани, *Аннаовул* – Тахтакўпир, Чимбой туманлари), *аралбай* – қтай қабиласидан (*Аралбой* – Оролбой; Чимбой туманида 7 овул, Кегейли туманида 4 овул), *аранши* – кенегес қабиласидан (*Аранши* – Кегейли тумани), *аршан* – манғит қабиласидан (*Аршан* – Чимбой, Кегейли туманлари), *бўзақ* – кенегес қабиласидан (*Бўзақ* – Кегейли тумани), *дўбал* – кенегес қабиласидан (*Дўбал* – Бўзатов тумани), *есиби* – манғит қабиласидан (*Есиби* – Кегейли тумани), *ешкили* “эчкили” (жаунғир, қипшақ) қабилаларидан (*Ешкили* – Кегейли тумани), *жағалтай* – қипшақ қабиласидан (*Жағалтайовул* – Чимбой тумани), *жаман* (*Жаман*, *Жаманша*, *Жаманшақ* – Кегейли тумани, *Жаманша* – Чимбой, Нукус туманлари), *жаримбет* – жаунғир қабиласидан (*Жаримбетовул* – Чимбой тумани), *ирғақли* (*Ирғақли* – Қораўзак тумани), *кепе* – қтай қабиласидан (*Кепе* – Кегейли, Қораўзак, Чимбой туманлари, *Кепеовул* – Тахтакўпир тумани), *қўйин* – қандекли, қипшақ, қтай қабилаларидан (*Қўйин* – Чимбой тумани), *мойлиболта* – қипчоқ қабиласидан (*Мойлиболта* – Кегейли, Чимбой, Қораўзак туманлари), *мамиқши* – манғит қабиласидан (*Мамиқши* – Кегейли, Нукус туманлари), *манжули* – қтай қабиласидан (*Манжули* – Кегейли, Чимбой туманлари), *муйтен* (*Муйтеновуол* – Қанликўл тумани), *нўкис* – кенегес қабиласидан (*Нўкисовул* – Амударё, Чимбой туманлари, *Нўкисқала* – Амударё тумани), *салтир* – қипшақ қабиласидан (*Салтир* – Кегейли тумани, *Салтировул* – Қанликўл тумани), *умбет (ай)* – қтай қабиласидан (*Умбет* – Қораўзак тумани), *шеруши* – қтай қабиласидан (*Шеруши* – Кегейли, Чимбой туманлари, *Шерушиовул* – Чимбой тумани).

Бу мисоллар қорақалпоқ уруғларининг географияси ҳақида бир оз бўлса ҳам тасаввур беради деб ўйлаймиз.

Қорақалпоғистон этнотопонимлари орасида *аючи* – ўзбек қипчоқларидан (*Аючи* – Амударё тумани), *оқмангит*

(**Оқманғит** – Чимбой тумани), *ештеке* – кўнғирот қабиласидан (**Ештеке** – Шуманай тумани), *ирғақли* – (**Ирғақли** – Қораўзак тумани), *сағир* – кўнғирот қабиласидан (**Сағировул** – Чимбой, Шуманай туманлари), *туёқли* (**Туёқли** – Амударё тумани) каби кичик ўзбек уруғлари номларидир.

Қозоқ уруғларидан *адай* – бойули қабиласидан (**Адайовул** – Шуманай, Қанликўл туманлари, **Адайкўл** – Нукус тумани); *айтимбет* – бойули қабиласидан (**Айтимбетовул** – Қораўзак тумани), *қоработир* – ургели қабиласидан (**Қоработир** – Тахтакўпир тумани), *қуан* – алимули қабиласидан, *мамит* – шанқли қабиласидан (**Мамитўва** – Кўнғирот тумани), *ўтеген* – жалайир қабиласидан (**Ўтеген** – Кегейли тумани, **Ўтегеновул**, **Ўтегенкўржин** – Қораўзак тумани), *сарман* – жетирув, крий қабилаларидан (**Сармановул** – Чимбой тумани), *тўнмуйин* – арғин қабиласидан (**Тўнмўйин** – Кегейли, Чимбой туманлари), *шеге* – найман қабиласидан (**Шеге** – Мўйноқ тумани) каби этнонимларни, туркман уруғларидан эса *айритам* – салор қабиласидан (**Айритам** – Кўнғирот тумани), *ата* (**Атакўл** – Тахтакўпир тумани, **Атаўба** – Тўрткўл тумани), *гарга* – гўклен қабиласидан (**Гарга** – Чимбой тумани), *дўнгузли* – салор қабиласидан (**Дўнгузовул** – Хўжайли тумани) каби этнонимларни айтиб ўтиш мумкин.

Марказий Осиёдаги туркий халқларнинг қон-қардошлигини шундан билса ҳам бўладики, ўзбек, қозоқ ва қирғизларнинг таркибида учрайдиган бир қанча уруғ-қабилалар улар учун муштаракдир. Масалан, *ачамайли* уруғи ўзбекларнинг кенагас, сарой, юз, кўнғирот қабилалари таркибида, *ашамайли* шаклида эса қозоқларда (жумладан, кирей қабиласи); қорақалпоқларнинг кўнғирот қабиласи таркибида қайд қилинган; *жалойир* (жалайир) қабиласи эса ўзбеклар таркибида, юз қабиласи, сўнгра курамалар таркибида, қозоқлар ва қирғизларнинг сўлтў қабиласи таркибида учрайди.

Кўнғирот, Қанликўл, Кегейли туманларида **Ашамайли**, Қанликўл туманида **Ашамайлиовул** ойконимлари бор.

Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва қирғизлар таркибида учрайдиган *қангли* қабиласи номи Қорақалпоғистон харитасида **Қангли** (Кегейли, Чимбой, Кўнғирот туманлари), **Қанглиовул**, **Қанглижаповул** шаклларида (Чимбой тумани) ойконимлар ҳосил қилган. *Қанжигали* уруғи ўзбеклар (сарой, кўнғирот, қтай-қипчоқ қабилалари),

қозоклар (арғин қабиласи), туркманлар (юйсун қабиласи) ва қорақалпоқлар таркибида учрайди ва Амударё, Кегейли, Тахтақўпир, Қораўзак туманларидаги **Қанжигали** ойқонимларини ҳосил қилган.

Ўзбек, қорақалпоқ ва туркманларнинг *кенагас* (кенегез, кенегес) қабиласи Кегейли ва Хўжайли туманларида **Кенегес** ойқоними шаклида, *керайит* (керейит) қабиласи эса ўзбеклар, қозоклар, қирғизлар таркибида учрайди ва Нукус туманида **Керейит** овули номида ўз аксини топган.

Кўнғирот (кўнград, кўнград) этноними ўзбекларнинг кенагас, қутчи қабилалари таркибида, қозокларнинг қипшақ, қирғизларнинг адигине қабиласи таркибида қайд қилинган, Қорақалпоғистон ойқонимлари таркибида эса **Кўнғиратовул** (Амударё тумани), **Кўнғиратқўл** овуллари номларида ўз аксини топган.

Найман қабиласи ўзбек, қозок, қирғиз ва бошқа туркий халқлар таркибида учрайди ва Қорақалпоғистон ойқонимлари орасида **Найман** (Қанликўл, Хўжайли туманлари), **Наймановул** (Хўжайли, Шуманай туманлари), **Наймантўба** (Хўжайли тумани), **Наймањяп** (Беруний тумани) овуллари номларида ўз аксини топган.

Ўзбек, қирғиз ва туркманлар таркибида қайд қилинган *саят* этноними Шуманай, Кўнғирот туманларидаги **Саят** овуллари номида ўз ифодасини топган.

Тама қабиласи қозок, ўзбек, қирғиз ва қурамалар орасида учрайди ва Амударё, Эллиққалъа туманларида **Тама** овули номида акс этган.

Уйшун этноними ўзбек ва қорақалпоқлар таркибида қайд қилинган ва Амударё туманидаги **Уйшин** овули номида ўз аксини топган.

Тайлақ (тайлоқ) этноними қозок, қорақалпоқ, қирғиз, ўзбек ва туркманлар орасида учрайди ва Чимбой туманидаги **Тайлақ** овули номида ўз ифодасини топган.

Қипчоқ этноними ўзбек, қозок, қирғиз, туркман ва бошқа туркий халқлар орасида қайд қилинган, буни Қорақалпоғистонда 15 га яқин овуллар номида (**Қипчақ**, **Қипшақ** шаклларида) кўриш мумкин.

Нукуз (нукус) уруғи кўнғирот қабиласи ҳамда қорақалпоқларнинг кенагас қабиласи таркибида учрайди (*некуз* шакли ҳам қайд қилинган) ва Амударё, Чимбой туманларида **Нукусовул**, Амударё туманида **Нукусқала** ойқонимларида ўз аксини топган. Қорақалпоғистон

Республикасининг пойтахти **Нукус** шаҳри (қорақалпоқча – **Нўқис**) номи ҳам шу этнонимдан.

Нукус шаҳри номи, умуман *нукус* этнонимининг келиб чиқиши ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Бу ном жумладан форсча ну+ кас “тўққиз киши” деган маънони билдиради дегувчилар ҳам бор. Нукуслар асли мўғул қабиласи бўлганини эътиборга олсак, бу этнонимнинг этимологияси ҳақидаги фикрлар узил-кесил ҳал бўлмаган дейиш мумкин.

Шу билан Қорақалпоғистон этнонимлари обзорини тугатиб, ойконимларнинг бошқа қирралари ҳақида сўз бошлайлик. Шаҳар-кишлоқларнинг номларида ўлка табиати ҳам ўз аксини топади.

Ойконимларда рельеф шакллари билдирадиган оронимик терминлардан куйидагилар учрайди: *тов* (тоғ): **Жумуртов, Оқтов, Пўрлитов, Тозақулатов**; *қум* (“қумлик”, “қумли чўл”): **Жалғизқум, Жиндиқум, Жуванқум, Оққум, Оққумовул**; *жар*: **Қизилжар, Қоражар**; *шунғил* (“чуқур жой”, “ботиқ”): **Муратшунғил, Оқшунғил**; *ўй* (“чуқур жой”, “кичик ботиқ”): **Думалокўй, Мамирўй, Таженўй, Қораўй, Қораўйовул, Қораўйсолма**; *сўр* (“шўрхок”): **Қорасўр**; *тақир*: **Қоратақир**.

Сув объектларини ифодалайдиган гидронимик терминлардан *арна*: **Пахтаарна, Тентекарна**; *арик*: **Шуқурарик, Янгиарик**; *булоқ*: **Ашибулоқ, Сутбулоқ** (икки марта такрорланади); *сағал/сақа* (“каналнинг боши”): **Каналсаға, Ўржапсаға, Учяпсаға**; *ўзек* (“жилдираб оқадиган жилға”): **Кўкўзек, Мойлиўзек, Қирқўзек**; *сой*: **Учсой**; *солма* (“кичик арик”): **Бўзсолма**; *жап-яп* (“ўртача арик”): **Дусенбайжап, Жалпақжап, Қанлижаповул, Қоражап, Майяп, Найманжап, Қумяп** ва бошқалар (ҳаммаси бўлиб 30 га яқин ойконим); *қудуқ*: **Оққудуқ**; *жағис* (Хоразмда – ёқиш): “жой”, “пристань”: **Оқжағис**.

Кўл гидронимик термини – индикаторига муфассалроқ тўхташга тўғри келади. Гап шундаки, Орол денгизи суви чалқиб ётганда Қорақалпоғистон ҳудудида майда-чуйдаларини, қорақалпоқча айтганда *кўлатларни* ҳисобга олмаганда, 150 дан ортиқ кўл бор эди. Республика Амударёнинг этак қисмида бўлганидан дарё суви тошиб сон-саноксиз кўллар ҳосил қилган эди. Кўлларнинг кўпи қуриб қолди, лекин хариталарда, одамларнинг хотираларида бу объектларнинг номлари сақланиб қолган.

Бундан ташқари 40 дан ортиқ овул-кишлоқнинг номлари таркибида ҳам кўл термини учрайди: **Адайкўл, Оқкўл,**

Туркманкўл, Уйғуркўл, Шўркўл, Қоракўл, Қўнғироткўл ва б.

Қорақалпоғистон кўлларини номларига қараб бир неча турга бўлиш мумкин (республикада гидронимлар таркибида кўл термини ўрнига *айдин* (ойдин) сўзи ҳам ишлатилган: *Узунайдин, Уйрекайдин, Қораайдин* ва б.:

1) киши исмлари билан аталган кўллар: *Довуткўл, Дўсанкўл, Закиркўл*;

2) рангига қараб номланган кўллар: *Кўккўл, Қоракўл, Қораайдин, Сарикўл*;

3) парранда номлари билан аталган кўллар: *Бирқозонкўл, Қувликўл, Кўтонкўл*. Бу қушларнинг номлари ҳақида шуни айтиш керакки, ўзбек зоологик адабиётида *бирқозон* – *сақоқуш* деб аталадиган сув паррандасининг иккинчи номи; қорақалпоқ тилида эса ўзбекчада *қорабой* (русчаси. – баклан) деб аталадиган қуш *бирқозон* дейилади. Қорақалпоқларнинг айтишларича, бу йирик парранда бўлганидан сўйсангиз бир қозон гўшт қилар экан. *Қув* ўзбек адабий тилида *оққуш* дейилади; тўғриси *қув* – “сочим бўлди қувнинг патидай” – “сочим қувнинг патига ўхшаб оқарди”; *қув* қушининг қораси ҳам бўлади – уни *қора оққуш* дейилади, тўғриси *қора оққув* (*қув* – оқиш ранг).

Кўтон ҳам узун оёқли йирик сув қуши. *Ўйреkkўл* – “ўрдакли кўл”.

4) сув ўсимликлари номлари билан аталган кўллар (*Жекенлўайдин, Шилимкўл, Қамисликўл*), *жекен* ўзбекчада *якан* дейилади. Ундан сават, бўйра ва бошқа буюмлар тўқилади; *шилим* (чилим) – қамишга ўхшаш ичи ковак ўсимлик; *қамис* эса “қамиш”.

5) мажозий-метафорик номлар билан аталган кўллар: *Олтинкўл* – қимматли балиқ турлари кўп бўлганидан шундай ном олган. *Гавмискўл* – *Говмишкўл*: “катта, улкан, йирик” маънода. *Давкемпир кўли* – йўлбарснинг оёғига кириб кетган катта зирапчани кўркмасдан чиқариб олган кампир шарафига шундай аталган эмиш. *Мақбалкўл* – бахмалдай товланиб тургани учун шундай номланган.

Энди аҳоли пунктлари – шаҳар-овулларнинг номларини ҳосил қиладиган ойконимик терминлар ҳақида.

Қорақалпоғистонда бундай терминлар камрок: *овул, қала, обод, кўпир*.

Булар орасида энг кўп такрорланадигани *овул* (аул) терминидир. Қарийб 200 га яқин аҳоли пункти-овул номлари

таркибида учрайди: **Авезовул, Бўзовул, Дарғаовул, Кепеовул, Махремовул, Наймановул** ва б.

Қала термини такрорланишига кўра 2-ўринда туради ва 30 га яқин шаҳар-овул номлари таркибида келади: **Аёзқала, Бургутқала, Жамбасқала, Мамийқала, Нукусқала, Тозақала** ва б.

Республикамизнинг ўзга худудларида, хусусан, Фарғона водийсида *қалъа* сўзи ўрнига кўпроқ *қўрғон* термини ишлатилади.

Бошқа ойконимик терминлардан фақат *обод* компоненти бир неча марта такрорланади: **Амиробод, Меҳнатобод, Пахтаобод** (3 марта такрорланади), **Халқаобод** (2), **Чинобод, Янгиобод, Қирққизобод**.

Ҳовли (**Бўзҳовли**, 2 та), *том* (**Учтом, Ферматом**) терминлари ойконимик индикаторлар сифатида жуда кам намоён бўлган.

Қорақалпоғистон топонимлари обзори шундан иборат.

Республиканинг қисқача топонимик луғати

Аёзқала – Беруний тумани худудидаги археологик ёдгорлик. Милоддан аввалги 4–2-асрларга оид учта қалъа харобасидан иборат. Бир неча туркий халқлар фольклорининг қаҳрамони **Аёз** номи билан аталган.

Ажимовул – овул, Нукус, Кегейли туманлари. Қозоқларнинг жетирув, қирғизларнинг саёқ қабилаларининг бир уруғи *ажим* деб аталган.

Айран – овул, Қўнғирот тумани. Ўзбекларнинг қўнғирот қабиласи таркибида *айрон*, қозоқларнинг найман қабиласи таркибида *айрам*, ўзбекларнинг найман қабиласи таркибида *айрончи* уруғлари бўлган.

Айтеке – овул, Чимбой, Кегейли туманлари. Кегейли туманида 8 овул **Айтеке** деб аталади. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласи таркибида *айтеке* деган уруғ бўлган.

Анна – овул, Кегейли, Тахтақўпир, Чимбой туманлари. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласи таркибида *анна* (сартанна) уруғи бўлган.

Аралбай – овул, Чимбой, Кегейли туманлари. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласида *аралбай* (оролбой) уруғи бўлган. Уруғ вакиллари ана шу икки туманда яшаган бўлса керак – Чимбой, Кегейли туманларида 15 га яқин овул шу уруғ номи билан аталган.

Аршан – овул, Кегейли, Чимбой туманлари. Қорақалпоқларнинг манғит қабиласи таркибида *аршан* уруғи бўлган.

Атававул – овул, Амударё тумани. *Атав* (атау) – “орол”.

Аючи – овул, ўзбек қипчоқларининг бир уруғи *аючи* (аювчи, айқчи) деб аталган.

Ақтўгин – овул, Кегейли, Чимбой туманлари. Қорақалпоқларнинг кенегес қабиласи таркибидаги бир уруғ *ақтўгин* (оқтўгин) деб аталган.

Бадайғўкай – кўриқхона. Амударёнинг ўнг соҳилида; *бадай* – ўзбек уруғи; Хоразм вилояти Урганч тумани, Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани худудларида чорвачилик билан шуғулланган. 19-аср бошларида Сурхондарё водийси, Бекобод билан Зомин орасидаги даштларга тарқалган. Иштихон, Пахтакор туманларида **Бадай** (Бодай), Иштихон туманида **Бадайовул**, **Кўриқбадай** қишлоқлари бор.

Бақанлижап – овул, Шуманай тумани. Қорақалпоқларнинг кўнғирот қабиласи таркибида бир уруғ *бақанли* деб аталган; *жап*, *яб* (ёб) – “канал”, “арик”.

Бексийиқ – овул, Кегейли, Хўжайли, Чимбой туманлари. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласининг бир уруғи *бексийиқ* деб аталган.

Бойтерак (Байтерек) – Кўнғирот туманидаги жой, қудук. **Бойтерак** – чинор, таянч, муқаддас дарахт. Туркий халқларда **Бойтерак**, **Байтерек** деган исмлар бор. *Бойтерак* этноним – қозоқларнинг қанли қабиласи ва қирғизларнинг сарибағиш қабиласи таркибида **бойтерек** (байтерек) уруғи қайд қилинган.

Борсакелмас – Орол денгизининг суви камаймасдан олдин қатта орол бўлган, ҳозир ярим орол. Оролнинг номи ҳақида турли ривоятлар бор. Шулардан бири ҳақиқатга яқинроқ: илгарилари Орол атрофидаги бойлар қиш пайтларида чорва молларини муз устидан серўт оролга ҳайдаб бориб, баҳорда муз эриши олдидан чорваларини яна орол соҳилига олиб қайтишар экан. Бир йили баҳор эрта келиб муз эриб кетганидан моллар ўша оролда қолиб кетган эмиш. Шу-шу орол **Борсакелмас** деб аталар экан.

Бурлақ – Амударё бўйидаги бир неча қишлоқ-овул номлари. Бу сўз Волга дарёсида кемаларни оқимга қарши тортиб кун кўрган ишчиларни англатган *бурлак* термини билан алоқадор эмасмикин? Зарафшон бўйида ҳам **Бурлақ**

деган қишлоқлар бор. Дашти қипчоқ ўзбеклари улусида *бурлақ* деган уруғ қайд қилинган.

Бўзатов – овул, Чимбой тумани. Амударё бўйида – Хоразмда, Қорақалпоғистонда *атав* – 1) ўтов, бўз уй; 2) дарё ўртасидаги кичикроқ орол; 3) қамишзор, тўқай.

Естек – овул, Кегейли, Тахтақўпир туманлари. Қорақалпоқлар таркибига кирган қипчоқларнинг бир уруғи *естек* деб аталган.

Ешкили – овул, Кегейли тумани. Қорақалпоқларнинг кўнғирот қабиласининг бир уруғи *ешкили* (эчкили) деб аталган.

Жаманша – овул, Кегейли, Чимбой, Нукус туманлари, **Жаман**, **Жаманшақ** – Кегейли тумани. Қорақалпоқларнинг қият, қтай қабилалари таркибида *жаман*, қорақалпоқларнинг манғит қабиласи таркибида *жаманша* уруғлари бўлган. Кўпгина туркий этнонимлар орасида *жаман*, *ёмон* лақабли уруғ-аймоқ номлари бир неча марта такрорланади.

Жеткиншек – овул, Тўрткўл тумани. **Жеткиншек** қорақалпоқ тилида “ўсмир, ёш авлод” деган маънони билдиради.

Кепе – овул, Кегейли, Чимбой, Қораўзак туманлари. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласи таркибида *кепе* уруғи қайд қилинган.

Кўлсаға – овул, Чимбой тумани. *Саға* – қадимий *саҳо* сўзининг талаффуз шакли, Хоразмда, шунингдек, Қорақалпоғистонда “канал ёки ариқнинг боши” маъносини билдиради. **Кўлсаға** – канал бошланадиган жойдаги кўл.

Манжули – овул, Чимбой тумани. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласининг бир уруғи *манжули* деб аталган.

Мойлиболта – овул, Кегейли, Қораўзак туманлари. Қорақалпоқларнинг қипшақ қабиласи таркибида *мойлиболта* (майлибалта) уруғи қайд қилинган.

Мўитеновул – овул, Қанлиқўл тумани. Қорақалпоқларнинг бир уруғи *мўитен* деб аталган.

Мўйноқ – шаҳар, Мўйноқ тумани маркази. **Мўйноқ** икки таркибий қисмдан иборат: *мўйин* – бўйин, *-оқ* кичрайтириш кўшимчаси. Мўйноқ – “кичик бўйин”, “бўйинча” демакдир.

Нукус – шаҳар, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти (қорақалпоқчаси – **Нўқис**). *Нукус*, *нўқис*, *некуз* деган уруғ бўлган. Ривоятга кўра, Нукус (нўқис) – сургун қилинган тўққизта қизнинг ўғилларидан тарқалган

кишиларнинг авлоди бўлиб, “тўққиз киши” демакдир (тожикча *нўҳ* – тўққиз, *кас* – киши). Бу ривоят, холос. Топонимнинг этимологияси ҳамон номаълум.

Нукус қабиласи *некуз* шаклида турк-мўғул уруғлари таркибида қадимги тарихий манбаларда, чунончи, Рашидуддиннинг “Жоме ат-таворих” асарида ҳам тилга олинган. Нукус уруғи *Нукас* (“янги кишлок”) деган маънони англатади деювчилар ҳам бор. **Нукус** (Никуз) деган жой номлари Республикамизнинг бошқа ерларида ҳам учрайди.

Орол денгизи – бу гидронимнинг келиб чиқиши ҳақида бир қанча фикрлар баён этилган. Нега денгиз (катта кўл) орол деб аталган? Орол сув ўртасидаги куруклик-ку! Хива хони, йирик тарихчи олим Абулғозий Баҳодирхон Амударё денгизга қуйиладиган жойни, дельтани **Орол** деб атаган. Ана шу ерда ороллилар деган элат яшаган. Л.Берг ўзининг “Орол денгизи” асарида (1908) **Орол** ўша ерда яшаган халқ – *ороллилар* номидан келиб чиққан деб ёзади ва Ричковнинг (1755) “Орол – кўлда орол кўп бўлганидан шундай аталган” деган фикрини ўртага ташлайди. Чиндан ҳам Орол денгизида 300 дан ортиқ орол бўлган.

Теварак-атрофдаги ўзбеклар, қозоқлар денгизни Орол (Арал) дебгина аташса, қорақалпоқлар ҳам **Арал** ёки **Атау** (“Орол”) деб аташар экан. Қорақалпоқ топонимисти Қ.Абдимуратов Орол денгизи чиндан ҳам *орол* – “сув ўртасидаги куруклик” сўзидан келиб чиққан деган.

Оқшунғил – овул, Хўжайли тумани. Қорақалпоқчада *шунғил* – “чуқурлик”, “ботик”, “дарёнинг чуқур қисми”.

Пилқала – Беруний шаҳри яқинидаги шаҳар харобаси. Пилқала қадимги Хоразм пойтахти **Кот** шаҳрининг ички қалъаси – **Фир** (Фил)нинг вайронасидир.

Салтир – овул, Чимбой тумани. Қорақалпоқлар таркибига кирган қипчоқларнинг бир уруғи *салтир* деб аталган.

Сариўмовут – овул, Кегейли тумани. *Сари(қ)* ўймовут – *ўймовут* уруғининг бир тармоғи.

Сазанжап – овул, Чимбой тумани. *Сазан* – балиқ, “созда – балчикда яшайдиган (балиқ)”, илгарилари *зогора балиқ* дейилар эди, *жап*, *яп* (*ён*) – ўртача канал.

Судочье – Мўйноқ туманидаги кўл. Қорақалпоқ топонимисти Қ.Абдимуратов **Судочье** қорақалпоқча – “суви душши”, яъни “суви чучук(кўл)” сўзларидан келиб чиққан дейди. Агар шундай бўлса бу ном **Душшиқўл** (Чучукқўл)

деган қишлоқлар бор. Дашти қипчок ўзбеклари улусида *бурлақ* деган уруғ қайд қилинган.

Бўзатов – овул, Чимбой тумани. Амударё бўйида – Хоразмда, Қорақалпоғистонда *атав* – 1) ўтов, бўз уй; 2) дарё ўртасидаги кичикроқ орол; 3) қамишзор, тўқай.

Естек – овул, Кегейли, Тахтақўпир туманлари. Қорақалпоқлар таркибига кирган қипчокларнинг бир уруғи *естек* деб аталган.

Ешқили – овул, Кегейли тумани. Қорақалпоқларнинг қўнғирот қабиласининг бир уруғи *ешқили* (эчкили) деб аталган.

Жаманша – овул, Кегейли, Чимбой, Нукус туманлари, **Жаман, Жаманшақ** – Кегейли тумани. Қорақалпоқларнинг қият, қтай қабилалари таркибида *жаман*, қорақалпоқларнинг манғит қабиласи таркибида *жаманша* уруғлари бўлган. Кўпгина туркий этнонимлар орасида *жаман*, *ёмон* лақабли уруғ-аймоқ номлари бир неча марта такрорланади.

Жеткиншек – овул, Тўртқўл тумани. **Жеткиншек** қорақалпоқ тилида “ўсмир, ёш авлод” деган маънони билдиради.

Кепе – овул, Кегейли, Чимбой, Қораўзак туманлари. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласи таркибида *кепе* уруғи қайд қилинган.

Кўлсаға – овул, Чимбой тумани. *Саға* – қадимий *сақо* сўзининг талаффуз шакли, Хоразмда, шунингдек, Қорақалпоғистонда “канал ёки ариқнинг боши” маъносини билдиради. **Кўлсаға** – канал бошланадиган жойдаги кўл.

Манжули – овул, Чимбой тумани. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласининг бир уруғи *манжули* деб аталган.

Мойлиболта – овул, Кегейли, Қораўзак туманлари. Қорақалпоқларнинг қипшақ қабиласи таркибида *мойлиболта* (майлибалта) уруғи қайд қилинган.

Муйтеновул – овул, Қанликўл тумани. Қорақалпоқларнинг бир уруғи *муйтен* деб аталган.

Мўйноқ – шаҳар, Мўйноқ тумани маркази. **Мўйноқ** икки таркибий қисмдан иборат: *мўйин* – бўйин, *-оқ* кичрайтириш қўшимчаси. Мўйноқ – “кичик бўйин”, “бўйинча” демакдир.

Нукус – шаҳар, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти (қорақалпоқчаси – **Нўқис**). *Нукус*, *нўқис*, *некуз* деган уруғ бўлган. Ривоятга кўра, Нукус (нўқис) – сургун қилинган тўққизта қизнинг ўғилларидан тарқалган

кишиларнинг авлоди бўлиб, “тўққиз киши” демакдир (тожикча нўҳ – тўққиз, кас – киши). Бу ривоят, холос. Топонимнинг этимологияси ҳамон номаълум.

Нукус қабиласи *некуз* шаклида турк-мўғул уруғлари таркибида қадимги тарихий манбаларда, чунончи, Рашидуддиннинг “Жоме ат-таворих” асарида ҳам тилга олинган. Нукус уруғи *Нукас* (“янги кишлок”) деган маънони англатади деювчилар ҳам бор. **Нукус** (Никуз) деган жой номлари Республикамизнинг бошқа ерларида ҳам учрайди.

Орол денгизи – бу гидронимнинг келиб чиқиши ҳақида бир қанча фикрлар баён этилган. Нега денгиз (катта кўл) орол деб аталган? Орол сув ўртасидаги қуруқлик-ку! Хива хони, йирик тарихчи олим Абулғозий Баҳодирхон Амударё денгизга қуйиладиган жойни, дельтани **Орол** деб атаган. Ана шу ерда ороллилар деган элат яшаган. Л.Берг ўзининг “Орол денгизи” асарида (1908) **Орол** ўша ерда яшаган халқ – *ороллилар* номидан келиб чиққан деб ёзади ва Ричковнинг (1755) “Орол – кўлда орол кўп бўлганидан шундай аталган” деган фикрини ўртага ташлайди. Чиндан ҳам Орол денгизида 300 дан ортиқ орол бўлган.

Теварак-атрофдаги ўзбеклар, қозоқлар денгизни Орол (Арал) дебгина аташса, қорақалпоқлар ҳам **Арал** ёки **Атау** (“Орол”) деб аташар экан. Қорақалпоқ топонимисти К.Абдимуратов Орол денгизи чиндан ҳам *орол* – “сув ўртасидаги қуруқлик” сўзидан келиб чиққан деган.

Оқшунғил – овул, Хўжайли тумани. Қорақалпоқчада *шунғил* – “чуқурлик”, “ботик”, “дарёнинг чуқур қисми”.

Пилқала – Беруний шаҳри яқинидаги шаҳар харобаси. Пилқала қадимги Хоразм пойтахти **Кот** шаҳрининг ички кальсаси – **Фир** (Фил)нинг вайронасидир.

Салтир – овул, Чимбой тумани. Қорақалпоқлар таркибига кирган қипчоқларнинг бир уруғи *салтир* деб аталган.

Сариўмовут – овул, Кегейли тумани. *Сари(қ)* ўймовут – *ўймовут* уруғининг бир тармоғи.

Сазанжап – овул, Чимбой тумани. *Сазан* – балик, “созда – балчикда яшайдиган (балик)”, илгарилари *зогора балиқ* дейилар эди, *жап*, *яп* (*ён*) – ўртача канал.

Судочье – Мўйноқ туманидаги кўл. Қорақалпоқ топонимисти К.Абдимуратов **Судочье** қорақалпоқча – “суви душши”, яъни “суви чучук(кўл)” сўзларидан келиб чиққан дейди. Агар шундай бўлса бу ном **Душшикўл** (Чучуккўл)

деган қишлоқлар бор. Дашти қипчоқ ўзбеклари улусида *бурлақ* деган уруғ қайд қилинган.

Бўзатов – овул, Чимбой тумани. Амударё бўйида – Хоразмда, Қорақалпоғистонда *атав* – 1) ўтов, бўз уй; 2) дарё ўртасидаги кичикроқ орол; 3) қамишзор, тўқай.

Естек – овул, Кегейли, Тахтақўпир туманлари. Қорақалпоқлар таркибига кирган қипчоқларнинг бир уруғи *естек* деб аталган.

Ешкили – овул, Кегейли тумани. Қорақалпоқларнинг кўнғирот қабиласининг бир уруғи *ешкили* (эчкили) деб аталган.

Жаманша – овул, Кегейли, Чимбой, Нукус туманлари, **Жаман**, **Жаманшақ** – Кегейли тумани. Қорақалпоқларнинг қият, қтай қабилалари таркибида *жаман*, қорақалпоқларнинг манғит қабиласи таркибида *жаманша* уруғлари бўлган. Кўпгина туркий этнонимлар орасида *жаман*, *ёмон* лақабли уруғ-аймоқ номлари бир неча марта такрорланади.

Жеткиншек – овул, Тўрткўл тумани. **Жеткиншек** қорақалпоқ тилида “ўсмир, ёш авлод” деган маънони билдиради.

Кепе – овул, Кегейли, Чимбой, Қораўзак туманлари. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласи таркибида *кепе* уруғи қайд қилинган.

Кўлсаға – овул, Чимбой тумани. *Саға* – қадимий *сақо* сўзининг талаффуз шакли, Хоразмда, шунингдек, Қорақалпоғистонда “канал ёки ариқнинг боши” маъносини билдиради. **Кўлсаға** – канал бошланадиган жойдаги кўл.

Манжули – овул, Чимбой тумани. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласининг бир уруғи *манжули* деб аталган.

Мойлиболта – овул, Кегейли, Қораўзак туманлари. Қорақалпоқларнинг қипшақ қабиласи таркибида *мойлиболта* (майлибалта) уруғи қайд қилинган.

Муйтеновул – овул, Қанликўл тумани. Қорақалпоқларнинг бир уруғи *муйтен* деб аталган.

Мўйноқ – шаҳар, Мўйноқ тумани маркази. **Мўйноқ** икки таркибий қисмдан иборат: *мўйин* – бўйин, *-оқ* кичрайтириш қўшимчаси. Мўйноқ – “кичик бўйин”, “бўйинча” демакдир.

Нукус – шаҳар, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти (қорақалпоқчаси – **Нўкис**). *Нукус*, *нўкис*, *некуз* деган уруғ бўлган. Ривоятга кўра, Нукус (нўкис) – сургун қилинган тўққизта қизнинг ўғилларидан тарқалган

кишиларнинг авлоди бўлиб, “тўққиз киши” демакдир (тожикча *нўҳ* – тўққиз, *кас* – киши). Бу ривоят, холос. Топонимнинг этимологияси ҳамон номаълум.

Нукус қабиласи *некуз* шаклида турк-мўғул уруғлари таркибида қадимги тарихий манбаларда, чунончи, Рашидуддиннинг “Жоме ат-таворих” асарида ҳам тилга олинган. Нукус уруғи *Нукас* (“янги қишлоқ”) деган маънони англатади деювчилар ҳам бор. **Нукус** (Никуз) деган жой номлари Республикамизнинг бошқа ерларида ҳам учрайди.

Орол денгизи – бу гидронимнинг келиб чиқиши ҳақида бир қанча фикрлар баён этилган. Нега денгиз (катта кўл) орол деб аталган? Орол сув ўртасидаги куруклик-ку! Хива хони, йирик тарихчи олим Абулғозий Баҳодирхон Амударё денгизга қуйиладиган жойни, дельтани **Орол** деб атаган. Ана шу ерда ороллилар деган элат яшаган. Л.Берг ўзининг “Орол денгизи” асарида (1908) **Орол** ўша ерда яшаган халқ – *ороллилар* номидан келиб чиққан деб ёзади ва Ричковнинг (1755) “Орол – кўлда орол кўп бўлганидан шундай аталган” деган фикрини ўртага ташлайди. Чиндан ҳам Орол денгизидан 300 дан ортиқ орол бўлган.

Теварак-атрофдаги ўзбеклар, козоқлар денгизни Орол (Арал) дебгина аташса, қорақалпоқлар ҳам **Арал ёки Атау** (“Орол”) деб аташар экан. Қорақалпоқ топонимисти Қ.Абдимуратов Орол денгизи чиндан ҳам *орол* – “сув ўртасидаги куруклик” сўзидан келиб чиққан деган.

Оқшунғил – овул, Хўжайли тумани. Қорақалпоқчада *шунғил* – “чуқурлик”, “ботик”, “дарёнинг чуқур қисми”.

Пилқала – Беруний шаҳри яқинидаги шаҳар харобаси. Пилқала қадимги Хоразм пойтахти **Кот** шаҳрининг ички қалъаси – **Фир** (Фил)нинг вайронасидир.

Салтир – овул, Чимбой тумани. Қорақалпоқлар таркибига кирган кипчоқларнинг бир уруғи *салтир* деб аталган.

Сариўимовут – овул, Кегейли тумани. *Сари(қ)* ўимовут – *ўимовут* уруғининг бир тармоғи.

Сазанжап – овул, Чимбой тумани. *Сазан* – балик, “созда – балчикда яшайдиган (балик)”, илгарилари *зогора балиқ* дейилар эди, *жап*, *яп* (*ёп*) – ўртача канал.

Судочье – Мўйнок туманидаги кўл. Қорақалпоқ топонимисти Қ.Абдимуратов **Судочье** қорақалпоқча – “суви душши”, яъни “суви чучук(кўл)” сўзларидан келиб чиққан дейди. Агар шундай бўлса бу ном **Душшикўл** (Чучуккўл)

бўлар эди. Туркий топонимлар таркибида *сув* сўзи топоним охирида келади: **Аччисув, Ширинсув, Қорасув, Оксув.** Илгарилари **Сўркўл** (Шўркўл) деб аталган. Бу ерларда Уралдан кўчириб келтирилган руслар яшаган ва кўлни **Судочье** – “судак балиғи кўли” деб атаган (қорақалпоқлар бу балиқни *сила* балиғи деб атайдилар).

Суенарим – Мўйноқ туманидаги кўл. Руслар *усач* (“мўйловли”) деб атайдиган балиқни Амударё этагида *суен* (суван, сўген) дейишади. *Арим* қорақалпоқ тилида “пастлик, чуқурлик, сойлик” демақдир.

Султон Увайс – Амударёнинг ўнг соҳилидаги тоғлар. Ўрта Осиёда тасаввуф тарғиботига асос солувчилардан бири араб Увайс Қарний номи билан аталган (7-аср). *Султон* унвони унга кейинчалик Ўрта Осиё халқлари томонидан берилган. Тизманинг жануби-ғарбий ён бағрида Султон Увайснинг зиёратгоҳ афсонавий қабри бор.

Сўржа – Кўнғирот туманидаги жой. Сўр – шўр, шўрхоқ, *сўржа* – шўр жой; Ўзбекистонда – *Шўрча*.

Тазғара – Чимбой туманидаги эски ўзан. Қорақалпоқ топонимисти Қ.Абдимуратов бу жой Тажикара деган киши исми билан аталган деган. Жиззах туманида **Тазғара** (Тасқара) деган жой бор.

Кўримсиз, хунук нарсани *тасқара* дейишади. *Тасқара* (баъзи жойларда *гажир*) деб аталадиган ўлимтиқхўр қуш ҳақиқатан ҳам жуда хунук бўлади.

Тайлақовул – овул, Чимбой тумани. Эндигина туғилган туя боласи, бир ёшгача *бута* (бўталок), бир ёшдан ошса *тойлоқ* дейилади. **Тайлақовул** – қорақалпоқларнинг *тайлақ* (тойлоқ) уруғи номи билан аталган. Ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар таркибида ҳам тайлақ (тойлоқ) уруғи бўлган. Орол денгизида бир орол **Тайлақжеген** (Тойлоқ еган) деб аталарди. Бу ерда бировнинг тойлоғини сўйиб еб кўйишган бўлса керак.

Тарли – Кегейли туманидаги қуруқ ўзан. Қ.Абдимуратов бу топонимни “Тарикли, тариклоя” деб изоҳлаган. Ҳақиқатан ҳам қорақалпоқлар ва бошқа туркий халқлар, жумладан, желовчи ўзбеклар тарикни *тари* дейишади. Дастлаб бу ер **Тарили** деб аталган, кейин **Тарли** бўлиб кетган.

Тўнмўйин – овул, Кегейли, Чимбой туманлари. Қорақалпоқларнинг манғит қабиласи таркибида *тўнмўйин* уруғи қайд қилинган.

Тўртдивал – овул, Эллиққалға тумани. Айнан “чолдевор, вайрона”; *тўрткўл* (тўрткил) ҳам шу маънода.

Шағал – овул, Нукус тумани. Туркманларнинг така, эрсари қабилалари таркибида, ўзбекларнинг кўнғирот қабиласи таркибида *шағал* қабиласи қайд қилинган.

Шеруши – овул, Кегейли, Чимбой туманлари. Қорақалпоқларнинг қтай қабиласи, қозоқларнинг керей қабиласи таркибида *шеруши* уруғи қайд қилинган.

Эгизқум – Чимбой туманидаги жой. *Эгиз* сўзи “қўшалок”дан ташқари “баланд, юксак” деган маънони билдиради. *Эгизқум* – “баланд қум тепалиғи”.

Қандекли – овул, Шуманай, Қораўзак туманлари. Қорақалпоқлар ва ўзбекларнинг кўнғирот қабиласи таркибида *қандекли* уруғи қайд қилинган.

Қараман – овул, Амударё тумани. Туркманлар, қозоқларнинг бир уруғи *қараман* деб аталади. Хоразмда қайрағоч дарахтининг бир турини *қараман* (қора эман) дейишади.

Қоплонқир – Устюрт чинкининг бир қисми. Бу ерларда чиндан ҳам қоплон яшаган (ҳозир қолмаган).

Қорабойли – Мўйнок, Хўжайли туманларидаги жой. *Қорабой* (қорақалпоқчасига – қарабай) – турнага ўхшаган қуш (русчаси – *баклан*). Ўзбекларнинг уз қабиласида, қирғизларнинг мундуз қабиласида *қарабай* (қорабой) деган уруғ бўлган.

Қулонтақир – тоғ, Бўзатов тумани. Илгари шу атрофларда ҳам қулон бўлганини кўрсатувчи далил (*қулонтақир* – қулонлар сув ичадиган кўлмақ).

Ғарға – овул, Чимбой тумани. **Ғарғатубек** – Кегейли тумани. Туркманларнинг гўклен қабиласи таркибида *ғарға* уруғи бўлган. Бошқирдлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, ўзбеклар таркибида *қарға* уруғи қайд қилинган.

ЭТНОНИМЛАР МАЪНОСИ

Ҳар қандай этнонимнинг ўз маъноси бор. “Этноним” терминининг ўзи икки сўздан иборат: юнонча *этнос* – “халқ, эл”, *оним* – “ном, от”, яъни “халқнинг, элнинг номи” дегани. Ҳозирги вақтда халқ, миллат, эл номларидан ташқари қабилла-уруғ номларига ҳам этнонимлар дейилади. Этнонимлар кўпинча кўҳна сўзлар бўлганидан кўпларининг маъноси “қоронғилашиб”, тушунарсиз бўлиб қолган.

Куйида бир қанча этнонимларни изоҳлаб беришга ҳаракат қилинди. Уруғ-аймоқ номлари яна шунинг учун ҳам эътиборга сазоворки, улар кўплаб жой номлари – топонимлар шаклида учрайди. Этнонимлар билан аталадиган географик номлар *этнотопонимлар* деб аталади. Этнотопонимларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Масалан, Самарқанд вилоятининг баъзи бир туманларида қишлоқлар номларининг 1/3 қисми этнонимлардан иборат.

Кўпгина этнонимлар жуда қадимий сўзлар бўлганидан халқлар этногенезини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Одатда, халқлар, миллатлар, шунингдек, қабилалар, йирик уруғларнинг номлари қадимий бўлади. Масалан, *ўзбек*, *қирғиз*, *қозоқ* каби миллат номлари, *қўнгирот*, *митан*, *қангли*, *уйшун*, *қорлуқ*, *халаж* каби уруғ-қабила номлари ҳақида бир қанча фикрлар билдирилган, лекин, бу этнонимларнинг этимологияси узил-кесил ҳал қилинган эмас. Ҳўзбек – “ўзи бек”, қирғиз – “қирқ қиз”, қозоқ – “қочоқ”, митан – “мўйтан” (сержун), қангли – “қангли (аравали)”, қорлуқ – “қорлик” (қорда қолган), халаж – “қол оч” (оч қолган), қалмоқ – “четда қолган” (ислом динига кирмай қолган) деган маънони билдиради дейиш ғайри илмий, сохта этимологиядир.

Этнонимлар тарих тақозоси билан вужудга келган бўлиб, муайян маъноларни англатган. Уларни илмий жиҳатдан ўрганиш зарур. Бирон-бир ҳудудда ўтмишда қандай халқлар яшаган? Муайян этноним маълум бир халқ, элат, қабилани билдирган. Масалан, 10-асргача *тожик* деганда араблар билан бир қаторда Ўрта Осиёдаги ўтроқ аҳолини ҳам тушунишган. Кўпгина этнонимлар қадимда, синфсиз жамиятда ва синфий жамиятга ўтиш даврида пайдо бўлган.

Кишилар бир неча минг йиллар давомида айри-айрим ҳолда уруғ бўлиб, кейинчалик эса ҳудудий-диалектал умумийлик ҳосил қилиб, қабила-қабила бўлиб яшаган. “Одам”, “инсон”, “ўзимизнинг кишилар” каби маъноларни англатган *ар* (эр), *манн* (мен) типидagi этнонимлар ана шу қадим даврларда пайдо бўлган. Бир қанча этнонимлар “ҳақиқатан одам”, “ростакам инсон” деган маъноларни билдиради. *Татар*, *ҳазар*, *агар*, *мажар*, *мишар*, *авар*, *булғор* каби халқ ва қабила номлари таркибидаги *ар* (эр), *ир* қўшимчаси эроний тиллардан бирида “одам” деган маънони билдирган ва кейинчалик туркий тилларга ўтган. *Арий* (орийлар), *ирон* (осетинларнинг бир қабиласи) ва ҳатто *Эрон* сўзлари ҳам ўша *ар* (ир) “одам”

сўзидан таркиб топган бўлса ажаб эмас. *Туркман, қараман, ақман, сарман, қуман* каби этнонимлар таркибидаги *манн* кўшимчасини олимлар ҳинд-европа тилларидаги *ман* – мен “одам” сўзидан келиб чиққан дейдилар. Масалан, Д.Е. Еремеев ва бошқалар фикрича, *қипчоқлар* тарихий манбаларда куманлар шаклида ҳам тилга олинган (бошқа фикрларга кўра, куман ёки кубан қипчоқлар таркибига кирган қабила). *Қуман* “қум-ман”, яъни “қум ранг (оч сарик) одам” ёки “қув (оқ қуш)-манн”, яъни оқ одам деган маънони билдиради экан. Бу эса қипчоқларнинг русча номига айнан тўғри келади: *половец* – сарғиш демакдир. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, қипчоқлар (половешлар, куман) кўзи кўк, сочи сарик, яъни сомонранг кишилар бўлган.

Яқин вақтларгача немис этноними “гунг, соков”, яъни “тилга тушунмайдиган” маъносидаги русча *нем* сўзидан таркиб топган деб ҳисобланар эди. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “немис” сўзи қадимги германларнинг неметес қабиласининг номидан олинган бўлиб, “кўчманчилар” деган маънони англатар экан.

Шу билан бирга кўпгина этнонимларнинг келиб чиқиши, этимологияси ҳамон маълум эмас. Масалан, “ўзбек” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар бор. Кўпчилик олимлар Дашти қипчоқ ўзбеклари Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312–1340) исми билан аталган дейишади. Холбуки, Ўзбекхон Олтин Ўрда (Кўкўрда)да хонликка кўтарилган, “ўзбек” термини эса Оқ Ўрдада пайдо бўлган. Яъни 14–15-асрларда Эрон ҳамда Ўрта Осиё тарихчилари Оқ Ўрданинг барча турк-мўғул қабилаларини ўзбеклар деб аташган. Бундан ташқари, ўзбек исми Ўзбекхондан олдин битилган асарларда ҳам учрайди. Демак, ўзбек этноними Ўзбекхон исмидан келиб чиққан, деган фикр тўғри эмас. Бу сўз “ўзи бек” деган маънони билдиради, дейиш ҳам илмий далил эмас. Ўзбек уз қабиласи номи билан боғлиқ деган фикр ҳам исбот талабдир. Шундай қилиб, “ўзбек” сўзининг этимологияси ҳамон аниқ эмас.

Ўзбек уруғлари номлари (этнонимлар)нинг ўзига хос келиб чиқиши тарихи бор. Жониворлар, хусусан, уй ҳайвонлари номи билан аталган этнонимлар энг қадимийдир. Улар мажусийлар даврида пайдо бўлган. Уруғларнинг муқаддас ҳайвонлари (тотем-онгон) бўлиб, кишилар ўзларини шу ҳайвонлардан тарқалган, деб ҳисоблаган, *жилонди* (илонли),

жилонтамгали (илон-тамғали), *қулон*, *оқбура*, *қорабура* (бура-бувра-буғра – бичилмаган эркак туя), *қарга*, *шагал* (шақал – чиябўри), *эчки*, *хўкиз* каби этнонимлар баъзан шу уруғ аждодининг лақаби ҳам бўлиши мумкин.

Кўпгина этнонимлар уруғ-аймоқ тамғаси номи билан аталган, яъни ҳар бир уруғнинг ўз тамғаси бўлган. Масалан, молларини, отларини бошқаларникидан фарқ қилиш учун тамғалаб қўйишган. *Болғали*, *косовли*, *қайчили*, *тароқли*, *чўмичли*, *қирғили* каби уруғларнинг тамғалари шаклан ана шу уй-рўзғор асбобларига ўхшаш бўлган.

Этнонимлар орасида киши исмлари ҳам учрайди: *амиртемир*, *бўронбой*, *холмат*, *оллоберди*, *фозил*, *чигатой*; жой номларидан келиб чиққан этнонимлар ҳам бор: *бешқўтон*, *булоқбоши*, *сойлик*, *урганжи*, *қайирма*, *қорбулоқ*, *шарқиялик* (шоҳруҳиялик – Шоҳруҳия – Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ номи билан аталган шаҳар номидан) ва бошқалар. Ўзбек этнонимларини семантик жиҳатдан бир неча гуруҳга бўлиш мумкин, чунончи, бирон касб-ҳунар номи билан юритиладиган этнонимлар: *қирсадоқ* (садоқ-ўқдон), *иярчи* (эгарчи-эгарсоз), *гиламмобли* (гиламмобфли-гиламмобтўқувчи), *саёт* (сайёд-овчи), *тулкичи*, *заргарлик*, *миришкор*, *пўлатчи* ва бошқалар.

Ўзбек уруғларининг ўзига хос этимологияси бор. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз (шуни айтиш керакки, этнонимлар этимологияси ҳақида қелтирилган фикрлар турли манбаларга суяниб ёзилган; бинобарин, узил-кесил вариантлар эмас, чунки, ҳар қандай этимология ҳам нисбийдир).

Абдал уруғи Ҳиндистон, Афғонистон ва хусусан, Ўрта Осиё халқлари этногенезида муҳим роль ўйнаган қадимий халқ-эфталлар, яъни ҳайталларнинг авлодидир. Ҳайталлар Сурия, Юнон манбаларидаёқ *абдал* деб аталган.

Тарихчи Батъамий (10-аср) фикрича, *ҳайтал* сўзи Бухоро тилида “пахлавон”, “жасур одам” деган маънони билдиради.

Шу билан бирга кейинги вақтларда *абдал* деганда “гадой”, “дарвеш” киши тушунилган. Шунингдек, артистлар, созандалар, қаландарлар, маддоҳларнинг жарғони “абдал (абдол) тили” дейилган.

Авшар – қадимий уруғлардан бири. Араб географлари Бухоро яқинида **Авшар** деган қишлоқни тилга оладилар. Абулғозий Баҳодирхон *авшар* сўзини “ишини илдам ишламоқчи” деб изоҳлайди.

Аргин – бу уруғ Ўрта Осиёда қадимда яшаб келган ва Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қайд қилинган арғу қабиласининг ўзгинаси бўлса керак. “Бобурнома”да, ўзбек уруғларнинг дастлабки ёзма шажараси ҳисобланган ва Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг “Мажмуа ат-таворих” асарида келтирилган ўзбек элатлари рўйхатида бу уруғ арғун шаклида қайд қилинган. Бу этноним мўғулча *аргин* (ўзаги арғ – дурагай) сўздан келиб чиққандир. Аргин (арғун) сўзи қирғиз тилида ҳозир ҳам ана шу маънони англатади.

Асака этноними Ўрта Осиёда қадимда яшаган *сак* (сака) номи билан алоқадор бўлса керак. Баъзи бир мулоҳазаларга кўра, асака “отликлар” деган маънони билдиради. Асака сўзи жой номлари шаклида ҳам учрайди. Масалан, Андижон вилоятидаги Асака; Қорақалпоғистон ҳудудида Асакаовдон ботиғи бор. Геологлар Асакаовдоннинг ўрни тўртламчи давр сўнигида кўлдан иборат бўлганлигини аниқладилар (овдон, тўғриси *обдон* – “сув омбори”, “ховуз”).

Ахтачи – қадимги уруғлардан бири. Бу уруғ вакилларини Бобур ҳам тилга олган. *Ахта* мўғул тилида, умуман “от” (жумладан, “бичилган от”) демакдир. *Ахтачи* эса “отбоқар”, “жиловдор” (хон оти жиловини ушлаб юрувчи киши) маъносини беради.

Бағанали – ўзбек уруғларининг тармоғи. *Бағанали* “қорақўл тери”, “ёш кўзи териси” демакдир. *Бағана* сўзининг “стун” маъноси ҳам бор.

Барлос – Ўзбекистон ҳудудида, асосан, Қашқадарё воҳасида Дашти қипчоқ ўзбекларидан 16-асрдан олдин яшаб келган қабилалардан бири. *Барлос* сўзи Абулғозихоннинг фикрича “кўмондон”, Алишер Навоий асарларига ёзилган “Бадое ул-луғат”га кўра “баҳодир” деган маънони билдиради.

Боёвут – республикамиз ҳудудида қадимдан яшаб келган уруғлардан бири. Рашидуддиннинг “Жоме ат-таворих”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарларида Чингизхон кўшинлари билан бирга келган қабилалар орасида ҳам боёвут уруғи тилга олинган. *Боёвут* сўзи “бой”, тўғрироғи “бойлар” демакдир.

Дуғлар, Дувлат – дастлаб мўғул қабиласининг номи бўлган. Дуғлатлар Дуклан деган кишидан тарқалган; дуклан (тўғриси – доколан) мўғул тилида “чўлок” деган сўз, дуғлат эса бу сўзнинг кўплигидир.

Ирғаноқли (эрганақли) – *иргоқли* уруғи ҳам қайд қилинган. Эҳтимол, бу иккаласи бир уруғнинг турлича талаффуз қилинишидир. Ирғанақ – “катак”, “шоҳшабадан тўқилган чавра”. Демак, бу уруғнинг тамғаси катак шаклида бўлган.

Кўрпа, Кўрпали, Кўрпасой, Кўрпақишлоқ, Кўрпача, Янгикўрпа каби этнотопонимларнинг “ёпинчиқ” маъносидаги асли форсча *кўрпа* сўзига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Қадимий туркий тилда *кўрпа* сўзи бир неча маънони англатган. Тарихий ёдгорликларда *кўрпа* сўзининг “барра ўт”, “ёш бола”, “кўзичоқ”, “улоқча”, “бузоқча”, “кепак” маънолари борлиги қайд қилинган. Лекин *кўрпа* сўзининг кўпгина маънолари унутилган, шунга қарамасдан республикамизнинг баъзи жойларида барра бедани “беда кўрпа бўлиб қолипти” дейишади.

Уруғлар ҳайвон номлари билан ҳам аталганини ҳисобга олсак *кўрпа* этноними “кўзичоқ” деган маънони билдиради. Чунончи, машҳур тилшунос Абу Ҳайён ал Андалусий (13-аср) асарларида *кўрпа* сўзи ана шундай изоҳланган.

Керайт (Керайит) – ўзбек миллати таркибига кирган қабилалардан бири. Турли манбаларда *керайит* сўзи “қора кўй”, “қора одам” ёки “қарға” деб изоҳланган (тўғриси ҳам қарға), этноним охиридаги “т” ҳарфи кўплик аффиксидир.

Марқа – юз уруғининг бир тармоғи. Марқа – “катта, улкан” деган сўз, марқа кўзи – эртарок, мартдан олдин туғилган кўзи, эгиз кўзиларнинг олдин туғилгани. Гаврилов фикрича, марқа (марқа юз) – юз уруғининг энг катта тармоғи, уруғ бошининг катта хотини – бойбичадан тарқалган.

Найманлар – мўғул уруғи деб ҳисобланар эди; олимлар *наим* сўзи мўғулча “саккиз” маъносини англатади дейдилар.

Этнограф Н.А.Аристов найман сўзи Сибирдаги Найма дарёси номидан олинган деган фикрни билдирган. Сўнгги маълумотларга кўра найманлар асли туркий қабилла бўлиб, саккизўғулларни мўғуллар ўз тилига мослаб найман деб атаганлар.

Очамайли (Ачамайли) – юз уруғининг бир бўлаги. Хўкиз ёки кўтосга уриладиган ёки болалар миниши учун мўлжалланган эгар *очамай* дейилган. Демак, бу уруғнинг тамғаси эгар шаклида бўлган. Этнограф Н.А.Аристов очамайли уруғи *оч (ач)* деган қадимги қабилла номи билан аталган бўлса керак, деб тахмин қилади.

Солин – юз уруғининг бир тармоғи. Солинлар Зарафшон водийсида, Жиззах вилоятининг Жиззах, Зомин, Ғаллаорол туманларида қайд қилинган. Қулоқнинг учки юмшоқ қисми солин (солинчоқ-солинчақ) дейилади.

Сўлоқли – юз қабиласининг тармоқларидан бири. Сўлоқ сўзининг бир неча маъноси маълум – 1) қора жигар, талок; 2) қўй-эчки қулоғининг бирон жойини кесиб эн солиш, тамғалаш усулларидан бири – қулоқнинг олдинги томони ўйиб кесилса, олдинги сўлоқ, кейинги томони ўйиб кесилса, кейинги сўлоқ дейилган; 3) араванинг ўкига солинадиган темир.

Тобин – мўғулча сўз бўлиб, “эллик” демакдир. Умуман турк-мўғул қабила ва уруғларида рақам (сон) билан аталадиган номлар учрайди. Масалан, юз, минг, дўрмон (дўрбўн – мўғулча дўрт – “тўрт”) ва ҳоказо.

Тобин уруғидан бўлган қозоқлар 19-асрда Сирдарё билан Устюрт яйласидан Тобол дарёси ва Оренбург даштларигача бўлган худудда яшаганлар. Тобинлар, шунингдек, ўзбеклар, бошқирдлар ва бошқа туркий халқлар таркибида ҳам учрайди.

Тортувли – қанжиғали уруғининг бир тармоғи. *Тортувли* уруғи қўнғирот уруғининг аждоди Қўнғирототанинг кичик хотинидан тарқалган экан; Қўнғиротота кексайганда кичик хотини ўғил туғиб, тортув (тортик – совға) қилгани учун, ундан тарқалганлар тортувли деб аталган дейилади ривоятда.

Уяз (уяс) марқа уруғининг 16 тармоғидан биридир. Уяз бошқа уруғлар таркибига ҳам кирган. Масалан, солин уруғининг бир шохи *уязсолин* дейилади. Уяз (уяс) жой номлари шаклида ҳам учрайди. Қадимий тилшунос олимлардан Абу Ҳайён ал-Андалусий ва Жамолиддин Тусий асарларида уяз сўзи “пашша, чивин” деб изоҳланган.

Чиноз (асли чинас, чинос) – мўғуллар ҳукмронлиги даврида бўлган қабила. Чин-мўғул тилида “бўри” демакдир; “с” эса кўплик қўшимчаси бўлиб, бўри чиносларнинг тотеми (онгон) ҳисобланган.

Ўзбекистонда, хусусан, Бухоро воҳасида **Чандир** деган қишлоқлар учрайди. Маҳаллий халқ қишлоқ номини “чодир” (чайла), “чандир тери” деган сўз деб изоҳлайди. Аслида эса чандир туркман уруғи бўлиб, ўзбеклар таркибида ҳам тилга олинган. Абу Ҳайён *чандир* сўзини “дурагай, қурама” деб изоҳлаган.

Шу нарса дикқатга сазоворки, кўпгина этнонимлар, чунончи, қалмоқ, аргин “дурагай”, “курама” деган маънони англаган. Аслини олганда бошқалар билан аралашиб, чатишиб кетмаган биронта ҳам халқ ёки қабила йўқ – барча эллар, уруғлар бир-бирлари билан аралашиб, қўшилиб кетган.

Ўтарчи – бир қанча рўйхатларда, чунончи Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг “Мажмуа ат-таворих” асарида қайд қилинган уруғ. *Ўтарчи* сўзи қадимий туркий тилда “вақтинча яшовчи” (кўчманчи) маъносини англаган. Бу сўзнинг “синчи”, “от табиби” деган маънолари ҳам бор.

Қалмоқ – қалмоқлар Дашти Қипчоқ ўзбекларидан олдин ҳам Мовароуннаҳрда яшаган ва туркийлашган мўғул қабилаларининг авлодлари бўлса керак. Муҳаммад Солихнинг “Шабонийнома”сида айтилишича, қалмоқлар Шайбонийхонга қарши Бухоро ҳокими Бокитархон томонида туриб жанг қилганлар.

Қалмоқ сўзи туркий “қолмоқ” феълидан олинган, бу сўз ислом динини қабул қилмасдан мажусийлар ҳолида қолган ўйротларни англаган, дейилар эди. В.П. Дарбакова қалмоқ сўзи мўғулча “дурагай”, “аралаш”, “курама” деган маънодаги *халмиг* сўзидан келиб чиққанлигини аниқлади. Ҳақиқатан ҳам аслида ўйротлардан ажралиб чиққан қалмоқ уруғи жуда кўп уруғ-қабилалар аралашмасидан иборат бўлган.

Қарапчи уруғи баъзи бир рўйхатларда 92 бовли ўзбек уруғларидан бири қаторида тилга олинган; Сурхондарё вилоятида қарапчи 16 уруғга бўлинади, баъзан, эса юз уруғининг катта бир бўлаги сифатида қайд қилинган. Баъзи олимлар фикрича, қарапчи сўзи қаровчи нозир, назорат қилувчи деганидир, чунки, қарапчилардан бийлар, беклар, кўмондонлар кўп чиққан экан. Қадимий тилшунос олим Абу Ҳайён ал-Андалусий қарапчи сўзи “қашшоқ”, “камбағал” деган маънони билдиради дейди.

Қиёт уруғи номи Абулғозий Баходирхон фикрича, мўғулча “тоғдан оққан сел” маъносидаги *қиён* сўзининг кўплигидир. Бу фикрни В.В. Радлов ҳам исботлайди. Бундан чиқадики, *қиённи* (қиёнли) уруғининг этимологияси ҳам ўша мўғулча қиён сўзи билан маънодошир.

Ковчин – ўзбек уруғларидан бири; баъзи бир фикрларга кўра ковчин, қутчи ёки қушчи бир-уруғдир. Академик В.В. Бартольд фикрича, ковчин сўзи дастлаб уруғ ёки қабила номи бўлган эмас, балки, “қўшин кўмондони” ёки “қўшин”

маъносини англлатган. Қовчин сўзининг “хўжайин”, “меҳмон” деган маънолари ҳам бор. Қовчин жой номлари шаклида учрайди. Чунончи, Янгийўл шаҳрининг олдинги номи Қовунчи ҳам аслида Қовчин бўлган бўлса керак. Шунингдек, Самарқанд туманида Қовчинон (Қовчинлар) номли қишлоқ ҳам бор.

Қурқозон – ўзбекларнинг бу уруғи Самарқанд ва Жиззах вилоятларида қайд қилинган. Қурқозон асли қорақозон бўлган, деган фикр бор. Қорақозон сўзи икки маънода ишлатилган: 1) бир неча қишлоқни ўз ичига олган жамоа, бу қишлоқлар ҳашар, ариқ тозалаш каби ишларни биргалашиб бажаришган; 2) ҳарбий хизматга чақирилган киши. Нўкар (навкар)лар мунтазам армия ҳисобланган, қорақозон (ёки қора чериклар) эса ҳарбий хизматдан ташқари ўз қўмондонларининг экиш-тикиш ишларига ёрдам берган, молларига қараган.

Замбаракнинг қадимий, калта бир тури қозон дейилган. Бобур “қозон курдик”, “қозон билан тош отди” деганда ана шу тўпни назарда тутган (“Бобурнома” таржимони М.С.Салье ҳам бу сўзни рус тилига ана шу маънода таржима қилган).

Биз юқорида этнонимлар ҳақида, Ўзбекистондаги баъзи бир уруғ-қабилалар географияси ва айрим этнонимлар этимологияси, маъноси ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Ҳар қандай этимология, хусусан, аксари қадимий сўзлар бўлган этнонимлар этимологияси мураккабдир. Тобора унутилиб бораётган уруғ-аймоқ номларини тўплаш, йиғиш, шу этнонимлар билан аталган жой номларини, этнонимлар билан топонимлар муносабатини аниқлаш, яъни этнонимлардан ном олган топонимлар билан биргаликда *урганжи*, *қўқони* (қарапчи) каби жой номларидан келиб чиққан этнонимларни алоҳида қайд қилиш этнонимика олдида турган вазифалардандир.

Тарихий манбаларда *далварзин* қабиласи тилга олинган. Ўзбекистонда *Далварзин* деган жой кўп (Тошкент, Андижон, Сурхондарё вилоятлари). Хўш, бу жойлар этнонимдан жой олганми ёки аксинчами? Бу этнонимнинг маъноси нима? *Далварзин* асли термин. Бундай дейиш учун қуйидагиларга асосланамиз. Қозоғистон ва Қирғизистонда *Дўрбўлжин* деган жойлар бор. Афғонистондаги тарихий бир жой *Дилберзин* дейилади. Сирдарё бўйидаги *Далварзин* чўлини тожиклар *Дилварзин* дейишади; бу чўлнинг маҳаллий талаффузи ҳам

асли Делбарзин. Ана шу жой номларининг ҳаммаси мўғулча *дўлбўржин*, яъни “чолдевор” (шаҳар харобаси) сўзидан келиб чиққан деб ҳисоблаймиз. Демак далварзин қабиласи жой номи билан аталган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Топонимиканинг кодлари

Ҳар қандай фаннинг ўз терминлари бўлади. Ана шу терминларни яхши тушуниб олмасдан туриб шу фаннинг сир-асрорларини билиб олиш мушкул. Терминлар хоҳлаган соҳанинг, хусусан, фаннинг калитлари – кодларидир. Бундай очқичларсиз фаннинг ичига кириб бўлмайди.

Топонимлар деб аталмиш ер-сув номларидан баҳс этадиган нисбатан ёш топонимика фанининг ҳам талай терминлари мавжуд. Қуйида ана шу кодлар қисқача хижжалаб берилган.

Агрооним (юнонча *agros* – дала, экинзор, шудгор) – топонимнинг бир тури, чек ер, участка, томорқа, шудгор, пайкал, тахта, пол, марза, уват, ангор, анғиз, экин даласининг номи (Қирқгектар, Бедапоя, Шолипоя, Норбойнинг ери).

Антонимик ном (анти+*нопа* – ном) – мазмуни бир-бирига тескари бўлган номлар (*Қуруқсой* – *Сувлисой*, *Оқсув* – *Қорасув*, *Баландкўприк* – *Чуқуркўприк*).

Антропоним (юнонча *antropos* – одам) – атокли отнинг бир тури. Одамнинг исми, фамилияси, ота исми, тахаллуси, лақаби (Нуриддин Акрамович Мухитдинов, Навоий, Уста Ширин).

Антропонимика – ономастика фанининг антропонимларини, уларнинг вужудга келиши этимологияси қонунияти, тараққиётини ўрганадиган бўлими (қаранг *Антропоним*).

Антропонимист – антропонимика фани билан шуғулланадиган мутахассис, тадқиқотчи (қаранг *Антропоним*).

Антропонимия – антропонимлар мажмуи, “антропонимлар” дегани (қаранг *Антропоним*).

Антропотопоним – ҳар қандай антропонимдан – кишининг исмидан, фамилиясидан, тахаллусидан ном олган топоним (*Навоий шаҳри*, *Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона канали*, *Амир Темур ғори*).

Апеллятив (лотинча *appellativum*) – турдош от, атокли отнинг акси; *ариқ*, *булоқ*, *дарё*, *ер*, *сой*, *сув*, *тош*, *тоғ*,

қўрғон, қудуқ каби турли географик терминлар ва топонимлар таркибида учрайдиган бошқа сўзлар.

Астионим (юнонча *astyaos* – шаҳарга оид, шаҳар) – *ойконим* (қаранг) тури. Ҳар қандай шаҳарнинг атокли оти: **Тошкент, Андижон, Термиз**; шу маънода *полисоним* (қаранг) термини ҳам ишлатилади.

Астроним (юнонча *astron* – юлдуз) – атокли отнинг бир тури. Алоҳида осмон жисми, жумладан, юлдуз, сайёра, комета (думли юлдузнинг), астероид (планетоид)нинг атокли оти: **Куёш, Ой, Ер, Меркурий, Кутб юлдузи, Зухра, Вега**, кометалардан **Галлей, Энке**. Бу осмон жисмларидан баъзи бирларининг номлари топонимлар таркибида ҳам учрайди: *ер, офтоб* (куёш, кун), *ой* каби астронимлар турдош отларга ҳам айланиб кетган.

Астронимика – ономастиканинг астронимларни ўрганадиган бўлими (қаранг *Астроним*).

Астронимия – астронимлар мажмуи (“астронимлар” дегани); қаранг *Астроним*.

Астротопоним – атокли отнинг бир тури. Сайёралардаги ҳар қандай рельеф объектларининг номи: *геоним* – Ердаги ҳар қандай табиий объектнинг номи (топоним), *селеноним* – ойдаги ҳар қандай табиий объектларнинг номи, *марсионим* – Марсдаги ҳар қандай табиий объектнинг номи, *меркурионим* – Меркурийдаги ҳар қандай табиий объектнинг номи, *венусоним* – Венерадаги (Зухрадаги) ҳар қандай табиий объектнинг номи.

Атокли от – бирон объектни бошқа объектлардан фарқ қилиш учун хизмат қиладиган сўз ёки сўзлар бирикмаси, оним: **Мирзачўл, Маҳмуд** (қаранг *оним, топоним, антропоним*).

Бионим – тирик организмнинг атокли оти (қаранг *антропоним, зооним, фитоним*).

Венусоним (лотинча *venus* – Венера) – Венерадаги ҳар қандай табиий объектнинг атокли оти.

Гелоним (юнонча *helos* – ботқоқлик) – ботқоқлик, ботқоқ босган жойнинг атокли оти: **Катташивер, Тўғаракшивар** – Зомин туманидаги ботқоқликлар (шивер, шибар – мўғул тилида “ботқоқлик”).

Геноним (юнонча *genos* – уруғ, келиб-чиқиш) – уруғ-аймоқларнинг атокли оти: **Найман, Дўрмон, Тама**.

Географик ном – қаранг *Топоним*.

Географик термин (детерминатив) – муайян географик реалияни ифодалайдиган сўз: дарё, қўлтиқ, қўл, чўл, кишлок, дара, шаҳар, танги ва б. Г.т. топонимлар таркибида кўп учрайди; баъзан топоним функциясини бажаради: **Қудуқ, Булоқ, Танги**. Кўпроқ шеваларда ишлатиладиган терминлар маҳаллий географик терминлар ёки халқ географик термини дейилади.

Географик терминология – географик терминлар йиғиндиси (қаранг *Географик термин*).

Геоним (юнонча *geo* – ер, *onim* – ном, исм) – Ердаги ҳар қандай объектнинг номи, атоқли оти; қаранг *топоним, зооним, фитоним, астроним* ва б.

Гибрид ном – икки ва ундан ортиқ тилларнинг лексик ва морфологик унсурларидан таркиб топган номлар: исмлар – **Азизхўжа** (арабча+форсча), **Алибобо** (арабча+ўзбекча), **Тошбадал** (ўзбекча+арабча), топонимлар – **Тошкент** (ўзбекча+суғдча), **Мирзачўл** (арабча+форсча+ўзбекча, асли Мирзо-амир+зода), **Улуғнор** (ўзбекча+ўзбекча: нор асли арабча *наҳр* сўзидан).

Гидроним (юнонча *hidro* – сув, *onim* – ном, исм) – топонимнинг бир тури. Табиий ёки инсон томонидан яратилган ҳар қандай сув объектлари – океанлар, денгизлар, қўлтиқлар, дарёлар, каналлар, сойлар, жилғалар, сув омборлари, қудуқларнинг номлари (яна қаранг *Лимноним, Океаноним, Гелоним, Пелагоним, Потамоним*).

Гидронимика – топонимиканинг гидронимлар, уларнинг вужудга келиши, таракқиёти, қонуниятларини ўрганадиган бўлими.

Гидронимист – гидронимика билан шуғулланадиган тадқиқотчи.

Гидронимия – гидронимлар мажмуи (“гидронимиялар” дегани); қаранг *Гидроним*.

Детопонимизация – географик номнинг турдош отга, топонимнинг аппелятивга айланиши: *апельсин* – *appelsien* “хитой олмаси”, *кобули шўрва* (Афғонистоннинг пойтахти Кобул шаҳри номидан), *кофе* – Африкадаги Эфиопия мамлакатининг Каффа вилояти номидан; уни араблар *қаҳва* дейишган, *тюль* – Франциянинг Тюль шаҳри номидан, *фужер* – Франциянинг пиша идишлар ясаладиган шаҳри номидан.

Дезтимологизация – ҳозирги даврда ном маъносининг этимологик “шаффофлигининг” йўқолиши. Қадимий топонимлар турли тилларда гаплашган халқлар яшаган

худудларда фонетик жиҳатдан ўзгариб тушунарсиз бўлиб қолади ва турли ривоятларга сабаб бўлади: **Андижон** – “Анда жон (қолди)”, **Қўқон** – хук кон – “чўққа кўп жой”, **Термиз** – “Тирмиз (Биз тирикмиз)”. Бундай қадимий туб (субстрат) топонимлар маъноси этимологик таҳлил қилиш йўли билан қадимий тиллар ёрдамидагина аниқланиши мумкин.

Дезтопонимизация – уруғ-қабила ёки эл-элат номининг бошқа туркумдаги атоқли отга – топонимга ёки турдош отга айланиши: *арабеска* – меъморлик санъатида нақш тури (араб халқи номидан), Хоразмдаги Ҳазорасп шаҳарчаси қадимги туркийзабон *хазар* халқи номидан, республикамиздаги Сарой деган қишлоқлар ва бошқа объектлар “қаср” маъносидаги *сарой* сўзидан кўра кўпроқ *сарой* қабиласи номи билан аталган.

Дримоним (юнонча – *drimos* – дубзор, эманзор, дарахтзор) – ҳар қандай ўрмон, дарахтзор, чангалзор номи: **Бадайтўқай** – Қорақалпоғистондаги тўқайзор, **Ўғуралас** – арчазор (Зомин тоғ-ўрмон кўриқхонасининг маҳаллий номи).

Дромоним (*drimos* – чопиш, ҳаракат, йўл) – топонимнинг бир тури, ҳар қандай алоқа йўлининг номи: **Буёқ Ипак йўли**, **Катта Ўзбекистон тракти**, **Ўзбекистон ҳаво йўллари**.

Зооним (юнонча *зоо* – ҳайвон) – атоқли отнинг бир тури, ҳайвонларнинг, жумладан уй ҳайвони, ҳайвонот боғидаги ҳайвон, циркда “ишлайдиган” ҳайвон, тажриба остидаги ҳайвон ёки ёввойи ҳайвоннинг атоқли оти, номи, лақаби: 4-халифа Ҳазрат Алининг афсонавий қанотли *Дулдул* оти, паҳлавон Алпомишнинг *Бойчибар* оти, *Жийранқашқа* (от), *Бўрибосар* (ит). Зоонимлар жой номларига ҳам айланиши мумкин: *Дулдул*, *Дулдулатлаган* деган қишлоқлар, *Бузгалахона*, *Такасекирди* ва бошқа жой номлари учрайди. Булар зоотопонимлардир.

Зоонимия – зоонимлар мажмуи (“зоонимлар” дегани); қаранг *Зооним*.

Индикатор, индикатор – термин, даракчи термин (лотинча *indicator* – кўрсаткич) – топоним таркибида учрайдиган ва унинг турини кўрсатиб турадиган термин: *тоғ*, *чўл*, *дарё*, *сой*, *қишлоқ*, *қудуқ*, *жар* ва бошқалар. **Қоратоғ**, **Мирзачўл**, **Сирдарё**, **Узунқудуқ**, **Қизилжар** ва бошқалар.

Исм – кишининг шахсий номи, оти. Арабча *исм*, форсча-тожикча *ном*, туркий *от* сўzlари маънодош. Аслида исм

сўзининг маънолари кўп бўлган: *исми зот* ёки *исми хос* “атокли от”, *исми ом* “турдош от”, *тасмия*: та+исмия—исм кўйиш, ном кўйиш, от кўйиш. Кўпгина географик объектлар – қишлоқлар, сой-жилғалар, кўча-кўй кишилар исmlаридан ном олган. Кейинги вақтларда *исми шариф* деган кўшма сўзнинг шариф унсурини “юлиб” олиб “фамилия” ёки “ота-исм” (отчество) маъносида ишлатишмоқда. Тўғриси исми шариф “муқаддас исм”, яъни мусулмоннинг исми, бировга мурожаат қилганда ҳурмат маъносида ишлатилади, *Ал-асмо ал-ҳусно* – гўзал исmlар, яъни Оллоҳнинг исmlари. Буни *Ал-асмоу танзилу минас-само* “исmlар осмондан инади (тушади)” деган ҳадисдан билса ҳам бўлади. Қиёсланг: *Зоти шариф* – “табаррук зот”, *Каломи шариф* – “Муқаддас калом” (Қуръон), *Бухорои шариф* – “Муқаддас Бухоро” (“дин маркази”).

Комоним (юнонча *комо* – қишлоқ) – қишлоқ, овул ва бошқа кичик аҳоли пунктларининг атоқли оти; яна қаранг *Ойқоним*.

Комонимия – комонимлар мажмуи (“комонимлар” дегани).

Космоним (юнонча *kosmos* – коинот, дунё, осмон гумбази) – космик фазонинг, галактиканинг, юлдузлар системаси қисmlарининг атоқли оти: **Ақраб**, **Еттиқароқчи**, **Хулқар**, **Ҳамал**, **Хут**. Баъзан космосдан “тушиб” топонимлар шаклида ҳам учрайди. Яна қаранг *Астроним*.

Куня, **кунят** – киши исmlари таркибида *абу* (бу) – “отаси”, *ибн* (бин) – “ўғли”, *умм* “онаси”, *бинт* – “қизи” шаклларида келадиган ва географик номлар таркибида учрайдиган олд кўшимчалар. *Абу* билан келган исм шахснинг отаси эканлигини (*Абу Али* “Алининг отаси”), *ибн* билан келган исм эса шахснинг ўғли эканлигини билдиради (*Ибн Довуд* “Довуднинг ўғли”). *Куня* баъзан шахснинг ўғли ёки қизи исми билан келади, баъзан эса бирон нарсага эгалик қилиш маъносини билдиради: *Абулхайр* “хайрли”; *уммул-хабоис* “қасофатлар бошчиси” – май, ичкилик, *ибн* иззат-ҳурматни ифодалаш учун ҳам ишлатилади: *Ибн Баттута*. *Куня* шажарада шахснинг авлодаждодларини санаб кўрсатишда айниқса қўл келади: *Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний*.

Куняга қараб шахснинг отасини ёки ўғлини билиб олса бўлади. Лекин *абу* олд кўшимчаси, юқорида айтилганидек, кишининг бирон нарсага эга эканлигини билдириши ҳам

мумкин. Бу жиҳатдан буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг (973–948 йиллар) кунясини олиб кўрайлик. Академик И.Ю.Крачковский фикрича Берунийнинг куняси “Райҳонли”, “Райҳони бор”, яъни “хуш-бўй, муаттар” деган маънони билдирган. Қадимда кулларга *ёқут*, *зумрад* каби жавохирларнинг, *кофур*, *ипор* каби хушбўй нарсаларнинг номларини исм қилиб қўйиш одат бўлган. Буюк тилшунос бобомиз Маҳмуд Кошғарий Кумуштегин – “Кумушдай тоза рангли кул” деб ёзган. Ўша И.Ю.Крачковский Беруний куняси асли лақаб маъносида бўлса керак дейди. Берунийнинг аждодлари ҳам аниқ маълум бўлмаган. Буни Берунийнинг шеърларидан билса ҳам бўлади:

Оллоҳ ҳақи, тўғриси айтсам, ўзимнинг насл-насабимни билмайман.

Ўз бобомни дурустроқ билмайман, ўз отамни билмайман-ку, бобомни қайдан билай!

И.Ю.Крачковский алломанинг нисбаси ҳам ғайри табиийдир, дейди. Беруний Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот шаҳрининг рабодиди (ташқи шаҳрида) туғилган деган маълумот бор. Берун – “ташқи шаҳар”, Беруний – “ташқи шаҳарлик” демакдир. И.Ю.Крачковский Берунийнинг бу нисбаси ҳам олим насл-насабининг қоронғи эканлигига шамадир, дейди. Беруний сўзи эҳтимол “чет киши”, “бир ёқлик” маъносидадир. Яна ўша Крачковскийга мурожаат қиламиз: Берунийнинг исми – Муҳаммад, отасининг исми – Аҳмад шартли бўлиши ҳам мумкин – кишининг ўз исми номаълум бўлганда ҳам шундай исмлар қўйилган.

Лимноним (юнонча *limne* – кўл) – гидронимнинг бир тури, кўл, сув омбори, ҳовузнинг атоқли оти: **Орол денгизи**, **Чорвоқ сув омбори**, **Сассиқҳовуз**.

Лимнонимия – лимнонимлар мажмуи (“лимнонимлар” дегани); қаранг *Лимноним*.

Мажозий топоним – қаранг *Метафорик топоним*.

Макротопоним – маълум ва машҳур бўлган йирик табиий географик объектнинг атоқли оти; материклар, қитъалар, океанлар, энг катта текисликлар, тоғлар, табиий географик ўлкалар номлари: **Африка**, **Европа**, **Турон пасттекислиги**, **Помир**.

Макротопонимия – макротопонимлар йиғиндиси (“макротопонимлар” дегани, қаранг *Макротопоним*).

Марсионим (Марс сайёраси номидан) – Марсдаги ҳар қандай табиий-физик объектнинг атоқли оти (номи).

Меркурионим (Меркурий сайёраси номидан) – Меркурийдаги ҳар қандай табиий-физик объектнинг атоқли оти (номи).

Метафорик топоним, мажозий топоним – шаклан бошқа нарсаларга ўхшашлигига қараб ном олган объект: **Туятош**, **Одамтош**, **Керагатош**, **Дастариқози** “Қозининг салласига ўхшаш тош” ва б.

Микротопоним – теварак-атрофда яшайдиган бир гуруҳ кишиларгагина маълум бўлган қулуклар, жарликлар, кўрғонтепалар, томорқалар, боғлар, кўприклар, кўтонлар, булоқлар каби кичик объектларнинг атоқли отлари.

Микротопонимия – микротопонимлар мажмуи (“микротопонимлар” дегани); қаранг *Микротопоним*.

Нисба – тахаллуснинг бир тури: кишининг туғилган жойи, ватани номини ўзига “фамилия” қилиб олиши: **Андижоний**, **Самарқандий**, **ат-Термизий**, **Фарғоний**, **Хоразмий**. Нисбалар кейинчалик топонимларга айланиб қолиши ҳам мумкин.

Ойконим (юнонча *oikos* – уй, турар жой, макон) – топоним тури; аҳоли яшайдиган ҳар қандай жойнинг – шаҳарнинг (қаранг *Астионим*), шаҳарча (посёлка)нинг, қишлоқ-овулнинг (қаранг *Комоним*) номи: **Андижон**, **Самарқанд**, **Зомин**, **Бешкент**, **Пахтакор**.

Ойконимика – топонимиканинг ойконимларни вужудга келиши, тараққиёт қонунлари, амал қилишини ўрганадиган бўлими (қаранг *Ойконим*).

Ойконимия – ойконимлар мажмуи (“ойконимлар” дегани); қаранг *Ойконим*.

Океаноним – ҳар қандай океан, унинг қисмлари (жумладан, денгизлари, қаранг *Пелагоним*), оқимлари, шунингдек, океан тубидаги тоғлар, ботиклар каби рельеф шакллари номи: **Болтиқ денгизи**, **Оқ денгиз**, **Гольфстрим**, **Беринг бўғози**.

Оним – атоқли от, қаранг *антропоним*, *топоним*, *зооним*, *фитоним*, *астроним*, *космоним*, *теоним*, *хороним*.

Онимизация – турдош отнинг атоқли отга (номга) айланиши: ширин “чучук” – **Ширин** (исм), **Ширинсой**, ортиқ – “ошиқ”, кўп – **Ортиқ** (исм), этикдўз “уста” – **Этикдўзлик** (маҳалла).

Ономаст (ономатолог) – *ономастика* (қаранг) билан шуғулланадиган тадқиқотчи.

Ономастика (юнонча *onomastikos* – ном кўйиш) – тилшуносликнинг ҳар қандай атоқли отларни (топонимларни, антропонимларни) ўрганадиган бўлими.

Ороним (юнонча *oros* – тоғ) – тоғлар, тепаликлар, қирлар, сойликлар, даралар ва бошқа орографик объектларнинг номи: **Помир, Фарғона водийси, Қизилқум чўли, Амир Темур дараси** ва б.

Оронимика – топонимиканинг оронимларнинг вужудга келиши, тараққиёт конунларини ва амал қилишини ўрганадиган кичик бўлими (қаранг: *Ороним*).

Оронимия – оронимлар мажмуи (“оронимлар” дегани), қаранг *Ороним*.

Патроним, патрономик ном (юнонча патер – ота, онима – ном, исм) – *антропоним*нинг бир тури. Патриархал-уруғчилик даври учун хос бўлган ва капитализм давригача сақланиб қолган ижтимоий ташкилот формаларидан. Иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий жиҳатдан бир бўлган ҳамда аждодининг исми (номи) билан аталган оилалар гуруҳи – *Тоғайтўби, Шодмонтўби, Ражабболаси, авлоди Аваз, авлоди Ҳасан, авлоди Назар, Алибачча*). Бундай патронимлар бора-бора *этноним* шаклини олиши мумкин. Бирон жойда яшаган оталар, аждодлар номлари (исмлари) билан аталган географик номлар *патронимик топонимлар* дейилади. Бундай топонимларни этнотопонимлардан фарқ қилиш осон эмас. **Бойўғли** (Бойули), **Сарихўжа, Суяндук, Эсабой** каби патронимлар этнотопонимлар шаклида учрайди. Ҳар қандай этноним – уруғ-аймоқ аслида патроним бўлган, кўпгина уруғлар афсонавий бўлса ҳам бир кишидан – отадан тарқалганмиз деб билади.

Пелагоним (юнонча *pelagonis* – денгиз) – *океаноним*нинг бир тури, ҳар қандай денгизнинг ёки унинг бир қисмининг атоқли оти: *Каспий денгизи, Болтиқ денгизи, Ботник қўлтиги*.

Потамоним (юнонча *potamos* – дарё) – *гидроним*нинг бир тури. Ҳар қандай дарёнинг атоқли оти: **Зарафшон, Қорасой, Зоминсув**.

Селеноним (лотинча *selene* – Ой) – Ойдаги ҳар қандай табиий объектнинг атоқли оти, номи: **Ломоносов кратери, Альп тоғлари, Бўронлар океани**.

Селенонимика – астрономиканинг *селенонимлар*ни ўрганадиган бўлими.

Селенонимия – *селенонимлар* мажмуи (“селенонимлар” дегани).

Семантика, топоним семантикаси – географик номнинг маъноси, мазмуни.

Сохта этимология – бошқа тилдан ўтган ёки туб (субстрат) номнинг хато равишда бутунлай бошқа бир маъно олиши: **Улуғ нахр** – “катта ариқ” гидроними **Улуғнор** – “катта туя” шаклини олган; **Ҳазорасп шаҳри** “минг от” эмас, балки қадимий *хазар* халқи ва *ас* қабиласи номидан ёки оташпарастларнинг муқаддас олови – *азар* сўзидан олинган бўлиши мумкин.

Спелеоним (юнонча *spelion* – унгур, ғор) – оронимнинг бир тури, ер ости топоними. Ернинг устки қатламидаги бўшлиқ – ғор, унгур, камар, кейинги вақтларда кенг маънодаги ҳар қандай табиий ҳосила – ўпқон, бўшлиқ, чуқурлик, лабиринт, ер остидаги дарё, жилға, шаршара, кўл ҳам спелеоним деб аталмоқда.

Спелеонимия – *спелеоним*лар мажмуи (“спелеонимлар” дегани).

Субстрат топоним (лотинча *substratum* – негиз, астар) – бирон ҳудуддаги ҳозирги тиллар ёрдамида изоҳлаб бўлмайдиган, махсус этимологик тадқиқотлар воситасидагина аниқланадиган ёки умуман тушунтириб бўлмайдиган, қадимда яшаган халқлар томонидан қўйилган топоним.

Тахаллус – ёзувчилар, шоирлар, умуман ижодкорларнинг кўшимча номи. Тахаллусда ижодкорнинг қисмати, орзу-истаклари, машғулот, мойиллиги каби хусусиятлари акс этган бўлади. Қалам аҳли кўпинча тахаллуслари билан машҳур бўлган. Алломалар тахаллус учун аксари бир неча маънони англатадиган сўзларни танлаганлар. Масалан, буюк Азмишер **Навоий** “қуй, оҳанг, хониш, бойлик, ҳолат” маъноларидаги наво сўзидан тахаллус ясаган (Навоий тахаллусли шоирлар кўп ўтган). Тахаллуслардан ном олган шаҳар, қишлоқ, кўчалар кам эмас: **Навоий шаҳри**, **Навоий кўчаси**, **Огаҳий кўчаси** ва б.

Теоним (юнонча *teos* – худо) – ҳар қандай диндаги худонинг атоқли оти, номи: **Оллох**, **Тангри**, **Худо**, **Парвардигор**.

Термик-индикатор – топоним таркибидаги географик термин, қ. *Индикатор*.

Топоним, географик ном (юнонча *topos* – жой, макон, *опта* – ном, исм) – ҳар қандай географик объектнинг атоқли оти, номи, жумладан, *гидроним*, *ойконим*, *ороним*, *спелеоним*, *хороним*, *урбаноним*, *дромоним*, *агрооним*, *дримоним*.

Топонимик ареал – бирон топонимик ҳодиса, масалан, *-лоқ* кўшимчаси тарқалган ҳудуд, топонимик ареал топонимик регионга нисбатан каттароқ бўлиши мумкин.

Топонимик калька (французча *kalqa* – калька қоғоз) – номнинг мазмунига халал етказмасдан айнан таржима қилиниши, масалан, **Қорасув – Сиёб (Сиёҳоб), Қизилсув – Сурхоб, Иккисув ораси – Миёнрудон.**

Топонимик лексема, т о п о л е к с е м а (юнонча *leksis* – ибора) – атоқли от ролини ўйнайдиган, топонимик моделни тўлдириб турган сўз.

Топонимик лексика (юнонча *leksikos* – оғзаки) – топонимларни ҳосил қиладиган сўзлар.

Топонимик модель (топомодель) – топонимларнинг ҳосил бўлиш формуласи, масалан, от+от, от+феъл, от+суффикс.

Топонимик муҳит (топонимик ландшафт, топонимик контекст) – маълум ҳудудда турли даврларда турли халқлар томонидан яратилган топонимлар мажмуи.

Топонимик негиз (топонегиз) – топонимик лексеманинг форматсиз қисми: *Олма-лик, Мачит-ли, Шамол-гоҳ.*

Топонимик регион – дастлабки топонимик ва нотопонимик кўрсаткичлар асосида тадқиқот учун танланган ҳудуд. Масалан, **Зарафшон топонимик региони, Хоразм топонимик региони.** Топонимик регион топонимик аралдан кичикрок.

Топонимик система – маълум ҳудудда муайян халқ томонидан яратилган топонимлар мажмуи.

Топонимик универсалия (лотинча *universalis* – умумий) – кўпгина тилларга хос бўлган ва ном қўйиш соҳасида кишилиқ тафаккури маълум даражада умумий эканини кўрсатадиган топонимик ҳодиса, масалан, географик терминлардан, антропонимлардан, этнонимлардан топоним ҳосил бўлиши; топонимик моделларнинг умумийлиги ва б.

Топонимика – ономастиканинг топонимлар, уларнинг вужудга келиши, тараққиёт қонунларини, амал қилишини ўрганадиган бўлими.

Топонимикон – 1) топонимлар луғати ёки рўйхати; 2) географик номлар репертуари (йиғиндиси).

Топонимист – *топонимика* билан шуғулланадиган тадқиқотчи.

Топонимия – *топонимлар* мажмуи (“топонимлар” дегани).

Топонимланиш – апеллятивнинг, турдош отнинг топонимга айланиши: кудук – **Кудукча**, кўрғон – **Кўрғонча**, олма – **Олмазор.**

Топоформант – қаранг *Формант*.

Транскрипция, географик номлар транскрипцияси (лотинча *transcriptio* – кўчириб ёзиш) – бошқа тилдаги географик номлар (фонемалар)ни ўз тилидаги графемалар (ҳарфлар) билан ифодалаш, ёзиш.

Транслитерация, географик номлар транслитерацияси (лотинча *trans* – орқали, *littera* – ҳарф) – бир ёзувдаги географик номлар ҳарфларини бошқа ёзув ҳарфлари билан ифодалаш.

Урбаноним (лотинча *urbanus* – шаҳар) – топонимнинг бир тури, шаҳар ичидаги майдон, кўча, бозор каби объект номи.

Урбаномика – топонимиканинг урбанонимларни ўрганадиган кичик бўлими.

Урбанонимия – урбанонимлар мажмуи (“урбанонимлар” дегани).

Фамилия (лотинча *familia* – уй, оила, оила аъзолари) – одамнинг номига кўшилиб шу шахснинг наслини, сулоласини билдирадиган оилавий ном. Мусулмонларда расмий фамилия бўлган эмас. Ўрта Осиёга руслар орқали келган. Фамилия отадан (баъзан онадан) болага ўтган; ўзбеклар, асосан, отасининг исмидан фамилия ясашган. Анкеталар тўлдиришда Эргаш Исмоил каби “шоирона” кўшалок номларнинг қайси бири кишининг исми, қайси бири фамилияси эканини аниқлаш керак бўлади. Демак, фамилия исмдан бирон кўшимчаси билан фарқ қилиши керак экан (-ий: Ҳамидий, -лик: Зоминлик, -зода: Ҳакимзода ва б.). Ҳозирги замонда айниқса, меросларни тақсимлашда фамилиясиз иш битмайди. Қора чой маъносидagi *фамилчой* – фамилний (оилавий) сўздан олинган.

Фитоним (юнонча *fitos* – ўсимлик) – ҳар қандай ўсимликнинг атокли оти: Ёлғизтол, Дўланаота, Яккатут.

Фитонимия – фитонимлар мажмуи (“фитонимлар” дегани).

Формант (лотинча *форманс* – ҳосил қилувчи) – сўз ясайдиган, лекин, мустақил ишлатилмайдиган унсур. Топонимлар таркибида айниқса, кўп учрайди: *кент* – Тошкент, Паркент, *гоҳ* – Жанггоҳ, Намозгоҳ, *лоқ* – Тошлоқ, Қумлоқ.

Халқ этимологияси – илмий этимологияга амал қилинмаган ҳолда, ноаниқ номларнинг бошқа сўзлар ёрдамида “тушунарли” қилиб ўзлаштирилиши; бунда

сўзнинг фонетик ва морфологик тузилиши ҳам ўзгариб кетади; масалан, суғдча **Шовғар** (Қоратоғ) топоними **Шовқор**; *Киргили* (уруғ номи) топоними **Қиргули** қилиб ўзгартирилган (қаранг *Сохта этимология*).

Хороним (юнонча *choros* – чекка, чегара) – ҳар қандай ҳудуд, ўлка, маъмурий бирликнинг атоқли оти, номи.

Маъмурий хороним – муайян чегарага эга бўлган маъмурий-худудий бирлик, жумладан, давлат, республика, вилоят, штат номи: **АҚШ**, **Ўзбекистон Республикаси**, **Андижон вилояти**, **Бўка тумани**.

Шаҳар хороними – шаҳар ҳудуди бир қисмининг – туман, маҳалла, боғ номи: **Хадра**, **Кўкча**, **Шайхонтоҳур** тумани.

Табиий хороним – ҳар қандай табиий ландшафт ўлкасининг номи: **Мирзачўл**, **Зомин тоғ-ўрмон халқ боғи**.

Хоронимия – *хоронимлар* мажмуи (“хоронимлар” дегани).

Экзоним (юнонча *ekso* – ташқаридан) – ўзга лисоний ҳудуддаги объект номининг муайян тил учун бутунлай бошқа бир шаклда анъанавий тус олиши: **Deutschland** – **Германия**, **Roma** – **Рим**, **Wien** – **Вена**, **Napoli** – **Неаполь**.

Эллипс, **эллипсис** (юнонча *elipsis* – тушиб қолиш) – дастлабки компонентларидан биронтаси тушиб қолган топоним: **Сирдарё** – **Сир**, **Шоҳруҳия** – **Шарқия**, **Шаҳарруд** – **Шоҳруд** (Бухородаги канал).

Этимология (юнонча *etimos* – ҳақиқат, сўзнинг туб, асл, дастлабки маъноси, *logos* – таълимот, билим) – 1)номларнинг келиб чиқиши, маъноси; 2)номларнинг келиб чиқишини аниқлаш.

Этимон (юнонча *etymon* – ҳақиқат, сўзнинг асосий маъноси) – муайян номнинг тадқиқотчилар аниқлаган дастлабки шакли, маъноси.

Этноним (юнонча *ethnos* – халқ, *onim* – ном, исм) – ҳар қандай этнос (халқ, гуруҳ, қабила, уруғ, миллат ва б.)нинг номи: **Ўзбек**, **найман**, **қангли**, **бешбола**.

Этнонимизация – турдош ёки атоқли отнинг этнонимга айланиши: **урганжи**, **қулон**, **бойўгли**.

Этнонимика – тарих фанининг этнонимларни ўрганадиган бўлими.

Этнонимия – этнонимлар мажмуи (“этнонимлар” дегани); қаранг, *этноним*.

Этнотопоним – этнонимлардан ном олган топонимлар: **Ўзбекистон, Дўрмон, Найман, Арабхона, Ёбухона, қаранг этноним, топоним.**

Хотима

Бекиёс лисоний, тарихий ва географик ёдгорликлар ҳисобланган жой номлари муайян тилда халқ томонидан яратилади ва ўша даврнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти ҳақида ахборот беради.

Ҳар бир мамлакат, айниқса, мустақил давлат ўз ҳудудидаги географик номларга бефарқ қарай олмайди – ўзининг “топонимик хўжалиги”ни авайлаб-асрайди, ҳисоб-китоб қилади.

Ҳар қандай каттароқ ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари мавжуд. Ҳар бир регион ўзининг табиий шароити, иқтисодиёти, географик терминлари билан ён-атрофидагилардан озми-кўпми фарқ қилади, аҳолининг тили ва шевалари, этнографияси ҳам тафовут қилиши мумкин. Демак, бир регионнинг топонимлари нафақат лексик жиҳатдан, балки фонетик жиҳатдан ҳам бошқаларникидан ажралиб туради.

Бундай ҳолларда республика ҳудудини топонимик жиҳатдан районлаштириш зарурияти туғилади. Чиндан ҳам топонимика фани географик номлар мажмуи – топонимик ландшафтни ўрганади, топонимик ландшафт эса, лисоний, тарихий ва бошқа регионал тафовутларга эга. Географ топонимистлар район ўрнига кўпроқ регион терминини ишлатадилар. Бироқ, республикамизнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши бу соҳада бизнинг мушкуллимизни осонлаштиради, чунки, республика субъектлари – ҳар бир вилоят, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг табиий ва иқтисодий шароити, бинобарин топонимияси ҳар ҳолда фарқ қилади. Юқорида келтирилган кўплаб мисоллар буни яққол кўрсатиб турибди.

Шуни айтиш жоизки, топонимлар қадимий сўзлар бўлганидан географик номларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр билдириш ўта мураккаб ва масъулиятли юмушдир. Шу ўринда ҳар қандай этимология нисбий эканлигини қайд қилиш зарурдир.

Китобда этнотопонимларга, яъни уруғ-аймоқ, эл-элат номлари билан аталган топонимларга алоҳида аҳамият

берилди, чунки, қабила-уруғ номларини бошқа сўз-терминлардан, масалан, ҳайвонлар номлари – тотемлардан, яъни, қабила-уруғларнинг “аждоди” ҳисобланган муқаддас жониворлар номларидан фарқлаб олмасдан туриб, уларнинг туб маъносини аниқлаб бўлмайди.

Айтилган сўз – отилган ўқ эмас, баён этилган фикрларнинг ҳаммаси ҳам узил-кесил сўзлар эмас, зеро ҳар қандай этимология нисбийдир.

Жонажон ўлкасини “беш қўлдай” биладиган ўлкашуносларнинг мулоҳазаларига муштоқмиз. Бироқ ҳар хил топонимик ривоятларга эрк бериш илмийликдан йироқ эканлигини айтиб қўяйлик.

Фикр-мулоҳазаларингизни “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти таҳририятига юборасиз деган умиддамиз!

Бизнинг манзил: Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Адабиётлар рўйхати

Абдимуротов К. Нега шундай аталган? Қорақалпоғистон топонимияси материаллари асосида. Нукус, 1970 (қорақалпоқ тилида).

Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. Л., 1971.

Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей, и сведения об их численности // “Живая старина”, год VI, 1896, вып. III-IV, стр. 277-457.

Атаниязов С. Туркменистанын географик атларинын душиндиришли созлиги. Ашгабад, 1980.

Атаниязов С. Словарь туркменских этнонимов. Ашхабад, “Бўлым”, 1988.

Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. М., 1965.

Бартольд В.В. Сочинения, т. I-IX. М., 1963-1977.

Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т. I-II СПб., 1896-1871.

Винников Я. Р. Родоплеменной состав и расселение киргизов на территории Южной Киргизии. ТКАЭЭ, вып. I, М., 1956

Востров В.В., Муканов М.С. Родоплеменной состав и расселение казахов (конец XIX – начала XX вв.), Алма-Ата, 1968.

Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилайета. СКСО, вып. VII, 1902.

Гребенкин А.Д. Узбеки. Сб. “Русский Туркестан”. Вып. 2, М., 1872.

Губаева С.С. Этнонимы в топонимии Ферганской долины. АКД (Ин-т этнографии АН СССР), М., 1973.

Додыхудоев Р.Г. Тюркский слой топонимии Памира // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. Джизак, 1985, стр 6–7.

Дусимов З. Топонимы Северного Хорезма. АКД. (АН УзССР, ИЯЛ) Т., 1970.

Дусимов З. Хоразм топонимлари. Т., “Фан” 1985.

Дусимов З. Историко-лингвистический анализ топонимии Хорезма. АДД. (АН УзССР ИЯЛ им. А.С.Пушкина). Т., 1986.

Жалилов С. Анда қолди жон (Андижон топонимикаси тарихидан), “Фан ва турмуш” журн., Т., №10

Захириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома” Т., 1960.

Ибн Хурдодбех, Абдулқосим Убайдуллох Ибн Абдуллох ибн Хурдодбех – араб географ (820–913 йиллар). “Китоб ул-масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”) асарида (“Араб географлари кутубхонаси” серияси, IV жилд) вилоятлар, шаҳарлар ва йирик қишлоқлар тўғрисида маълумот берган; Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистондаги бир қанча жой номларини тилга олган.

Ибн Ҳавқал – Абулқосим Ибн Ҳавқал (туғилган йили номаълум – 976 йил Бағдодда вафот этган) – араб географ ва сайёҳи. 952 й. Истахрий (қаранг) асарини тузатиб ва тўлдириб, “Китоб ул-масолик ва-л-мамолик” номли географик асарни яратган. Ибн Ҳавқал (“Араб географлари кутубхонаси” серияси, II жилд) асарида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги бир қанча жой номлари ҳақида маълумот берган.

Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI в.в. М.-Л., 1954.

Истахрий, Абу Исҳақ ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрий (тахминан 850 й. туғилиб 934 й. вафот этган) – араб географ. “Китоб ул-масолик ва-л-мамолик” асарини ёзган. Унда мамлакатларнинг тасвири, шаҳарлар ва қишлоқлар топографияси, қазилма бойликлари, хунармандчилиги баён этилган, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги кўпгина жой номлари тилга олинган (Истахрий – “Араб географлари” серияси, I жилд.)

Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959.

Караев С. Опыт изучения топонимов Узбекистана. АКД (Институт языка и литературы АН УзССР).

Караев С. Географические термины в зоне контактирования узбекского, киргизского и таджикского населения. "Вопросы географии", Сб. №81. М., 1970, стр. 187-192

Караев С. География этнопонимов Узбекистана. Материалы IX-го международного конгресса по ономастике. т. I. София, 1974, с. 459-464.

Караев С. "Худуд ал-алам" и древнетюркские топонимы Чирчик-Ахангаранской долины. "Общественные науки в Узбекистане" 1978. №4., с. 46-49.

Караев С. Топонимы, антропонимы и этнонимы кишлака Тамтум. Ономастика Средней Азии. М, "Наука", 1978. с. 211-218.

Караев С. О показателях множественности в топонимах Узбекистана. "Советская тюркология", Баку., 1979. №5, с. 26-29.

Караев С. Древнейшие гидронимы Средней Азии. Тезисы докладов и сообщений III Всесоюзной тюркологической конференции. Т., 1980, С 80-81.

Караев С. Древние топонимы Средней Азии в согдийских документах с горы Муг// Ономастика Средней Азии. 2. Фрунзе, "Илим", 1980, с. 141-149.

Караев С. Иранско-тюркские топонимические параллели Средней Азии. Материалы докладов II научной конференции, посвященной изучению топонимии АзССР. Баку, 1982, с.15-16.

Караев С. Древние и современные топонимы Узбекистана. "Топонимика в региональных географических исследованиях" М., 1984. с. 71-72.

Караев С. Топонимы Ташкента. "Звезда Востока" 1985, №10, с.155-159.

Караев С. Древнетюркские топонимы Средней Азии. "Советская тюркология". Баку, 1985. №6, с.23-25.

◦ **Караев С.** Географические термины, общие для Средней Азии, Казахстана и Алтая. Тезисы докладов XXIX сессии постоянной Алтаистической конференции. II. Лингвистика. М., 1986, с.65-67.

Караев С. Древнетюркские гидронимы Средней Азии и Северного Прикаспия // Исследования по башкирской диалектологии и ономастике. Уфа, 1986, с.119-125.

Караев С. Древнетюркские названия Средней Азии. //Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV–XIX вв. Т., "Фан", 1987. с. 101-130.

Караев С. Топонимика Узбекистана (состояние и проблемы, в соавторстве). Ономастика Узбекистана. Материалы конференции. Т., “Ўқитувчи”, 1987, с. 3-6.

Караев С. Исторические названия – генофонд народа (в соавторстве). Ономастика Узбекистана. Тезисы II Республиканской научно-практической конференции. Т., 1989, с. 74-77.

Караев С. Номинационные типы ойконимов Узбекистана. Тезисы XVII международного ономастического конгресса. Хельсинки, 1990, с. 176.

Караев С. Пора переделать “фамилии” (о названиях сельхозпредприятий). “Сельское хозяйство Узбекистана” №1, 1991, с. 50-52.

Караев С. Тайны топонимов. “Народ и демократия”, №2, 1992, с. 59-61.

Караев С. К вопросу унификации тюркской терминологии. Материалы конференции “Компьютерный фонд терминов тюркских языков”, Туркистан-Шымкент, 1995, с. 59-61.

Караев С. Ойконимия Узбекистана (историко-географическое исследование формирования названий населенных пунктов республики. Диссертация на соискание ученой степени доктора географических наук в форме научного доклада). Т., 1998 с. 50.

Караев С. Топонимы нового Ташкента. Ўзбекистон география жамияти ахборотлари. том 20, Т., 1999, с. 30-31.

Узбекская и киргизская топонимическая лексика в сравнении. “Ўзбекистон география жамияти ахбороти”. Т., 2000. с. 79-84.

Караев С. Топонимы как высший класс имен собственных. “Геодезия, картография и кадастр” №1, (3), Т., 2000, с. 16-19.

Караев С. Сравнительная характеристика узбекской и киргизской топонимической лексики. “Геодезия и картография” М., 2002, №3, с. 37-41.

Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? (Топонимик лугат) Т., “Ўзбекистон” 1970.

Қораев С. Топонимика. “Билим”, Т., 1970.

Қораев С. Географик номлар маъноси. Т., “Ўзбекистон”, 1978

Қораев С., Фуломов П., Раҳимбеков Р. Географик терминлар ва тушунчалар изохди лугати. Т., “Ўқитувчи”, 1979

Қораев С. Этнонимика Т., “Ўзбекистон”, 1979.

Қораев С. Топонимика – географик номлар ҳақидаги фан. Т., “Фан”, 1980.

Қораев С. Тошкент маҳаллалари. “Тулистон”. Т., 1983 №8, 12-6.

Қораев С. Хайвонларнинг қадимий номлари. “Меҳнат ва турмуш”, 1974, №3, 24-б.

Қораев С. Айрим ўзбек уруғлари номлари. “Меҳнат ва турмуш”, 1974 №6 19-б.

Қораев С. Ўрта Осиёдаги баъзи жой номлари. “Фан ва турмуш” 1974 №6 19-б.

Қораев С. Шаҳар ичи атамалари. “Гулистон”, №5, 1990, 20-21 б.

Қораев С. Алишер Навоий асарларида географик номлар ва истилоҳлар. “Хива”, №1, 1991, 25-26 б.

Қораев С. Тошкент топонимлари. Т., “Фан”, 1991

Қораев С. Истиклол ва топонимия. “Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси тезислари. Навоий, 1993, 117-118 б.

Қораев С. Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари. Илмий-амалий конференция докладлари тезислари. 1994.

Қораев С. Қадимги Чоч топонимлари (Сўз боши ўрнида). Ўша асар, 3-8 б.

Қораев С. Истиклол топонимлари. Ўша асар, 23-26 б.

Қораев С. Ўзбекистон ойконимларининг топонимик лексикаси. Ўша асар, 53-62 б.

Қораев С. Ўзбек ойконимларида сўз ясалиши. “Ўзбек тили ва адабиёти” 1995, №5-6, 41-43б.

Қораев С. Ўзбекистон ойконимларини социал иқтисодий аспектда ўрганиш (Ўзбекистон география жамияти ахборотлари) 18-том, 2 қисм 1997, 88-93 б.

Қораев С. Шажара топонимия. Атоқли, олим профессор Худойберди Дониёров таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий хотира анжуман материалари. Гулистон, 1997, 47-49 б.

Қораев С. Ўзбекистон топонимлари лексикаси. “Геодезия, картография ва кадастр”. Т., 2001, №2 (5), 6-11 б.

Қораев С. Тоғ орқаси-тангри орқаси (ўзбек оронимик терминлари тўғрисида). Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. Илмий-амалий конференция материалари (тўплам, 30-34 б)

Қораев С. Ўзбекистон оронимияси. Ўша тўплам, 61-64 б.

Каримова Л.Г. Топонимы североузбекских говоров. АКД (ТашГУ). Ташкент, 1971, 26 с.

- Кармышева Б.Х.** Следы средневековых этнонимов и антропонимов в узбекских генеалогиях (ас, кышлык, урус) // Ономастика Средней Азии. Фрунзе. 1978, с.18-28.
- Кармышева Б.Х.** "Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана". М., "Наука", 1976 г.
- Кармышева Б.Х.** Слово "аймак" в этнонимии и топонимии Узбекистана // Ономастика Средней Азии. Вып.2. Фрунзе. "Илим", 1980, с.24-33.
- Кармышева Д.Х.** Таджикско-узбекский народный географический термин "вилоят" // Этнография имен. М. "Наука", 1971, с.212-218.
- Климчицкий С.И.** Название Согдианы в топонимике Таджикистана // Записки Института востоковедения, вып.6. М., 1973, с.9-13.
- Кляшторный С.Г.** Кангюйская этнотопонимика в орхонских текстах // СЭ, М., 1951, №3, с.54-63.
- Кляшторный С.Г.** Яксарт – Сыр-Дарья // СЭ. М., 1953, №3, с.189-190.
- Конкашпаев Г.К.** Общие особенности тюркоязычной терминологии Средней Азии и Казахстана // Вопросы географии. Сборник 81, М., 1970
- Кононов А.Н.** О семантике слов қара и ақ в тюркской географической терминологии // Известия отделения общественных наук АН Таджикской ССР, вып.V, Душанбе 1964, с.83-85.
- Кононов А.Н.** Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник. 1975, М., 1978, с.159-179.
- Кубаков К.** О некоторых родоплеменных группах узбеков верхней Кашкадарьи. "Этнографическое изучение культуры и быта узбекского народа", Т., 1972
- Кунгуров Р.** Эволюция собственных имен // Материалы всесоюзной конференции по общему языкознанию, т.2, Самарканд, "Фан", 1966, с.485-488.
- Кунгуров Р.К., Эрназаров Н.Г.** Практические аспекты изучения топонимии // Ономастика Узбекистана. Т., "Ўқитувчи", 1987, с.28-29.
- Кўнғуров Р.** Ономастика ва унинг предмети // Труды СамГУ, новая серия, 1972, вып. 227, с. 41-48.
- Кўнғуров Р.** Топонимик экспедиция якунлари // Материалы XXX научной конференции Самаркандск.ун-та. Самарканд, 1966, с.13-15.
- Латипов Дж.** Этнотопонимы Маргелана // СТ.Баку, 1974, №5, с.51-55

Латипов Дж. Топонимия города Маргелана и его окрестностей (Лингвистический анализ). АКД (АН УзССР. Институт языка и литературы им. А.С.Пушкина), Т., 1975.

Лезена И.Н., Суперанская А.В. Ономастика. Словарь - справочник тюркских родоплеменных названий. Части I - II. М., 1994.

Логофет Д.Н. В горах и равнинах Бухары (Очерки Средней Азии), кн.1-3, 1909.

Мадрахимов А. Об этимологии термина "огуз" // Вестник Каракалпак. фил. АН УзССР. Нукус, 1983, №2, с.59-61.

Мадрахимов О. Хоразм сўзининг маънолари // ФТ.Т., 1974, №2, 31-б.

Маллицкий Н.Г. Еще о значении слово "лянгар" // "Туркестанские ведомости". 1899, №81.

Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза // В.В. Бартольд. Туркестанские друзья. Ученики и почитатели. Ташкент, 1927, с.108-121.

Маллицкий Н.Г. О некоторых географических терминах, имеющих отношение к Средней Азии // Известия ВГО, т.77,1945, М., №5, с.276-287.

Маллицкий Н.Г. О происхождении названия ташкентского арыка Дарвазакент // Научн.труды Ташкентск. ун-та, 1963, вып. 200, № 6 с.161-162.

Маруфов Р. Некоторые особенности микропонимики Самарканда и его окрестностей // Тезисы конф. аспирантов и молодых сотрудников Ин-та востоковедения. М., 1977, с.67-69.

Массон В.М. Еще раз о геродотовской реке Акес // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. История и филология. М., 1967, с.172-175.

Машрапов Р., Қораев С. Ўзбек географик терминологиясининг манбалари // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. Т. "Фан", 1986, 93-94 б.

Махмуд Кошғарий. Девону луготит турк. I, III жилдлар. Тошкент, 1960 - 1963.

Мингбоев Н. Мирзаҷул гидронимлари // ЎТА.Т., 1987, №2, 50-54-б.

Мингбоев Н.Н. Этнопонимы Мирзачуля // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. Джизак, 1985, с.30-31.

Миртожиев М. "Тошкент" сўзининг маъноси // ШЮ.Т., 1981, №2, 237-238-б.

Молчанова О.Т. О компоненте “сай”, “чай” в географических наименованиях // Проблемы теории и метод. яз. Ярославль, 1976, с.100-108.

Молчанова О.Т. Элемент “тай” в топонимии Средней Азии и смежных территорий // Ономастика Средней Азии. М., 1978, с.81-85.

Мурзаев Э.М. Этюды по топонимике Средней Азии // Вопросы географии. М., 1948, сб.8, с.175-185.

Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. М., “Мысль”, 1974, 382 с.

Мурзаев Э.М. Топонимика Средней Азии и Казахстана // Ономастика Средней Азии.М., 1978, с.38-47.

Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов, в двух томах, М., 1999.

Мурзаев Э.М. Аппелятивы в топонимах Средней Азии // Ономастика Средней Азии.вып.2, Фрунзе, “Илим”, 1980, с.198-211.

Мусаев К.М. Топонимика // Лексикология тюркских языков М., “Наука”, 1984, с.181-205.

Мусин Р.А. Сўз мағзидан ер қаърига.Т., 1967, 58-б.

Мусин Р.А. Сим-сим эшигини очади // “Фан ва турмуш”, 1964, №8, 27-б.

Муқаддасий – Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад (946 й. туғилиб, 1000 й. вафот этган.) – араб географи ва сайёҳи. 985 йилда ёзган “Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма) асариди турли юртларнинг табиий бойликлари, савдо алоқалари, аҳолисининг урф-одатлари ва б. маълумотлар келтирилган. Муқаддасий асариди (“Араб географлари кутубхонаси” серияси, III жилд) Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги бир қанча жой номлари, шаҳар ва қишлоқлар ҳақида маълумотлар берилган.

Муҳаммаджонов А. “Работ-равот атамасининг этимологияси ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1995, 2-сон, 43-45 б.

Муҳаммаджонов А. Латиф шаҳарлар // ФТ.Т. 1987, №12, 16-17, 20-б. (Этимология названий Кўконд, Хўжанд) (Красивые города).

Муҳаммаджонов А.Р. Бухоро – тангри жамоли. “Фан ва турмуш”, 1992, №3-4.

Муҳаммаджонов А.Р. Тилсимли номлар. “Фан ва турмуш”, 1993, №1.

Муҳаммаджонов А.Р. Номлари унутилган жойлар. “Фан ва турмуш”, 1994, №1

Муҳаммаджонов А.Р. Сиёб ва Афросиёб муаммоси. “Фан ва турмуш” 1995, №3

Муҳаммаджонов А.Р. Работ атамаси этимологияси. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1995, №2

Муҳаммаджонов А.Р. Андижон – “Сой бўйидаги шаҳар”. “Мозийдан садо”. 2002, №2.

Муҳаммаджонов А.Р. Кеш – “Уй, яъни ватан” демакдир. “Мозийдан садо”. 2003, №2.

Муҳаммаджонов А.Р. Наманган топонимининг этимологияси ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2003, №5.

Муҳаммаджонов А.Р. Айрим топонимлар семантикаси. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2004, №2.

Муҳаммаджонов А.Р. “Даҳқат” этимони. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2000, №1.

Муҳаммаджонов А.Р. Об этимологии “Хива” и гидронима “Палваняп”. Общественные науки в Узбекистане”. 1997, №7-8.

Муҳаммаджонов А.Р. О топонимах Вардана-Варданзе и их этимологии. “Общественные науки в Узбекистане”. 1998, №12.

Муҳаммаджонов А.Р. Об этимологии Кармана. “Общественные науки в Узбекистане”, 1999, №3-4.

Муҳаммаджонов А.Р. К этимологии этнопонима “Посира”. “Общественные науки в Узбекистане”, 1999, №7-8.

Муҳаммаджонов А.Р. К этимологии топонимов Андукон, Андигон, Андижон. “Общественные науки в Узбекистане”, 2002, №2.

Муҳаммаджонов А.Р. Под редакцией А.Р. Муҳаммаджанова: Населенные пункты Бухарского эмирата. Материалы к исторической географии Средней Азии. Ташкент, 2001.

Муҳаммаджонов А.Р. “Калобод”, “Калковуз”, “Калос”, “Миёнкол” гидронимлари ва “кал”, “кол”, “колот” субстратлари ҳақида, “Ўзбек тили ва адабиёти” журн., Т., 2004, №5.

Муҳаммаджонов А. К этимологии топонимов “сават и рават” (К изучению рабадов на караванных путях). Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО, Ургенч, 1991.

Набиев А. Тошкент ариқлари // “Фан ва турмуш”, Т., 1970, №11, 27 б.

Набиев А., Асроров Х. Ўзбекистон тарихи курсини ўқитишда топонимик материаллардан фойдаланиш, Т., “Ўқитувчи”, 1985, 144 б.

Найимов С.Н. Бухоро области этноонимлари // ЎТА, Т., 1984, №3, 23-27 б. (Этноонимы Бухарской области).

Найимов С.Н. Ойконимы Бухарской области. АКД.(АН УзССР, Ин-т яз. и лит. им. А.С.Пушкина).Т., 1984, с.19.

Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886 г.

Нафасов Т. Чим, чем топоними ҳақида // Тезисы докладов и сообщений конференции Каршинского пединститута. Карши, 1966, 43-44 б.

Нафасов Т. Қашқадарё область топонимларини ўрганишга доир // Тезисы докладов и сообщений конференции Каршинского пединститута. Карши, 1966, 44-45 б.

Нафасов Т. “Обод” компонентли топонимлар // Қарши Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилар илмий конференциясининг тезислари. Қарши, 1967, с.63-64.

Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области. АКД. (АН УзССР. Инст. яз. и лит.), Т.1968, с.24.

Нафасов Т. Қадимий топонимларни ўрганишга доир // Материалы науч. конф. проф.-преп. состава Самарканд.ун-та, Самарканд, 1968, 126-132 б.

Нафасов Т. Лолистон // “Тулистон”, Т., 1968, №10, с.27.

Нафасов Т. Хона компонентли топонимлар // Қарши Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилар VII илмий конференциясининг материаллари. Самарқанд, Қарши, 1970, с.24.

Нафасов Т. Қашқадарё этнотопонимларига доир // Қарши Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари VII илмий конференциясининг материаллари. Самарқанд-Қарши, 197, с.33-35.

Нафасов Т. Номлар сўзлайди // “Тулистон”.Т., 1970, №10, 21 б.

Нафасов Т. Мактабда географик номларни ўрганиш // Она тили ўқитишнинг айрим назарий ва амалий масалалари, Қарши, 1988, 10-21 б.

Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи (Студентлар учун махсус курс). Т., ТГПИ нашр., 1985, 83 б.

Нафасов Т. Номлар сири // ФТ.Т., 1986, №5, 26-27 б.

Нафасов Т. Асрий номлар // ФТ.Т., 1987, №12, 27 б.

Нафасов Т. Древнеиранские слова в гидронимии Южного Узбекистана // Ономастика Узбекистана, Т., 1987, с.8-10.

Нафасов Т. Уйчи нима дегани? // ФТ. 1988, №3, 18-19 б.

Нафасов Т. Типы названий рек и их притоков Южного Узбекистана // Ономастика Средней Азии. 3. Фрунзе, “Илим” 1989.

Нафасов Т. Ўзбекистон топонимикаси (Спецсеминар) // Махсус курс ва махсус семинар программалари. Каршинский ГПИ, Қарши, 1988, 18-33 б.

Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Ўзбекистоннинг жанубий районлари. Т., “Ўқитувчи”, 1988, 290 б.

Никонов В.А. Введение в топонимику. М., "Наука", 1965.

Никонов В.А. Краткий топонимический словарь. М., "Мысль", 1966, с. 509

Номинханов Ц.Д. Монгольские элементы в этнонимике и топонимике Узбекской ССР // зап.Калмыц.НИИ яз. и лит. и ист. Элиста. 1962, вып.2 с.257-276.

Охунов Н. Кўкон группаси районлари топонимиясининг баъзи грамматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 3-сон. "Фан", Т., 1971, 116-122-б.

Охунов Н. Кўкон группаси районлари этнотопонимларини ўрганишга доир // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. Т., 1975, 208-212 б.

Охунов Н. Кўкон группаси районлари антропотопонимлари ҳақида // Вопросы филологии. Сб. науч.труд.Ташкент.пед.ин-та.Т., 1976, т.168, 108-113б.

Охунов Н. Топонимия Кокандской группы районов. АКД (Ин-т яз. и лит.).1978,с.23.

Охунов Н. Баъзи бир географик терминлар асосида вужудга келган топонимлар // Тилшунослик масалалари, Т., 1978, 158-163 б.

Охунов Н. Кўкон группаси районларининг топонимлари // Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари. Т., 1979, 99-105 б.(Топонимы кокандской группы районов).

Охунов Н. Антропотопонимика нима? (Тилшунослик ҳақида) Т., "Ўзбекистон", 1984, 16 б. (Фан ҳақида суҳбатлар, №46)

Охунов Н. Номлар сўзлайди // ФТ.Т., 1978, №9, 28-29 б.

Охунов Н. Тил ва жой номлари Т., "Ўзбекистон", 1988, 24 б.

Писарчик А.К. Некоторые данные по исторической топографии городов Ферганы // Сборник статей, посвященных искусству таджикского народа. ТИИАИ ТаджССР, т.XVII, 1956.

Поливанов Е.Д. О происхождении названия Ташкент // В.В.Бартольд. Туркестанские друзья. Ученики и почитатели. Т., 1925, с.395-400.

Поспелов Е.М. Топонимика в школьной географии. М., "Просвещение", 1981.

Поспелов Е.М. Школьный топонимический словарь. М., "Просвещение", 1988.

Радлов В.В. Опыт словаря тюрских наречий, т.т. I-IV, СПб, 1893-1911.

Рамазанова М.Н. О микропонимии города Ангрен Ташкентской области // Сб: научн. тр. Ташкент.ун-та, 1979, №580, с.88-93.

Рамазанова М.Н. О словаре топонимов Ташкентской области // Сб. научн. тр. Ташкент. ун-та, 1980, №629, с.90-93.

Рамазанова М.Н. О некоторых причинах переименования топонимов Ташкентской области // Топонимика в региональных географических исследованиях. М., 1984, с.85-87.

Рахматов Т. Одонимы Самарканда // СТ.Баку, 1972, №7, с.54-61.

Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей. АКД.М., 1973, 31 с. (АН СССР, ИЯ).

Рахматов Т. Этимология топонима Самарканд // СТ, 1973, №4, с.43-50

Рахматов Т. Фейл топонимларининг ясалиши // ЎТА, Т., 1973, №5, 52-55 б.

Рахматов Т. О структуре простых топонимов Самарканда // Некоторые вопросы лекс. и грам. тюркских яз.М., 1973, с.71-84.

Рахматов Т. Номлар ва ривоятлар // "Саодат" Т., 1973, №4, с.27.

Рахматуллаев Х.Р., Ибайдуллаев Н. Қадимги номлар издан (топонимика). Т., 1970, 29 б.

Рашид-ад-дин. Сборник летописей, т. I, кн. 1, М.-Л., 1952, кн.2, 1952, т.II, М.-Л, 1960, т. III, М.-Л, 1946.

Савина В.И. Словарь географических терминов и других слов, формирующих топонимию Ирана. М., "Наука", 1971.

Семенов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства бывшего Бухарского ханства. Ташкент, 1929.

Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. СВ. т.V, М.-Л, 1948.

Семенов А.А. Очерк устройства центрального управления Бухарского ханства позднейшего времени. Сталинабад, 1954.

Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана. Список арыков и населенных пунктов бухарской части долины Зерафшана // Известия Туркестанского отделения. Русского Географического общества, т.1, вып.2, Т., 1900, с.179-314.

Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зерафшана // Труды СТАЭ, т.1. Материалы и исследования по археологии СССР, 1950, №15, с.56-66.

Смирнова О.И. К вопросу о среднеазиатских культурах (Из среднеазиатской топонимики) // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. Т., 1970, с.92-93.

Смирнова О.И. Система домусульманских культов в Средней Азии (По материалам топонимики) // Страны и народы Востока. 1971, вып.10, с.90-107.

Смирнова О.И. Авестийские АРА в топонимике Верхнего Зерафшана // Письменные памятники и проблемы истории, культуры народов Востока, М., 1972, с.120-125.

Смирнова О.И. К вопросу о среднеазиатских культах // СЭ, М., 1974, №1, с.131-138.

Смирнова О.И. Из согдийской ономастики // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока, М., 1981, ч.2, с.60-64.

Снесарев Г.П. К истории некоторых категории топонимов у народов Средней Азии и Казахстана // Ономастика Средней Азии, 2, Фрунзе, "Илим", 1980, с.273-282.

Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зарафшанском округе. РГО, т.IV, 1874.

Соколов Ю.А. Ташкент. Ташкентцы и Россия. Ташкент, 1966.

Суперанская А.В. Теоретические проблемы региональных топонимических исследований // Материалы конференции по ономастике Узбекистана, Джизак, 1985, с.10-11.

Суперанская А.В. Что такое топонимика? М., "Наука", 1985.

Сухарева О.А. О терминологии, связанной с исторической топографией городов Средней Азии (ку, махалля, гузар) // "Народы Азии и Африки", М., 1965, с.100-103.

Толстов С.П. К истории древнетюркской социальной терминологии // Вестник древней истории. М., 1938, 1,2.

Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948.

Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.-Л., 1948.

Толстова Л.С. Некоторые вопросы исторической ономастики Хорезмского оазиса // Этнография имен. М., "Наука", 1971, с.246-254.

Толстова Л.С. Топонимы и этнонимы в антропонимии каракалпаков // Ономастика Средней Азии, Фрунзе, "Илим", 1980, с.101-105

Толстова Л.С. Отголоски ранних этапов этногенеза народов Средней Азии в её исторической ономастике // Ономастика Средней Азии, М., Наука, 1978, с.6—17.

Туйчиев В., Маджидов Р. О некоторых особенностях ирано-тюркских географических названий (на материале "Бабурнаме") // Ономастика Узбекистана. Т., "Ўқитувчи", 1987, с.19-20.

Туйчиев У. Отражение этнонимов в топонимии Булунгурского района // Ономастика Средней Азии. 2. Фрунзе, "Илим", 1980, с.34-64.

Туйчиев У. Этнотопонимы и этническая география Джамбайского района // Ономастика Средней Азии. 2. Фрунзе, "Илим", 1980, с.46-54.

Туйчиев У. Топонимы Зарафшанской долины, возникшие в связи с расселением найманов // Материалы конференции по ономастике Узбекистана, Джизак, 1985, с.24-25.

Турахаджаева Р.К. Новые собственные имена в составе специальной лексики на страницах газеты "Хақиқати Ўзбекистон" // Материалы конференции по ономастике Узбекистана, Джизак, 1985, с.31-32.

Тургунов А.К. К этимологии топонима "Андижон" // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана. Т., "Фан", 1987, с.130-136.

Турсунов С. Шеробод // "Фан ва турмуш". Т., 1983, №1, 30 б.

Узоқов Ё., Алиев А. Наманган топонимикасидан // Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. Т., 1968, 87-98 б.

Узоқов С. Наманган топонимикасидан // Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. Т., 1968, 87-98 б.

Узоқов Ҳ. Фаргона, Водил, Куvasой сўзларининг этимологияси ҳақида // Адабиётшунослик ва тилшуносликка оид тадқиқотлар. Т., 1965, 138-146.

Уринбаев Б.У., Бегматов Э.А., Караев С.К. Топонимика Узбекистана (состояние и проблемы) // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. Джизак, 1985, с.3-5.

Филанович М.И. О местоположении и наименовании Ташкента в преарабское время // ОНУ. Т., 1982, №6, с.31-36.

Ханўқов. Описание Бухарского ханства. СПб, 1843.

Хасанов Х.Х. Ценный источник по топонимике Средней и Центральной Азии // Топонимика Востока. М., 1962, с.31-36.

Хасанов Х.Х. Карта мира из книги "ат-Тафхим" Беруни // ОНУ.Т., 1963, №8

Хасанов Х.Х. Отрар или Тараз? // Топонимика Востока, М., 1969, с.161-162.

Хасанов Х.Х. Историко-топонимическая схема Средней Азии // Топонимика Востока. М., 1969, с.156-160.

Хасанов Х. К этимологии названия "Тянь-Шань" // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана. Т., "Фан", 1987, с.136-139.

Хасанов Х. Маҳмуд Кошғарий. Тошкент. "Фан", 78 б.

Хасанов Х. Беруний асарларида топонимика // Беруний ва ижтимоий фанлар. Т., "Фан", 1972, 125-128 б.

Хасанов Х. Ер тили. Тошкент, "Ўқитувчи", 1977.

Хасанов Х. Географик номлар сири: илмий-оммабоп таъриф. Т., “Ўзбекистон”, 1985.

Хасанов Х. Ернинг тили // ФТ.Т., 1965, №8, 16-17 б.

Хасанов Х. Ўртаосиёлик географ ва сайёхлар. Т., “Ўзбекистон”, 1964,

Хасанов Х. Сайёх олимлар. Т., “Ўзбекистон”, 1981.

Хашимов Ж.А. Топонимика Нуратинских гор // Географический сборник Казанского ун-та, Казань, 1966, №1, с.75-79.

Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб, 1843.

Хорошихин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского ханства. СПб, 1876.

Хромов А.Л. Некоторые особенности формирования топонимии Средней Азии в IX-XII вв. // Ономастика Востока. М., 1980, с.132-139.

Хромов А.Л. Согдийская топонимия верховьев Зерафшана // Топонимика Востока. М., 1969, с.87-99.

Хромов А.Л. Тюркские названия в микротопонимии Ягноба / Известия АН Таджикской ССР. Отделение общественных наук, 1967, №3, с.78-81.

Хромов А.Л. О структурных особенностях иранской топонимии Мавераннахра в период IX-XIII вв. // Восточная филология. Душанбе, 1974, вып.3, с.3-25.

Хромов А.Л. Об арабской топонимии на территории Средней Азии // Ономастика Средней Азии. Фрунзе, “Илим”, 1980, с.191-197.

Хуррамов К. Узбекские народные географические термины, обозначающие рельеф южного Узбекистана. АКД, Т., 1981, с. 19 (ИЯЛ АН Узбекистана).

Худжамбердиев Я. Историко-этимологическое исследование топонимии Сурхандарьинской области Узбекской ССР АКД, Т., 1973, 25 с. (Ташк. университет).

Чехович О.Д. Терминологические заметки // “Народы Азии и Африки”, М., 1964, №6, с.69-74.

Чехович О.Д. Бухарские документы XIV в. Т., 1965.

Чехович О.Д. Терминологические заметки. “Народы Азии и Африки”. 1964, №6, с 64-69.

Чехович О.Д. Самаркандские документы XV-XVI вв. М., 1974.

Шаниязов К.Ш. Об исторической топонимике Ташкента // ОНУ. Т., 1982, №7, с.34-40.

Шаниязов К.Ш. Родоплеменные названия кипчаков в топонимии бассейна Зерафшана // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. Джизак, 1985, с.19-20.

Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, "Фан", 1971. -

Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент, 1964

Шерматов А. Қарши шаҳри ва унинг номи ҳақида // Научн. тр. Ташкент. пед. ин-та им. Низами, 1964, т.47, с.187-194.

Шишкин В.А. Варахша. М., 1963.

Шишкин В.А. О названиях ташкентских махалля // Бюллетень Ташкентского Новгородского исполкома. Т., 1925, №45.

Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1940.

Фуломов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959.

Хофиз Таниш. Абдулланом. Тошкент, т. I, 1966, т. II, 1969.

Мундарижа

Сўзбоши	3
Тошкент шаҳри топонимлари	5
Андижон вилояти топонимлари	42
Бухоро вилояти топонимлари	52
Жиззах вилояти топонимлари	66
Навоий вилояти топонимлари	79
Наманган вилояти топонимлари	91
Самарқанд вилояти топонимлари	100
Сирдарё вилояти топонимлари	122
Сурхондарё вилояти топонимлари	125
Тошкент вилояти топонимлари	135
Фарғона вилояти топонимлари	156
Хоразм вилояти топонимлари	164
Қашқадарё вилояти топонимлари	177
Қорақалпоғистон топонимлари	189
Этнонимлар маъноси	201
Топонимканинг кодлари	210
Хотима	222
Адабиётлар рўйхати	223

Суюн Қораев

ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМЛАРИ

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”

Давлат илмий нашриёти

Тошкент - 2005

Директор	Нурислом Тўхлиев
Директор биринчи ўринбосари	Даврон Шораҳмедов
Директор ўринбосари	Муроджон Аминов
География ва геология тахририяти мудир	Абдуқаюм Абдурахимов
Мухаррирлар	Хулкар Алимухамедова Иброҳим Каримов Оҳишта Исаҳожиева
Компьютерда саҳифаловчи	Саида Исломова

Босишга рухсат этилди 20.09.05. Бичими 84x108^{1/32},
12,6 шартли босма табок, 13,5 нашриёт ҳисоб табоғи.
Адади 2000. Буюртма № 304.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.
Тошкент – 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Тошкент, 700128.
У.Юсупов кўчаси, 86.